

63.3

Ўз4

Қ.Ражабов, Б.Қандов,
И.Шоймардонов

ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИННИГ
МУҲИМ САНАЛАРИ

63.3 (59)

У-34

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Қ. РАЖАБОВ, Б. ҚАНДОВ,
И. ШОЙМАРДОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

(ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА)

Тўлдирилган ва қайта ишланган бешинчи нашр

478

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012



УДК: 94(575.1)

ББК 63.3(5Ў)

Ў34

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори Р. АБДУЛЛАЕВ

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор И. САИДОВ,

тарих фанлари доктори А. ОТАХЎЖАЕВ,

тарих фанлари номзоди Б. ПАСИЛОВ

Ў34

Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) / К. Ражабов [ва бошк.]; масъул муҳаррир Р. Абдуллаев. – Тўлдирилган ва қайта ишланган бешинчи нашр. – Т.: «O'zbekiston», 2011. – 448 б.

I. Ражабов, Қаҳрамон.

ISBN 978-9943-01-551-7

Мазкур китобда **Ўзбекистон тарихининг** энг қадимги даврларидан то бугунги кунгача бўлган муҳим саналари хронологияси (йилномаси) ихчам тарзда баён қилинган. Унда Ватанимиз тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арబоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Ушбу китоб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўкувчилари ҳамда олий ўкув муассасаларининг талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, китоб материалларидан **Ўзбекистон тарихи** билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

УДК: 94(575.1)

ББК 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-01-551-7

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

СҮЗ БОШИ

Азиз уқувчи!

«Тарих шундай илмлар сирасига кирадики, уни халклар ва қабилалар бир-биридан ўрганиб, тарқатишга ҳаракат қиласидилар, уни оддий фуқародан тортиб, тужжорларгача қизиқиб ўқийдилар, уни эгаллашда хукмдорлар ва саркардалар беллашадилар, уни тушунишда олимлар ва жохиллар тенглашишга ҳаракат қиласидилар.

... Тарих бу – тадкиқот, ҳақиқатни тиклаш, жамики нарсаларнинг асоси ва ибтидосини аниклаш, ҳодисалар мөҳиятини ўрганишdir».

Бу фикрлар машхур араб тарихчиси ва файласуфи Ибн Халдун (1332–1406)га тегишли булиб, унинг 1370 йили ёзилган «Китоб ал-ибор» («Ибратли мисоллар китоби») асаридан олинган. Шарқда бутун ўрта асрлар давомида тарих фанига катта эътибор билан қаралган. Шунинг учун ҳам тарихчилар ҳар доим давлат арбобларининг ҳимояси ва ардоғида бўлганлар.

Туркистон минтақасида тарих илми буюк олим Наршахий (899–959) фаолияти ва унинг 943–944 йилларда ёзилган «Бухоро тарихи» («Таҳқиқи вилояти Бухоро») номли асари билан ўзининг анъанавий даврини бошлаган бўлса-да, факат XX асрдагина замонавий тарих фанига асос солинди. Туркистон тараккийпарварларининг теран фикрли вакили Фитрат (1886–1938) томонидан XX аср бошларида ёзилган «Мухтасар ислом тарихи» рисоласида ушбу фикрлар мавжуд: «Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараккиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурғон илмдир».

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон – муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат рухида тарбиялаш, уларнинг қалбидаги шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру мухаббат уйғотиш – бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланыётгани ҳаммамизни қувонтиради», дея таъкидлаган эди. Шубҳасиз, бундай улкан ишларни амалга оширишда Ўзбекистон тарихи фанининг ҳам ўз ўрни бор. Тарихимиздаги воқеа-ходисаларни илмий, холис ўрганишнинг аниқ йўлини давлатимиз раҳбари 1998 йил 26 июнда мамлакатимиз тарихчи олимлари, шоир ва ёзувчилари билан бўлган учрашувда аниқ кўрсатиб берган эди.

Шундай килиб, тарих илми ва Ўзбекистон тарихи фани соҳасида юртимизда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, илк бор «Ўзбекистон тарихи» фанидан умумтаълим мактабларининг ўкувчилари учун кўплаб дарсликлар ва қўлланмалар тайёрланди. XXI аср бошларига келиб олий ўкув муассасаларининг талабалари (бакалаврлари ва магистрлари) учун ҳам Ватан тарихидан турли дарсликлар ва ўкув қўлланмалари тайёрлаш жараёни бошланди. Шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид турли мукаммал тадқиқотлар нашр қилинди. Хусусан, 2000 йилда З китобдан иборат «Ўзбекистоннинг янги тарихи», 2000–2006 йилларда 12 жилдан иборат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Бироқ, ҳозиргacha Ўзбекистон тарихининг асосий саналарини энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача ўзига камраб олган алоҳида китоб, яъни Ўзбекистон тарихининг хронологияси тайёрланмаган ва нашр қилинмаган эди. Тўғри, айрим дарсликлар ва китобларда Ўзбекистон тарихининг баъзи даврларига оид хронологик жадваллар келтирилган. Масалан, 2005 йилда нашр қилинган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 11-жилди иловасида ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври йилномаси мавжуд. Аммо бу ишлар улкан уммондан бир томчи ҳисобланади.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, бир гуруҳ тарихчи олимлар (Қ. Ражабов, Ф. Ҳасанов, И. Шоймардонов, И. Меликулова, Г. Хўжаева, Х. Алимухамедова, И. Каримов) 2006 йили «Шарқ» нашриётида «Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)» китобини ўзбек тилида (кирилл имлосида) нашр эттиридик. Ушбу китоб «O'zbekiston tarixi solnomasi» номи билан 2007 йили «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат иммий нашриётида (муаллифлар: Қ. Ражабов, Ф. Ҳасанов) лотин имлосида ҳам нашр қилинди. Мазкур китобнинг учинчи нашри эса 2010 йили «O'zbekiston» НМИУда чоп этилди. Бу китобларда Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача тегишли бўлган асосий саналари ўз ифодасини топғанлиги Ватанимиз тарихи билан кизиқувчи барча ўқувчиларни бефарқ қолдирмади.

Мазкур китоблар нашр қилингач, муаллифлар номига турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилган кўплаб мактублар келди. Бу мактубларда тарихчи олимлар ва оддий ўқувчилар ушбу китоблар юзасидан ўз фикрларини баён қилишган. Шу жиҳатларни эътиборга олиб, мазкур китобнинг тўлдирилган ва қайта ишланган бешинчи нашри тайёрланди.

Китобнинг бешинчи нашрида Ўзбекистон тарихининг қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрлар даври янги маълумотлар билан тўлдирилди. Туркий сулолалар хукмдорлари, давлатларнинг раҳбарлари ҳақидаги маълумотлар имкон қадар кўпайтирилди. Китобнинг аввалги нашрларида кўпроқ темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар, мангитлар сулоласи ҳақидаги маълумотлар ўрин олган бўлса, бу нашрда улар қаторига ҳозирги Ўзбекистон ва унга қўшини худудларда фаолият кўрсатган деярли барча туркий (узбек) сулолалар ва давлатлар ҳақидаги янги далиллар кўшилди. Шунингдек, ушбу муҳим саналарга Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи, XX асрда фаолият кўрсатган давлат ва сиёsat арбоблари ҳақидаги янги маълумотлар ҳам киритилди. Мустақиллик даври солномаси эса сезиларли даражада тўлдирилди ва 2012 йил июнь ойигача бўлган муҳим саналар билан бойитилди.

Тарихдан маълумки, ҳар бир ҳалқ ҳаётида таҳликали ва зиддиятли, фожиали ва зафарли даврлар, тарихнинг бурилиш нукталари бўлади. Бир неча йиллардан иборат кичик бир даврнинг таъсири ҳамда оқибатлари баъзан бир неча ўн йиллар ва асрларга татийди, у келгусидаги тарихий воқеаларнинг боришини кўпинча олдиндан белгила беради. 1917 йил Россияда юз берган Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтариши, унинг Туркистон ўлкасидағи сиёсий жараёнларга таъсири, минтақада совет ҳокимиятининг мажбуран ўрнатилиши, жадидлар фаолияти, Туркистон Мухторияти ҳукумати ва большевиклар томонидан унинг тугатилиши, совет ҳокимиятининг мажбуран ўрнатилиши, Туркистон минтақасида совет режимиға қарши қуролли истиқлолчилик ҳаракати, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига қизил армиянинг боскини ва унинг оқибатлари, Туркистон АССР, Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси, Бухоро Ҳалқ Совет Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топиши, Ўрта Осиёда ер-сув ислохоти, ўзига тўк дехкон хўжаликларининг қулоқ сифатида бадарға килиниши, ўзбек кишлоғининг XX асрдаги фожиаси, совет ҳокимиятининг катагон сиёсати, «Хужум» кампанияси, «маданий инқилоб» ва бошқа воқеалар тарихан қиска муддат – 10–15 йил давомида юз берди. Бирок бу воқеаларнинг акс садоси ва оқибатлари Ўзбекистоннинг қарийб 75 йиллик совет даври тарихига таъсир ўтказиб турди. Солномада Ўзбекистон тарихининг айнан шу даврини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. 1926 йилда Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ССРда ўтказилган районлаштириш сиёсати, вилоятлар, уездлар ва волостлар ўрнида ташкил қилинган округлар (кейинчалик областлар), туманлар ва кишлоқ шуролари, Ўзбекистон ССРнинг худуди ва маъмурий бўлиниши ҳақидаги ўша даврга оид бир қанча архив ва даврий матбуот материаллари ушбу китоб орқали илк марта илмий муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида» китобида яқин тарихимиз (1989–1991 йиллар) тўғрисида сўз

юритилиб, бу даврда Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги интилишлари, мураккаб ва зиддиятли даврда ҳокимият тенасига келган республика янги раҳбариятининг аста-секин, бироқ қатъият ва изчиллик билан бу йўлда олиб борган сиёсати ва унинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши қоникиш ҳисси билан таъкидланади. Шунинг учун ҳам мазкур солноманинг янги нашрида мустақиллик арафаси ва мустақилликнинг дастлабки йиллари тарихини рақамлар ва сўзлар воситасида ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига багишлиб, 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда қўйидаги фикрларни билдириб ўтган эди: «Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳакида, эски тузум инкиrozга дучор бўлиб, собиқ Иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иктисолий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган миллний ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиши қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чораларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантикий ва конуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиклол ўзбек халқига тухфа тариқасида берилмагани, буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чукур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини кайд этишимиз зарур».

Мазкур китоб айнан шу мавзуда Ўзбекистонда яратилган дастлабки жиддий тадқиқотлардан бири эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтишни жоиз деб топдик. Китобда саналарни ёритишда муайян давр

учун хос бўлган тарихий атамалар ва тушунчалардан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Россия империясининг Туркестонда ҳукмронлиги даврига оид генерал-губернатор, область, уезд, волость; совет ҳокимияти йилларида оид область, район, қишлоқ шўроси, совет, совет ҳокимияти, большевиклар, партия съезди, пленум, сессия, босмачи, секретар, район секретари, МК секретари, коммунистик партия, РКП(б) МК, ВКП(б) МК, КПСС, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, вилоят партия комитети (обком), район партия комитети (райком), Узбекистон ССР (ЎзССР), Узбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси, Узбекистон ССР Олий Совети, РСФСР, СССР, СССР Олий Совети, СССР ҳалқ депутатлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Президенти сингари ўз даврининг тарихий атамалари ва ибораларини бугунги китобхон тўғри тушуниши лозим. Ҳар бир даврнинг ўзига хос нафаси ўша даврга хос сўзлар ва иборалар билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам китобда муаммонинг бу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Масаланинг бу жиҳати тарихий ҳақиқатни холис ёритиш учун ҳам жуда муҳимдир.

Китобнинг ушбу нашрини тайёрлашда Узбекистон тарихига оид турли дарслклар ва ўкув қўлланмалар, тарихий тадқиқотлар ҳамда интернет материаллари билан биргаликда даврий матбуот маълумотларидан ҳам фойдаланилди. Хусусан, мустақиллик даври солномасини тузишда «Халқ сўзиз» ва «Ўзбекистон овози» газеталари асосий манба бўлиб хизмат килди.

Муҳтарам китобхон! Асар билан танишиш давомида баъзи камчиликларга дуч келсангиз ёки ушуб китоб материаллари баёни ҳакида бирон фикр пайдо бўлса, ўз мулоҳазаларингизни «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи таҳририятига юборишингизни сўраймиз. Муаллифлар китобнинг кейинги нашрларида ушбу фикрларни албатта инобатга олишади.

Муаллифлар

ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

3 миллион йил аввал – инсоният тарихида палеолит даври бошланди.

2,7 миллион йил аввал – илк палеолит (Олдувай маданияти) даври.

2,2 миллион йил аввал – ер юзида «ишибилармон одамлар» (*homo habilis*) яшаган. Уларнинг қолдиклари Шаркий Африка (Кения, Танзаниянинг Олдувай дараси, Эфиопиянинг Омо дарёси воҳаси) ва Жанубий Африкада топилган. Археологлар томонидан дастлаб топилган бу одам қолдиклари Танзаниянинг Зинж номли қишлоғида жойлашгани учун уни шу жойнинг номи билан Зинжантроп одами деб ҳам атаганлар. Уларнинг суюқ қолдиклари ёнидан тош қуроллар ва ҳар хил ҳайвон суяклари ҳам топилган.

1,9 миллион йил аввал – Африкада «тӯғри юрувчи одам» (*homo erectus*) пайдо бўлган. Олимларнинг фикрича, улар бутун ер юзига, хусусан, Осиё ва Европага тарқалганлар. Осиёда улар синантроп («пекин одами») ва питекантроп («ява одами») номи билан машҳур бўлган. Бу одамларнинг қолдиклари илк бор Хитой ва Ява оролидан топилган. Шунингдек, инсоният аждодларининг қадимги излари Марказий ва Жанубий Европадан ҳам топилган. Улар одам тараққиётининг иққинчи босқичи вакиллари ҳисобланади.

1,7 миллион йил аввал – «ишибилармон одамлар» томонидан ясалган илк меҳнат қуроллари Эфиопиядан топилган.

1,4 миллион йил аввал – инсон томонидан оловдан фойдаланишнинг энг қадимги излари Кения ва Эфиопиядан топилган.

1,4 миллион йил аввал – илк палеолит даври. Ашель маданияти бошланди.

Милоддан аввалги 500 минг йиллик – «түғри юрувчи одам»дан аклли одамзод (*homo sapiens*)нинг куйидаги икки бүгини ажралиб чиққан: Европада пренеандерталлар ва Үрта Шаркда протокроманьонлар. Ҳозирги Хитой худудида пекин *homo erectuslari* яшаган, улар оловни ва унда овқат пиширишни билганлар.

Милоддан аввалги 200 минг йиллик – үрта палеолит даври.

Милоддан аввалги 80 минг йиллик – Европа худудида неандерталлар (*homo sapiens neandertalensis*) тарқалган. Улар биринчи бўлиб ўлган одамларни дафн этишган (таксминан милоддан 30 минг йил аввал неандерталлар бутунлай кирилиб кетган).

Милоддан аввалги 80 минг йиллик – Мустеъ маданияти. Турли меҳнат куроллари ясалган.

Милоддан аввалги 65 минг йиллик – Америка қитъасига дастлабки одамлар келиб ўрнашган. Олимларнинг фикрича, улар Осиёдан Беринг бўғози орқали бу янги қитъага ўтишган. Американинг туб аҳолиси – ҳиндулар билан Евроосиё даштларида яшаган туркй халқларнинг аждодлари биттаprotoхалқдан келиб чиққан.

Милоддан аввалги 40 минг йиллик – замонавий қиёфадаги одамлар яшаган, улар фан тилида кроманьонлар (*homo sapiens sapiens*) деб номланади. Уларнинг дастлабки қазилма суюклари ва маконлари Франция жанубидаги Кро-маньон горидан топилган. Улар Европа, Осиё, Америка ва Австралияга тарқалишган. Улар дастлаб неандерталлар, сўнгра кроманьон одамлар дейилган. Улар ташки қиёфалари, жисмоний тузилиши, бош миясинг ривожланганлиги билан ҳозирги одамларга ўхшаш бўлишган. Уларнинг онги, тили ривожланган бўлиб, бирбирлари билан сўзлаша олганлар. Улар «акл-идрокли кишилар» деб ҳам аталганлар.

Милоддан аввалги 40 минг йиллик – «акл-идрокли одамлар» пайдо бўлиши билан ибтидоий санъат юзага келди.

Милоддан аввалги 40–35 минг йилликлар – ер юзига таркалган одамзод учта катта иркқа: қора, сариқ ва оқ иркларга булинган. Ирк сүзи асли арабча булиб, томир, илдиз ва асос деган маъноларни билдиради. Ирк тушунчасини биринчи булиб, одамзодга нисбатан 1675 йили француз олими Ф. Берне кўллаган. Сариқ, оқ ва қора ирк тушунчасини фанга 1800 йилда француз табиатшунос олими Жорж Кюве киритган.

Милоддан аввалги 40–35 минг йилликлар – бир неча миллион йил давом этган энг қадимги одамларнинг туда даври ўрнида уруғ жамоалари шаклланган.

Милоддан аввалги 40–12 минг йилликлар – сўнгги палеолит даври.

Милоддан аввалги 40–4 минг йилликлар – она уруғи (матриархат) жамоаси даври.

Милоддан аввалги 18–10 минг йилликлар – Мадлен маданияти таркалган давр.

Милоддан аввалги 12–9 минг йилликлар – мезолит даври. «Мезолит» юононча «*tezos*» – ўрта, «*litos*» – тош, яъни ўрта тош даври. Бу даврда ўқ-ёй ясалди, якка овчилик, дайди ҳаёт юзага келди, ёввойи ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланди, бошоқли ўсимликларни ўстириш ўрганилди, коятош суратлари пайдо бўлди.

Милоддан аввалги 9 минг йиллик – Яқин Шарқдаги серҳосил ерлар – Тигр ва Фрот дарёлари ўртасида (бу худуд кейинчалик Икки дарё оралиғи ёки Месопотамия номи билан машхур бўлган) неолит даврининг бошларида дехқончилик вужудга келди. Иерихон (Фаластин) ва Мурейбит (Сурия) каби қишлоқ ҳўжалик манзилгоҳларидағи аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўтди. Мурейбитда дастлабки уйлар курилди. Неолит даври бошланди.

Милоддан аввалги 9–4 минг йилликлар – неолит даври. «*Heolit*» юононча «*neos*» – янги, «*litos*» – тош, яъни янги тош даври. Бу давр она уруғи ривожланган давр ҳисобланади, тошболта ва теша, сопол идишлар ясалди, дехқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик вужудга келди, ўтроқлашиш бошланди ва ишлаб чиқариш ҳўжалиги шаклланди.

Милоддан аввалги 8 минг йиллик – Яқин Шарқда хайвонлар (эчки, күй)ни хонакилаштириш жараёни давом эттирилди ва чорвачилик ривожланди. Ганждара (Эрон) ва Мурейбит (Сурия)да биринчи кулолчилик устахоналари вужудга келди.

Милоддан аввалги 8 минг йиллик – Анатolia (Кичик Осиёнинг қадимги номи)да неолит даври бошланди, дастлабки манзилгоҳлар пайдо бўлди (Хожилар, Азикли).

Милоддан аввалги 8–7 минг йилликлар – Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги ўлкаларда илк ўтрок дехқончилик маданияти, чорвачилик ва савдо-сотик қарор топди.

Милоддан аввалги 7–6 минг йилликлар – дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотик анча ривожланди.

Милоддан аввалги 5500 йил – мис асли (халколит) бошланди. Мис ва темир асрлари прототарихий давр (тарихгача бўлган давр) дейилган. Бу пайтда неолит маданияти тарқалди ва ривожланди.

Милоддан аввалги 5 минг йиллик – неолит даври бутун Ўрта ер денгизи ҳавzasига тарқалди.

Милоддан аввалги 5–4 минг йилликлар – Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида хўжалик янада ривожланиб, катта-кичик қишлоклар пайдо бўлди. Дехқонлар экин майдонларини кенгайтириб, буғдой ва арпадан ташқари тариқ ва зиғир ҳам экканлар.

Милоддан аввалги 4–1 минг йилликлар – ота уруғи (патриархат) жамоаси даври.

Милоддан аввалги 4 минг йиллик ва 3 минг йилликнинг биринчи ярми – энеолит – тош-мис даври. «Энеолит» сўзи юонча-лотинча сўз бўлиб, «эневус» – мис, «литос» – тош деган маънони билдиради. Мисдан қуроллар ясалган. Матриархатдан патриархатга ўтилди.

Милоддан аввалги 4 минг йиллик – Эрон (Сиалк-Тепа) ва Месопотамияда мисдан меҳнат қуроллари (болта, мотига, пичоқлар) ясалди.

Милоддан аввалги 4000 йил атрофида – мис асиридан бронзага ўтиш даври: Месопотамияда (мил. авв. 3750 йил), Эронда (мил. авв. 3200 йил), Хинд дарёси воҳасида (мил. авв. 3000 йил).

Милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталарида милодий 1 минг йиллик бошларигача – жез (бронза) даври. У инсониятнинг энг қадимги даврининг сунгги босқичларидан бири ҳисобланади. Бу даврда жез қуроллардан фойдаланиш Жануби-Фарбий Эрон, Месопотамияда милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталарида бошланган. Худди шу даврдан бошлаб Ўрта Осиё қабилалари ҳам жездан фойдалана бошлаганлар. Сурия, Кичик Осиё, Кипр ва Критда эса милоддан аввалги 3 минг йиллик охири – 2 минг йилликдан бошланган. Миср, Европа ва Ҳинdistон каби мамлакатларда бу маъдандан фойдаланиш милоддан аввалги 2 минг йилликка тӯғри келади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИ ТОШ ДАВРИДА

Милоддан аввалги 1,2–1 млн. йил аввал – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илк палеолит даври (қадимги тош даври). Селунгур ғори (Фарғона водийси)дан тош қуроллар ва ибтидоий одам қолдиқлари топилган.

Милоддан аввалги 700–600 минг йилликлар – милоддан аввалги 40 минг йиллик – Кўлбулоқ макони (Тошкент вилояти) қадимий тош даври ёдгорлиги.

Милоддан аввалги 100–40 минг йилликлар – урта палеолит – Мустье даври. Неандертал одами тўдалари яшаган давр: Тешиктош ғори (Сурхондарё вилояти), Омонқутон ғори (Самарқанд вилояти), Обираҳмат ғори (Тошкент вилояти), Қальча ва Сўх маконлари (Фарғона водийси), Учтут макони (Навоий вилояти), Бўзсув макони (Тошкент). Одам оловдан фойдаланишни ўрганган. Тешиктош ғоридан 9 ёшли неандертал боланинг суюклари топилган.

Милоддан аввалги 70 минг йиллик – Обираҳмат ғори (Тошкент вилояти)дан 8–9 ёшли болага тегишли суюклар чиқкан. Фанда ҳозирги замон одами инқилобий йўл билан пайдо бўлмай, балки эволюцион (тадрижий) йўл билан неандертал одамидан *homo sapiens* одамига аста-секин айланган деган илмий холосага келинди. Ўзбекистон ҳозирги одам пайдо бўлган ҳудудга кириши исботланди.

Милоддан аввалги 40–12 минг йилликлар – сўнгги палеолит даври. Ҳозирги кўринишдаги одамнинг шаклланиши (кроманьон). Обираҳмат ғори (қадимги одам суюклари), Самарқанд макони, Учтут устахонаси (Навоий вилоя-

ти), Оҳангарон устахонаси, Оқтош гори (Тошкент вилояти). Диний тасаввурлар вужудга келган.

Милоддан аввалги 35 – 30 минг йилликлар – матриархат (она уруғи)нинг вужудга келиши.

Милоддан аввалги 12 минг йиллик – Кўшилиш манзилгохи (Тошкент). Ёдгорлик Тошкент ҳудудида сўнгги палеолит давридан бошлаб узлуксиз одам яшаганилигидан далолат беради. Ёдгорликдан қўлга ўргатилган тур (буқа ёки сигир) суюги топилган. Бу эса мезолит даври бошида Узбекистон ҳудудида одамлар чорвачиликдан хабардор бўлганидан далолат беради.

Милоддан аввалги 12 – 7 минг йилликлар – мезолит (Ўрта тош) даври. Ўқ-ёй (камон) кашф этилган. Мачай гори (Сурхондарё), Обишир ғори (Фарғона водийси) ҳамда Зараутсой (Зарауткамар) қоятош расмлари.

Милоддан аввалги 6 – 3 минг йилликлар – Ўрта Осиёда неолит (янги тош) даври. Илк ўтроқ кишлок ҳаробалари Копетдоғ (Туркманистон) этакларида топилган.

Милоддан аввалги 6 – 3 минг йилликлар – неолит даври: Дехқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши, сопол буюмлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш. Калтаминон маданияти (Хоразм), Узунқўл, Тайпоккўл маконлари (Фарғона водийси), Жонбосқалъя (Қорақалпоғистон), Тузкон маданияти, Каптарнинг қуми (Бухоро вилояти).

Милоддан аввалги 6 – 5 минг йилликлар – Жойтун маданияти. Қадимги дехқонлар ва чорвадорларнинг дастлабки ўтроқ маконлари.

Милоддан аввалги 4-минг йиллик охири – Қорақум шимолидаги Унгуз макони.

Милоддан аввалги 4 – 3 минг йилликнинг ўрталари – энеолит (мис-тош) даври: Намозгоҳтепа (Туркманистон), Саразм (Тожикистон).

Милоддан аввалги 4 – 3 минг йилликлар – Зарафшон водийсининг энеолит ва илк жез даврига оид қадимги дехқончилик маданиятига тегишли Саразм археологик ёдгорлиги. Унинг асосида кейинчалик Саразм қишлоғи таркиб топган. У Зарафшон дарёсининг тоғлар орасидан кенг во-

дийга чиқиши жойида, Ойимкүл ёнида жойлашган. Саразм атамаси суғдча саризамин бўлиб, яъни ернинг бошланиши ёки воҳанинг бошланиши демакдир. Ёдгорлик ясси тепачалар кўринишида, 100 гектарга яқин жойни эгаллаган. Бу жойда хаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан то илк жез даврига қадар давом этган. Саразм аҳолисининг иқтисодий ҳаётини деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик ташкил этган.

Саразм археологик ёдгорлигида 7 йил давомида археологик қазиш ишлари олиб борилди ва 10 нуктада қадимги қишлоқ ҳаётининг давомийлигини ўрганиш учун шурфлар қазилди. Натижада ёдгорликда 4 та тарихий босқич аниқланди.

Милоддан аввалги 3400–3200 йиллар – Саразм I босқичи. Бу даврда жамоа оиласлари бир хонали уйларда яшаган, хилхона мавжуд бўлган. Жамоа квартали атрофи эса мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Милоддан аввалги 3200–2900 йиллар – Саразм II босқичи. Бу даврда бир-биридан тор кўчалар билан ажратилган кўп хонали тураржой массивлари пайдо бўлди. Улар атрофида иккита жамоа ибодатхонаси қад кўтарган.

Милоддан аввалги 2900–2700 йиллар – Саразм III босқичи. Бу даврда ижтимоий характердаги монументал бинолар пайдо бўлди. Улар уруғ жамоаларининг маъмурий бино ва ибодатхоналаридан иборат эди.

Милоддан аввалги 2700–2000 йиллар – Саразм IV босқичи. Бу даврда демографик ўзгаришлар билан боғлик ҳолда аҳолининг водий бўйлаб тарқалиши кузатилган. Бу давр акси кулолчиликда яққол кўзга ташланади.

БРОНЗА (ЖЕЗ) ДАВРИ

Милоддан аввалги 3 – 2 минг йилликлар – бронза даври. Ғилдирак ва кулолчилик чархи вужудга келди.

Милоддан аввалги 3 – 2 минг йилликлар – Ўрта Осиё халқлари Шимолий Ҳиндистон, Месопотамия, Миср билан савдо муносабатлари ўрнатган. Бадахшон лаъли (лазурит).

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – Турк атамаси Хитой битикларида қайд этилди.


Милоддан аввалги 2 минг йиллик – Сополлитепа, Жарқўтон манзилгоҳлари мавжуд бўлган давр. Сополли маданияти. Жарқўтон ёдгорлиги – Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган қадимги шаҳар маданияти (Сурхондарё).

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида дехқончилик билан шуғулланувчи жез даври қабилаларининг Сополли маданияти мажмуаси. Бу маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, қўшни Тожикистон ҳудудларидан топиб ўрганилган (Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа, Бўстон, Бўйрачи, Нурек, Тандирйўл). Унинг энг қадимги ва биринчи бор топиб ўрганилган ёдгорлиги Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманидаги Сополлитепа бўлиб, ушбу археологик маданият ҳам шу ёдгорлик номи билан аталади.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – Ўзбекистон ҳудудида зироатчилик (дехқончилик) пайдо бўлди, хом ғишт ва пахсадан кулбалар курилди.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – зироатчиликдан чорвачилик ажралиб чиқди.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – Козбористон ва Жанубий Сибирь, Энасой (Енисей)дан тортиб Ўзбекистон ва Қазақстанга ўтилди. Аз Азиянинг сарбоби бўлган Ҳиндистон, Европа, Африка, Азиянинг шарқий тарзига ташланган.



дарёсигача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган чорвадор қабилаларнинг Андроново маданияти.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик ўрталари ва иккинчи ярми – Тозабоғён маданияти (Хоразм вилояти).

Милоддан аввалги 2 минг йиллик охири – хом ғишт ва пахсадан қурилган қалин мудофаа деворлари бўлган йирик қишлоклар (Чуст, Далварзин) барпо этилди.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик – 1 минг йиллик бошлари – Замонбобо маданияти (Бухоро вилояти), Сувёрган маданияти (Қорақалпоғистон), Чуст маданияти (Намангандарё вилояти), Амиробод маданияти (Хоразм вилояти), Кучкентепа (Сурхондарё вилояти) вужудга келди.

Милоддан аввалги 2 минг йилликнинг биринчи ярми – Ўзбекистонда жез даври уруғ жамоасининг Замонбобо маданияти. Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидан 15 км шимоли-ғарбда жойлашган Замонбобо кўли (номи шундан) соҳилидаги макон (майдони 170 м²) ва қабристон (44 та қабр) ўрганилган. Одамлар ярим ертўла, енгил чайла-ларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чукурчаларга ўрнатилган, усти қамиш билан ёпилган ва сомонли лой билан сувалган. Ўчок ва дон сакланадиган ўралар девор якинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлиятib кўмилган. Чакмоктошдан ишланган кадама ўроклар, ёргучок бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, кўй, эчки суяклари топилган.

Милоддан аввалги 2 минг йилликнинг биринчи ярми – 1 минг йиллик бошлари – Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даврининг Сувёрган маданияти археологик маданияти (Амударёнинг қадимги дельтаси ўнг томондаги чўл ичига ёриб киргани учун Сувёрган номи билан аталган). Сувёрган маданияти қабилалари Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гурӯҳ бўлиб, уларнинг моддий маданияти жанубнинг ўтрок дехқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. Сувёрган маданияти ўз тараққиётида З босқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) босиб ўтган. Милоддан аввалги 1 минг йиллик-

нинг бошларига келиб, Сувёрган маданияти ўрнига Амир-обод маданияти пайдо бўлған.

Милоддан аввалги 2 минг йиллик охирги чораги – 1 минг йиллик бошлари – Фарғона водийсидаги кўхна дехкончилик маданияти: Чуст маданияти. Дехконлар сув бўйидаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида жойлашганлар. Чуст маданияти ёдгорликлари, асосан, Фарғона водийсининг шимолишарқий туманларида учрайди, уларнинг сони ҳозирда 80 дан ортиқ. Бу маданият ҳозирги Чуст шаҳри якинidan то-пилган. Маданият номи шундан (маҳаллий аҳоли Буонамо-зор деб атайди).

Милоддан аввалги 2 минг йилликнинг иккинчи ярми – Шеробод тумани (Шеробод дарё ирмоғи Бўстонсой ўзанининг чап соҳили)да жойлашган Жарқўтон қадимги шаҳар харобаси. Сополли маданиятига мансуб қабила-ларнинг жез даври ёдгорлиги. Жарқўтон аҳолиси суғорма дехкончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Жарқўтон (майдони 100 гектар) мудофаа девори билан ўралган марказий кўргон, оташпастлар ибодатхонаси (Жарқўтон оташкадаси), кабристон (майдони 20 гектар), бир неча даҳалардан иборат бўлган. Жарқўтонда тураржой қолдиклари, ибодатхона, кулолчилик маҳалласи, металл эритиладиган устаҳоналар, 1000 дан ортиқ кабрлар очиб ўрганилди. Тураржой бинолари катта бичимли хом ғиштдан бир ёки бир неча хонали қилиб қурилган. Хоналар саҳни ва девори сомонли лой билан сувалган. Кўчалар тор, даҳа ибодатхонасига борувчи йўлга шағал ётқизилган.

Милоддан аввалги IX–VIII асрлар – қадимги Хоразм сўнгги жез даврининг Амиробод маданияти. Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали атрофидан топиб текширилган (1937–1940). Амиробод маданияти Сувёрган маданияти ва Тозабоғёп маданияти уйғунлашуви асосида шаклланган. Бу маданиятни яратган халқлар уруғ жамоаларига бирлашиб, обикор дехкончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Қишида ёғоч ва камишдан қурилиб, усти лой билан сувалган кулба ва ярим ертўлаларда, ёзда енгил бостирмаларда яшаган.

ТЕМИР ДАВРИ

Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми – қадимги Хоразмда бўлган Кўзалиқир шаҳар-қалъа харобаси. Жайхун (Амударё)нинг кўхна ўзани бўйида жойлашган. Кўзалиқир учбурчак шаклидаги майдон тевараги бўйлаб пахсадан қурилган усти ёпиқ бир неча қатор йўлаклар (умумий узунлиги 6–7 км)дан иборат тураржойлар бўлган. Кўзалиқирдан скифларга хос жез камон ўклари, кулолчилик дастгоҳида ясалган турли сопол идиш ва буюмлар топилган. Аҳоли Кўзалиқир ташқарисида дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Бирор хавф-хатар тугилиши билан молларини ичкарига – мазкур учбурчак майдонга ҳайдаб кирган, ўzlари эса йўлакларда туриб душманни даф қилган.

Милоддан аввалги I минг йиллик бошлари – милоддан аввалги IV аср – қадимги Тошкент воҳасида Бурганли маданияти (илк темир даврига оид археологик маданият).

Милоддан аввалги IX–VIII асрлар – темир даврига ўтиш, кўчманчи чорвадор қабилаларнинг ажралиб чиқиши. «Авесто»нинг энг қадимги қисмларига тартиб берилди.

Милоддан аввалги VIII–II асрлар – скифлар маданияти. Хитойнинг Хуанхэ дарёсидан то Дунайгача кенгликда яшаган дашт қабилаларига тегишли «ҳайвон тасвirlари услуги»да ишланган санъат асарларининг тарқалиши.

Милоддан аввалги IX–VII асрлар – Тошкент воҳасида илк дехқончилик маданияти – Бурганли маданиятининг дастлабки босқичи. Тошкент яқинидаги Бурганлисой соҳилидан топилган манзилгоҳ номи билан аталган. Бурганли маданияти кўчманчи чорвачиликдан ўтрок дехқончиликка ўтган аҳоли маданияти ҳисобланади.

Милоддан аввалги VIII–VI асрлар – Ўзбекистон
худудида темир даври ёдгорликлари. Улар Хоразм, Бухоро,
Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари
ва Фарғона водийсида ўрганилган. Қўзаликир, Қалъаликир
ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шахар
харобалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қурғонлари,
Бўқантов қоятош суратлари шулар жумласидандир. Қўктепа,
Еркўрғон ва Узунқир каби нодир обидалар ҳам улар сираси-
га киради.

**Милодан аввалги VI аср – милодий VIII аср ва ми-
лодий XV–XVI асрлар – Қовунчитепа археологик ёдгор-
лиги мавжуд бўлган давр. У Тошкент вилоятининг Янгийўл
шахридаги Куркулдак каналининг чап соҳилида жойлашган.
Маданий қатламлари Бурганли маданияти ва Қовунчи мада-
ниятига оид бинокорлик қолдиқларидан ташкил топган.**

**Милоддан аввалги VI–IV асрлар – Бурганли мадания-
тининг сўнгги босқичи.**

**Милоддан аввалги III–II асрлар – Бурганли мадания-
тининг Қовунчи маданиятига ўтиш босқичи.**

**Милоддан аввалги II аср – милодий VI аср – Қовунчи
маданияти мавжуд бўлган давр. Қовунчитепа харобасидан
илк марта топиб ўрганилган. Қовунчи маданияти Тошкент
воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Фарғонанинг шимоли-
ғарбий қисмида таркалган. Қовунчи маданияти даври икки
босқичга бўлинади: 1-босқич – милоддан аввалги II–I аср-
лар; 2-босқич – милодий I–VI асрлар.**

ТУРОНДАГИ ДАСТЛАБКИ ДАВЛАТЛАР

Милоддан аввалги XI–III асрлар – Даشتнота (Дуньхуан) ва Наньшан (Чиланьшан) тоғлари атрофида туркй қавм ди томонидан ташкил килинган Юечжи давлати фаолият күрсатди. Бу давлат турли манбаларда юэчжи, юйчжи, ёвчи, рутзиё, рузие номи билан ҳам тилга олинади. Хитой манбасида бу давлат Улуғ Юечжи (Даюечжи) давлати деб номланган. Кейинчалик Бақтрия, Кушон, Эфталийлар, Тоҳаристон давлатларини Улуғ Юечжилар барпо этган. Милоддан аввалги III асрда бу давлат хуннлар томонидан тугатилган. Бақтрияни эгаллаган Улуғ Юечжилар, хитой манбаларида ёзилишича, бу ҳудудни куйидаги 5 ёбғулик (жабғулик)ка бўлиб идора этишган: 1) Вахан (Сюми), маркази – Мўченг шахри; 2) Шуангми (Сямака), маркази – Шуангми шахри; 3) Кушон (Гуйшуанг), маркази – Кандут (Хуциао) шахри; 4) Парвон (Сидун), маркази – Бичжу шахри; 5) Думи ёбғулиги (хитой манбалари). Орадан 100 йил ўтгач, Кушон ёбғулиги 5 ёбғуликни бирлаштириб, Кушон подшолигига асос солган.

Милоддан аввалги X–V асрлар – Кучуктепа сўнгти жез ва илк темир даврига оид кўргон харобаси. Кучуктепа Сурхондарё вилоятидаги Кўхитанг тогининг жанубий ёнбағрида, Уланбулоқсой бўйида, Музрабод қишлоги яқинида жойлашган.

Милоддан аввалги IX–VIII асрлар – милодий VI аср – Еркўргон қадимги шаҳар харобаси. Қарши шаҳридан 10 км шимолда жойлашган. Тарихий манбаларда Бахл, Боло, Валаам, Нашеболо деб тилга олинган. Еркўргон харобаси калъя ва шаҳристондан иборат бўлиб, умумий майдони 150

гектар, буржлар билан мустаҳкамланган икки қатор мудофаа девори билан үралган.

Милоддан аввалги IX–IV асрлар – Қизилтепа шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудида, Қизилсув дарёсининг ўнг соҳилида. Девор ва минораларда ўқ отиш шинаклари бор. Девор атрофига хандак қазилган. Калъа кўргонида пахса ва хом ғиштдан қатор ҳашаматли иморатлар курилган.

Милоддан аввалги IX–IV асрлар – Кўктепа қадимги шаҳар харобаси. Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманига қарашли ҳудудида, Батрак ва Шамат қишлоклари оралиғида, Булунғурсойнинг қадимги ўзани соҳилида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида у Сайилтепа деб аталади. Кўктепа илк темир даври шаҳар харобаси, квадрат шаклида, майдони 23 гектар атрофида, унинг рельефида чор атрофи буйлаб қад кўтарган мудофаа девори ва 4 жойда шаҳар дарвозаларининг ўринлари яққол кўзга ташланади. Кўктепадан 25–35 ёшдаги аёл қабри очилди. Қабрдан ёғоч тушама ва қамиш бўйра излари топилди.

Милоддан аввалги VIII–VII асрлар – Узунқир шаҳар харобаси. Зарафшон тизмасидан бошланган Шўробсой бўйида (хозирги Китоб тумани) жойлашган. Узунқир ўрнида қадимий манзилгоҳ бўлган. Узунқир Китоб – Шахрисабз воҳасининг иқтисодий ва маъмурий марказига айланган. Узунқирдан Тахтақорача довони орқали қадимги Самарқанд (Мароканда)гача бўлган масофа 70 км ни ташкил қилган. Шаҳар Мароканда – Бактра карvon йўли бўйида жойлашиб, муҳим савдо-сотик ва хунармандчилик аҳамиятига эга бўлган. Узунқир ички қалъа ва шаҳар ҳудудидан иборат.

Милоддан аввалги VIII–VII асрлар – Каспий денгизидан жануби-шарқий ҳудудларда парн-парфия қабилалари яшаган.

Милоддан аввалги VIII–VII асрлар – Ўрта Осиё вилоятлари малика Семирамида даврида Оссурия таркибиға кирганлиги ҳакидаги ривоятлар қайд этилди.

Милоддан аввалги VIII–VI асрлар – дастлабки давлат бирлашмалари (Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм). Дастлабки

шахарларнинг вужудга келиши [Афросиёб (Смараканса), Бухоро, Узункир, Еркўрғон, Кўктепа, Қизилтепа, Кўзалиқир]. Ўрта Осиёда зардуштийлик дини тарқалди ва «Авесто» китобига тартиб берилди.

Милоддан аввалги VII – милодий IV асрлар – Турон ва Эрон минтақалари оралиғида Қадимги Хоразм (Катта Хоразм) давлати мавжуд бўлган. Хоразм ҳақидаги илк маълумотлар «Авесто», Доро I нинг Бихистун китобалари, қадимги юнон ва рим муаллифлари милетлик Гекатей, Геродот, Страбон ва бошқаларнинг асарларида учрайди.

Милоддан аввалги VII аср – милодий IV асрлар – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида Суғдиёна (Суғд) давлати мавжуд бўлган. Суғд мамлакати кейинчалик 3 тарихий-географик худуд (Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди, Кеш-Нахшаб Суғди)ни бирлаштирган. Суғдининг пойтахт шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Нахшаб бўлган.

Милоддан аввалги VII аср – II асрлар – Қадимги Бактрия давлати мавжуд бўлган. У Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидағи тарихий вилоятида жойлашган. Асан, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган. Шимолда Суғд, жанубда ва жануби-шарқда Арахосия, Гандхара, ғарбда Марғиёна билан чегараланган. Марказий шаҳри Бактра (Зариаспа) бўлган. Бактрия мил. авв. VI–IV асрларда Ахоманийлар, Александр (Искандар), Салавкийлар салтанатлари, сўнгра мил. авв. III аср ўртасидан Юнон-Бактрия подшолиги таркибига кирган; мил. авв. II асрда тоҳарлар томонидан босиб олингач, Тоҳаристон деб атала бошлаган.

Милоддан аввалги VII – VI асрлар – Гава Сугди вилояти *Навтака* деб аталған. Навтака вилояти Зарафшон тиз масидан бошланиб Ўрадарё воҳасигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Вилоят маркази Узункир қалъаси бўлган.

Милоддан аввалги VII аср ўрталари – VI аср ўрталари – Ўрта Осиё ҳудудининг Мидияга тобе бўлиши. Зарина бошчилигидаги сакларнинг Мидияга қарши кураши.

Милоддан аввалги VII–VI асрлар – форслар Парсуа (кейинчалик Форс) вилоятига күчіб, ўз уруғидан чиққан сардор – Ахмон атрофида бирлашган. Улар Шимолий Эламни бошқарғанлар. Уларнинг дастлабки подшолари Кайхусрав I (Кир I) бўлган. У милоддан аввалги 600–559 йилларда хукмронлик қилган. Қадимги Шарқнинг кўпгина мамлакатларини босиб олган Кайхусрав II (Кир II) Ахоманийлар салтанатини барпо этган (таксминан мил. авв. 558–550 й.).

Таксминан милоддан аввалги 730–550 йиллар – Мидия подшолиги барпо этилиб, пойтахти Экбатона (хозирги Хамадон) бўлган.

Милоддан аввалги 727–675 йиллар – Дейок Мидия подшолигига асос солиб, унинг биринчи ҳукмдори бўлган (Геродот маълумоти).

Милоддан аввалги 720 йил – сак-массагетлар тазиики остида Фарбий Туркистон (Амударёнинг шимоли)дан кувилган киммерийлар Россиянинг жанубига бостириб киришган.

Милоддан аввалги VII аср – саклар шохи Мадий (Мадиес) яшаган ва фаолият кўрсатган.

Милоддан аввалги 680–675 йиллар – скифлар (саклар) киммерийларни таъқиб қилиб, Кичик Осиё ҳудудига ўтганлар ва Киаксарнинг (625–584) Мидия давлатини забт этганлар. Кичик Осиёда 28 йил хукмронлик қилганлар.

Милоддан аввалги VII аср ўрталари – Мидия Қадимги Шарқдаги кудратли давлатга айланди.

Милоддан аввалги VII аср ўрталари – Оссурия подшоси Ашшурбанипал (мил. авв. 669–631) ёздирган хатда саклар подшоси Тугдамманинг қайд этилиши.

Милоддан аввалги 653–625 йиллар – Мидия скифлар таъсирида қолди.

Милоддан аввалги 639 йил – Элам оссурийлар, кейинчалик бобилликлар, эронийлар томонидан босиб олинди.

Милоддан аввалги 626 йил – Туран давлати ҳукмдори Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ўз давлатининг ғарбий қисмida (хозирги Озарбайжон ҳудуди) эронликларга қарши бўлган

жангларнинг бирида ўлдирилди. Туron давлатини унинг ўлимидан сўнг Аморг, Тўмарис, Шу ва бошқалар бошқарди.

Милоддан аввалги 625 йил – Каштарити ўғли Киаксар Мидия подшоси бўлди ва скифларни мамлакатдан кувиб чиқарди.

Милоддан аввалги тахминан 618–554 йиллар – зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт (Заратуштра) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

Милоддан аввалги 614 йил – Киаксар қўшинлари Оссурияга бостириб кириб, унинг пойтахти Ашшурни вайрон қилди ва талади.

Милоддан аввалги 600 йил – Лидия подшоси Алиатт киммерийларни тор-мор қилди.

Милоддан аввалги 590 йил – Урарту Мидия томонидан босиб олинди ва барҳам топди.

Милоддан аввалги 585 йил – подшо Киаксар вафот этиб, Мидия тахтини унинг ўғли Аслак эгаллади.

Милоддан аввалги 558 йил – Парсуа (Форс) тахтига Кайхусрав II (Кир II) ўтириб, Пасаргада шаҳрини барпо этди ва уни давлат пойтахтига айлантирди.

Милоддан аввалги 558–530 йиллар – ахоманийларнинг Форс давлати асосчиси Кайхусрав II (Кир II)нинг ҳукмронлик даври.

Милоддан аввалги 558–330 йиллар – Ахоманийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

Ахоманийлар сулоласи: Кир II (мил. авв. 550–530, Форс ва Аншанда мил. авв. 558 йилдан ҳокимлик қилган), Камбиз II (мил. авв. 530–522), Доро I (мил. авв. 522–486), Ксеркс I (мил. авв. 486–465), Артаксеркс I (мил. авв. 465–424), Ксеркс II (мил. авв. 424), Суғдиён ёхуд Секудиан (мил. авв. 424–423), Доро II (мил. авв. 423–404), Артаксеркс II (мил. авв. 404–358), Артаксеркс III (мил. авв. 358–338), Аресес (мил. авв. 338–336), Доро III (мил. авв. 336–330).

Милоддан аввалги 553–549 йиллар – узаро урушларда Кайхусрав II бобоси Астиаг қўшинларини енгиб, Мидия ва Эламни Парсуа (Форс)га қўшиб олди.

Милоддан аввалги 550 йил – ахоманийлар Мидия давлатини қулатиб, Ўрта Осиёнинг бир қанча вилоятларини ўзларига тобе этганлар.

Милоддан аввалги 546 йил – Эрон шоҳи Кайхусрав II (Кир II) подшо Крезни Сарди ёнидаги жангда маглубиятга учратиб, Лидияни босиб олди (Анатолиядаги Форс мулклири мил. авв. 333 йилгача мавжуд бўлган). Даҳшатли жангдан сўнг 150 йил хукм сурган Лидия подшолиги барҳам топди.

Милоддан аввалги 545–330 йиллар – Ўрта Осиёда ахоманийлар хукмронлиги.

Милоддан аввалги VI аср – Массагетлар маликаси Тўмарис яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

Милоддан аввалги VI–III асрлар – Бухоро воҳасидаги Шодбек гурухи кўргонлари.

Милоддан аввалги 539–538 йиллар – Кайхусрав II (Кир II) Бобил (Вавилон)ни ҳам забт этиб, яхудийларга кайта тикланган Куддусни топширди.

Милоддан аввалги 530 йил июль – массагетлар маликаси Тўмариснинг Туронга бостириб кирган ахоманийлар подшоҳи Кир II га қарши кураши ва фалаба қозониши (юнон тарихчиси Геродот маълумоти).

Милоддан аввалги 522–486 йиллар – Доро I нинг Эронда хукмронлик даври. Бу даврда Форс империяси худуди Хинд дарёсидан Дунайгача чўзилди. Давлат сатраплекларга бўлинди. Солик тизими йўлга кўйилди. Империя учун ягона пул бирлиги – дорика қабул қилинди. Янги пойтакт – Парсуа (Форс)га асос солинди (мил. авв. 513).

Милоддан аввалги VI аср бошлари – Турон ва Эроннинг шарқида Зардушт – Заратуштра (юнонча Зороастр) томонидан зардустийлик динига асос солинди. Зардустийликнинг диний ислоҳотлари мидиялик коҳинлар томонидан ҳам кувватланди.

Милоддан аввалги 522 йил 29 сентябрь – ахоманийларга қарши Фрада бошлилигига Марғиёнада қўзғолон кутарилди.

Милоддан аввалги 519 йил – Доро I нинг саклар устига юриши. Широқ жасорати. Биҳистун коя ёзувларида Турон

қабилалари (саклар, сугдийлар, бақтрияликлар, хоразмийлар) ҳақида ёзма маълумотлар.

Милоддан аввалги 494–493 йиллар – тиграхауда (чўкки калпокли) саклари Дорога қарши курашди.

Милоддан аввалги 494–493 йиллар – ахоманийларга қарши курашган тиграхауда саклари йўлбошчиси Скунханинг асири олиниши.

Милоддан аввалги 490 йил – Ўрта Осиё элатлари иштирокида юононлар билан ахоманийлар ўртасида Марафон жанги бўлиб ўтди.

Милоддан аввалги V аср – сак тилида ёзилган энг қадимги битик – Иссик мозорқўргони (Қозоғистон)дан топилган кумуш идишдаги ёзув (Иссик ёзуви).

Милоддан аввалги V–IV асрлар – Бухорода ҳукмдорларнинг дастлабки қароргоҳи – Аркка илк марта асос солинди.

Милоддан аввалги IV–II асрлар – милодий VIII аср – қадимги Самарқанд (Мароканда) ва унинг атрофидаги қишлоқларни ўраган мудофаа девори – Девори Киёмат курилди.

Милоддан аввалги IV аср – Ўрта Осиёning шимолида хунн қабилаларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

Милоддан аввалги IV аср – Хоразмнинг ахоманийлар ҳукмронлигидан халос бўлиши.

Милоддан аввалги IV–III асрлар – шак қавмларига мансуб юечжи қабилалари Марказий Осиёning гарбий қисмида яшаган.

Милоддан аввалги 358/354–280 йиллар – машҳур саркарда ва давлат арбоби Салавка I Никатор (Музффар) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

Милоддан аввалги 334 йил – Македония ҳукмдори Александр Македонский (Македониялик Искандар) 30 минг пиёда, 5 минг отлик аскар ва 160 ҳарбий кемадан иборат куч билан Кичик Осиёга ўтиб, Эронга уруш эълон қилди.

Милоддан аввалги 334–332 йиллар – даҳшатли жанглар натижасида Александр Кичик Осиёни ҳамда Киликия, Сурия, Финикия ва Фаластиин каби давлатларни босиб олди.

Милоддан аввалги 331 йил 1 октябрь – Гавгамел ёнидаги даҳшатли жанѓда эрон кўшинлари юон қўшини томонидан яна тор-мор этилди.

Милоддан аввалги 329 йил – Спитамен Зарафшон дарёси бўйида юон-македон кўшинини тор-мор килди.

Милоддан аввалги 329 йил – Александр Македонский Урта Осиёга бостириб кирди.

Милоддан аввалги 329–328 йиллар – Урта Осиё халқлари Спитамен бошлигига Александр Македонскийга қарши куршди.

Милоддан аввалги 328 йил – Хоразм шохи Фарасманнинг Александр хузурига иттифоқчилик таклифи билан келиши; Яксарт дарёси (Сирдарё) бўйидаги жанг (Урта Осиё халқларининг Александрга қарши олиб борган жангларидан бири); Спитаменнинг ўлими.

Милоддан аввалги 327 йил ёзи – Александр Амударёни кечиб ўтиб, Ҳиндистонга юриш бошлади.

Милоддан аввалги 325 йил – Александрнинг Ҳиндистонда вафот этганлиги ҳақидаги сохта хабар туфайли юон-македон жангчилари ва маҳаллий аҳоли Бақтрияда қўзғолон кўтарди.

Милоддан аввалги 325 йил – Александр Икки дарё оралиғи (Месопотамия)га қайтиб, Бобилни буюк салтанатининг пойтахтига айлантириди. Александр буюк салтанатни янги пойтахтдан туриб атиги 2 йил бошқаргач, милоддан аввалги 323 йилда вафот этди.

Милоддан аввалги 323 йил – Александрнинг вафот этганлиги ҳақидаги ҳақиқий хабар Ўрта Осиёга етиб келди. Суғд ва Бақтрияга жойлаштирилган 20 минг пиёда ва 3 минг отлик юон-македон жангчиси исёни ва унинг лашкарбоши Пердикка томонидан бостирилиши; Александрнинг ўлими ва империянинг парчаланиб кетиши.

Милоддан аввалги 321 йил – Бақтрия ва Суғдиёна бир ҳокимликка бирлаштирилди.

Милоддан аввалги 315 йил – Александр томонидан тайинланган маҳаллий сатраплар юон-македон сатраплари билан алмаштирилди.

Милоддан аввалги 312 йил октябрь – Бобилнинг лашкарбоши Салавка I Никатор томонидан босиб олиниши билан Салавкийлар давлати хукмронлиги бошланган. Бу давлатга Александр Македонскийнинг саркардаси Салавка (Салавка I) асос солган. У ўз давлати чегарасини Сирдарё ва Ҳинд дарёсига қадар кенгайтиришга эришди.

Милоддан аввалги 312–250 йиллар – Үрта Осиёда Салавкийлар давлатининг хукмронлиги.

Милоддан аввалги 312–64 йиллар – Яқин ва Үрта Шарк (асосан Суря худуди)да Салавкийлар давлати фаолият курсатди. Бу давлатни салавкийлар сулоласи бошқарган. Александр Македонский тузган салтанат таназзулга учрагач, пайдо бўлган. Давлат пойтахтлари – Дажла дарёси соҳилидаги Салавкия (мил. авв. 312–299), Оронт дарёси бўйидаги Антиохия (мил. авв. 300 йилдан). Бу давлат баъзан асосий худудининг номи билан Суря подшолиги деб ҳам юритилган. Давлат асосчиси Салавка I Мидия, Сузиана, Форс (Персия), кейинчалик Үрта Осиёнинг жанубий қисми Бактрияни босиб олди. Мил. авв. 301 йил Месопотамия ва Суря, мил. авв. 281 йил Кичик Осиё ҳам Салавкийлар давлатига қўшиб олинди. Мил. авв. 64 йил Салавкийлар давлатининг охирги худуди – Суря Рим провинциясига айлантирилди.

Салавкийлар сулоласи (мил. авв. 312–64 йиллар): Салавка I Никатор (мил. авв. 312 – мил. авв. 280), Антиох I Сотер (мил. авв. 280 – мил. авв. 261), Антиох II Теос (мил. авв. 261 – мил. авв. 246), Салавка II Каллиник (мил. авв. 246 – мил. авв. 226), Салавка III Сотер (мил. авв. 226 – мил. авв. 223), Буюк Антиох III (мил. авв. 223 – мил. авв. 187), Салавка IV Филопатор (мил. авв. 187 – мил. авв. 175), Антиох IV Эпифан (мил. авв. 175 – мил. авв. 163), Антиох V Евпатор (мил. авв. 163–162), Деметрий I Сотер (мил. авв. 162–150), Александр Балас (мил. авв. 150–145), Деметрий II Никатор (мил. авв. 145–139), Антиох VII Сидет (мил. авв. 139–129), Деметрий II Никатор (мил. авв. 129–125; 2 марта), Салавка V (мил. авв. 125), Антиох VIII Грип (мил. авв. 125–96), Антиох IX Кизикский (мил. авв. 115–95; баъзи ҳудудларда), Антиох III Азиатский (мил. авв. 69–64) ва бошқалар.

Милоддан аввалги тахминан 300 йил – салавкийлардан Салавка I ва Антиох I нинг саркардаси Демодамнинг Сирдарё ортидаги ерларга юриши (Демодам юриши).

Милоддан аввалги III аср – оромий алифбосида ёзилган Қадимги Хоразм ёзуви (Қўйқирилган қалья).

Милоддан аввалги III аср – Шаркий Туркистон ва Шимоли-Шаркий Тибетда яшаган катта ва қудратли қабилалар бирлашмаси хитой манбаларида «да юечжи» (катта юечжилар) деб аталган.

Милоддан аввалги III-II асрлар – Навтака вилоят маркази Узункирдан Китоб шаҳри ўрнида асос солинган янги шаҳарга кўчади. Ёзма манбаларда Сусе деб аталган бу ном Сугда, Суғуд, яъни Суғдиёна тушунчаларидан келиб чиқкан.

Милоддан аввалги 293 йил – Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёна Салавка I томонидан ўғли Антиох I Сотер ихтиёрига берилди. Ўрта Осиё ҳудудида Антиохия шаҳри барпо этила бошланди.

Милоддан аввалги 293 йил – Салавкийлар давлати асосчиси Салавка I ўғли Антиох I ни Ўрта Осиё ерларига ҳоким килиб тайинлади.

Милоддан аввалги 250 йил – Хитой кўчманчи хунн ёки ионн қабилаларига катта микдорда солик тўлашга мажбур бўлган.

Милоддан аввалги III аср ўрталари – Салавкийлар давлати кучсизланди.

Милоддан аввалги тахминан 250 йил – Салавкийлар давлатидан Парфия ҳудуди ажралиб чиқди. Каспий денгизининг жанубий ва жануби-шаркий томонида Месопотамиядан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни ўзига бўйсундирган Парфия давлати вужудга келди. Бу давлатга кўчманчи сак қавмларидан парндах – парн қабиласининг бошлиги Аршак асос солган ва давлатни аршакийлар сулоласи бошқарган. Аршак сўзи «шакларнинг ботири» маъносини англатади.

Милоддан аввалги 250 – милодий 224 йиллар – Парфия давлатида аршакийлар сулоласи хукмронлик килган давр.

Аршакийлар сулоласи: Аршак I (мил. авв. 250 – мил. авв. 248/247), Тиридат I (мил. авв. 248/247 – мил. авв. 211), Артабон I (мил. авв. 211 – мил. авв. 191), Прианат (мил. авв. 191 – мил. авв. 176), Фраат I (мил. авв. 175 – мил. авв. 170), Митридат I (мил. авв. 170 – мил. авв. 138/137), Фраат II (мил. авв. 138/137 – мил. авв. 128), Артабон II (мил. авв. 128 – мил. авв. 124/123), Митридат II (мил. авв. 124/123 – мил. авв. 88/87), Фраат III (мил. авв. 70/69 – мил. авв. 58/57), Ород II (мил. авв. 58/57 – мил. авв. 37/36), Фраат V (мил. авв. 2 – милодий 4), Вонон I (7/8–12), Артабон III (12–38), Готарз II (38–51), Вологес I (51/52–79/80), Митридат IV (128/129–147), Вологес III (148–192), Вологес IV (192–207/208), Вологес V (207/208–222), Артабон V (222–224) ва бошқалар.

Милоддан аввалги тахминан 250 йил – Салавкийлар давлатининг Бактриядаги сатрапи Диодот томонидан Юнон-Бактрия подшолигига асос солинди. Бактрия ва Суғдиёнадаги ҳукмрон юнонлар Салавкийлар подшолиги таркибидан чиқиб, ўз мустақил давлатларини тузишди. Диодот ўзини Бактрия подшоси деб эълон қилди. Давлат ҳудудига ҳозирги Жанубий Тожикистон, Жанубий Ўзбекистон ва Афғонистон кирган. Юнон-Бактрия подшолиги кучайган пайтларда унга ҳозирги Покистон, Шимоли-Фарбий Ҳиндистон ҳамда Суғдиёна ҳам бўйсунганди. Пойтахти Бактра (ўрта асрлардаги Балх) шаҳри бўлиб, унинг харобалари Шимолий Афғонистоннинг ҳозирги Мозори Шариф яқинида жойлашган.

Милоддан аввалги 250–140 йиллар – Юнон-Бактрия подшолиги мавжуд бўлди.

Юнон-Бактрия подшолиги ҳукмдорлари: Диодот (мил. авв. 250 – мил. авв. 230), Евтидем (мил. авв. 230 – мил. авв. 200), Деметрий (мил. авв. 200 – мил. авв. 185), Евкрадиг (мил. авв. 185 – мил. авв. 171), Гелиокл (мил. авв. 171 – мил. авв. 155) ва бошқалар.

Милоддан аввалги III – милодий V аср ўргалари – Сирдарёning ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган Қанғча (Қанғчай) давлати. Бу давлат Қанғ давлати номи билан машҳур

бўлган. Қанғ давлати шарқда Фарғона (Даван, Дайюан), шимоли-шарқда Усун (Үйсун) давлатлари, шимоли-ғарбда Сарису дарёси, ғарбда Сирдарёнинг қуий оқими билан чегарадош бўлган. Кушон подшолиги ташкил топиши ва унинг кудуди кенгайиши муносабати билан Қанғ давлатининг жанубий чегараси ўзгарган. Қанғ давлатининг қишки пойтахт шаҳарлари Битян ва Сушие бўлган. Битян – Бинкат шахри (бошқа манбаларга кўра Қанқа) ўрнида, Сушие эса Паркент туманидаги Сўкоқ (Сукеэке) номли жойга тұғри келади. Қанғ давлатининг ёзги қароргоҳлари Иссиккўл бўйлаб, Коракўл (Пржевальск) ёнида бўлган.

Милоддан аввалги 240 йил – милодий 216 йил – Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) фаолият кўрсатган давр. Бу давлат Тангрикут Хунн давлати номи билан ҳам машҳур. Европа манбаларида бу давлат Гуннлар давлати номи билан келтирилади. У Марказий Мўғалистон, Байкалорти, Хэси йўлаги, Шимолий Хитойда мавжуд бўлган. Хитой манбаларида «шюнну» номи билан қайд этилган. [Милодий 48 йилда Улуғ Хунн хоқонлиги давлати иккига: Шарқий Хунн Тангрикут давлати ва Ғарбий Хунн Тангрикут давлатига бўлиниб кетди.]

Хунн Тангрикут ҳукмдорлари (мил. авв. 240 – милодий 48 йиллар): Туман (мил. авв. 240–210/209), Ботур Тангрикут (Модэ хоқон; Үғузхон – мил. авв. 210/209–174), Кўқхон (мил. авв. 174–161), Кунхон (мил. авв. 161–126), Элчиши (мил. авв. 126–114), Ови (мил. авв. 114–105), Уйшилар (мил. авв. 105–102), Кулигу (мил. авв. 102–101), Кутигу (мил. авв. 101–96), Гулику (мил. авв. 96 – 85), Гуянди (мил. авв. 85–68), Шолой Канқуй (мил. авв. 68–60), Уякути (мил. авв. 60–58), Когошар (Хухей I – мил. авв. 58–38), Кутиош (мил. авв. 38–31), Пожулоноти (мил. авв. 31–20), Шужуноти (мил. авв. 20–12), Кияноти (мил. авв. 12–8), Ужилоноти (мил. авв. 8 – милодий 13), Улуноти (13–18), Гудуарши Давганоти (18–21), Удатку (21–46/48).

Шарқий Хунн Тангрикут ҳукмдорлари (48–216 й.): Бай (Хухай II – 48–56), Чупуноти (56–57), Илга Улути (57–59), Шитонси Суйготи (59–63), Кучи Килинди (63), Гуши Шису

Кути (63–85), Илту Улуты (85–88), Шулан Шису Кути (88–93), Арку (93–94), Тинду Шису Кути (94–98), Ванчи Шису Кути (98–124), Ужику Шису Кути (124–128), Кутино Шису Кути (128–140), Горанно Шису Кути (143–147), Иллин Шису Кути (147–172), Утино Шису Кути (172–178), Гужин (178–179), Канкуй (179–188), Кизи Шису Кути (188–195), Гучукан (195–216).

Фарбий Хунн Тангриқут ҳукмдорлари (48–216 й.): Пану (48–83), Санмоло Отзи (83–84), Улук (84–89), Шимолий Тангрикут (89–91), Эл Текин (91–93), Пангү (93–118) ва бошқалар.

Милоддан аввалги 230 йил – Сүғдиёна ноиби Евтидем I күшинлари Диодот II күшинларини енгип, Бактрия таҳтини эгаллади.

Милоддан аввалги 209–174 йиллар – Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) асосчиси Модэ хоқон (Ботур Тангрикут; Үгузхон) хукмронлик қилган давр.

Милоддан аввалги 209 йил – Салавкийлар давлати подшоларидан Антиох III Парфия устига қүшин тортди. Жангда Парфия күшинлари енгилди.

Милоддан аввалги 208 йил – Антиох III Бактрыйга юриш қилиб, Евтидем I отлик қүшинини тор-мор қилди ва Зариаспа шаҳри (Балх)ни 2 йил бесамар камал қилди.

Милоддан аввалги 208–206 йиллар – салавкийлар подшоси Антиох III билан Евтидем I ўртасидаги юзага келган уруш сулх билан тугади.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми – милодий I аср – Қанғ давлатининг юксалган даври.

Милоддан аввалги 177–176 йиллар – хуннлар ғарб то-монга юриш қилиб, Шаркий Туркистон ва унинг ғарбидаги 26 давлатни, жумладан, Круона, Усун, Хужис (Үғуз) каби хонликларни бўйсундирган. Қанғ (Кангюй) давлати ҳам хуннлар хоқонига тобелик изхор этиб, у билан кудалашган. Хитой билан Буюк Хунн хоқонлиги ўртасидаги чегара Буюк Хитой деворидан ўтган.

Милоддан аввалги 171–138 йиллар – Парфияда шоҳ Митридат I хукмронлик қилди.

Милоддан аввалги 171 йил – Евкрадит билан ўғли Гелиокл ўртасида жанжал чиқди. Евкрадит Гелиокл томонидан ўлдирилди. Гелиокл Юон-Бактрия давлати хукмдори бўлди.

Милоддан аввалги 165 йил – кўчманчи туркий қавм юечжиларнинг хуннлар томонидан тор-мор қилиниши; юечжи қабилаларининг Фарғона водийси ва Сирдарё ҳавзаси орқали ўтиб, Суғдни эгаллаши ва Бактрияга ҳужуми.

Милоддан аввалги 162 йил – Юон-Бактрия подшоси Евкрадит Панжобга қўшин тортиб, уни босиб олди.

Милоддан аввалги 141 йил – Парфия шоҳи Митридат I Мидия билан Бобилни босиб олди ва ўзини Бобил подшоси деб эълон қилди. У Бобил (Вавилон)дан салавкийларни кувиб чикарди.

Милоддан аввалги 140–130 йиллар – Юон-Бактрия давлатига шимоли-шарқ ва шимол томондан сак ҳамда юечжи қабиларининг шиддатли ҳужумлари бошланди. Бу ҳужумлар натижасида Юон-Бактрия давлати ағдариб ташланди.

Милоддан аввалги 138–125 йиллар – хитойлик дипломат ва сайёҳ Чжан Цзяннинг Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёга саёҳати.

Милоддан аввалги 123–87 йиллар – Митридат II хукмронлиги даврида Парфия қўшинлари салавкийлар кўшинларини енгди. Улар Эрон ва Месопотамияни ишғол қилди.

Милоддан аввалги II аср – Буюк ипак йўлининг очилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Милоддан аввалги II аср – сак қабилаларининг жанубга силжиши, Эрондаги Дрангииёна вилоятида, Хамун кўли атрофида жойлашуви, бу худуд Сакастон (Сейпсони) деб аталди.

Милоддан аввалги II аср – Ўрта Осиё чегараларида яшаган хуннларнинг илк марта ёзма манбаларда қайд этилиши.

Милоддан аввалги II–I асрлар – Шоштепада қадимги шахар белгилари пайдо бўлган.

Милоддан аввалги II–I асрлар – хуннларнинг Еттисув ва Сирдарё бўйидаги чўлларга кириб келиши ва маҳаллий сак-массагет қабилалари билан қўшилиб кета бошлиши.

Милоддан аввалги II аср – милодий VI аср – Қадимги Чоч воҳасида Қовунчи маданиятининг тарқалиши (Бўзронтепа, Товкаттепа, Кувандтепа, Шоштепа ва б.)

Милоддан аввалги II аср – милодий III аср – Фарғона водийсидаги Даван давлати. Бу давлат хитой манбаларида Да-юань номи билан юритилган. Даван шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуғ ҳукмдор қароргоҳи Гушан ёки Эршида бўлган.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи чораги – Бактрия тахтининг янги даъвогари – подшо Евкратид Деметрийга қарши кураш бошлайди.

Милоддан аввалги II асрнинг охирги чораги бошлари – Амударёнинг шимолидаги бутун ҳудуд грек ҳокимларидан озод килинди.

Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми – Бактрияниң юон подшоси Менандр Юқори Гангадан то Паталипутра (хозирги Патна) ҳудудигача бостириб кирди. У томонидан қабул қилинган буддавийлик дини Эллин маданияти билан уйғунлашиб кетди.

Милоддан аввалги 104–101 йиллар – Даван давлатининг Хитой истилосидан ҳимояланиши.

Милоддан аввалги 101 йил – Даван пойтахти Эрши мудофааси.

Милоддан аввалги 100 йил – юон ҳокимларининг Бактрияниң жанубий ҳудудларидан сиқиб чикарилиши.

Милоддан аввалги 53 йил – машҳур саркарда Красс бошлиқ Рим қўшинлари билан Парфия подшоси Ород (хукмронлик даври: милоддан аввалги 55–37) қўшинлари ўртасида жанглар бошланиб кетди.

Милоддан аввалги 38 йил – парфиялкларнинг Мидияга қилган юришлари мағлубият билан тугади.

Милоддан аввалги I аср – Талли Барзудан қадимги сугд ёзуви топилди.

Милоддан аввалги таҳминан I аср – саклар томонидан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда, Гандхара вилоятида Ҳиндсак давлати барпо этилди.

Милоддан аввалғи I аср охири – милодий I асрнинг биринчи ярми – Кушон подшолигининг асосчиси Кужула Кадфиз (Кадфиз I) яшаган давр.

Милодий I аср бошлари – Кушон подшолигига асос солинди. Бу давлатга кўчманчи юечжилар (тоҳарлар)нинг гүйшуан (кушон) қабиласи етакчиси Кужула Кадфиз асос солган. Кушонларнинг дастлабки мулклариға Шимолий Бақтрия (ҳозирги Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг жануби ва Туркманистоннинг жануби-шарқидаги ерлар) кирган. Ўрта Осиёда Кушон мулкларининг шимолий чегараси Ҳисор тизмаси бўйлаб ўтган, у ерлардаги тоғ дараларида ғоятда мустаҳкам чегара деворлари қурилган.

Милодий I–III асрлар – Кушон подшолиги даври.

Кушон подшолари: Кужула Кадфиз I (15–45/51), Вима Кадфиз II (45/51–78), Канишка I (78–123), Хувишка (151–190), Васудева (191–231), Канишка II (229/231–247), Канишка III ва бошқалар.

Милодий 48 йил – Улуғ Хунн хоқонлиги давлати иккига: Шарқий Хунн Тангриут давлати ва Ғарбий Хунн Тангриут давлатига бўлиниб кетди.

58 йил – Парфия шоҳи Вологез I Рим империясига қарши курашди.

78–123 йиллар – Кушон подшолиги хукмдори Канишка I даври. Кушон-Бақтрия тили давлат тили сифатида қабул килинди. Буддизмнинг янги мазҳаби – маҳаяна расмийлаштирилди. Пойтахт Далварзинтепа (ҳозирги Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани худуди)дан Пешовар шахрига кўчирилди.

89–134 йиллар – Хунн хоқонлиги билан хитойликлар ўртасидаги уруш хитойликларга ғалаба келтирди. Торим воҳасидаги асосий шаҳарлар хуннлардан тортиб олинди. Хуннлар Қанғ давлати ҳудудига чекиниб, икки асрга якин мазкур давлат ерларида яшадилар.

99 йил – Кушон элчилари Римга борди.

164 йил – Парфиянинг пойтахти Ктесифон римликлар томонидан вайрон қилинди ва ёкиб юборилди.

II аср охири – III аср бошлари – ички ўзаро урушлар Парфия давлатининг кучсизланиб қолишига олиб келди.

II–III асрнинг биринчи ярми – Чоч атамасининг илк бор Култепа (Чимкент вилояти) топилмаларида учраши.

II–IV асрлар – хунн қабилаларининг Орол бўйларига келиши.

208 йил – Парфия давлати икки қисмга бўлинди.

Тахминан 216–277 йиллар – Моний ибн Фатак яшаган ва у монийлик таълимотига асос солган.

224 йил – Парфия давлати парчаланди.

224 йил – Парфиянинг жануби-ғарбидаги Парсуа (Форс) вилояти қайта юксалиб, сосонийлар сулоласига асос солган давлат ташкил топди. Сосонийлар уруғидан бўлган Форс шоҳи Ардашер Парфия шоҳи Артабон IV ҳокимииятига қарши чиқди. Аршакийлар сулоласи Парфияда ўз ҳокимииятини туғатди. Сосонийлар сулоласи ҳокимииятни эгаллади.

224–239 йиллар – Ардашер I нинг ҳукмронлик даври. У Сосонийлар давлатига асос солди. Давлатнинг номи Порсо вилояти (Форс)нинг сосонийлар уруғидан бўлган биринчи шоҳи Папакнинг отаси Сосон номи билан аталган.

224–651 йиллар – Сосонийлар давлати ҳукмронлиги даври.

Сосонийлар сулоласи: Ардашер I (224–239), Шопур I (239–272), Ҳурмузд I (272–273), Баҳром I (273–276), Баҳром II (276–293), Баҳром III (293), Нарсе (293–302), Ҳурмузд II (302–309), Шопур II (309–379), Ардашер II (379–383), Шопур III (383–388), Баҳром IV (388–399), Яздигард I (399–420), Баҳром Гўр (421–439), Яздигард II (439–457), Ҳурмузд III (457–459), Феруз (459–484), Балаш (484–488), Қубод I (488–496; 498–531), Замасп (496–498), Ҳусрав I Ануширвон (531–579), Ҳурмузд IV (579–590), Ҳусрав II Парвиз (591–628), Қубод II (628), Ардашер III (628–632), Яздигард III (632–651).

226 йил – Ардашер I Ктесифонни босиб олиб, ўзини шоҳаншоҳ (шоҳлар шоҳи) деб эълон қилди ва бутун Эрон-

да хоқимиятни эгаллади. Ардашер I пойтахтни Стажр шах- . .
ридан Дажла дарёси бўйидаги Ктесифонга кўчириди.

239–272 йиллар – Ардашер I вафотидан кейин Сосонийлар давлати таҳтига унинг ўғли Шопур I ўтириди ва хукмронлик қилди.

242–243 йиллар – шиддатли жангларда сосонийлар шохи Шопур I Кушон подшолиги устидан ғалаба қозонди. Ички низолар, гарбдан сосонийлар ва шимолдан кўчманчи кабилаларнинг шиддатли ҳужумлари туфайли кейинчалик Кушон подшолиги емирилиб, батамом барҳам топди (III аср охири).

244–251 йиллар – сосоний қўшинлари Жанубий Арманистон ва Қадимги Оссурияни босиб олди.

III асрнинг иккинчи ярми ва IV аср – Сосонийлар давлати Шарқдаги энг қудратли давлатга айланди.

Тахминан 255 йил – Эрон шохи Шопур I Пешовар (Пакистон)ни босиб олди. Айрим тарихчиларнинг ёзишича, унинг қўшинлари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди)га ҳам бостириб кирган.

260 йил – Шопур I Рим императори Валерианни Месопотамиянинг шимолидаги Эдесса шаҳри яқинидаги бўлган жангда асирга олди.

III аср охирлари – ички курашлар ва гарбдан сосоний қўшинларининг берган қақшатқич зарбалари остида Кушон салтанати емирилиб, унинг ўрина катта-кичик давлатлар ташкил топди.

305 йил – Хоразм Қанғ давлатидан ажралди; Хоразмда Афригийлар давлати вужудга келди (асосчиси шоҳ Африг); пойтахт Тупроққалъадан Катға кўчирилди.

305–995 йиллар – Хоразмда афригийлар сулоласининг хукмронлик даври. *Афригийлар сулоласи:* Африг, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ва бошқалар.

309–379 йиллар – Эронда сосонийлар шохи Шопур II нинг хукмронлик даври.

325 йил – Шопур II миллий синод (диний кенгаш) чакириб, зардуштийликнинг мұқаддас китоби «Авесто»нинг сунгги таҳрирдаги матнини қабул қилди.

353 йил – хионийларнинг Сүфд вилоятига кириб келиши. Уларнинг илк бор тарихий манбаларда қайд этилиши (Аммиан Марцеллин маълумоти).

IV асрнинг 60–70-йиллари – сосоний қўшинлари римликлар билан яна тўқнашиб, Арманистон ва Месопотамиянинг кўп жойларини босиб олди.

Тахминан 370 йиллар – Ўрта Осиёда хионийлар хукмронлиги ўрнатилди.

370 йил – V асрнинг иккинчи ярми – Хионийлар давлатининг хукмронлик даври. Бу давлатга туркий қабилалардан хионийлар (европа манбаларида оқ хуннлар) асос солган бўлиб, давлатнинг маркази Зарафшон воҳасида бўлган. Баъзи тадқиқотчilar фикрига кўра, улар дастлаб Олтой тоғлари атрофида яшашган ва IV асрнинг биринчи ярмида жануби-гарбга силжиб, Амударё ва Сирдарё оралигига кириб келишган. Бу ерда дастлаб улар Зарафшон воҳасини эгаллаб, жанубга ҳаракат қилишган ва анча заифлашиб, сосонийлар Эронига карам бўлиб қолган Кушон подшолиги ўрнини эгаллаганлар ҳамда маркази Тохаристон бўлган Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Хурросоннинг бир кисмини ҳам ўз ичига олган Хионийлар давлатини барпо қилишган.

383 йил – Тохаристон атамасининг манбаларда илк бор қайд этилиши.

394–555 йиллар – Биринчи Авар хоқонлиги фаолият кўрсатди. Бу давлат баъзи манбаларда Авар хонлиги (Жужан хонлиги) ҳам дейилади. Хонлик ҳудуди шарқда Корея, шимолда Байкал кўли, жанубда Мўгулистон чўллари, гарбда Қораشاҳаргача бўлган ҳудудни эгаллаган.

Авар хоқонлари: Толун I (394–410), Холиу (410–414), Талан (414–429), Ути (429–444), Тогачин (444–464), Учин (464–485), Толун II (485–492), Нагай (492–506), Токхан (506–508), Чуну (508–520), Бираҳман (520–521), Ай Нагай (521–552), Тоба (552–553), Динҳо (553), Кут (553), Диншузи (553–555) ва б.

395–423 йиллар – хуннлар йўлбошчиси Атила (лақаби Худонинг газаби) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

399 йил – Эрон таҳтини Баҳром IV ўрнига Яздиғард I (Шопур III нинг ўғли) эгаллади.

V аср бошлари – Иssiққўлнинг ғарбида хуннлар Юебанъ (Яйпан) давлатини ташкил этди. Бу давлат кейинчалик Или водийси ва унинг жанубидаги ерларни ўз назорати остига олди.

418–468 йиллар – Кидарийлар давлати фаолият кўрсатди. Кўчманчи чорвадор аҳоли – тоҳарлар кушонларнинг авлодларидан бўлиб, Кидар исмли ҳукмдор уларнинг йўлбошчиси эди. Шунинг учун улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар Амударё ҳавзаси ҳамда Фарбий ва Жанубий Сирдарё ерларини ишғол этиб, Хионийлар давлатининг жанубий кисмida ўз давлатларига асос солгандар. Давлат пойтахти Балх шаҳри бўлган.

Тахминан 420 йиллар – токарларнинг Амударё ҳавзасига кириб келиши.

420–579 йиллар – Ўрта Осиёда Эфталийлар давлати фаолият кўрсатди. Бу давлат манбаларда Оқ хуннлар давлати деб ҳам аталади. Унга эфталийлар, эфталитлар, хайталлар, абдаллар, йе-да каби турли номлар билан аталган Эфталийлар қабилалар иттифоқи асос солган. Улар V аср бошларида Ўрта Осиё худудига шарқдан кириб келган. Эфталийлар туркий давлатининг пойтахти аввал Бухоро яқинидаги Пойкенд ва Варахша шаҳарлари, сўнгра Ҳиндистондаги Шакала шаҳри (ҳозирги Сиалкат) бўлган. Бу давлатга Ўрта Осиёдан ташқари Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва ҳозирги Покистон худудлари ҳам кирган.

Эфталий ҳукмдорлар: Оқ Сивар (420–470), Эфталон (470–490), Тўрамон [Торомана] (490–515), Михирақула [Мехрикор] (515–540), Гатфар (540–565), Фаганиш (565), Вахшунвор [Ахшунвар; Хушнавоз] (565–579) ва бошкалар.

421–438 йиллар – сосонийлар шохи Баҳром Гўр (Варахран V)нинг хионийларга қарши кураши.

421–439 йиллар – Эронда Яздиғард I нинг ўғли Баҳром V (Баҳром Гўр)нинг ҳукмронлик даври.

Тахминан V аср биринчи ярми – 800 йил – Суғд ихшидлари конфедерацияси мавжуд бўлган. Суғднинг марказий

пойтахтлари Самарқанд, Бухоро ва Кеш шаҳарлари бўлган. Суғд мамлакати уч тарихий-географик ҳудуд: Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди ва Кеш-Нахшаб Суғдини бирлаштирган. Бу пайтда Бухоро тарихий вилоятини эларслонийлар туркий сулоласи подшолари – бухорхудотлар бошқарганлар.

Суғд ихшидлари (435–800 йиллар): Гайвуди (435–440); Шифу-ти (VI аср сўнгги чораги); Тайшеби (VI аср охири), Каймочжо [Кюе-му-чжи; Чюмучжи/Цюймучжи] (600–620); Шишпир [Шашеби/Шишбир] (640/642–650/655), Авархуман [Вархуман/Фухуман] (650/655–675), Урк Вартрамука (675–695), Тукаспадак [Дусабати] (695–698), Мастич Унаш [Ўнўқ] + Нинешиш [Ниниёшиши] (698–700); Тархун [Тухун] (700–710), Гурак [Улэга] (710–738), Турғар [Улэга] (738–750); Баничур [Мо-чжо/Йазид] (780–800) ва бошқалар.

Эларслонийлар туркий сулоласи подшолари – бухорхудотлар (585–782 йиллар): Эларслон (Шери Кишвар) (585–605); Шелидин/Шели (605–620), Нишу Гяна Шад/Кано (620–630), Хелинце (630–639/640), Ша/Шаба (639/640–660), Бидун (660–673), Малика Хотун [Қабаж Хотун; Хўтак Хотун] (673–692), Тағшода I ибн Бидун (692–724), Тағшода II (724–738), Кутайба ибн Тағшода (738–753), Тағшода III (753–768), Сукон (768–775), Бунёд (775–782) ва бошқалар.

Вардонхудотлар подшолари (VI аср охири – VIII аср боши): Вардонхудот ва бошқалар.

Кеш ихшидлари [хукмдорлари] (640–760 йиллар): Тично (640–642), Шишпир (642–655), Чжаоу Шиагие (656–660); Хуттал подшосининг амакиваччаси (660–680); номаълум хукмдор (700–720); Вик (720–727), Ахубидо [Ахурпат] (727–730), Йанътунъ (731/732–738), Хубо Йанътунъ ўгли (738–739), Сицзинъти – ал-Ишканд (739–746/747), Ихрид (747–752), Таран (752–760) ва бошқалар.

Тахминан 430 йиллар – сосонийлар шоҳи Баҳром Гўр (Вараҳран V) Марв атрофида хионийларни енгди.

433–453 йиллар – гуннлар подшоҳи Аттиланинг ҳукмронлик даври.

V аср ўрталари – Евроосиё даштларида ташкил топган Хуннлар давлати анча кучайди.

451 йил 15 июнь – Ғарбий Рим империяси ва унинг иттифокчилари (франклар, вестготлар, бургундлар, аланлар ва б.) ҳамда Аттила бошчилигидаги хуннлар ва уларнинг иттифокчилари (остготлар, гепидлар ва б.) ўртасида Каталаун жанги (Шимоли-Шарқий Франциянинг Труа шаҳри ғарбидаги Каталаун яланглигига) бўлиб ўтди. Каталаун жанги тарихда «Халқлар жанги» номи билан машхур бўлган. Бу жангда 180 000 киши ҳалок бўлди. Жангдан кейин Аттила Рейн ортига қайтди ва янги куч билан Шимолий Италияга бостириб кирди.

451–452 йиллар – Аттила бошчилигидаги хуннлар Рим империяси қўшинларини тор-мор қилиб, Шимолий Италиянинг Аквилея вилояти, Альтинум, Педуя, Милан ва бошқа шаҳарларини эгаллашган; Рим қамал қилиниб, катта бож звазига омон қолган. Сўнгра Аттила қўшинлари Дунай дарёси орқасига қайтган.

453 йил – Аттила вафот этгач, Хуннлар давлати кучизланди. Унга тобе бўлган қабилалар мустакил бўлиш учун қўзғолон кўтарди. Хуннлар Париж ва Рим атрофларидан орқага чекиндилар. Хуннлар давлати таназзулга юз тутди. Уларнинг 455 йили Паннонияга, 469 йили Болқон яриморолига қилган юришлари мағлубият билан туғади. V аср охиirlарида Европадаги Хуннлар давлати барҳам топди.

ТУРКИСТОН ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА (V–VIII асрлар)

457 йил – эфталийлар шоҳи Вахшунвар Чагониён, Тоҳаристон ва Бадаҳшонни забт этди.

V асрнинг иккинчи ярми – Эрон қўшинлари хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар билан ҳам шиддатли жанглар олиб борган.

470–529 йиллар – маздакийлик таълимотининг асосчиси ҳамда маздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак ибн Ҳамадон яшаган ва фаолият кўрсатган давр. Зардушт коҳинлари ҳамда зодагонларига қарши дехқон ва хунармандлар қўзғолонига бошчилик қилган Маздак 529 йили қўзғолон бостирилгач, катл этилған.

484 йил – сосонийлар шоҳи Феруз (Перӯз) эфталийлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Вахшунвар Эрон устига катта ўлпон солди ва Марв, Кобул, Панжобни ҳамда Шарқий Туркистондаги Корашар, Куча, Кошғар ва Хутанни забт этди.

487–541 йиллар – Биринчи Уйғур хоқонлиги даври («Аравалилар» давлати).

Биринчи Уйғур хоқонлари: Ай Ужру (487–508), Бариян (508–510), Ботур (510–516), Эл Бек (516–520), Юку (520–537), Багчи (537–541).

V–VI асрлар – Термиз шаҳридан 30 км шимолда термизшоҳлар қалъа-қасри – Болаликтепа бунёд этилган.

V–VI асрлар – кадиварлик тизими шаклланди.

V аср охири – VI аср ўрталари – Ҳиндистонда ҳам Эфталийлар давлати фаолият кўрсатган. Бу давлат Тўрамон ва унинг вориси Михирақула даврида қудратли бўлган.

V–VIII асрлар – Варажшада Эфталийлар давлати ва Бухорхудотлар подшолигининг ёзги қароргоҳи жойлашган.

VI–VII асрлар – Тохаристоннинг гуллаб-яшнаган даври.

VI–VII асрлар – халажжларнинг Еттисувдан Жанубий Туркистон (хозирги Афғонистон ҳудуди)га кўчиш даври.

502 йил – сосонийлар шохи Кубоднинг эфталийлар билан иттифокда Византияга қарши юриши; Харран (Карра) шахри қамал қилинди.

502–506 йиллар – эфталийларнинг сосонийлар томонидан туриб Византияга қарши курашда қатнашиши.

519 йил – Хитой сайёҳи Сон Юнинг Тохаристонга келиши.

VI аср ўртаси – VIII аср охири – Иккинчи Авар ҳоқонлиги даври. Паннония (хозирги Венгрия, Югославия ва Австрия ҳудудининг бир қисми)да аварларнинг давлат бирлашмаси бўлган. Давлатга йирик саркарда Баёнхон асос солган.

551 йил – Бумин томонидан Буюк Турк ҳоқонлигига асос солинди. Давлатнинг маркази Олтойда бўлган. У тез орада Хитойдан Кора дengизгача бўлган ҳудудни эгаллаб, қудратли давлатга айланди.

551–745 йиллар – Буюк Турк ҳоқонлиги фаолият кўрсатган давр.

Бу давлат 603 йилда Шарқий Турк ҳоқонлиги ва Ғарбий Турк ҳоқонлигига бўлиниб кетди. Биринчи Турк ҳоқонлиги даври 551–603 йилларни, Иккинчи Турк ҳоқонлиги даври 681–745 йилларни ўз ичига олади.

Буюк Турк ҳоқонлари (Қўқ Турк ҳоқонлари): Бумин (551–553), Муқан (553–572), Таспар (572–581), Савар Лоҳан (581–587), Чор Бага (587–588), Тўнга Турон (588–600), Кикин Тури (600–603).

Шарқий Турк ҳоқонлари: Кикин Тури (603–609), Сивар (Шиби; 609–619), Чулук (619–621), Эл-ҳоқон (620/621–630/639), Сирба (639–646), Чиби (646–647), Иби Толо (647–653), Чинжу ябғу (653–659), Асина Торчи (659–676), Тучи (676–678), Асина Низук (679–680), Асина Инан (680), Асина Қутлук (Қутлуг Элтариш; 680–691), Бекчўр Қапаған (691–716), Билга (716–734), Асина Билга (734–739), Билга

Кутлуғ (739–741), Пан Кол (741–742), Суйин (742), Озмиш (742–744), Болмиш (744–745).

Гарбий Турк хоқонлари (Үн үқ бошқаруви ҳукмдорлари): Истами ябғу (552–576), Билга Тарду (576–600) + Апа (576–593); Инал (593–600); Чолу (600–610), Шихэй (Шегуй; 610–618), Тун ябғу (618–630), Си ябғу (630–633), Багаша Толис (633–634), Ишпара Тириш Тунна (Эл-билга Ишбара; 634–641), Епи Толу (641–651), Асина Алл (Улуг Ишбара; 651–657), Асина Миш (658–662), Асина Боркин (662–666), Асина Торчи (671–679), Асина Низук Бек (679–680); Асина Ялчин (686–693), Асина Хужилу (иккинчи марта; 686–690), Асина Кайду (699–704), Асина Шан (704–710), Ужили (710), Соги (710–718), Сулухан (718–738), Асина Үн Үк (738–742) ва б.

554 йил – сосонийлар шохи Хусрав I Ануширвон эфталийларга қарашли Тохаристонни босиб олган.

VII аср иккинчи ярми – Тохаристон (Чағониён) ҳокими Туронтош номидан Сүғд ихшиди Авархуман ҳузурига Бухорзотнинг элчилиги.

563–567 йиллар – Турк хоқони Истами ябғу Эрон билан иттифоқ тузиб Эфталийлар давлатини тор-мор келтирган.

565 йил – эфталийларга туркийлар томонидан зарба берилди.

567 йил – Тохаристон Турк хоқонлиги таркибиغا қўшилди.

567 йил – сүғд савдогари Маниах бошчилигидаги Турк хоқони элчиларининг Эронга бориши.

568 йил – туркий қабилалар ҳисобланган аварлар ҳозирги Венгрияга келиб ўрнашди.

568–569 йиллар – Маниах бошчилигига элчиларнинг Византияга бориши.

569 йил – Земарх бошлиқ Византия элчиларининг Турк хоқони ҳузурига келиши.

570/571–632 йиллар – ислом дини ва биринчи мусулмон жамоасининг асосчиси Пайғамбар Мухаммад (САВ) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

572 йил – Истами хоқоннинг дағн маросими, унда Византия элчиси Валентиннинг иштироки.

585–586 йиллар – Аброй бошчилиғида Бухорода күтаприлган халқ күзғолони.

VI–VII асрлар – Хоразмда янги шаклдаги қишлоқлар – қатта-катта оиласлар яшайдиган, мустаҳкамланган қаср-күргонлар пайдо бўлди.

585–782 йиллар – Бухоро шаҳри ва унинг атрофида мавжуд бўлган Бухорхудотлар подшолиги (хокимлиги) даври. Бу давлат Фарбий Суғд (Бухоро воҳаси)да, яъни ҳозирги Бухоро вилоятининг Бухоро, Вобкент, Когон, Ромитан, Жондор ва Коракўл туманлари ерларидан иборат бўлган. Давлатни туркий эларслонийлар сулоласи вакиллари бошкарган. Унинг пойтахти Бухоро ва Варахша шаҳарлари эди.

588 йил – турк хокони Қорачурин хазарлар ва Византия ёрдами билан Эронга қарши юриш қиласи, бироқ сосонийларнинг туркий лашкарбошиси Баҳром Чубин уни тор-мор қиласи ва ўлдиради.

VI аср охири – VIII аср бошлари – Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий кисмida, ҳозирги Шофиркон, Пешку, Ғиждувон, Кизилтепа туманлари ҳудудида Вардонхудотлар подшолиги (хокимлиги) фаолият кўрсатган.

600 йил – Самарқанд, Бухоро, Вардана, Кеш, Уструшона, Фарғона, Чоч ва бошқа шаҳарлар ҳамда давлатлар ҳакида хитой солномачиларининг маълумоти.

Тахминан 600–894 йиллар – Уструшона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган. Уструшона вилояти Сирдарёning сўл кирғоғи билан Сангзордарё оралиғидаги ҳудудни ўз ичига олган (ҳозирги Тожикистоннинг шимоли-ғарбий кисми ва Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари). Бу мулк ҳам аввал Турк хоконлиги, сўнгра Араб халифалиги таркибида бўлган.

Уструшона афшинлари [хукмдорлари] (600–894 йиллар): Чирдмиш, Сатачари I, Раҳанч I; Сатачари II, Сатачари III, Раҳанч II, Раҳанч III; Ҳарабуға [Қорабуға] (720–738), Ҳанҳара [Хонкора] (738–800), Қобус (800–825), Ҳайдар [ал-Афшин] (825–840), Ҳасан (840–860), Абдуллоҳ (860–880), Сайр (880–894) ва бошқалар.

603 йил – Буюк Турк хоқонлиги давлати Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлиниб кетди.

Тахминан 605–741 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Чоч мулки мавжуд бўлган.

Чоч ҳукмдорлари (605–741 йиллар): Тегин Тянчжи-ни (605–609); Ган-тудун [Тўн тудун] (658); Мохеду тудун [Баҳодур тудун; Бадар тархон] (713–740), Инай тудун Кюй-ле [Инай тудун Кюлюк] (741) ва бошқалар.

605–846 йиллар – Иккинчи Уйғур хоқонлиги давари (Уйғур-Урхун хоқонлиги). Шарқий Турк хоқонлиги худудида Иккинчи Уйғур хоқонлиги 605 йилда ташкил топди. Унга Текин Аркин асос солди. Баъзи адабиётларда бу давлат Уйғур хоқонлиги деб аталиб, Босмил хоқонлиги (742–744)дан сўнг, 745 йилда ташкил топган ҳам дейилади. Хоқонлик пойтахти – Қорақурум шаҳри (Урхун дарёсининг чап кирғозида). Уйғурлар ўтрок ҳаёт кечиришга ўтди.

Иккинчи Уйғур хоқонлари: Текин Аркин (605 – ?), Пуса (646 – ?), Тумид (646–648), Баян (648–661), Базхан (661–681), Тогучи (681–715), Утибек (715–719), Чинзон (719 – ?), Ути-нан (727 – ?), Гошу (727 – ?); Етимиш (742 – 747), Баянчур (747–759), Эл Текин (759–779), Тон Бага (779–789), Тарас (789–790), Айчур (790–795), Қутлук (795–805), Хазар Текин (824–832), Ху Текин (832–839), Кичик Текин (839–840), Уги Текин (841 – 844), Инан Текин (845–846) ва б.

610 йил – Мұхаммад ибн Абдуллоҳ (САВ)нинг пайғамбарлик фаолиятлари бошланди.

Тахминан 618–750 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Тоҳаристон [Тўҳористон] мулки мавжуд бўлган. Тоҳаристон тарихий вилоятига ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тоҷикистон ва Шимолий Афғонистон худудлари кирган. Унинг худуди шимолда Ҳисор тоғлари, жанубда Ҳиндкуш, гарбда Мурғоб ва Ҳерируд дарёлари, шарқда Помир билан чегараланган. VII аср бошларида Тоҳаристон 27 та алоҳида мулк: Балх, Қундуз, Термиз, Ҷағониён, Ҳутталон ва бошқалардан иборат бўлган.

Тоҳаристон ябгулари [ҳукмдорлари] (618–750 йиллар): Тегин [Деле] (VI аср сўнгги чораги); Тардушод ябғу [Дату

ше] (618–630), Ишбара ябғу [Шабало-шеху] (630–650); Ашина Учебо (653–660); Гун Ишбара ябғу (VII аср сүнгги чораги), Надунили (700–720), Кутлуғ Тун Тарду [Гудулу Тун Дату] (720–730); Шилиман Гало [Сулаймон – ?] (750) ва бошқалар.

618–630 йиллар – Ғарбий Турк хоқони Тун ябғу хукмронлиги даври. У Үрта Осиёда маъмурий бошқарув соҳасида ислоҳотлар ўтказди.

622 йил 16 июль – пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) нинг Маккадан Мадинага ҳижратлари. Шу кундан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланди.

VII аср иккинчи чораги – Сугд ихшиди Шишпир хукмронлиги даври. У Кешдан туриб Суғдни бошқарган ва тангалар зарб этган.

627–647 йиллар – Үрта Осиё шаҳарлари (Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Кушония, Чоч ва бошқалар)дан Хитойга элчилар борган.

629–645 йиллар – Хитой сайёхи Сюань-Цзяннинг Үрта Осиёга саёҳати.

630–659 йиллар – Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга карши курашди.

Тахминан 630–745 йиллар – Турк хоқонлиги таркибида Фарғона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган.

Фарғона афшинлари [хўқмдорлари] (630–745 йиллар): Ашина Шуни (630–645), Йебочжи (645–660), Аляоцен [Хуминда] (640–660), Алатар [Алутар] (700–720/726), Арслон Тархон [Асилян-даган] (726/739–745) ва бошқалар.

632 йил – Араб халифалиги ташкил топди. Халифаликнинг марказий шаҳри Мадина бўлган.

632–661 йиллар – Ҳулафои рошидин («Тўғри йўлдан борувчи халифалар») даври: Абу Бакр Сиддик (632–634), Умар ибн Хаттоб (634–644), Усмон ибн Аффон (644–656), Али ибн Абу Толиб (656–661).

644 йил – халифа Умар даврида арабларнинг Тохаристонда турклар билан дастлабки тўқнашуви.

644–656 йиллар – халифа Усмон ибн Аффон хукмронлиги даври. Бу даврда халифа Умарнинг сиёсати давом эттирилди. Қуръони карим матнига тартиб берилди.

645–658 йиллар оралиғи – ғарбий турклар Хитой құшинларидан енгилди.

646 йил – шарқий турклар қарлуқларни ўзларига бўйсундирдилар.

Тахминан 650 йил – хазарлар (туркий тилли қабилалар) Дон дарёси қирғоқларига келиб ўрнашди.

Тахминан VII аср ўрталари – **X аср охири** – Хазар хоқонлиги фаолият күрсатди. Бу давлат Ғарбий Турк хоқонлиги парчаланиши натижасида Қуий Волгабўйи ва Шимолий Кавказнинг шарқий қисмида вужудга келган туркий халқларнинг илк ўрта аср давлати. Хоқонлик пойтахти Самандар (хозирги Доғистон), сўнгра Идил шаҳри (Қуий Волга) бўлган. Аҳоли туркий хазар тилида гаплашган.

650–675 йиллар – Суғд ихшиди Вархуман (Авархуман) ҳукмронлиги даври. У Самарқанддан туриб Суғдни бошқарди ва тангалар зарб эттириди.

651 йил – Марв шаҳри халифалик томонидан эгалланди ва Хуросонда маҳсус ноиблик ташкил этилди.

651 йил – сосонийлар сулоласи сўнгги шоҳи Яздигард III ўлдирилди. Сосонийлар давлати тугатилди. Эрон узил-кесил араблар ҳокимиятини тан олди. Зардуштийлик ўрнига ислом дини жорий килинди.

654 йил – Араб халифалиги қўшинларининг Маймурға ҳужуми.

661–750 йиллар – умавий халифаларининг ҳукмронлиги даври. Бу даврда ислом Шимолий Африкага кенг тарқалди. халифалик пойтахти Дамашқ бўлган. Шу туфайли бу халифаликни Дамашқ халифалиги деб ҳам аташади. Умавийлар сулоласига Муовия I асос солган.

661–755 йиллар – Умавийлар халифалиги томонидан тайинланган Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиблари фаолияти.

Умавийлар давридаги Хуросон ноиблари (ҳижрий 41–132/ милодий 661–755 йиллар): Қайс ибн ал-Хайсам (41–42/661–663), Абдуллоҳ ибн Ҳазим ибн Забион ас-Сулайми (43/663–664), Ибн Амир Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (43–44/664–665), Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорий (45/665–666), Ҳулайд ибн Абдуллоҳ ал-Ханафий (45–51/666–671); Ғолиб

ибн Фадал ал-Лайсий (48/668–669); Рабиъ ибн Зиёд ал-Хорисий (51–53/671–672), Убайдуллоҳ ибн Рабиъ ибн Зиёд (53–55/672–675), Сайд ибн Усмон ибн Аффон (56–58/676–678), Абдурраҳмон ибн Зиёд ибн Сумайя (58–61/677–680), Салм ибн Зиёд [Абу Ҳарб] (61–63/680–682), Абдуллоҳ ибн Ҳазим ибн Забйон ас-Сулами (64–72/683–692), Букайр ибн Вишах ас-Саъдий (73–74/693–694), Умая ибн Абдуллоҳ ибн Холид (74–78/694–697), Мухаллаб Абу Суфра ал-Аздий (78–82/698–702), Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (82–85/702–704), Муфаддал ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (85/704–705), Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий [Абу Ҳафс] (86–96/705–715), Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (97–99/715–717), Жарроҳ ибн Абдуллоҳ ал-Ҳакамий (99–100/717–719), Абдурраҳмон ибн Нуайм ал-Ҳамидий (100–101/719), Сайд ибн Абдулазиз ибн ал-Хорис [Хузайна] (101–102/719–721), Сайд ибн Амр ибн ал-Асвод ал-Хароший (103–104/721–723), Муслим ибн Сайд ибн Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (104–105/723–724), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (105–109/724–728), Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий (109–111/728–730), Жунайд ибн Абдурраҳмон ал-Муррий (111–115/730–734), Асим ибн Абдуллоҳ ибн Йазид ал-Ҳилолий (115–117/734–736), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (117–120/736–738), Жудия ибн Али Кермоний (120/737–738), Наср ибн Сайёр ал-Лайсий (121–131/739–748), Абу Муслим Абдурраҳмон (132–137/749–755).

667 йил – Араб халифалиги қўшинларининг Ҷағониёнга ҳужуми.

670 йил – тибет ва хитойликлар Марказий Осиёда ўзаро тўқнашдилар.

673–674 йиллар – Хурсон ноibi Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг Ромитанга юриши ҳамда суғдийлар ва турклар қаршилигига учраб, сулҳ тузиши.

674 йил қузи – Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг Пойкенд ва Бухорога талончилик ва босқинчилик юриши.

676 йил – Сайд ибн Усмон бошлиқ араб қўшини Бухорони эгаллади. Бухоролик 80 нафар маҳаллий аслзодалар гаровга олинди.

677 йил – Самарқанд Намозгоҳида араб саркардаси Қусам ибн Аббос шаҳид бўлди. У кейинчалик Шоҳизинда (Тирик шоҳ) номи билан ҳалқ орасида машҳур бўлган.

681 йил – Хитойнинг Тан сулоласига бир муддат қарам бўлиб қолган Турк хоқонлиги Элтариш хоқон бошчилигидан мустақил давлатга айланди.

681–691 йиллар – Иккинчи Турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш хоқоннинг ҳукмронлик даври.

681–745 йиллар – Иккинчи Турк хоқонлиги даври.

690 йил – дастлабки мусулмон олтин танглари (динор) зарб килинди.

691–716 йиллар – Турк хоқонлиги ҳукмдори Қапаған хоқоннинг ҳукмронлик даври.

695 йил – Бухорхудот Тағшода исломни қабул қилди.

699–766 йиллар – Туркаш хоқонлиги фаолият кўрсатган давр. Бу туркий давлат ҳудуди Чоцдан Жунғориягача бўлиб, унга туркаш қабилаларининг бошлиғи Уч Элиг асос солган.

699–767 йиллар – ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа (Собит ибн Нуъмон) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

VII–VIII асрлар – қадимги Шаҳристон (Кува)да Будда ибодатхонаси бунёд этилган.

700–710 йиллар – Суғд ихшиди Тархун бошқаруви даври. У араблар истилосига қарши кураш олиб борган. Тархун араблар билан сулҳ тузишга мажбур бўлганидан сўнг суғд аслзодалари уни хиёнатда айبلاغан. Бу маломатга дош беролмай, у ўз жонига қасд қилган.

704 йил – Фарбий Турк хоқонлиги тугатилди; ҳокимиёт туркашлар кўлига ўтди.

705–715 йиллар – Кутайба ибн Муслим – Хуросон ноиби бўлган давр.

705 йил – Мовароуннаҳр Араб халифалиги (Кутайба ибн Муслим) томонидан истило қилина бошланди. Халифалик Балх вилоятини забт этди, Чагониён ҳокими жангсиз таслим бўлди. Охарун ва Шуманга қилинган муваффакиятсиз юришлар.

707 йил – Кутайба Бухоро воҳасига бостириб кирди; Пойкенд қамали. Маҳаллий ҳокимлар ва туркларнинг ёрдамга келган қўшини билан Кутайба қўшини ўртасида Тороб ва Ромитан оралиғидаги жанг; Ромитан истило қилинди.

709 йил – Кутайба томонидан Варахша, Вардона ва Бухоро истило қилинди, Бухоро шаҳристонига араб қабилалари жойлаштирилди; зардуштийлар ибодатхонаси Жомеъ масжидига айлантирилди.

709 йил – мусулмонларнинг Марказий Осиёга (Эрондан) юриши, Мовароуннаҳр (Туркистон)нинг эгалланиши.

710 йил – Кутайба қўшинлари томонидан Шуман, Насаф ва Кеш истило қилинди.

710–737 йиллар – Суғд ихшиди Ғуракнинг ҳукмронлик даври.

711–712 йиллар – Кутайбанинг Хоразмга юриши. Хурзод қўзғолонининг бостирилиши. Хоразмнинг тобе қилиниши.

712 йил – Кутайбанинг Самарқандга юриши. Арбинжон мавзеидаги жанг. Самарқанднинг таслим бўлиши. Суғд ихшиди Ғурак ва араблар қўшини қўмондони Кутайба ўртасида Самарқанд шартномасининг тузилиши.

712–713 йиллар – Турк хоқонлиги ҳамда Суғд, Чоч ва Фарғона арабларга қарши курашда ўзаро иттифоқ тузди.

713 йил – Кутайба қўшинлари томонидан Чоч, Уструшона, Хўжанд ва Косон истило қилинди.

714 йил – Кутайбанинг Исфижобга юриши.

715 йил – халифалик томонидан Фарғона водийси забт этилди ва араб қўшинлари Кошғаргача кириб борди. Кутайба ибн Муслим исён кўтарган араблар томонидан Коҳ қишлоғида (ҳозирги Андижон вилоятининг Жалолкудук туманида) ўлдирилди.

717–738 йиллар – туркашлар хони Сулунинг ҳукмронлик даври. У Суғднинг арабларга қарши курашида фаол катнашган.

718–755 йиллар – машхур давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Абу Муслим Марвазий яшаган давр.

719–783 йиллар – машхур давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Муқанна (Ҳошим ибн Ҳаким) янаган ва фаолият кўрсатган давр.

720–722 йиллар – суғдийлар, фарғоналиклар ва турқларнинг арабларга қарши кураши. Суғд ихшиди Ғурак, Фарғона ихшиди Алтар, Ғарбий Турк ябғу хоқони Сулухан абз Музаххим бошчилигига арабларга қарши озодлик кураши.

720–723 йиллар – Суғд ихшиди Ғурак бошчилигидаги қўзғолон. Қўзғолон мағлубиятга учрагач, Ғурак билан араблар ўртасида сулҳ тузилиб, Ғурак араблар томонига ўтади.

720–726 йиллар – Фарғонада Амутар (Ат-тар) ҳукмронлиги даври.

721–722 йиллар – тўрт юз суғд савдогари жуда кўп мол билан Хитойдан келган.

721–722 йиллар – Панжикентда араблар зулмига қарши Панжикент ҳокими Деваштич бошчилигига қўзғолон бўлиб ўтди; қўзғолон мағлубиятга учрагач, Деваштич қатл этилди ва 400 суғд савдогари Хитойга жўнаб кетди.

722–728 йиллар – Кавказда қипчоқларнинг араблар билан тўқнашуви.

723 йил – Фарғона подшоси Тар (Тарабанд) арабларга қарши курашди.

726 йил – Фарғонада икки ҳокимиятчилик: жанубда араблар ҳукмронлиги, шимолда турклар ҳукмронлиги.

728–737 йиллар – арабларга қарши суғдийлар ва туркийларнинг биргаликдаги кураши.

734–739 йиллар – умавийларға қарши Ҳорис ибн Сурайж қўзғолони.

738–748 йиллар – Хурсон ноиби Наср ибн Сайёрнинг Самарқанд, Чоч ва Форобга уч марта юриш килган даври.

738–750 йиллар – сўнгги Суғд ихшиди Тургар (Ғуракнинг ўғли) бошқаруви даври. Суғд унинг даврида Араб халифалигига тобе бўлса-да, ўз ички бошқарувини саклаб қолган.

738–753 йиллар – Бухорхудот Кутайба ибн Тағшоданинг ҳукмронлик даври.

739 йил – Наср ибн Сайёр қүшини билан Қурсул бошчилигидаги турк ёлланма қүшини ўргасида Сирдарё бўйидаги жанг. Ҳорис ибн Сурайж Шошга қочди.

739 йил – Арслон Тархон Фарғона устидан хукмронлик килди.

745 йил – Турк хоқонлигининг сўнгги ҳукмдори Баймен хоқон ўлдирилди ва хоқонлик тахти узил-кесил уйғурлар кўлига ўтди.

746 йил – Ҳорис ибн Сурайжнинг Хурросон ноиби Кармоний билан урушда ҳалок бўлиши.

746 йил – аббосийларнинг тарғиботига раҳбарлик килиш учун Абу Муслим Хурросонга юборилди.

747–750 йиллар – Мовароуннаҳр ва Хурросонда умавийларга қарши Абу Муслим («Қора кийимлилар») харакати.

747 йил декабрь – 748 йил январь – Абу Муслим Марвазий Хурросон ноиби Наср ибн Сайёрни енгиб, Марв шахрини эгаллади.

748 йил кузи – Наср ибн Сайёр Эронда вафот этди.

748 йил – Абу Муслим Нишопур ва Тусни забт этиб, халифалик пойтахти Дамашқка юриш килди.

749 йил – Абу Муслим Наҳованд якинида умавийларни тор-мор этди.

749–750 йиллар – умавийлар ҳокимият тепасидан кетди. Аббосийлар халифалик ҳокимиятини эгаллади. Аббосийлардан 37 киши халифа бўлган. Улар ўз келиб чиқишлиарини Пайғамбар Мухаммад (САВ)нинг амакилари Аббос билан bogлашади.

749–1258 йиллар – аббосийлар сулоласининг халифалидаги хукмронлик даври. Бу пайтда пойтахт Бағдодга кўчирилди. Аббосийлар 1258 йилгача ҳақиқий, 1517 йилгача эса номигагина халифалик қилишди.

750 йил боши – Абу Муслим қўшини Катта Заб дарёси бўйида умавийлар устидан ҳал килувчи ғалабаға эришиди; халифалик тахти аббосийлар сулоласи қўлига ўтди.

Тахминан 750 – тахминан 869 йиллар – машҳур мутасаввуф Ҳаким Термизий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

751 йил баҳори – Мовароуннахрда Аббосийлар халифа-лигига қарши араб аслзодаси Шарик бошчилигига қўзғолон кўтарилиди.

751 йил июль – Талас жангиди. Бу жангда Зиёд ибн Солих кўмондонлиги остидаги араб қўшини Гао Сяньжининг хитойлар, фарғоналиклар, кошғарликлар, кўчарликлар ҳамда қарлуқлардан иборат йирик қўшини (араб манбаларига кўра 70.000 киши) билан Талас (Тароз) дарёси бўйида тўқнашди. Жанг 5 кун давом этди. Тўқнашув жараёнида Тан қўшини таркибидаги қарлуқлар арабларга қарши курашдан бош тортди ва хитойликларнинг аръергардига зарба берди. Хитой қўшини бутунлай яксон қилинди. Ибн ал-Асирнинг ёзичида, жангда хитойликлардан 50.000 киши ўлдирилиб, тахминан 20.600 киши асир олинган. Тан империяси (Хитой) нинг Ўрта Осиёга қарши тажовузкор сиёсати барбод бўлди. Ислом Марказий Осиё худудига тарқала бошлади.

753 йил – Зиёд ибн Солих халифа Абу Жаъфар буйруғи билан Абу Муслимга қарши чиқди ва ҳалок бўлди.

755 йил 12 февраль – Хурросон ноиби Абу Муслим Бағдодда халифа Мансур буйруғи билан хоинларча ўлдирилди.

755 йил – Мовароуннахрда аббосийларга қарши Исҳок (Исҳок Турни) қўзғолони.

VIII аср ўрталари – X аср ўрталари – Туркистон минтакасида Қарлуқлар давлати фаолият кўрсатди. Қарлуқлар давлатига Жунгория Олатовидан то Сирдарёгача бўлган худуд қараган. Чу дарёси бўйидаги Сүёб шаҳри Қарлуқлар давлати маркази бўлиб, кейинчалик пойтахти Или дарёси воийисидағи Кўйлиқ шаҳрига кўчирилган.

757–766 йиллар – қарлуқлар Тургашлар давлати ҳудудини эгаллаб олди.

757–759 йиллар – Абдулжаббор ибн Абдураҳмон – Хурросон ва Мовароуннахр ноиби бўлган давр.

762 йил – халифа Мансур томонидан Бағдод (мадинат ус-салом – тинчлик шаҳри)га асос солинди. Бағдод Аббосийлар халифалигининг пойтахтига айлантирилди. Аббосийлар халифаликнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаётида араблар

мавкеини пасайтириб, форслар ва туркларнинг нуфузини оширилар.

765 йил – қипчокларнинг ҳозирги Грузия ҳудудида араблар билан иккинчи марта түкнашуви.

767 – 832 йиллар – машхур факих Абу Ҳафс Кабир Бухорий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

775–822 йиллар – тохирйилар сулоласи ва давлатининг асосчиси Тохир ибн Ҳусайн яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

776 йил – қарлуклар туркашларни енгуб, Еттисувни эгалладилар.

776–784 йиллар – Мовароуннаҳрда Араб халифалигига қарши Муқанна («Оқ кийимлилар») қўзғолони.

782–831 йиллар – Бухоро воҳасида Канпир девор (Девори Канпирак)нинг қурилиши.

МОВАРОУННАҲР РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА (IX – XV АСРЛАР)

783–850 йиллар – буюк математик олим, астроном ва географ Мұхаммад Хоразмий (Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий) яшаган ва фаолият күрсатған давр.

Тахминан 797–865 йиллар – буюк астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғоний яшаган ва фаолият күрсатған давр.

798–869 йиллар – самарқандлик буюк мұхаддис Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримий яшаган ва фаолият күрсатған давр.

IX асрнинг биринчи ярми – күчманчи туркий қабилаларнинг Ўрта Осиёнинг маданий вилоятларига талончилик юришлари.

806–810 йиллар – Рофе ибн Лайс бошлиқ Мовароуннаҳр ва Ҳуросон ахолисининг аббосийларга қарши құзғолони.

809 йил – халифа Ҳорун ар-Рашид вафот этди. Унинг ўғиллари Амин ва Маъмун ҳокимият учун кураш бошладылар. Кейинчалик бу курашда туркийлар ёрдамида Маъмун голиб чиқды.

810 йил – Ғитриф ибн Ато – Ҳуросон ноиби. Ғитрифий кумуш тангаларининг зарб қилиниши.

810 йил 21 июль – 870 йил 31 август – ислом оламининг иирик мутафаккири, буюк мұхаддис Имом Бухорий (Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий) яшаган ва фаолият күрсатған давр.

819 йил – Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда ҳокимият тепасига сомонийлар сулоласи келди. Сомонийлар сулоласи нинг оиласыви нисбаси, яъни номи уларнинг аждоди (бобо-калони) бўлмиш Сомонхудот исми билан боғлиқ. Тарихий

манбаларда ёзилишича, Сомонхудот [Сомон-ябғу] (VII–VIII асрлар) Сосонийлар давлатининг машхур туркий саркардаси Баҳром Чўбин (VI аср)нинг тўртинчи ёки бешинчи погонадаги авлоди бўлган. Баҳром Чўбиннинг келиб чиқиши ўғуз турклари ва туркий эфталийлар билан боғлик. Сомонхудотнинг ҳакиқий исми Арқук ёки Аркок бўлған, уни Коқилдор деб ҳам аташган. Сомонхудотнинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони ябғу [жабғу], исми эса Тўғрул бўлган. Унинг она томонидаги қариндошлари Фарғонанинг Кубо шаҳрида истиқомат қилган.

819–1005 йиллар – Мовароуннаҳр ва Хуросонда туркий сомонийлар сулоласи ҳамда давлати ҳукмронлиги даври.

Сомонийлар сулоласи: Нух ибн Асад (819–842), Аҳмад ибн Асад (842–864), Наср I ибн Аҳмад (864–892); Исмоил Сомоний (874–907), Аҳмад ибн Исмоил (907–914), Наср II ибн Аҳмад (914–943), Нух ибн Наср (943–954), Абдулмалик ибн Нух (954–961), Мансур ибн Наср (961–976), Нух ибн Мансур (976–997), Мансур ибн Нух (997–999), Абдулмалик ибн Мансур (999–1000), Исмоил Мунтасир (1000–1005).

821 йил – Хуросонда Тоҳир ибн Ҳусайн расман аббосийлар халифалигига тобе бўлган Тоҳирийлар давлатига асос солди. Тоҳирийлар давлати Эроннинг шимоли-шаркий кисми, Марв воҳаси, ҳозирги Туркманистоннинг жанубий кисми ва Афғонистоннинг шимолий ва шимоли-ғарбини ўз ичига олган. Давлатнинг пойтахти аввал Марв, сўнгра Нишопур шаҳарлари бўлган.

821–873 йиллар – Хуросонда тоҳирийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври.

Тоҳирийлар сулоласи: Тоҳир ибн Ҳусайн (821–822), Талҳа ибн Ҳусайн (822–828), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (828–844), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844–862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862–873).

824–892 йиллар – буюк муҳаддис Имом Термизий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

IX асрнинг 30-йиллари – Тоҳирийлар давлати ҳукмдори Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг ўз ўғли Тоҳирни туркий ўғузларга қарши юборили.

832 йил – Бағдодда халифа ал-Маъмун томонидан «Донишмандлик уйи» ташкил қилинди. У тарихда Бағдод Маъмун академияси номи билан машхур. Бу академия фаолиятига ўзбек олимлари Мұхаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний раҳбарлик қилишди.

836 йил – Аббосийлар халифалигининг пойтахти Самаррага күчирилди. Бу ерда турк аскарларидан иборат махсус гвардия мавжуд бўлган.

836–892 йиллар – янги курилган Самарра шаҳри (хозирги Ирок ҳудуди) Аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлди. Самаррада жуда улкан Жомеъ масжиди қурилди.

840 йил – Нуҳ ибн Асад Сомонийнинг Исфижобга юриши ва уни тобе этиши.

840 йил – Нуҳ ибн Асад Исфижобнинг туркий ҳокими күшинини тор-мор қилган ва Шошни кўчманчилардан ҳимоя килиш учун катта мустаҳкам девор қуришни буюрган.

840 йил – Ўйғур хоқонлиги Энасой (Енесей) қирғизлари томонидан мағлубиятга учради.

Тахминан 840–1212 йиллар – қорахонийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври. Қорахонийлар давлати, Хонийлар ёхуд Хоқонийлар давлати – Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшанинг жанубий ён бағрида ташкил топган давлат. Уни қорахонийлар сулоласи бошқарган. Қорахонийлар давлатининг барпо этилишида қарлук, чиғил ва яғмо уруғлари етакчи роль ўйнаган.

Буюк қорахоний хоқонлари сулоласи (840–1040 йиллар): Кул Билга Қорахон (840–880), Бозирхон (? – 910), Сотук Буғрохон [Абдулкарим Сотук Буғрохон] (920–956), Мусо Буғрохон (956–958), Сулаймон Арслонхон (958–970), Али Арслонхон (970–998), Аҳмад Тўғонхон I (998–1018), Мансур Арслонхон (1018–1024), Аҳмад Тўғонхон II (1024–1025), Юсуф Қодирхон (1025–1032), Сулаймон Арслонхон (1032–1040).

Шарқий қорахоний ҳукмдорлари (1040–1210 йиллар): Сулаймон Арслонхон (1040–1056), Мұхаммад Буғрохон (1056–1057), Иброҳимхон (1057–1058), Мұхаммадхон [Тўғрул Қорахон] (1058–1074), Умархон [Тўғрул Текин]

(1074), Харон Буғрохон II (1074–1103), Аҳмадхон (1103–1129), Иброҳимхон II (1129–1159), Мухаммадхон II (1159–1204), Юсуфхон (1205), Мухаммадхон III (1205–1210).

Ғарбий қорахоний ҳукмдорлари (1040–1212 йиллар): Мухаммад ибн Наср (1040–1052), Иброҳим ибн Наср [Бора Текин] (1052–1068), Шамс Эл Мулук (1068–1080), Хизирхон (1080–1081), Аҳмадхон I (1081–1095), Ёқубхон (1089–?), Маъсудхон I (1095–1097), Сулаймонхон (1097–?), Махмудхон I (1097–1099), Жаброилхон (1099–1102), Мухаммадхон II [Мухаммад Арслонхон] (1102–1132), Иброҳимхон II (1132), Махмудхон II (1132–1141), Иброҳимхон III (1141–1156), Алихон (1156–1160), Маъсудхон II (1160–1178), Иброҳимхон IV (1178–1204), Усмон Буғрохон (1204–1212) ва б.

847 йил – уйғурларнинг Гансуда Ганжая давлати ташкил топди.

849–850 йиллар – Бухоро шаҳри атрофига работларни ҳам ўз ичига олган ҳолда мудофаа девори ва 11 та дарвоза курилди.

849 йил май – 897 йил 24 ноябрь – Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

850 йил – уйғурларнинг учинчи давлати – Уйғур Эдиқут [Идиқут] давлати (кўп манбаларда Турфон давлати) ташкил топди. Тибетликларнинг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги барҳам топди.

850–1335 йиллар – Уйғур Эдиқут [Идиқут] давлати.

Уйғур Эдиқут давлати хоқонлари: Пан Текин (850–866), Боко Текин (866–871), Ирдимин (940–948), Арслонхон (948–985), Билга Текин (1126 – ?), Исан Томур [Баурчук Арт Текиннинг отаси]; Баурчук Арт Текин (1208–1235), Кусмайин (1235–1245), Салун Текин (1246–1255), Огрунж Текин (1255–1265), Мамурак Текин (1265–1266), Кожигар Текин (1266–1275), Нолин Текин (1275–1318), Томур Буқа (1318–1327), Санги Текин (1327–1331), Тайпан (1331–1335) ва б.

858–941 йиллар – машхур шоир Рудакий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

859–955 йиллар – Қорахонийлар давлатининг асосчила-
ридан бири Абдулкарим Сотуқ Буғрохон яшаган ва фаолият
кўрсатган давр.

861 йил – қарлуқлар Кошғарни эгаллади.

868 йил – Аббосийлар халифалигининг Мисрдаги ноиби
Аҳмад ибн Тулун янги сулола ва давлат – Тулунийлар дав-
латига асос солди. Аҳмад ибн Тулун туркий саркарда бўлиб,
унинг отаси IX аср бошларида Бухородан халифалик марка-
зига гулом сифатида жўнатилган эди.

868–905 йиллар – Тулунийлар давлати Миср, Сурия,
Ироқда мавжуд бўлди. Бу давлатнинг пойтахти Фустат (Эски
Қохира) эди. Бу давр Миср тарихида олтин аср ҳисобланади.

Тулунийлар сулоласи: Аҳмад ибн Тулун (868–884),
Хуморавайҳ (884–896), Жайм (896), Ҳорун (896–905), Шай-
бон (905).

872–979 йиллар – Қохирада тулунийлар даври санъати-
нинг энг ёрқин намунаси – Ибн Тулун масжиди курилди.

873 йил – Тоҳирийлар давлатининг парчаланиб кетиши
натижасида Хурсонда Саффорийлар давлати ташкил топ-
ди. Бу давлатга Яъқуб ибн Лайс ас-Саффор томонидан асос
солинди.

873–901 йиллар – Саффорийлар давлати фаолият кўр-
сатган давр.

Саффорийлар сулоласи: Яъқуб ибн Лайс (861/873–879),
Амр ибн Лайс (879–901) ва бошқалар.

873–950 йиллар – улуғ мутафаккир ва қомусий олим
Абу Наср Форобий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

874 йил – Исмоил Сомоний Бухорода халифаликдан
мустақил Сомонийлар давлатига асос солди. Туркий дав-
лат ҳисобланган Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухо-
ро шаҳри бўлган. X аср бошида сомонийлар хукмронлиги
остидаги мулклар қўйидаги вилоятлардан ташкил топган:
Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Фаргона, Шош, Исфижоб,
Хоразм, Кеши, Насаф, Чагониён, Ҳутталон, Бадаҳшон, Балх,
Тоҳаристон, Гузганон, Ғарҷистон, Марв, Ҳирот, Ғур, Ни-
шопур ва Гургон. Вилоятларда бошқарув ҳокимлар қўлида
бўлиб, улар амир томонидан тайинланган. Бу мансабга

күпинча маҳаллий ер эгалари ва вилоят ҳокимлари хона-
дени вакиллари тайинланар эди. Шаҳарларнинг бошқаруви
раислар кўлида бўлиб, улар ҳокимлар томонидан тайинлан-
ган. Масалан, сомонийлар ҳукмронлиги даврида Тоҳаристон
шахарларида баничурыйлар сулоласи, Хурсонда симжу-
рийлар сулоласи, Гузганонда фариғунийлар сулоласи, Хо-
разм ва Исфижобда маҳаллий туркий сулолалар, шунингдек,
Чагониён, Фазна, Сижистон, Ғур ва Ғарҷистонда маҳаллий
сулолалар ҳукм сурган. У бошқа бир туркий давлат бўлган
Қорахонийлар давлати томонидан 999 йилда тугатилди.

874–907 йиллар – сомонийлар амири Исмоил Сомоний-
нинг ҳукмронлик даври.

888 йил – ака-ука сомонийлар (Наср ибн Аҳмад ва Ис-
моил ибн Аҳмад) ўртасидаги жанг; Исмоил Сомонийнинг
ғалабаси.

892 йил 21 август – Самарканд ҳокими, сомонийлар су-
лоласининг етакчisi Наср ибн Аҳмад вафот этди.

892–946 йиллар – давлат арбоби Мухаммад Иҳшид ибн
Туғж (Тағаш) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

893 йил – Исмоил Сомонийнинг Еттисувга юриши; Ис-
моил Сомоний Тароз шаҳрини ишғол қилиб, у ердаги хрис-
тиян черкови ўрнига масжид қурдирган.

894 йил – қипчоклар ўғузларни Эмба дарёсидан шимол-
роқдаги худудлардан сурib чиқаргач, ўғузларнинг бир
қисми Хурсонга ўтган.

899–959 йиллар – машҳур тарихчи олим Наршахий (Абу
Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий) яшаган ва фаолият
кўрсатган давр.

IX аср – қадимги Чоч (Мадинат аш-Шош) шаҳри Салор
бўйидан Бўзсув бўйи (Бинкат)га кўчди.

IX аср охири – X аср бошлари – Бухорода Исмоил Со-
моний мақбараси қурилди.

IX аср охири – X аср боши – Сирдарё ҳавзаси ва Орол
денгизи соҳилларида ўғузлар давлати ташкил топди.

Тахминан IX аср охири – X аср охири – салжуқийлар
бобокалони, ҳарбий саркарда Салжук (Салжукбек ибн Дў-
как) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

IX–X асрлар – Термиз шаҳри атрофида Қирққиз қалъаси курилган.

901 йил – Амр ибн Лайс бошчилигидаги Саффорийлар давлати Исмоил Сомоний томонидан тор-мор қилинди. Хурросон Исмоил Сомоний ихтиёрига ўтди.

903–976 йиллар – шофиъийлик мазҳабининг етакчи олимларидан бири, муҳаддис Қаффол Шоший (Ҳазрати Имом; кисқача Ҳастимом) яшаган давр.

905 йил – Мисрда тулунийлар сулоласи тугатилди. Аббосийлар халифалигининг ҳокимияти яна қарор топди.

907–1211 йиллар – Хитойда Ляо Киданлар (Киданлар) давлатининг ҳукмронлиги даври. Киданлар мўғул қабиласи бўлиб, 907 йил қабила бошлиғи Ела-Буға ўзини император деб эълон қилди ва Кидан давлатига асос солди. Кидан салтанати 947 йилдан Буюк Ляо, 983 йилдан Киданларнинг Буюк давлати, 1066 йилдан яна Буюк Ляо деб аталган. Киданлар Хитойни енгиги, бу ерда ўз давлатини ўрнатишган. Хитойликлар Кидан салтанатини 937 ёки 947 йилдан Ляо давлати, 1124–1211 йилларда Фарбий Ляо давлати деб аташган. Киданлар давлатига 1125 йили чжурҷэнлар (жу-жанлар) кучли зарба беришган. Киданларнинг бир қисми Фарбий Туркистонга қоракиданлар (улар қорахитойлар номи билан ҳам машхур) номи билан кўчиб ўтган. Кидан номидан Хитойнинг русча атамаси – Китай келиб чиқкан бўлиб, у мўғул ва туркий халқлар орқали русларга ўтган.

920–955 йиллар – Қорахонийлар давлати хоқони Абдулкарим Сотук Буғрохоннинг ҳукмронлик даври.

Тахминан 934–1030 йиллар – форс-тожик шоири ва мутафаккири Абулқосим Фирдавсий яшаган ва фаолият курсатган давр.

935 йил – туркий ҳарбий оиладан келиб чиқкан Мұхаммад Ихшид ибн Туғж Мисрда Ихшидийлар давлатига асос солди. Унинг аждодлари фарғоналиқ – Фарғона ихшиidlари наслидан бўлган. Мұхаммаднинг бобоси Жофф Фарғона амирларидан бўлиб, халифа Мұтасим қўшинида хизмат қилган.

935–969 йиллар – Ихшидийлар давлати Миср ва Сурияда мавжуд бўлган.

Ихшидийлар сулоласи вакиллари: Мұхаммад Ихшид ибн Түғж (935–946), Абулқосим Үнгур ибн Ихшид (946–960), Абулхасан Али ибн Ихшид (960–966), Абулмиск Кофур (966–968), Абулфаворис Аҳмад ибн Али (968–969).

940–997 йиллар – Фазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

937 йил – Бухорода ёнғин; Бухорода Шарқдаги дастлабки мадраса – Фаржак номи илк бор манбаларда қайд этилди.

940–997 йиллар – Фазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

942 йил – қорахонийлар қўшини Боласоғун шахрини згаллади.

943 йил – Бухоронинг Регистон майдонида Дор ул-мулк саройи ва унинг қаршисида девонлар учун маҳсус сарой курилган.

943–944 йиллар – Наршахий ўзининг машҳур «Бухоро тарихи» асарини араб тилида ёзган.

960 йил – 200 минг ўтовдан иборат қарлуклар ислом динини қабул қилди.

962–1186 йиллар – фазнавийлар сулоласи ва давлати хукмронлиги даври. Хурсон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда қисман Мовароуннаҳр ва Хоразмда фазнавийлар сулоласи бошқарган туркий давлат. Фазнавийлар давлатига Алптеғиннинг ғуломи ва куёви Сабуктегин асос солған. Давлат номи салтанатнинг пойтахти Фазна шаҳри номидан олинган.

Фазнавийлар сулоласи: Алптегин (962–963), Исҳоқтегин (963–966), Билгатегин (966–972), Пиритегин (972–977), Сабуктегин (977–997), И smoil (997–998), Маҳмуд Фазнавий (998–1030), Мұхаммад (1030), Масъуд Фазнавий (1030–1041), Мавдуд (1041–1048), Масъуд II (1048), Али Абул Ҳасан (1048–1049), Абдур Рашид (1049–1053), Иброҳим (1059–1099), Масъуд III (1099–1114), Шерзод (1114–1115), Арслон (1115–1118), Баҳромшоҳ (1118–1152), Ҳусравшоҳ (1152–1160), Ҳусрав Малик (1160–1186) ва бошқалар.

963 йил – сомонийларнинг Хурсондаги сипоҳсолори Алптегин вафоти ва Сабуктегиннинг ҳокимият учун кураши бошланди.

967–1030 йиллар – машхур давлат арбоби Махмуд Фаз, навий яшаган ва фаолият күрсатган давр.

967–1049 йиллар – таникли мутасаввүф ва шоир Абу Сайд Абул Хайр (Мийна бобо) яшаган ва фаолият күрсатған давр.

973 йил 4 сентябрь – 1048 йил 11 декабрь – урта аср. нинг буюк даҳоларидан, мутафаккир олим Абу Райхон Беруний яшаган ва фаолият күрсатган давр.

977–978 йиллар – Аработка мақбараси (Самарқанд вилюяти Нуробод туманининг Тим қишлоғидаги меморий ёдгорлик) қурилган.

977 йил 1 март – саркарда Сабуктегин мустақил Фазнавийлар давлатига асос солди.

977–1186 йиллар – Фазнавийлар давлати ҳукмронлиги.

980 йил август – 1037 йил 18 июнь – буюк мутафаккир олим, табиб, файласуф ва шоир Абу Али ибн Сино яшаган ва фаолият күрсатган давр. У Европада Авиценна номи билан машхур бўлган. «Медицина» атамаси унинг табиблик маҳорати (мадади Сино) дан олинган.

985 йил – салжуқийлар Бухоро атрофларида пайдо бўлди ва уларга сомонийлар томонидан Нуротада маҳсус яйловлар ажратилди.

990–1040 йиллар – Ўғузлар давлати (Ўғуз ябгулари) фаолият күрсатди.

Ўғуз ябгулари: Исройл Арслон ябгу (990–1025), Юсуф Илонч ябгу (1025–1028), Мусо Илонч ябгу (1028–1032), Эртош ябгу (1032–1040).

992 йил – Работи Малик яқинидаги Харжанг ёнида кораҳоний Ҳасан Буғроҳон қўшини сомонийлар лашкарбоси Фойик қўшинини енгди ва пойтаҳт Бухорони жангиз эгаллади; Ҳасан Буғроҳон Кошгарга қайтаётганда йўлда бетбланиб вафот этди.

993–1063 йиллар – Салжуқийлар давлатининг асосчиси Тўғрулбек яшаган ва фаолият күрсатган давр.

995 йил – Хоразмда африғийлар сулоласи тугатилди.

995 йил – хоразмшоҳ Маъмун ибн Мухаммад Хоразмини бирлаштирилди ҳамда африғийлар сулоласини тугатиб, маъмунийлар сулоласига асос солди.

995–1017 йиллар – Хоразмда маъмунийлар сулоласи-
нинг ҳукмронлик даври.

Маъмунийлар сулоласи: Маъмун ибн Муҳаммад (995–
997), Али ибн Маъмун (997–999), Маъмун ибн Маъмун
(999–1017).

996 йил – қорахонийларнинг Бухорога хужуми. Шартно-
мага кўра бутун Сирдарё ҳавзаси сомонийлар ихтиёридан
корахонийлар қўлига ўтди.

998–1030 йиллар – Султон Маҳмуд Фазнавийнинг
хукмронлик даври.

999 йил 16 май – Маҳмуд Фазнавий Марв яқинидага со-
монийлар қўшинини мағлубиятга учратди.

999 йил октябрь – қорахонийлар саркардаси Наср ибн
Али Бухорони эгаллади.

999 йил – Сомонийлар давлати ҳукмронлиги барҳам
топди; Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатига қўшиб олин-
ди ва Илекхонлар (Элоқхонлар) ҳокимияти ўрнатилди.

999–1012 йиллар – Наср ибн Али Мовароуннаҳр илек-
хони бўлди.

Х аср охири – ўғузларнинг бир қисми (исломни қабул
килганлар) туркман деб атала бошланди.

1000 йил – Беруний ўзининг машҳур «Қадимги халқлар-
дан қолган ёдгорликлар» номли қомусий асарини ёзди.

1001 йил – Қорахонийлар давлати билан Фазнавийлар
давлати ўртасида чегара чизиги қилиб Амударё белгиланди.

X–XII аср ўрталари – ўзбек халқининг ташкил топиш
жараёни асосан тугалланди.

XI аср – Мовароуннаҳрда шартли ер эгалиги шакли –
иктонинг тарқалиши.

XI–XV асрлар – Самарқанддаги Шоҳизинда ансамбли
курилди.

1001–1027 йиллар – Фазнавийлар давлати султони Маҳ-
муд Фазнавий Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришлар
килиб, Ганг дарёсигача бўлган худудни эгаллади. Ҳиндистон
(хусусан, ҳозирги Покистон)га ислом дини тарқалди.

1004 йил – Гурганч (Кўҳна Урганч)да хоразмшоҳ Маъ-
мун ибн Маъмун томонидан академия (Хоразм Маъмун

академияси) ташкил топди. Беруний ва Ибн Сино академия фаолиятига раҳбарлик қилишди.

1005 йил – сомонийлар сулоласининг сўнгги амири Мунтасир вафот этиши билан сомонийлар сулоласи барҳам топди.

1006–1008 йиллар – қорахонийларнинг Хуросонга иккى марта ҳарбий юриши. Балх, Тус ва Нишопурнинг эгалла-ниши. Маҳмуд Фазнавий қорахонийларни енгиб, Чагониён, Хутталон, Қабодиён вилоятлари ва Термиз, Амулни ўз давлатига қўшиб олди.

1014–1024 йиллар – Абу Али ибн Сино (Авиценна) томонидан машҳур «Тиб қонунлари» (5 жилдан иборат) асари яратилди. Бу асар лотин тилига таржима қилиниб, Европанинг тиббиёт тараққиётида XVII асрдагача жуда муҳим роль ўйнади.

1017 йил – Маҳмуд Фазнавий Хоразмга юриш қилди ва Хоразм Ғазнавийлар давлатига қўшиб олинди. Маъмун академиясининг фаолияти тугатилди.

1017–1041 йиллар – Хоразмда ғазнавийларга қарам олтинтошлар сулоласининг хукмронлик даври. Бу сулолага ҳожиб Олтунтош асос солган.

Олтинтошлар сулоласи: Олтунтош (1017–1032), Ҳорун (1032–1035), Исмоил Ҳандон (1035–1041).

1017–1092 йиллар – Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулк яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1025 йил – ғазнавийлар томонидан салжуқий қабилалари Бухородан Хуросонга кўчирилди; Маҳмуд Фазнавий Самарқанд яқинида қорахонийлар хукмдори Қодирхон билан учраши; Шарқий Қорахонийлар давлати хоқони Қодирхон ва Маҳмуд Фазнавий қўшинлари Самарқанд яқинида қорахонийларнинг Самарқанддаги ноиби Алитетин ибн Ҳусайн устидан ғалаба қозонди.

1025–1034 йиллар – қорахонийлардан Алитетин ибн Ҳусайн Мовароуннаҳр илекхони бўлди.

1029–1072 йиллар – Салжуқийлар давлатининг машҳур султони Алп Арслон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1030 йил – Беруний ўзининг «Ҳиндистон» номли тарихий асарини ёзди.

1030–1041 йиллар – Султон Масъуд Ғазнавий ҳукмронлик қилган давр.

1032 йил – хоразмшоҳ Олтунтош ғазнавийлар топшириғига кўра Алитегин мулклариға ҳужум қилди ва Бухорни эгаллади; Дабусия яқинидаги жангда Олтунтош ярадор булиб, вафот этди.

1034 йил – хоразмшоҳ Ҳорун томонидан кўчманчи ўғуз қабилалариға ер ажратиб берилди. Жанд ҳокими уларга ҳужум қилиб, 8 минг кишини қириб ташлади. Ўғуз салжуқлари Хоразм ерларини тарк этишди.

1035 йил – кўчманчи туркийлар учун ер ажратиш ҳакида ғазнавийлар билан салжуқийлар ўртасида шартнома тузилди.

1038 йил – Салжуқийлар давлати ташкил топди. Салжуқийлар – Хуросон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, кисман Мовароуннахрдаги бир неча давлатларда ҳукмронлик қилган туркий сулола. Сулола номи чорвадор туркий қавм – ўғузлар бошлиғи Салжуқбек ибн Дўқак номидан олинган. Сулолага Салжуқнинг невараси султон Тўғрулбек асос солган. Тўғрулбек Салжуқийлар давлати султони деб эълон қилинди.

1038–1157 йиллар – Хуросонда Буюк Салжуқийлар сулоласи ҳукмронлик қилди.

1038–1308 йиллар – Салжуқийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

Хуросондаги Буюк салжуқийлар сулоласи (1038–1157): Тўғрулбек (1038–1063), Алп Арслон (1063–1072), Маликшоҳ I (1072–1092), Махмуд (1092–1094), Баркиёруқ (1094–1104), Маликшоҳ II (1104–1105), Фиёсиддин Муҳаммад (1105–1118), Султон Санжар (1118–1157);

Кирмондаги салжуқийлар сулоласи (1041–1187): Кавурбек (1041–1073), Кирмоншоҳ (1073), Ҳусайн (1073–1074), Султоншоҳ I (1074–1085), Туроншоҳ I (1085–1097), Эроншоҳ (1097–1101), Арслоншоҳ I (1101–1141), Муҳаммадшоҳ I (1141–1156), Тўғрулшоҳ (1156–1157), Баҳромшоҳ (1167–

1168), Арслоншоҳ II (1168), Туруншоҳ II (1168–1174), Муҳаммадшоҳ II (1147–1187), Муборак (1187);

Шом (Сурия)даги салжуқийлар сулоласи (1074–1117): Тутуш (1074–1095), Ридван (Халабда; 1095–1113); Дукак (Дамашқда; 1095–1104), Алп Арслон Архас (Халабда; 1113–1114), Султоншоҳ (1114–1117);

Ироқдаги салжуқийлар сулоласи (1118–1194): Маҳмуд (1118–1131), Довуд (1131–1132), Тұғрул I (1132–1133). Мастьуд (1133–1152), Маликшоҳ (1152–1153), Муҳаммад (1153–1159), Сулаймоншоҳ (1159–1161), Арслоншоҳ (1161–1177), Тұғрул II (1177–1194);

Кўния (Анатolia ёхуд Рум)даги салжуқийлар сулоласи (1077–1308): Сулаймон I (1077–1086), Қилич Арслон I (1086–1107), Маликшоҳ I (1107–1116), Мастьуд I (1116–1156), Қилич Арслон II (1156–1188), Маликшоҳ II (1188–1192), Кайхусрав I (1192–1200; 1205–1210), Сулаймон II (1200–1204), Қилич Арслон III (1204–1205), Кайковус I (1210–1219), Алоуддин Кайқубод (1219–1236), Кайхусрав II (1236–1245), Кайковус II (1245–1257), Қилич Арслон IV (1257–1265), Кайхусрав III (1265–1283), Мастьуд II (1283–1296), Кайқубод III (1296–1307), Мастьуд III (1307–1308) ва бошқа сулолалар.

1040 йил 23 май – салжуқийлар билан ғазнавийлар ўртасида Данданакон жанги бўлиб ўтди ва унда салжуқийлар ғалаба қилди.

1041 йил – Қорахонийлар давлати икки қисмга: Шарқий қисм (пойтахти Боласоғун) ва Ғарбий қисм (пойтахти Самарқанд)га бўлинди.

1044 йил – Балх ва Термиз салжуқийлар кўл остига ўтди.

1048 йил 18 май – 1131 йил 4 декабрь – машҳур математик, астроном, файласуф ва шоир Умар Хайём яшаб ўтган давр.

1048–1141 йиллар – тасаввуфнинг машҳур намояндаси Юсуф Ҳамадоний яшаган давр.

Тахминан XI асрнинг иккинчи ярми – 1166 йил – тасаввуфнинг машҳур намояндаси, яссавийлик тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий яшаб ўтган давр.

1051 йил – салжуқийлар пойтахтни Исфаҳонга қўчирди.
1055 йил – сунний мазҳабига чуқур ишонган Тўғрулбек Аббосийлар халифасини шиалар (бувайхийлар сулоласи) зулмидан қутқариш учун Бағдодни эгаллади. У халифадан «султон» рутбасини олди. Бувайхийлар сулоласи туғатилди. (Шу пайтдан бошлаб мусулмон дунёсида халифалар эмас, балки турклар кўлида бутун сиёсий ва ҳарбий ҳокимият тўпланди. Аббосий халифалари факат диний роль ўйнашди.)

1063–1072 йиллар – салжуқийлар султони Алп Арслоннинг ҳукмронлик даври. У Византия империясига қарши урушлар олиб борди.

1064 йил – салжуқийлар Арманистонга юриш қилишди ва Ани шахрини эгаллашди.

1068–1080 йиллар – корахонийлар хоқони Шамсулмулк – Наср ибн Иброҳим Тамғочхоннинг ҳукмронлик даври.

1069 йил – Бухородаги Жомеъ масжиди қайта курилди.

1069–1070 йиллар – Юсуф Ҳос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асарини ёзди.

1069–1142 йиллар – машхур тарихчи ва факих, мұхадис ва тавсифчи олим Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Мұхаммад Насафий яшаб ўтган давр.

Тахминан 1069–1070 йиллар – қадимги Бухоро – Самарқанд йўлининг Чули Малиқдаги йирик чегара ва савдо бекатида Работи Малик (Шоҳ работи) бунёд этилди.

Тахминан 1070 йиллар – машхур математик ва шоир Умар Хайём Самарқанд, Бухоро, кейинчалик Исфаҳонда яшаб ижод қилди.

1071–1072 йиллар – Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар ҳакидаги «Девони луготит турк» номли қомусий асарини ёзди.

1071 йил 26 август – Манцикерт (Малазгирт) жанги. Бу жангда салжуқийлар султони Алп Арслон Византия императори Роман IV Диоген қўшини устидан ғалаба қозонди. Ғалабадан сўнг турклар учун Кичик Осиёга йўл очилди.

1071–1081 йиллар – Кичик Осиё (Анатолия)нинг асосий қисми Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди.

1072 *йил* – салжуқийлар султони Алп Арслон Бухорога юриш чоғида ёлланган қотил томонидан ўлдирилди.

1072–1092 *йиллар* – салжуқийлардан Маликшоҳ ҳукмронлиги даври.

1072–1092 *йиллар* – Исфаҳонда Жума масжиди меъморий обидаси курилди.

1074–1178 *йиллар* – Марказий ва Шарқий Онадўлида Донишмандийлар давлати фаолият кўрсатди. Бу давлатга туркман амирларидан Малик Донишманд Фозий асос солган. Марказий ва Шарқий Онадўлида ташкил топган бу давлатнинг пойтахти Сивас шахри бўлган.

Сивасдаги уруғлар (1071/1074–1174 *йиллар*): Малик Донишманд Фозий (1071–1084), Амир Фозий Гумуш тегин (1084–1134), Малик Мухаммад (1134–1142), Малик Имодуддин Зуннун [Қайсарийада] (1142), Малик Низомуддин Йағи-басан (1142–1164), Малик Мужоҳид Жалолуддин Иброҳим (1164–1166), Малик Шамсуддин Исмоъил (1166–1168), Малик Зуннун [иккинчи марта, бу гал Носируддин деган фахрий унвон билан] (1168–1174).

Малатийадаги уруғлар (1142–1178 *йиллар*): Айнуддин ибн Гумуш Тегин (1142–1152), Зулқарнайн (1152–1162), Носируддин Мухаммад (1162–1170), Фахруддин Қосим (1170–1172), Афридун (1172–1175), Носируддин Мухаммад [иккинчи марта] (1175–1178).

1075 *йил 18 март – 1144* *йил июнь* – машҳур тилшунос олим ва адаб Маҳмуд Замахшарий яшаган давр.

1076 *йил* – салжуқийлар Куддусни фотимиylар қўлидан тортиб олди.

1077 *йил* – Салжуқийлар давлатининг Хоразмдаги ноиби Ануштегин Гарчои ануштегинийлар сулоласига асос солиб, Хоразмни мустақил деб эълон қилди.

1077–1231 *йиллар* – Хоразмда ануштегинийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

Хоразмшоҳлар давлатида ануштегинийлар сулоласи: Ануштегин Гарчои (1077–1097), Кутбиддин Мухаммад (1097–1127), Алоуддин Отсиз (1127–1156), Эл-Арслон (1156–1172), Султоншоҳ Маҳмуд (1172), Алоуддин Такаш

(1172–1200), Алоуддин Мұхаммад (1200–1220), Жалолиддин Мангуберди (1220–1231).

1077–1308 йиллар – Анатолияда Рум султонлиги фаолият күрсатди. Бу давлатга салжуқийлар лашкарбоиси Сулаймон ибн Қутулмиш асос солди.

1086–1157 йиллар – машхұр давлат арбоби Султон Санжар яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1089 йил – салжуқийлар султони Маликшохнинг Бухоро ва Самарқандни олиши. Маликшоҳ кораҳонийлар хоқони Аҳмадни асир олди ва унга таҳтини яна қайтариб берди.

1092 йил – салжуқийлар султони Маликшоҳ ҳашшошлилар юборған қотил томонидан ўлдирилди.

1097–1127 йиллар – ануштегинийлар сулоласидан бүлгап Хоразм ҳукмдори Қутбиддин Мұхаммаднинг ҳукмронлик даври.

1102–1408 йиллар – Ортуқийлар давлати Диёрбакирда фаолият күрсатди. Ортуқийлар ўғузлар қабиласидан бүлган дүгар уруғининг сардори Ортуқ ибн Ақсаб авлодлари. Сулола 1121 йилда икки асосий уруғға бўлинниб кетди: Эл Фозийнинг авлодлари Мардин ва Майяфарикинда ҳукмронлик қилди; унинг укаси Сўкманнинг авлодлари эса Ҳисн Кайфада, кейинчалик Омидда ҳукм сурди.

Ортуқийлар сулоласи:

Ҳисн Кайфа ва Омиддаги уруғ (1098–1232): Муъинуддин Сўкман I (1098–1105), Иброҳим (1105–1109), Рукну-д-давла Доъуд (1109–1144), Фахруддин Қора Арслон (1144–1167), Нуруддин Мұхаммад (1167–1185), Қутбуддин Сўкман II (1185–1201), Носируддин Маҳмуд (1201–1222), Рукнуддин Мавдуд (1222–1232), Ал-Малик ал-Масъуд (1232).

Мардин ва Майяфарикиндаги уруғ (1104–1408): Нажмуддин Эл Фозий I (1104–1122), Ҳусомуддин Темуртош (1122–1152), Нажмуддин Алпи (1152–1176), Қутбуддин Эл Фозий II (1176–1184), Ҳусомуддин Йулук Арслон (1184–1201), Носируддин Ортуқ Арслон (1201–1239), Нажмуддин Фозий I (1239–1260), Қора Арслон ал-Музаффар (1260–1292), Шамсуддин Доъуд (1292–1294), Нажмуддин Фозий II (1294–1312), Имодуддин Алий Алпи (1312), Шамсуддин Солих

(1312–1364), Аҳмад ал-Мансур (1364–1368), Маҳмуд ас-Солих (1368), Доъуд ал-Музаффар (1368–1376), Мажидуддин Исо аз-Зоҳир (1376–1406), ас-Солих (1406–1408).

1102–1130 йиллар – корахонийлар хоқони Арслонхон ҳукмронлиги.

1103–1178 йиллар – хожагон тасаввуф тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний яшаб ўтган давр.

1108–1109 йиллар – Жарқўрғон минораси (ҳозирги Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида) курилди.

1118 йил – Буюк Салжуқийлар давлати шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинди. Ғарбий қисм Ироқ султонлиги (1118–1194 йиллар) номи билан юритилди. Шарқий қисмга Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳр кирди (1118–1157 йиллар) ва пойтахти Марв бўлди.

1118–1157 йиллар – салжуқийлардан Султон Санжар ҳукмронлиги даври.

1119 йил – Арслонхон томонидан Бухоро намозгоҳи курилди.

1120 йил – илекхонлар салжуқийлар султони Санжарга тобе бўлди.

1123 йил 23 сентябрь – 1197 йил 29 октябрь – буюк фаҳих, имом Бурхониддин Марғиноний яшаб ўтган давр.

Тахминан 1124–1218 йиллар – Қорахитойлар давлати фаолият кўрсатган давр. Бу давлатга турхон Елюй Даши расман 1141 йил Карманада асос солган. Қорахитойлар давлати Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси, Еттисув ва Ўрта Осиёда мавжуд бўлган. Пойтахти – Чу дарёси бўйида жойлашган Боласоғун шаҳри.

Қорахитойлар сулоласи вакиллари: Елюй Даши (1124/1141–1143), Сяо Табуянъ (1144–1150), Елюй Иле (1151–1163), Елюй Пушванъ (1163–1178), Чжилугу (1178–1211), Кучлук (1211–1218).

1125–1211 йиллар – Ғарбий Кидан давлати фаолият кўрсатган давр.

Ғарбий Кидан ҳукмдорлари: Йилудаши [Гўрхон] (1125–1143), Табуян (1143–1150), Йилуйили (1151–1163), Пусаван (1164–1177), Йиложилиоғи (1177–1211).

1125–1234 йиллар – Хитойда чжурчжэнлар [нюйжэнг-лар]нинг Цзинь сулоласи ва давлати (Манжурларнинг ванъян кабиласи вакиллари) хукмронлиги даври. Бу давлат Алтан хонлиги [Олтин хонлиги; Цзинь] деб ҳам аталади. Бу давлатга Хитойнинг шимоли-шарқида яшаган кўчманчи кабилалар иттифоки – Манжурлар асос солган. Манжурлар киданлар зулмига қарши қўзғолон кўтариб, 1125 йили Ляо давлатини парчалаб ташлаган. Улар бу даврда Хитойнинг Шимолий Сун сулоласига қарши кураш олиб бориб, Шимолий Хитойнинг катта қисми ва империя пойтахти Кайфин шахрини эгаллаган. 1139 йили Хитойнинг Жанубий Сун давлати ҳам манжурларга қарам бўлган. Цзинь давлати мўгуллар истилоси даврида 1234 йили тугатилган.

1127 йил – Бухорода Қорахонийлар давлати хоқони Арслонхон томонидан машҳур Арслонхон минораси қурилди (бирок, бу минора XX асрдан бошлиб нотўғри равишда Минораи Калон номи билан тилга олинган).

1127–1222 йиллар – Зангийлар давлати Сурия ва Жазоирда фаолият кўрсатди. Зангийларнинг отаси туркий ғулом Оқ Сўнкур 1086–1094 йилларда Ҳалабда хукмронлик қилган салжукий Маликшоҳнинг лашкарбошиси бўлган. Султон Маҳмуд 1127 йилда Зангийни Мосулнинг ҳокими ва икки ўғлига отабек қилиб тайинлади.

Зангийлар сулоласи:

Мосул ва Ҳалабдаги улуғ уруғ (1127–1222): Имодуддин Зангий ибн Оқ Сўнкур (1127–1146), Сайфуддин Ғозий I (1146–1149), Кутбуддин Мавдуд (1149–1169), Сайфуддин Ғозий II (1169–1176), Иззуддин Масъуд I (1176–1193), Нуруддин Арслоншоҳ I (1193–1211), Иззуддин Масъуд II (1211–1218), Нуруддин Арслоншоҳ II (1218–1219), Носируддин Маҳмуд (1219–1222).

Дамашқда, кейин Ҳалабда ҳукмронлик қилган уруғ (1146–1181): Нуруддин Маҳмуд ибн Зангий (1146–1174), Нуруддин Исмоил (1174–1181).

1127–1156 йиллар – ануштегинийлардан Алоуддин Отсиз Хоразмшоҳнинг ҳукмронлик даври.

1130 йил – Султон Санжар Самарқандни эгаллади, Корахитойларнинг Мовароуннахрга юриши. Корахонийлар салжукийларга вассал бўлиб қолди.

1137–1225 йиллар – элдегизийлар сулоласи Озарбайжон ва Шимолий Ирокда хукмронлик қилган. Отабеклар сулоласи бўлмиш элдегизийлар сулоласига туркӣ ғулом Шамсиддин Элдегиз (хукмронлик даври: 1137–1174) асос солган. Шамсиддин салжукийлардан Арслоншоҳнинг отабеги бўлган.

Элдегизийлар сулоласи: Шамсуддин (1137–1176), Нусратуддин Паҳлавон Муҳаммад (1176–1187), Музаффаруддин Кизил Арслон Усмон (1187–1191), Нусратуддин Абу Бакр (1191–1210), Ўзбек (1210–1225).

1138 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Отсизнинг Сирдарёнинг куи оқими, Жанд, Мангишлок вилоятини ўз давлатига қушиб олиши ҳамда Султон Санжарнинг итоатидан чиқиши.

1138 йил октябрь – Султон Санжар хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз устидан ғалаба қозонди ва Хоразм тобе этилди.

1138 йил – Хўжанд ёнида корахитойлар гурхони Самарқанддаги корахонийлар хони Маҳмудхон қўшинини тор-мор қилди.

1139 йил февраль – Султон Санжар Марвга қайтгач, Алоуддин Отсиз яна Хоразмни эгаллади.

1139 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз Бухорога ҳужум қилди ва шаҳарни эгаллаб, мудофаа девори ва қалъани бузуб ташлади.

1141 йил 9 сентябрь – корахонийлар ва салжукийларнинг бирлашган қўшини билан корахитойлар ўртасидаги машҳур Қатвон жангига. Самарқанд яқинидаги бўлган бу жангда корахитойлар қўшини гурхон Елюй Даши бошчилигига Султон Санжар қўшинини тор-мор келтирди. Жанг майдонидаги 70 минг мусулмон шаҳид бўлди. Корахитойлар томонидан Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари босиб олинди.

1141 йил – корахитойлар гурхони Елюй Даши Карманада Корахитойлар давлати барпо этилганлигини расман эълон қилди.

1141 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз Марвни эгаллаб олди. Бағдод халифаси Алоуддин Отсизни тўла ҳукуқли хукмдор деб тан олиб, унга султон мартабасини берди. Алоуддин Отсиз ўз номидан тилла тангалар зарб эттирди.

1145–1221 йиллар – кубравийлик оқимининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1148–1206 йиллар – Фурйилар давлати фаолияти. Бу давлатга Сурийлар хонадонига мансуб Фур сultonлари сулоласи асос солди. Давлат ака-ука Фиёсиддин Муҳаммад (хукмронлик даври: 1162–1203) ва Шаҳобиддин [Муъизиддин ёхуд Муҳаммад Фурий; хукмронлик даври: 1203–1206] даврида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг катта кисмини ўз ичига олди. Давлат маркази Фур вилояти, пойтахт шаҳарлари Ферузкӯҳ ва Ғазна бўлган.

1148–1221 йиллар – мутасаввиф шоир ва мутафаккир Фаридиддин Аттор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1148–1270 йиллар – солғурий отабеклар сулоласи Форс [Эрон]да фаолият кўрсатди. Солғурлар ёки солурлар қадимги туркий ўғуз қабилаларидан бири. Форсдаги солғурийлар сулоласи асосчиси Сўнқур [Сонқур] аввал туркий отабеги Бўз аба хукмида бўлди. Сўнгра салжуқий султон Масъуд ибн Муҳаммад даврида Жанубий Эронда ўз мавқенини мустаҳкамлаб олди.

Солғурий отабеклар сулоласи: Музаффаруддин Сўнқур (1148–1161), Музаффаруддин Зангий (1161–1175), Дағала (1175–1194), Тўғрул (1194–1203), Иzzуддин Сайд I (1203–1231), Абу Бакр Кутлуғхон (1231–1260), Сайд II (1260), Муҳаммад (1260–1262), Муҳаммадшоҳ (1262–1263), Салжукшоҳ (1263–1265), Обиш хотун (1265–1270).

1148–1339 йиллар – ҳазораспийлар сулоласи (Луристон отабеклари)нинг хукмронлик даври. Бу сулолага 1148 йил саркарда Абу Тоҳир Катта Луристон ва Ҳиндистонда асос солган. Давлат пойтахти Идаж шахри бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳазораспийлар сулоласининг аждодлари Хоразмдаги Ҳазорасп атрофларидан бўлган. Кичик Луристонни XII аср охиридан то XVI аср бошларигача бошқарган бошқа отабеклар сулоласи ҳам бўлган.

Ҳазораспийлар сулоласи (Луристон отабеклари): Абу Тохир ибн Мухаммад (1148–1203), Насриддин Ҳазораспий (тажминан 1203–1252), Такла (тажминан 1252–1259), Шамсиддин Алп-Арғу (тажминан 1259–1274), Юсуфшоҳ I (тажминан 1274–1288), Афросиёб I (1288–1296), Насриддин Аҳмад (1296–1333), Рукниддин Юсуфшоҳ II (1333–1339), Музаффаруддин Афросиёб II (1339–1355), Шамсиддин Хушанг [Нурал-верд] (1355–1378), Аҳмад (тажминан 1378–1408), Абу Саид (1408–1417), Ҳусайн (тажминан 1417–1423), Фиёсиддин (1423).

1149–1209 йиллар – машҳур калом олими ва файласуф Фахриддин Розий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1153 йил – ўғузлар Султон Санжарга қарши қўзголон кўтаришди ва уни асирга олишди.

1156 йил – Султон Санжар асирикдан кочди. Хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз вафот этди.

1156 йил 22 август – 1172 йил 17 март – хоразмшоҳ Эл-Арслоннинг ҳукмронлик даври.

1157 йил – Султон Санжарнинг вафоти билан салжуқийларнинг Ҳуросондаги ҳукмронлиги тугади.

1158 йил – Эл-Арслоннинг Мовароуннаҳрға юриши.

1162–1227 йиллар – машҳур саркарда ва давлат арбоби Чингизхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1172 йил 11 декабрь – 1200 йил 3 июль – хоразмшоҳ Алоуддин Такашнинг ҳукмронлик даври.

1182 йил – Алоуддин Такашнинг Бухорога юриши.

1187 йил – Алоуддин Такаш салжуқийлардан Нишопурни тортиб олди.

1190–1261 йиллар – кубравийлик тариқатининг машҳур намояндаси, мутасаввуф Шайх Сайфиддин Боҳарзий яшаган давр.

1192–1193 йиллар – Алоуддин Такаш Рай ва Марвни эгаллади.

1194 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Такаш салжуқийлар султони Тўғрул III қўшинларини тор-мор келтирди.

1196 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Такаш билан халифа ан-Носир ўртасида жанг бўлди ва хоразмшоҳ Ҳамадон, Рай ва Исфаҳонни тобе этди.

1198 йил апрель – корахитойлар қүшини томонидан Хуросон талон-торож қилинди. Фиёсiddин Fурый уларни даф килди.

1198–1199 йиллар – Бухоро шаҳри яқинида Вобкент минараси (хозирги Бухоро вилояти Вобкент шаҳрида) қурилди.

1198–1231 йиллар – машҳур сарқарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди яшаган ва фаолият қўрсатган давр.

XII–XIII аср бошлари – Хоразм давлати юксалди.

1200–1212 йиллар – Самарқандда сўнгги қорахоний Усмон ибн Иброҳимнинг ҳукмронлик даври.

1200 йил 3 август – 1220 йил декабрь – Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳукмронлик даври.

1204 йил октябрь – Шаҳобиддин Fурый қўшини хоразмшоҳ ва унинг иттифоқчилари томонидан Андхудда тор-мор қилинди.

1204 йил – мўғуллар йўлбошчиси Темучин ҳокимиёт учун курашда ашаддий рақиби (яқингача собик иттифоқчиси бўлган) Жамухани мағлубиятга учратди ва қатл эттириди.

1206 йил – Шимолий Ҳиндистонда Дехли султонлиги ташкил топди. Бу давлатга Мовароуннаҳр турк ғуломларидан Қутбиддин Ойбек [Ойбок] асос солди. Султонликни навбати билан туркийлар сулоласи: ғуломлар (1206–1290 й.), халжийлар (1290–1320 й.), туғлукийлар (1320–1414 й.), саййидлар (1414–1451 й.); афғонлар сулоласи лўдийлар (1451–1526 й.) ва сурийлар (1540–1555 й.) бошқаришиди.

1206–1210 йиллар – Қутбиддин Ойбекнинг Дехли султонлигига ҳукмронлик даври.

1206–1290 йиллар – Дехли султонлигига ғуломлар ёхуд мъиззий сулоласи фаолияти.

Мъиззий сулоласи ёхуд ғулом султонлар: Кутбиддин Ойбек (1206–1210), Оромшоҳ (1210–1211), Шамсуддин Элтетмиш (Элтутмиш) (1211–1236), Жалолуддин Розийа Бегум (1236–1240), Муъиззуддин Баҳромшоҳ (1240–1242), Алоуддин Масъудшоҳ I (1242–1246), Носируддин Махмудшоҳ I (1246–1266), Фиёсуддин Балбан (1266–1287), Муъиззуддин Кайқубод (1287–1290), Шамсуддин Кайумарс (1290).

1206–1526 йиллар – Хиндистонда мусулмон туркий давлат – Дехли султонлиги фаолият күрсатди. Давлат пойтахти Лохур, сүнгра Дехли бўлган.

1206 йил 16 апрель – мўғуллар йўлбошчиси Темучин қурултойда Чингизхон деган ном олди ва Мўғуллар давлатига асос солиб, хоқон унвонига эга бўлди.

1206–1407 йиллар – Осиё ва Шарқий Европада ташкил топган ва чингизийлар сулоласи томонидан бошқарилган Мўғуллар давлати ҳукмронлик қилган давр.

Мўғуллар давлати ҳукмдорлари (Буюк хоқонлар) (1206–1388): Чингизхон (1206–1227), Тулихон (1227–1229), Ўқтой қоон (1229–1242), Туракина хотун (1242–1246), Куюк [Гуюк] қоон (1246–1248), Мункэ [Мангу] қоон (1251–1259), Хубилай (1259–1294), Ўлжайту [Темур] қоон (1295–1307), Хайсанкулуг қоон (1307–1311), Аюрганибад [Буянту] қоон (1311–1320), Шидэбала [Гэргэн] қоон (1320–1323), Есун [Темур] қоон (1324–1328), Хўшила қоон (1328), Туғ-Темур қоон (1328–1332), Ирижинбал қоон (1332), Тўғон Темур (1333–1370), Аюширидор қоон (1370–1378), Тўкус Темур қоон (1378–1388);

Жўжи улуси (Олтин Ўрда) маркибидаги Кўк Ўрда хонлари (1224–1407): Жўжи (1224–1227), Боту (1227–1256), Беркахон (1256–1266), Мангу Темур (1266 – ?), Тўда Мангу, Тўла буға; Тўхтахон (1290–1312), Ўзбекхон (1312–1340), Жонибекхон (1340–1357), Бердивекхон (1357–1359), Наврўз (1359–1360), Хизрхон (1360–1361), Мардуд [Муруд] (1361–1363), Муродхўжа (1363), Қутлуғхўжа (1364), Ўрусхон (1364–1375), Тўқтакия (1375), Темур Малик (1375–1376), Тўхтамишхон (1375–1396), Темур Қутлуғ (1396–1399), Шодибек (1399–1407) ва бошқалар;

Чигатой улуси ҳукмдорлари – чигатоийлар (1224–1404): Чигатоихон (1224–1242), Қора Хулоку [Халоку] (1242–1246; 1252), Есу Мункэ (1246–1257), Орқина [Эргэнэ] хотун (1257–1261), Олғу (1261–1265), Муборакшоҳ (1265–1266), Барокхон (1266–1271), Никпай (1271–1272), Тўға Темур (1272–1274), Дувахон (1274–1306), Кунчак (1306–1308), Толиқу (1308–1309), Кебакхон (1309; 1318–

1326), Эсан Буғо (1309–1318), Элчигадой (1326), Дува Темур (1326), Тармасирин (1326–1334), Жингши [Жанкши] (1334–1335), Бузан [Пуран] (1335–1338), Есун Темур (1338–1340), Али Султон [Үқтой наслидан] (1340–1342), Мухаммад (1342–1343), Қозонхон (1332/1343–1347), До-нишмандча [Үқтой наслидан] (1346–1348); Баёнқулихон (1348–1358); [амалда Амир Қазағон: 1346–1358]; Абдуллоҳ (1358–1360), Туглук Темур (1360–1361), Илөсхұжа (1361–1365), Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб (1366–1370) құғирчок хонлар: Суюрғатмишхон (1370–1388), Султон Маҳмудхон (1388–1404) ва бошқалар;

Ирок (Озарбайжон, Форс, Ҳурносон, Кирмон ва Эроннинг гарби)да ҳүкм сурган чингизий ҳүкмдорлар (1256–1351): Ҳулокухон (1256–1265), Абақахон (1265–1282), Аҳмадхон (1282–1284), Арғунхон (1284–1291), Кейхотухон [Гайхатухон] (1291–1295), Бойдухон (1295), Ғозонхон (1295–1304), Ұлжайтухон (1304–1316), Абу Саъид Баҳодирхон (1316–1335), Ариахон (1335–1336), Мусохон (1336), Султон Мухаммадхон (1336–1338), Тағой Темурхон (1338; 1341–1351), Сулаймонхон (1339–1341) ва бошқалар.

1206–1207 йиллар – Бухоро ҳокими садр Мұхаммад ибн Аҳмаднинг солиқ сиёсатига қарши Малик Санжар бошлигидаги ҳунармандлар құзғолони.

1207 йил – хоразмшоҳ Алоуддин Мұхаммад Бухорони босиб олди, құзғолон бостирилди.

1207 йил 30 сентябрь – 1273 йил 17 декабрь – тасаввудаги мавлавия тариқатининг асосчиси, шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий яшаб үтган давр.

1208 йил – Ҳурносон Хоразмшоҳлар давлати тобелигига үтган.

1210 йил сентябрь – хоразмшоҳ құшинларининг Талас жангыда қорахитойлар устидан зафар қозониши. Қорахитойлар лашкарбошиси Таянгу асир олинди.

1211 йил – Чингизхон бошлигидаги мұғуллар Шимолий Хитойни босиб олишди. Цзинь суоласи империяси худуди қисман таланди, кейинчалик Пекин эгалланди (1215).

1212 йил – Самарқандда Хоразмшоҳлар давлатига қарши қўзғолон кўтарили; корахонийлар сулоласи тугатилиди ва сўнгги корахонийлар вакили Усмон ибн Иброҳим Муҳаммад хоразмшоҳ буйруғи билан қатл этилди.

1213 йил – қорахитойлар гурхони Жулхунинг вафоти. Қорахитойлар давлатининг таназзули.

1215 йил – Муҳаммад хоразмшоҳнинг Шош ва Шимолий Фарғонада шаҳарларни бузиб ташлаши ва аҳолисини кўчириши; хоразмшоҳнинг Кирмон, Балужистон ва Макронни эгаллаши.

1215–1217 йиллар – Муҳаммад хоразмшоҳ билан Чингизхон ўртасида элчилар айирбошлиши бўлди.

1216 йил – Иргиз дарёси бўйида Муҳаммад хоразмшоҳ кўшини билан мӯғуллар ўртасида дастлабки жанг бўлди.

1217 йил – халифа элчиси шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг Хоразмга келиши; хоразмшоҳ қўшинлари Мозандарон, Аррон, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Манғишишлок, Сижистон, Фур, Газна, Бомиённи забт этиб, Ҳиндистон чегарасига етиб борди.

1217 йил кузи – хоразмшоҳ қўшинларининг Бағдодга муваффакиятсиз юриши. Ҳулвон яқинидаги Асадобод довонида кор-совуқдан лашкарнинг нобуд бўлиши.

1218 йил – Муҳаммад хоразмшоҳнинг ноibi Инолчик томонидан Ўтрорда «савдогар» никобидаги Чингизхон жосуслари қатл этилди.

1219 йил – Чингизхон буюк давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар салтанатига юриш бошлади.

1219 йил сентябрь – **1220** йил март – Ўтрор мӯғуллар томонидан қамал қилинди ва вайрон этилди; Ўтрор мудофааси.

1219–1221 йиллар – Чингизхон томонидан Хоразм ва Мовароуннаҳр босиб олинди.

1220 йил 7–10 февраль – мӯғуллар истилоси даврида Бухоро мудофааси. Шаҳар мӯғуллар томонидан босиб олинди.

1220 йил март – мӯғуллар истилоси даврида Самарқанд мудофааси. Шаҳар мӯғуллар томонидан эгалланди.

1220 йил апрель – Хўжанд мудофааси; Темур Малик жасорати.

1220 йил декабрь – Муҳаммад хоразмшоҳ Чингизхон таъкибидан қочиб, Каспий денгизидаги Ашур оролида вафот этди.

1220–1231 йиллар – Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги хукмдори Жалолиддин Мангубердининг хукмронлик даври ва мўғулларга қарши кураши.

1221 йил 5 февраль – Марв шаҳри мўғуллар томонидан босиб олинди.

1221 йил – Чингизхон қўшинлари Кўҳна Урганчни қамал килди (Урганч мудофааси) ва босиб олди.

1221 йил – Жалолиддин Мангуберди Қандаҳор, Валиён қальяси, Нисо, Чорикорда бўлган жангларда мўғулларга зарба берди.

1221 йил – Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон қўшинлари ўртасида машхур Парвон жангига бўлди ва унда мўғуллар мағлубиятга учради.

1221 йил 24–26 ноябрь – Жалолиддин Мангуберди ва Чингизхон қўшинлари ўртасида Синд дарёси бўйидаги жанг.

1222 йил – Жалолиддин Мангубердининг Шимолий Хиндистонга юриши.

1224 йил – мўғуллар империяси тўрт улусга бўлинди. Улуслар Чингизхоннинг ўғиллари бўлган хукмдорлар номи билан аталди.

1224–1370 йиллар – Мовароуннаҳр (Чигатой улуси)да чигатоийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

1225–1227 йиллар – Жалолиддин Мангубердининг Ирок ва Кавказга юриши; Исфаҳонда мўғулларнинг тор-мор қилиниши.

1225–1238 йиллар – Мовароуннаҳр (Чигатой улуси)да Махмуд Ялавочнинг ноиблиги.

1227 йил – мўғуллар томонидан Хитойдаги Фарбий Ся империяси тор-мор қилинди. Чингизхон вафот этди.

1230 йил 10 август – Жалолиддин Мангуберди Арзинжон яқинидаги Йасси Чаман текислигига бўлган жангда Кўния

султони Алоуддин Кайқубод бош бўлган иттифокчилар кўшинидан мағлуб бўлди.

1231 йил 20 август – Жалолиддин Мангуберди курд жангчиси найзасидан ҳалок бўлди. Хоразмшохлар (ануштегинийлар) сулоласи тугатилди.

1233 йил октябрь – мўғуллар қўлида тутқунликла бўлган Туркон хотун (Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг онаси) хор-зорликда вафот этди.

1235–1242 йиллар – Чингизхоннинг невараси Ботухон (Жўжининг ўгли) Шарқий Европада жуда катта истилолар қилди.

1237–1246 йиллар – хоразмийлар қўшинининг Яқин Шарқдаги сиёсий воеаларга фаол аралашуви.

1238 йил – Бухорода мўғуллар зулмига қарши Маҳмуд Торобий бошчилигига кўтарилиган ҳалқ қўзголони.

1239–1289 йиллар – Чигатой улусида Масъуд Ялавонинг ноиблиги.

1243 йил – Анатолияда мўғуллар Рум салжуқийларини мағлубиятга учратди.

Тахминан 1240 йил – XVI аср бошлари – Олтин Ўрда хонлиги (Жўжи улуси) фаолият кўрсатган давр. Бу давлатга Жўжихоннинг ўғли Ботухон томонидан асос солинган. Бу давлат таркибига Хоразм, Шимолий Кавказ, Волга булғорлари юрти, Даشت Кипчок, Крим, Фарбий Сибирь кирган, рус княzlари унга ўлпон тўлаб турган. Олтин Ўрда маркази Ботухон даврида Қуий Волганинг Сарой Боту шаҳри, Беркахон (Баракахон) даврида Сарой Берка бўлган.

Олтин Ўрда таркибидаги Оқ Ўрда хонлари (1226–1502): Ўрдахон, Жўжининг ўғли (1226–1280), Кўчу (1280–1302), Байон (1302–1309), Саси Буқа (1309–1315), Элбасан (1315–1320), Муборакхўжа (1320–1344), Чимтой (1344–1361), Ўрусхон (1361–1375), Тўқтакийа (1375), Темур Малик (1375–1376), Ғиёсуддин Тўхтамиш [Тўхтамишон] (1376–1395), Темур Кутлуғ (1395–1401), Шодибек (1401–1407), Пўлод (1407–1410), Темур (1410–1412), Жалолуддин (1412), Каримберди (1412–1414), Кебек (1414–1417), Жабборберди (1417–1419), Улуг Муҳаммад (1419–1420), Давлатберди

(1420–1422), Барак (1422–1427), Улуг Мұхаммад (1427–1433), Сайид Аҳмад I (1433–1435), Кучук Мұхаммад (1435–1465), Аҳмад (1465–1481), Сайид Аҳмад II (1481), Муртазо (1481), Шайх Аҳмад (1481–1502) ва бошқалар.

1241 йил – мұғулларнинг Марказий Европа (Польша, Венгрия)га боскими. Улар Венецияга таҳдид килиб, Адриатика дengизига чиқиши. Буюк хоқон Үктойнинг үлими хакидаги хабардан кейин мұғуллар орқага қайтиши.

1244 йил – Хоразм үзбеклари (турклари) Қуддусни эгалади. Еттинчи салиб юриши қатнашчилари кейинчалик шаҳар якинида мағлубиятга учради.

1247–1326 йиллар – шоир ва мутафаккир Паҳлавон Махмуд яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1250 йил – Қохирада мамлуклар (турк жангчи ғуломлари) айюбийлар сулоласини агдариб ташлаб, ҳокимиятни эгалади.

1250–1517 йиллар – Мамлуклар давлати Миср ва Сурияда хукмронлик қилди. Бу давлатни мамлуклар сулоласи бошқарған. Үз навбатида, мамлукларнинг икки сулоласи: баҳрийлар (1250–1390) ва буржийлар (1382–1517) сулолалари давлатни бошқарди. Баҳрийлар асосан Мовароуннардан борган туркий қавмларнинг вакиллари бўлса, буржийлар кўпроқ кавказликлардан иборат бўлган.

1250–1390 йиллар – Мамлуклар давлати (Миср ва Сурия)да баҳрийлар сулоласи хукмронлиги.

Баҳрийлар сулоласи: Шажар ад-Дур (1250), ал-Муъизз Иззуддин Ойбек (1250–1257), ал-Мансур Нуриддин Али (1257–1259), ал-Музаффар Сайфуддин Кутуз (1259–1260), ал-Зоҳир Рукнуддин Бейбарс I ал-Бундуқдорий (1260–1277), ал-Саъид Носируддин Баракахон (ёки Беркахон) (1277–1280), ал-Одил Бадруддин Саломиш (1280), ал-Мансур Сайфуддин Қалаъун ал-Алфий (1280–1294), ал-Ашраф Салоҳуддин Халил (1294), ан-Носир Носируддин Мұхаммад (1294–1295), ал-Одил Зайнуддин Китбуғо (1295–1297), ал-Мансур Ҳусомуддин Ложин (1297–1299), ан-Носир Носируддин Мұхаммад (иккинчи марта) (1299–1309), ал-Музаффар Рукнуддин Бейбарс II ал-Жаҳонгир (1309), ан-Носир Носируддин Мұхаммад (учинчи

марта) (1309–1340), ал-Мансур Сайфуддин Абу Бакр (1340–1341), ал-Ашраф Алоуддин Кужук (1341–1342), ан-Носир Шихбуддин Ахмад (1342), ас-Солих Имодуддин Исмоъид (1342–1345), ал-Комил Сайфуддин Шаъбон I (1345–1346), ал-Музаффар Сайфуддин Ҳожжий I (1346–1347), ан-Носир Носируддин ал-Ҳасан (1347–1351), ас-Солих Салоҳуддин Солих (1351–1354), ан-Носируддин ал-Ҳасан (иккинчи марта) (1354–1361), ал-Мансур Салоҳуддин Мухаммад (1361–1363), ал-Ашраф Носируддин Шаъбон II (1363–1376), ал-Мансур Алоуддин Али (1376–1382), ас-Солих Салоҳуддин Ҳожжий II (1382), аз-Зохир Сайфуддин Баркук (Буржий) (1382–1389), Ҳожжий II (иккинчи марта, ал-Музаффар деган фахрий унвон билан) (1389–1390).

1253 йил – 1325 йил 27 сентябрь – машхур шоир, адабиётшунос олим ва бастакор Ҳусрав Дехлавий Ҳиндистонда яшаб ўтган давр. Унинг отаси Шаҳрисабздан бўлган.

1254–1324 йиллар – венециялик сайдоҳ Марко Поло яшаган йиллар.

1256–1265 йиллар – мўғуллар Хулагуҳон (Хубилайхоннинг укаси) бошчилигига Эронни босиб олишди ва элхонлар сулоласига асос солишиди.

1256–1353 йиллар – Эронда элхонлар сулоласи ҳокимиятни бошқарди.

1258–1324 йиллар – усмонлилар сулоласи ва Усмонли турк султонлигининг асосчиси Усмон Фозий яшаб ўтган давр.

1260 йил – Хубилайхон [Кубилай] мўғулларнинг Буюк хони деб эълон қилинди. У 1294 йилгача Мўғуллар давлати хукмдори – қоон бўлди.

1266 йил – Мовароуннаҳрга жалоир ва барлос қабилалари кўчирилди.

1269 йил – чигатойлардан Бароқхоннинг Хурсонга юриши ва Элхон Абақаҳон билан жанги.

1269 йил – Талас водийсида Чигатой улуси хони Кайду курултой чакирди.

1273 йил – хулокуийлар томонидан Кеш, Нахшаб ва Бухоронинг талон-торож қилиниб, вайрон этилиши. Бухородаги ёнғин.

1299 йил – Усмон Фозий янги туркий давлат – Усмонийлар давлатига асос солди.

1299–1922 йиллар – Усмонли турк султонлиги фаолият курсатган давр. Усмонлилар сулоласи: Усмон I (1299–1324), Урхон (1324–1359), Мурод I (1359–1389), Боязид I (1389–1402), Боязид I ўғиллари Сулаймон Чалабей, Мусо Чалабей ва Мехмед Чалабейларнинг таҳт учун кураши (1403–1413), Мехмед I (1413–1421), Мурод II (1421–1444; 1446–1451), Мехмед II Фотих (1444–1446; 1451–1481), Боязид II (1481–1512), Салим I (1512–1520), Сулаймон I Қонуний (1520–1566), Салим II (1566–1574), Мурод III (1574–1595), Мехмед III (1595–1603), Ахмад I (1603–1617), Мустафо (1617–1618; 1622–1623), Усмон II (1618–1622), Мурод IV (1623–1640), Иброҳим (1640–1648), Мехмед IV (1648–1687), Сулаймон II (1687–1691), Ахмад II 1691–1695), Мустафо II (1695–1703), Ахмад III (1703–1730), Маҳмуд I (1730–1754), Усмон III (1754–1757), Абдулҳамид I (1774–1789), Салим III (1789–1807), Мустафо IV (1807–1808), Маҳмуд II (1808–1839), Абдулмажид (1839–1861), Абдулазиз (1861–1876), Мурод V (1876), Абдулҳамид II (1876–1909), Мехмед V Рашид (1909–1918), Мехмед VI Вахидуддин (1918–1922).

XIII аср охири – XIV аср бошлари – ўғуз турклари (туркман) қабилаларининг Анатolia шарқида ва Эрон шимолида Қорақуюнли конфедерацияси ташкил топди.

XIV аср бошлари – 1556 йил – Аштархон хонлиги (Астрахан хонлиги) фаолият курсатган. Пойтаҳти – Аштархон шаҳри (ҳозирги Астрахан). Аштархон хонлигининг биринчи хукмдори – Катта Үрда хони Ахмадхоннинг бирори Маҳмуд бўлган. Олтин Үрда амири Ҳожи Черкес XIV асрда Аштархонни эгаллаб, мустакил мулкка асос солди. Бу давлат Олтин Үрданинг инкизози натижасида вужудга келган татар хонлиги ҳисобланади.

1308 йил – Кўниядаги Рум салжуқий султонлиги давлати тутатилди. Анатolia бир қанча кичик турк давлатларига (бейлар ва бекликларга) ажралиб кетди. Ана шундай бекликлардан бири Қаҳрамон ўғиллари беклиги бўлиб, улар

билин усмонийлар ўртасида ҳокимият учун кескин кураш кетган. Бу бекликнинг асосчиси Қа(х)рамонбек бўлган.

1312–1342 йиллар – Олтин Ўрдада Ўзбекхон ҳукмронлиги даври.

1318–1389 йиллар – нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввиф Баҳоуддин Нақшбанд яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1318–1326 йиллар – Мовароуннахрда чиғатоийлардан Кепакхон ҳукмронлиги даври.

1320–1330 йиллар – Кўхна Урганчда Нажмиддин Кубро мақбараси қурилган.

1322–1392 йил 12 август – қомусий олим Мухаммад ибн Умар Саъдиддин Тафтазоний яшаб ўтган давр.

1333 йил – араб сайёхи Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати.

1333 йил – Кўхна Урганчда Тўрабекхоним мақбараси қурилган.

1336 йил 9 апрель – 1405 йил 18 февраль – машҳур давлат арбоби ҳамда ҳарбий саркарда Амир Темур яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1336–1432 йиллар – Жалоирийлар давлати Ирок, Курдистон ва Озарбайжонда фаолият кўрсатди. Унга туркий халқ жалойирларидан Шайх Ҳасан Бузург асос солган.

Жалоирийлар сулоласи: Тожиддин Ҳасан Бузург (1336–1356), Увайс I (1356–1374), Жалоуддин Ҳусайн I (1374–1382), Фийосуддин Аҳмад (1382–1410), Бойазид (1382–1383; Курдистонда), Шоҳ Валад (1410–1411), Махмуд [Шоҳ Валаднинг беваси; 1411–1415; 1422–1424], Увайс II (1415–1421), Мухаммад (1421–1422), Ҳусайн II (1424–1432).

1337–1386 йиллар – Сарбадорлар давлати Жанубий Хурсонда фаолият кўрсатди. Давлат маркази – Сабзавор шаҳри. Унга Нишопур, Тус, Гургон (Астробод) ва Кирмон ҳам кирган. Бу давлатга Абдураззоқ асос солган ва мўғулларга қарши қўзғолон кўтарган. Сарбадорлар давлати Амир Темур томонидан тутатилган.

Сарбадорлар сулоласи: Абдураззок (1337–1338), Ҳожа Масъуд ибн Фазлуллоҳ Боштиний (1338–1344), Огаму-

хаммад Темур (1344–1346), Колу Исфандиёр (1346–1347),
Хожа Шамсиддин ибн Фазлуллоҳ (1347–1349), Хожа Али
Шамсиддин Чашмий (1349–1355), Амир Ахё Курробий
(1355–1358), Хожа Захириддин Курробий (1358–1359),
Пахлавон Ҳайдар қассоб (1359–1360), Амирзода Лутфуллоҳ
ибн Хожа Мастьуд (1360–1361), Пахлавон Ҳасан Домғоний
(1361–1365), Хожа Нажмиддин Али Муайяд (1365–1386).

1353 йил – Эронда мӯғулларнинг Элхонлар давлати ту-
гатилди. Бу ҳолат Мӯғуллар империясининг умумий таназ-
зулига тӯгри келди.

1360–1361 йиллар – Мӯғулистон хони Туғлук Темур-
нинг Мовароуннаҳрга ҳужуми.

XIV аср ўртаси – Бухорода Баёнкулихон мақбараси
курилган.

1360–1437 йиллар – математик ва астроном Қозизода
Румий яшаган давр.

1361 йил – Амир Темур – Кеш ҳокими; Амир Темур би-
лан Амир Ҳусайннинг Туғлук Темурга қарши иттифоқи.

1362 йил – Амир Темур Сейистонда бўлган жанглардан
бирида қули ва оёғидан жароҳат олгач, Ҳиротдан ғарбдаги
Арсаф чўлида бир ой даволанган.

1365 йил 22 май – Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг
Мӯғулистон хони Илёсхўжа билан Чиноз атрофида тўк-
нашуви («Жанги лой»).

1365 йил – Илёсхўжанинг Самарқандни қамал қилиши;
Самарқандда сарбадорлар қўзғолони.

1366 йил – Амир Ҳусайн – Мовароуннаҳр хони; Амир
Ҳусайн томонидан сарбадорлар раҳбарлари қатл этилди.

1366–1465 йиллар – машҳур ўзбек шоири Лутфий яша-
ган ва фаолият кўрсатган давр.

1366–1370 йиллар – Амир Темурнинг Амир Ҳусайнга
қарши кураши.

1370 йил 10–11 апрель – Амир Темур Балхни эгалла-
ди ва Мовароуннаҳр таҳтига чиқди. Амир Темур томонидан
янги туркий давлат – Темурийлар давлатига асос солинди.
У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сир-
дарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта

худудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-гарбда Қуий Волга, Дон бўйлари, шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача, жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилди.

1370 йил июнь – Самарқандда курултой чақирилди.

1370–1405 йиллар – Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирнинг ҳукмронлик даври.

1370–1507 йиллар – Темурийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

Темурийлар сулоласи:

Марказлашган давлат тенасидаги темурий ҳукмдорлар (1370–1469): Амир Темур (1370–1405), Шоҳруҳ ибн Темур (1409–1447), Улуғбек ибн Шоҳруҳ (1447–1449), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457–1469).

Мовароуннаҳр (пойтахти Самарқанд)даги темурий ҳукмдорлар (1405–1500): Халил Султон (1405–1409), Улуғбек (1409–1449), Абдуллатиф (1449–1450), Абдулло Мирзо (1450–1451), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451–1469), Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саид (1469–1494), Султон Маҳмуд Мирзо ибн Абу Саид (1494–1495), Бойсунғур Мирзо (1495–1497), Султон Али Мирзо ибн Султон Маҳмуд (1498–1500).

Хуросон (пойтахти Ҳирот)даги темурий ҳукмдорлар (1396–1507): Шоҳруҳ (1396–1447), Улуғбек (1447–1449), Абулқосим Бобур (1449–1457), Шоҳ Маҳмуд Мирзо (1457), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457–1469), Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506), Бадиуззамон Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро (1506–1507) ва Музаффар Ҳусайн Мирзо (1506–1507).

1370–1388 йиллар – Мовароуннаҳрда чингизийлардан «сохта хон» Суюргатмишоннинг ҳукмронлик даври.

1371 йил июль – Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши Кот шаҳрини эгаллаб, Гурганжни қамал қилиш билан якунланди. Қамал вақтида Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфи вафот этди. Амир Темур Хоразм ҳудудига беш маротаба юриш килди.

1371–1390 йиллар – соҳибқирон Амир Темурнинг Мўгулистон хони Қамариддинга қарши 7 марта юриши.

1372 йил – Олтин Ўрданинг парчаланиши; Шоҳизинда ансамбли таркибидаги Туркон оғо мақбараси қурилди.

1373 йил февраль – март – Амир Темурнинг Хоразмга иккинчи юриши. Юриш Бухорда тўхтатилди, чунки Хоразм ҳокими Юсуф Сұфи яна узр сўраб, уруш харакатларини тўхтатишни илтимос қилди.

1373–1380 йиллар – Хоразмда Ҳусайн Сұфининг укаси Юсуф Сұфининг хукмронлик даври.

1374 йил – Жанубий Хоразмнинг Амир Темур давлати таркибига кириши; Амир Темурнинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг невараси Хонзода бегимга уйланиши. Бу никоҳдан кейинчалик Амир Темурнинг валиаҳди Муҳаммад Султон туғилди.

1375 йил март – Амир Темурнинг Хоразмга учинчи юриши.

1375 йил баҳор – Амир Темурнинг Жетага юриши ва Дилшод оқага уйланиши.

1376 йил – Шоҳизинда ансамбли таркибидаги Туғлу Текин мақбараси қурилди.

1376 йил декабрь – Амир Темурнинг Жетага юриши; Тўхтамишнинг Олтин Ўрдадан Амир Темур ҳузурига паноҳ истаб келиши; Амир Темурнинг Олтин Ўрдага – Ўрусхонга қарши юриши; Ўрусхоннинг ўлими; Хоразм ҳукмдори Юсуф Сұфининг Бухорога хужуми.

1377 йил 20 август – 1447 йил 19 март – темурийлардан Шоҳруҳ Мирзо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1377 йил – Амир Темурнинг Жўжи улуси (Олтин Ўрда) га юришидан сўнг Самарқандга ғалаба билан қайтиши; Амир Темурнинг Туман оқага уйланиши.

1378 йил – Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрдада Амир Темур ёрдамида таҳтга ўтириши; Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оқо (Хайруннисо)га атаб Боғи Беҳишт (Жаннат боғи)ни бунёд этган.

XIV–XV асрлар – Оқ қуюнлилар [Оқ қўйлилар] номи билан туркий ўғуз қабилалари Дажла дарёсининг юқори

окими бўйларида ўзаро бирлашма ташкил қилишди. Боён-дурлардан чиқкан оқ қуюнлилар сулоласи бу бирлашмага раҳбарлик қилди.

1378–1508 йиллар – Оқ қуюнлилар [Оқ қўйлилар] туркӣ давлати Диёрбакир, Шарқий Онадўли ва Озарбайжонда фаолият кўрсатди. Бу давлат кейинчалик ўзининг асосий ғаними – Қора қуюнлилар давлатини тор-мор этиб (1468), Арманистон, Озарбайжон, араб Ироки ва Ғарбий Эронни эгаллаб, Табриз шаҳрини пойтахт қилди. Давлатга Қора Йўлук Усмон асос солган.

Оқ қуюнлилар сулоласи: Қора Йўлук Усмон (1378–1435), Ҳамза (1435–1444), Жаҳонгир (1444–1453), Узун Ҳасан (1453–1478), Халил (1478), Яъкуб (1478–1490), Бойсунқур (1490–1493), Рустам (1493–1497), Аҳмад Гўвда (1497), Мурод (1497–1498), Алванд (1498; кейинчалик вафотига қадар – 1504 йилгача Диёрбакирда), Мухаммад Мирзо (1498–1500), Мурод (1502–1508).

1378–1404 йиллар – Самарқанд шаҳри ва атрофида Амир Темур боғлари курилди.

1379 йил январь – февраль – Амир Темур тўртинчи ма-ротаба Хоразмга қўшин тортишга мажбур бўлди. Лекин бу юриш ҳам аввалгилари каби сулҳ тузиш билан тугади.

1379–1380 йиллар – Шахрисабздаги Дор ус-Сиёдат («Саййидлар уйи») мақбараси Амир Темур томонидан курдирилди.

1380 йил – мўғул хони Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтини эгаллади.

1380–1468 йиллар – Қора қуюнлилар [Қора қўйлилар] туркӣ давлати фаолият кўрсатди. У ўғуз турклари қаби-лалари бирлашмасига кирувчи баҳорлу қабиласи етакчилигида Озарбайжон, Ирок ва Ғарбий Эронда ташкил топган. Бу давлатга Қора Мухаммад Турмуш асос солган.

Қора қуюнлилар сулоласи: Қора Мухаммад Турмуш (1380–1389), Қора Юсуф (1389–1400; 1406–1420), Искандар (1420–1438), Жаҳоншоҳ (1438–1467), Ҳасан Алий (1467–1468).

1380–1404 йиллар – Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан Оқсарой курдирилди.

1380 йил – Шоҳизинда таркибидаги Уста Али мақбараси курдилди.

1381 йил – Амир Темурнинг Хуросонга ҳарбий юришлари: Ҳирот, Сарахс, Жом ва Қавсиянинг олиниши; Амир Темур Сабзаворда сарбадорлар давлатини тугатди; куртлар сулоласи тугатилди.

1382 йил – Тус ва Қалот шаҳарларининг Амир Темур томонидан олиниши.

1383 йил – Амир Темурнинг бутун Хуросон ва Мозандаронни бўйсундириши; Жетага қўшин юборилиши; Форс хукмдори Шоҳ Шужоъ элчиларининг келиши ва Форсга элчилар юборилиши; Амир Темурнинг хотини Дишод оқанинг ва опаси Қутлук Туркон оқанинг вафоти.

1386–1388 йиллар – Амир Темурнинг уч йиллик ҳарбий юришлари (Эрон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон); Тўхтамишон қўшинлари Табризни эгаллади; Амир Темур Тўхтамишонни Дарбанд ортига кувиб юборди.

1387 йил – Амир Темур қўшинлари томонидан Исфаҳоннинг олиниши.

1388 йил январь – Амир Темурнинг араб Ироқи ва Форсга юриши ҳамда Шерознинг олиниши; Тўхтамишоннинг Мовароуннаҳрга бостириб кириши; Анқа Тўра Жетадан келиб, Сайрам ва Тошкентга ҳужум қилди.

1388 йил – Хоразмда Сулаймон Сўфининг Амир Темурга карши қўзғолони. Соҳибқироннинг Хоразмга бешинчи юриши, бу юриш Хоразмнинг янги ҳокими Сулаймон Сўфининг кочиши ва Урганчнинг олиниши, сўфилар сулоласининг тугатилиши билан яқун топди. Урганч аҳолиси Самарқандга кучирилди. Хоразмнинг шимоли-ғарбий қисми ҳам Амир Темур давлатига қўшиб олинди.

1388–1404 йиллар – Мовароуннаҳрда чингизийлардан «соҳта хон» Султон Маҳмудхоннинг ҳукмронлик даври.

1388–1450 йиллар – араб тарихчиси, «Темур ҳакидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» асари билан танилган Ибн Арабшоҳ яшаган давр.

1389 йил – Тўхтамишхон Дизак (Жиззах)нинг Аччик мавзеида тор-мор қилинди.

1389–1395 йиллар – Туркистонда Амир Темур томони-дан Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси қурдирилди.

1390 йил баҳори – Жетага юриш қилган Амир Темур кўшинлари ғалаба билан қайтди.

1390 йил ноябрь – декабрь – Амир Темурнинг Тошкентда қишлиши.

1391 йил 8 апрель – Амир Темур Улуғтоғда қурдирган минорасига араб ва қадимги уйғур ёзуvida битик ёздиди.

1391 йил 18 июнь – Амир Темур кўшинларининг Кундузча мавзеида Тўхтамишхонни қувиб етиши ва Кундузча жангидаги ғалабаси. Тўхтамишхоннинг Литвага қочиши.

1392–1396 йиллар – Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлари. У беш йиллик уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллади, натижада музafferийлар ва жалоирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топди.

1393 йил 22 август – Амир Темурнинг Бағдодни олиши.

1394 йил 22 март – 1449 йил 27 октябрь – машҳур астроном ва математик, қомусий аллома Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарагай) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1394 йил – Усмонли турк сultonи Боязид I Константинополни қамал қилди. У бу пайтда бутун Кичик Осиёнинг хўжайини эди. Амир Темурнинг Анатолияга ҳужуми натижасида 1402 или Константинополь қамалдан озод бўлди.

1395 йил 15–17 апрель – Амир Темур ва Олтин Ўрда (Дашти Қипчоқ) ҳукмдори Тўхтамишхон кўшинлари ўртасида Шимолий Кавказдаги Терек дарёси бўйида, Нўғай даштида жанг содир бўлди. Бу жангда Амир Темур кўшини ғалаба қозонди. Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида Куйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Саройчик ва Ҳожитархон каби шаҳарлар ғорат қилинди. Амир Темур Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача борди ва Елец шаҳрини ишғол қилди.

1396–1447 йиллар – Шоҳруҳ Мирзонинг Ҳуросондаги Темурийлар давлатида ҳукмронлик даври.

1397 йил – Амир Темур набираси (Мироншоҳнинг кизи)га атаб Самарқанд ғарбида Боғи Шамолни бунёд этди; Амир Темур хотинларидан бири Тўкалхоним шарафига Самарқанддан 5 км шарқда Боғи Дилкушони бунёд этди.

1397–1398 йиллар – Амир Темур даврида Самарқанддаги Боғи Дилкушо ўртасида Ишратхона номли кўшк биноси курилди.

1398 йил май – 1399 йил март – Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши.

1398 йил 17 декабрь – Дехли яқинидаги Панипат яланглигига Амир Темур кўшини билан Дехли султони Султон Махмудхон кўшини ўртасида шиддатли жанг содир бўлди. Бу жангда ҳам Амир Темур кўшини ғалаба қозонди.

1398 йил – Амир Темур Самарқанддан 7 фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоги этагида Боғи Жаҳоннамони курдирди.

1398–1399 йиллар – Амир Темурнинг Шимодий Ҳиндистонга юриши. Дехли султонлиги тор-мор қилинди ва Амир Темур узил-кесил ғалабага эришди.

1399 йил 22 апрель – Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтгач, унга Самарқанддан 13 км жанубда бунёд этилган Боғи Давлатобод ҳадя килинди.

1399–1404 йиллар – Амир Темурнинг еттийиллик ҳарбий юришлари. Амир Темурнинг олиб борган ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироки Арабнинг Убулистон ўлкаси (қадимги Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек, ҳозирги Туркияning катта қисми забт этилди.

1399–1404 йиллар – Самарқандда Бибихоним Жомеъ масжиди курилди.

XIV асрнинг иккинчи ярми – Самарқанд миниатюра мактаби ташкил топди.

XIV аср – Хивадаги Иchan қалъада Сайд Аловиддин мақбараси курилди.

XIV аср охири – Тошкент яқинидаги Зангиота мақбара-сининг қурилиши.

XIV аср охири – 1405 йил – Амир Темур мақбарасы
(Гўри Амир) курилди.

XIV аср сўнгги чораги – Мўғуллар империяси барҳам топди.

XIV аср охири – XVI аср бошлари – Самарқанд темурйлар даврида мусулмон цивилизациясининг марказларидан бирига айланди. Амир Темур томонидан Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Бибихоним Жомеъ масжиди ва бошқалар курилди.

XIV аср охири ва XV аср бошлари – XVI аср иккинчи ярми – Олтин Ўрда давлати таркибидан ажralиб чиқкан Нўғай Ўрда (Нўғай хонлиги) давлати фаолият кўрсатди. Унга Эдигубий [Идику] Балтичакбий ўғли тахминан 1392 йилда асос солди. Бу давлат Шимолий Каспий ва Орол дengизлари бўйидан Тура ҳамда Камагача, Волгадан Илтишгача бўлган ҳудудда ташкил топган кўчманчилар давлати – нўғай халқининг давлати ҳисобланади. Пойтахти – Саройчик шаҳри. Нўғай Ўрдаси мурзалар бошқарган улусларга бўлинган. XVI аср иккинчи ярмида Нўғай Ўрда давлати Катта Нўғай Ўрдаси, Кичик Нўғай Ўрдаси ва Олтиовул Ўрдаси каби турли давлатларга парчаланиб кетди.

Нўғай Ўрда давлати бийлари (хукмдорлари) [1392–1634]: Эдигубий (1392–1412), Нуриддин Ботирбий (1412–1419), Мансурбий (1419–1427), Фозийбий (1427–1428), Ваққосбий (1428–1447), Хоразмийбий (1447–1473), Аббосбий (1473–1491), Мусобий (1491–1502), Йагмуршибий (1502–1504), Ҳасанбий (1504–1508), Шайх Муҳаммадбий (1508–1510; 1516–1519), Алчагирбий (1508–1516), Агишибий (1521–1524), Сайд Аҳмадбий (1524–1541), Ҳожи Муҳаммадмирза (1537–1541), Шайх Мамай (1537–1541; 1541–1549), Юсуфбий (1549–1554), Исмоилбий: (1557–1563), Тинехмат (1563–1578), Урусбий (1563–1578; 1578–1590), Динбаймирза (1578–1584), Сайд Аҳмадмирза (1584–1587), Ўроз Муҳаммадбий (1584–1590; 1590–1598), Дин Муҳаммадбий (1590–1598; 1598–1600), Иштерек (1600–1619), Кучумирза (1600–1604), Йаш Таракмирза (1600–1619), Шай Тарак-

мирза (1604–1619), Каракел Мұхаммадмирза (1604–1622; 1622–1631), Канайбий (1622–1634).

Мансур Үрдаси бийлари(1440–1595): Дин Суфибий; Тимурбий (1440–1486), Жон Қубодбий (1486–1490), Ҳожи Ахмадбий (1490–?), Бокибий (1532–1535; 1540–1542), Ҳұжа Ахмадбий (1535–1540), Дивейбий (1542–1573), Исанайбий (1573–1588), Арслонойбий (1588–1595), Мұхаммадбий (1595).

Олтиокул Үрдаси бийи: Қосимбий (1541–1549; 1549–1555).

Кичик Нұғай Үрдаси бийлари(1554–1639): Қози мурза (1554–1569; 1569–1576), Йахшисадбий (1576–1590), Барон Газибий (1600–1621), Қосимбий (1621–1639).

XIV–XVI асрлар – Европада Ренессанс даври (Ренесанс түшунчаси француз тилидаги *Renaissance* сүзидан олинган бўлиб, уйғониш деган маънени англатади). Табиийки, бу ижтимоий-тариҳий жараён турли мамлакатларда турличи кечди.

XV аср – Оқ Үрда (рус манбаларида Күк Үрда) давлати Олтин Үрданинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган. Оқ Үрда ҳудудида Олтин Үрданинг давоми сифатида янги давлатлар: Катта Үрда, Нұғай Үрда, Қосимовлар подшолиги ҳамда Ўзбек, Крим, Қозон, Сибирь ва бошқа хонликлар вужудга келди.

1401 йил январь – март – Дамашқда соҳибқирон Амир Темур билан буюк араб олимни Ибн Халдун (1332–1406) ўртасида ўзаро учрашувлар ва мулоқотлар бўлган.

1401–1404 йиллар – Низомиддин Шомий томонидан Амир Темур давлати тарихига бағишлиланган «Зафарнома» асари ёзилди.

1402 йил 20 июль – Анқара жангига. Амир Темур билан Усмонли турк сultonи Боязид I Йилдиirim қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган улкан жангда Амир Темур қўшини ғалаба қозонди. Сўнгра Амир Темур Анадолу яриморолини эгаллаб, Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган Измир шаҳрини забт этди ва салибчиларнинг Яқин Шарқдаги охирги қароргоҳига барҳам берди. Сўнгра Эгей

денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос оролларидаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари унга таслим бўлдилар, Миср ҳам ўз итоаткорлигини изхор этди. Амир Темур Анқара, Ниkeya, Бурса ва Измир шаҳарларини эгаллаб, Византия ва бутун насоро оламининг Боязидга йигиб берган божларидан иборат катта бойликни қўлга киритди.

1403 йил 9 март – Амир Темур Боязид вафотидан сўнг унинг ворисларига мурувват қилди. Чунончи Боязиднинг тўнғич ўғли Сулаймон Чалабейни туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким этиб тайинлади. Эдирне (Адрианополь) шахри унинг пойтахти қилиб белгиланди. Анадолуниң шимоли-ғарбий кисми суюрғол сифатида Исо Чалабейга инъом қилиниб, Бурса шахри унинг пойтахтига айлантирилди. Усмонли турклар давлатининг марказий кисмини бошқаришни Мусо Чалабейга топширди.

1403 йил – Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо-нинг Самарқандга ташриф буюриши.

1403–1474 йиллар – машхур астроном, математик Али Кушчи яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1404 йил 27 ноябрь – Амир Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтгач, 200 минг кишилик қўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқди.

1404 йил – Амир Темур Самарқанд жанубида Бофи Навни, шарқида Бофи Чинорни барпо этди.

1404–1490 йиллар – нақшбандия тариқати раҳнамоларидан, машхур мутасаввуф Хожа Ахрор Валий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1405 йил 18 февраль – Амир Темур Ўтрорда Хитой юриши чоғида вафот этди.

1405 йил 1 март – Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо номига хутба ўқилди.

1405 йил 18 март – Самарқандда Халил Султон тахтни згаллади.

1406 йил – Олтин Ўрда ва Нўғай Ўрда хони Идику Хоразмга юриш қилди.

1406–1409 йиллар – Шоҳруҳ Мирзо ва Халил Султон ўртасидаги тўқнашувлар.

1407–1421 йиллар – Хитой билан Мовароуннахр ўртасида элчилик алокалари.

1408–1410 йиллар – Амир Темур ўлимидан сўнг тикланган туркманларнинг Кора қуюнли конфедерацияси Озарбайжон ва Ироқда ҳокимиятни эгаллади.

1409 йил май – Шоҳрухнинг Самарқандни олиши, Улуғбек Мовароуннахр таҳтига ўтириди.

1409–1447 йиллар – Темурийлар давлатида Шоҳрух хукмронлиги.

1409–1449 йиллар – Самарқандда Улуғбек хукмронлиги.

1411 йил – Улуғбек мустакил ҳоким сифатида Мовароуннахри идора қила бошлади.

1412–1468 йиллар – машхур давлат арбоби Абулхайрхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1413 йил 7 ноябрь – 1482 йил – машхур сайёх, элчи ва тарихчи Абдураззоқ Самарқандий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1414–1492 йиллар – форс-тожик шоири, накшбандия сулукининг таниқли вакили Абдураҳмон Жомий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1415–1420 йиллар – Хитой императори Самарқандга – Улуғбек саройига икки марта ўз элчиларини юборди.

1417 йил – Бухорода Улуғбек мадрасаси қурилди.

1417–1422 йиллар – Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилди.

1418–1438 йиллар – Ҳиротда Гавҳаршодбегим томонидан масjid, мадраса ва макbara (Гавҳаршодбегимнинг ўзи ва ўғли Бойсунғур Мирзо дағн этилган) қурилди.

1419–1425 йиллар – Шарафиддин Али Яздий томонидан Амир Темур давлати тарихига бағишилаб «Зафарнома» асари ёзилди.

Тахминан 1423–1478 йиллар – давлат арбоби Узун Ҳасан яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1424–1428 йиллар – Самарқанднинг Кўҳак (Чўпонота) тепалигига Улуғбек расадхонаси қурилди.

1425 йил – Улуғбек Еттисувда Мўғалистон хони Шермуҳаммад ўғлон устидан ғалаба қозонди.

1427 йил – Бароқ ўғлон бошлиқ күчманчи ўзбеклар күшини Улуғбек қўшини устидан ғалаба қилди.

1428–1429 йиллар – Мирзо Улуғбекнинг машхур расад хонаси қуриб битказилди.

1428–1468 йиллар – Ўзбек улуси хони Абулхайрхон нинг ҳукмронлик даври.

1428 – таҳминан 1470 йил – Ўзбек улуси давлати фаолият кўрсатди. Унга 17 ёшли Абулхайрхон асос солди. Бу давлат Даشت Қипчоқнинг шарқий қисми (Жануби-Ғарбий Сибирь)да ташкил топган. Унинг пойтахти аввал Чинги-Тўра (хозирги Тура), сўнгра Сиғнок шаҳарлари бўлган. Ўзбек улусига Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан то Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарисув ва Чу дарёларидан ғарбда Ёйик (Урал) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар кирган.

Ўзбек улуси хонлари: Абулхайрхон (1428–1468), Шайх Ҳайдархон (1468–1470) ва бошқалар.

1428–1783 йиллар – Крим хонлиги фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда давлатидан ажралиб чиққан ва Крим ярим-оролида жойлашган туркий давлат. Крим хонлигига Давлат Ҳожи Гарай асос солган. Пойтахти – Эски Крим шаҳри, XVI аср бошларидан Боқчасарой. Бу давлатга Куйи Днепрбўйи ҳам кирган. Крим хонлигини гарайлар сулоласи бошқарган.

Гарайлар (гирейхонлар) сулоласи: Ҳожи Гарай (1428–1456; 1466), Ҳайдар Гарай (1456–1466), Нур Давлат Гарай (1466–1474; 1474–1475; 1476–1478), Менгли Гарай I (1474; 1475–1476; 1478–1514), Муҳаммад Гарай I (1514–1523), Гозий Гарай I (1523–1524), Саодат Гарай I (1524–1532), Ислом Гарай I (1532), Соҳиб Гарай I (1532–1551), Давлат Гарай I (1551–1577), Муҳаммад Гарай II (1577–1584), Ислом Гарай II (1584–1588), Гозий Гарай II (1588–1596; 1596–1608), Фатҳ Гарай I (1596), Тўхтамиш Гарай (1608), Саломат Гарай I (1608–1610), Муҳаммад Гарай III (1610; 1623–1627), Жонибек Гарай (1610–1623; 1627–1635), Иноят Гарай (1635–1637), Баҳодур Гарай I (1637–1641), Муҳаммад Гарай IV (1641–1644; 1654–1666), Ислом Гарай III (1644–1654), Одил Гарай (1666–1671), Салим Гарай I (1671–1678;

1684–1691; 1692–1699; 1702–1704), Мурод Гарай (1678–1683), Ҳожи Гарай I (1683–1684), Саодат Гарай II (1691), Сафо Гарай (1691–1692), Давлат Гарай II (1699–1702; 1708–1713), Фозий Гарай III (1704–1707), Қоплон Гарай I (1707–1708; 1713–1716; 1730–1736), Давлат Гарай III (1716–1717), Саодат Гарай III (1717–1724), Менгли Гарай II (1724–1730; 1737–1740), Фатх Гарай II (1736–1737), Саломат Гарай II (1740–1743), Салим Гарай II (1743–1748), Арслон Гарай (1748–1756; 1767), Ҳалим Гарай (1756–1758), Қирим Гарай (1758–1764; 1768–1769), Салим Гарай III (1764–1767; 1770–1771), Максуд Гарай (1767–1768; 1771–1772), Давлат Гарай IV (1769–1770; 1775–1777), Қоплон Гарай II (1770), Соҳиб Гарай II (1772–1775), Шоҳин Гарай (1777–1783) ва бошқалар.

1429 йил – Самарқандда Улугбек томонидан «Дорул-им» – Самарқанд академиясига асос солинди.

1433 йил – Фиждувонда Улугбек мадрасаси қурилди.

1433–1502 йиллар – Катта Үрда (Улуг Үрда) фаолият кўрсатди. У Олтин Үрдадан ажralиб чиқкан татарлар давлати ҳисобланади. Катта Үрдада мангит амирларининг сиёсий мавкеи кучли бўлган.

1434–1435 йиллар – Шаҳрисабзда Кўк гумбаз масжидининг қурилиши.

1435–1467 йиллар – туркманларнинг Қорақуюнли давлати раҳбари Жаҳоншоҳнинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда у ўз ҳокимиятини Эроннинг катта қисмига тарқатди.

1437 йил – Улугбекнинг «Зижи Кўрагоний» илмий асари яратилди.

1437–1438 йиллар – Шаҳрисабзда Улугбек томонидан Гумбази Сайидон мақбараси қурилди.

1438–1552 йиллар – Қозон хонлиги фаолият кўрсатди. Олтин Үрда давлати инқирозидан сўнг Үрга Волгабўйи – Волга-Кама Булғорияси худудида ташкил топган давлат. Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1438–1445) асос солган. Маркази – Қозон шаҳри.

1441 йил 9 февраль – 1501 йил 3 январь – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1441–1442 йиллар – Абдураззок Самарқандий Ҳиндистонга элчи бўлиб борди.

1449 йил 27 октябрь – Улуғбек Самарқанд яқинида фожиали ўлдирилди.

XV асрнинг биринчи ярми – Тошкентдаги Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси таркибидаги Қалдирғочбий мақбараси курилди.

1449–1457 йиллар – темурийлардан Абулқосим Бобур Хурросон ҳукмдори бўлди.

1450 йил 8 май – Самарқандда Бобо Ҳусайн Баҳодир томонидан падаркуш Абдуллатиф ўлдирилди.

1450–1451 йиллар – Самарқандда Абдулло Мирзо ҳукмронлиги.

1451 йил ёзи – Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғи ёнида Абулхайрхон қўшинлари Абдулло Мирзо қўшинини енгди. Бу жангда Абдулло Мирзо ўлдирилди.

1451 йил – Тошкентда Ҳожа Аҳрор Жомеъ масжиди курилди.

1451–1469 йиллар – Мовароуннаҳрда (1457 йилдан Хурросонда) темурийлардан Абу Сайд Мирзонинг ҳукмронлик даври.

1451–1510 йиллар – машҳур давлат арбоби, шайбонийлар сулоласининг асосчиси Мухаммад Шайбонийхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1453 йил – Озарбайжоннинг қорақуюнлилардан бўлган ҳукмдори Жаҳоншоҳ темурийлардан Ғарбий Эронни тортиб олди.

1453–1478 йиллар – Узун Ҳасанинг Оқ қуюнлилар давлатида ҳукмронлик даври.

1454 йил – Абулқосим Бобурнинг Самарқандга муваффакиятсиз юриши.

1455–1536 йиллар – буюк мусаввир, Шарқ уйғониш даврининг етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси Камолиддин Беҳзод яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У «Иккинчи Моний» номи билан машҳур бўлган.

1455–1535 йиллар – «Шайбонийнома» асари муаллифи тарихчи олим ва шоир Мухаммад Солих яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давр.

1457 йил – Абулқосим Бобурнинг Машҳадда вафот этиши. Темурийлар давлатининг Абу Саид Мирзо кўл остида бирлашиши.

1461–1532 йиллар – машхур сўфий Шайх Худойдод Валий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1461/1462–1542 йиллар – нақшбандия тариқатининг раҳнамоси, йирик диний арбоб Маҳдуми Аъзам (Сайид Аҳмад Ҳожа ибн Сайид Жалолиддин Косоний Даҳбедий) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1465–1759 йиллар – Шаркий Туркистон ҳудудида Ёркенд хонлиги мавжуд бўлган. Хонликнинг пойтахти Ёркенд шаҳри эди. У Хитойнинг Цинь империяси томонидан тутатилган.

1466–1469 йиллар – Алишер Навоийнинг Самарқандда ўқиган йиллари.

1467–1468 йиллар – Оқ қуюнлилар давлати ҳукмдори Узун Ҳасан томонидан Кора қуюнлилар давлати тугатилди. У пойтахтни Амид (ҳозирги Диёрбакир)дан Табриз шаҳрига кўчирди. Узун Ҳасан «Қонуннома» чиқарган.

1468 йил – Абулхайрхоннинг вафоти ва Даشتி Қипчокдаги Ўзбек улуси давлатининг инкирози.

1469 йил – Абу Саид Мирзо оқ қуюнлилардан Узун Ҳасан билан бўлган жангда ҳалок бўлди.

1469–1494 йиллар – Мовароуннахрда Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги.

1469 йил 24 март – 1506 йил 5 май – Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтида ҳукмронлик даври.

1473 йил қиши – Ёдгорхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар билан Мўғалистон хони Юнусхон қўшини ўртасида Сирдарё бўйидаги Қорату мавзеида жанг содир бўлди.

1475–1535 йиллар – тарихчи Ҳондамир яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1480–1485 йиллар – Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Ўзбек улуси тикланди.

1483–1485 йиллар – Алишер Навоий беш досгондан иборат «Хамса»ни яратди.

1483 йил 14 февраль – 1530 йил 26 декабрь – буюк шоир, тарихчи, давлат арбоби, бобурийлар сулоласининг

асосчиси Захириддин Мұхаммад Бобур яшаган ва фаолият
күрсатған давр.

1485–1487 йиллар – Тошкент ҳокими Юнусхонниң
хукмронлик даври.

1486 йил июнь – Мұхаммад Шайбонийхоннинг Хоразм-
га биринчи юриши.

1486–1520 йиллар – машхур мусаввир Бекзод Ҳиротда
миниатюра мактабини бошқарди.

1491–1496 йиллар – Алишер Навоий «Хазоин ул-
маоний» («Чор девон») асарига тартиб берди.

1494 йил – Мирзо Умаршайх вафоти ва Бобурнинг
Фарғона таҳтига ўтириши.

1494–1495 йиллар – темурийлардан Самарқанд ҳокими
Султон Маҳмуд Мирзонинг хукмронлик даври.

1498–1500 йиллар – темурийлардан Мовароуннахр
хукмдори Султон Али Мирзонинг хукмронлик даври.

1499 йил – Мұхаммад Шайбонийхоннинг Мовароун-
нахрга юриши.

1499–1500 йиллар – Бобурнинг Самарқандға юришлари.

1500 йил 29 май – Мұхаммад Шайбонийхон қўшинининг
темурийларга қарашли Боки Тархон қўшинини Дабусия
қалъаси ёнида тор-мор қилиши.

ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ДАВРИ (XVI–XIX асрлар)

1500 йил ёзи – Мұхаммад Шайбонийхоннинг Самарқандни олиши; янги ўзбек давлати – Шайбонийлар давлатига асос солинди. Бу давлат кейинчалик Бухоро хонлиги деб аталди.

1500–1510 йиллар – Мовароуннахрда Мұхаммад Шайбонийхон ҳукмронлик қылган давр.

1500–1601 йиллар – Мовароуннахрда шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги.

Шайбонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хонлари: Мұхаммад Шайбонийхон (1500–1510), Кўчкунчихон (1510–1530), Абу Сайдхон (1530–1533), Убайдуллахон (1533–1540), Абдуллахон I (1540), Абдулазизхон (1540–1550, Бухорода), Абдуллатифхон (1540–1551, Самарқандда), Бароқхон (1551–1556), Пирмуҳаммадхон (1557–1561), Искандархон (1561–1583), Абдуллахон II (1583–1598), Абдулмўминхон (1598), Пирмуҳаммадхон II (1598–1601).

1500–1501 йиллар – Исмоил I Сафавий томонидан олиб борилган урушлар натижасида Эронда катта-катта худудлар эталланди.

1501 йил апрель – Бобур билан Мұхаммад Шайбонийхон қўшинлари ўртасида Заرافшон бўйидаги Сарипул кишлоғида бўлган жанг.

1501–1524 йиллар – Эронда ҳукмронлик қылган туркий Сафавийлар давлатининг асосчиси Исмоил I Сафавийнинг ҳукмронлик даври.

1501–1736 йиллар – Эронда сафавийлар сулоласи шу номдаги давлатни бошқарди. Сафавийлар туркий тилда гаплашгандар, улар этник жиҳатдан туркийлар (озарбай-

жонлар) бўлишган. Исломнинг шиа мазҳабига эътиқод қилишган.

Сафавийлар сулоласи: Исмоил I (1501–1524), Тахмосп I (1524–1576), Исмоил II (1576–1578), Мухаммад Ҳудобандада (1578–1587), Аббос I (1587–1629), Сафий I (1629–1642), Аббос II (1642–1666), Сулаймон I (Сафий II; 1666–1694), Ҳусайн I (1694–1722), Тахмосп II (1722–1732), Аббос III (1735–1736).

1502 йил 3 ноябрь – Самарқанд шаҳри маркази яқинида, Зарафшон дарёсининг сўл кирғогида пишиқ гиштдан Зарафшон сувайирғич кўприги қурилди.

1503 йил март – Мухаммад Шайбонийхон Ҳўжандни эгаллади.

1503 йил – Маҳмуд Султон бошлигидаги шайбонийлар қўшинининг Хоразмга юриши; Мухаммад Шайбонийхон Архиён шаҳри яқинида Мўғулистон хонлари Маҳмудхон, Аҳмадхон ва уларга иттифоқчи бўлган Бобур қўшинларини енгди ҳамда Тошкент ва Шоҳрухияни қўлга киритди.

1503–1525 йиллар – шайбонийлардан бўлган Тошкент ҳокими Суюнчхўжахоннинг ҳукмронлик даври.

1504 йил баҳори – Мухаммад Шайбонийхон Фарғонани ишғол қилди.

1504 йил – Бобур Кобулни эгаллади.

1505 йил 22 август – Шайбонийхоннинг 10 ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти – Кўхна Урганчни эгаллаши; Ҳусайн Бойқаронинг Хоразмдаги ноиби Чин Сўфи хиёнаткорона ўлдирилди.

1506 йил 5 май – Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафоти.

1506 йил июнь – Хурросон тахтига aka-ука Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ўтирдилар.

1506 йил кузи – Мухаммад Шайбонийхон Балхни эгаллади.

1506 йил – Бадиуззамон Мухаммад Шайбонийхонга қарши Мурғобга қўшин тортди.

1507 йил 20 май – Мухаммад Шайбонийхон Ҳиротни эгаллади.

1507 йил – Мұхаммад Шайбонийхон Жом яқинида темурпайылар күшинини енгди. Темурийлар сулоласи ҳокимиятдан кетди.

1508–1509 йиллар – Шайбонийхоннинг Сирдарё бүйла-ридаги қозоклар устига юриши.

1510 йил 28 декабрь – Мұхаммад Шайбонийхон Исмоил I Сафавий билан Марв яқинида бүліан жангда ҳалок бүлди.

1510 йил – Хоразм Исмоил I Сафавий күлига ўтди.

1510–1530 йиллар – шайбонийлардан Кўчкунчихоннинг Мовароуннахрда ҳукмронлик даври.

1511 йил – Бобур Исмоил I Сафавий билан иттифоқ тузди; Ҳисор, Бухоро ва Самарқандни ишғол қилди.

1512 йил – Элбарсхон томонидан мустақил Хива хонлиги ташкил қилинди.

1512–1804 йиллар – шайбонийларнинг арабшоҳийлар сулоласига мансуб Хива хонлари: Элбарсхон (1512–1516), Султон Ҳожихон (1516), Ҳусайнқулихон (1516), Сўфиёнхон (1516–1522), Бужақахон (1522–1526), Аванешхон (1526–1538), Алихон (1538–1547), Ақатойхон (1547–1556), Юнусхон (1556–1557), Дўстхон (1557–1558), Ҳожи Мұхаммад [Ҳожимхон] (1559–1594; 1598–1603), Араб Мұхаммадхон (1603–1623), Элбарс султон ва Ҳабаш султон (1623), Асфандиёрхон (1623–1643), Абулғозий Баҳодирхон (1643–1663), Анушаҳон (1663–1686), Аранг Мұхаммадхон (1686–1687), Ҳудойдодхон (1687–1688), Ӯзбекхон – Арнакхон (1688–1690), Жўжи султон (1694–1697), Валихон (1697–1699), Шоҳниёзхон (1699–1702), Шоҳбаҳтхон (1702–1703), Сайд Алихон (1703–1705), Мусаҳон (1705–1706), Ёдгорхон (1706–1713), Шерғозихон (1714–1728), Элбарсхон II (1728–1739), Тоҳирхон (1739–1740), Нуралихон (1740–1742), Абулғозихон II (1742–1746), Фойибхон (1746–1756), Қорабойхон (1756–1757), Темурғозихон (1757–1764), Абдулғозий III (1770–1804) ва бошқалар.

1512 йил 28 апрель – Кўли Малик жангиги (Бобур билан Убайдуллахон бошлилик қилган шайбонийлар ўртасидаги жанг). Бу жангда Убайдуллахон ғалаба қилди.

1512 йил сентябрь – октябрь – Қарши қамали. Шоир Камолиддин Биной сафавийлар томонидан ўлдирилди.

1512 йил 24 ноябрь – Фиждувон жанги (Эрон сафавийлари ва Бобур қўшини билан Убайдуллахон бошчилик қилған шайбонийлар ўртасидаги жанг). Бу жангда ҳам Убайдуллахон ғалаба қозонди.

1512–1514 йиллар – Тошкент ҳокими Суюнчхўжахон билан Шарқий Туркистон хони Султон Саидхон ўртасида Фарғона учун кураш. Фарғона шайбонийлар қўлига ўтди.

1513 йил – шайбонийлар билан қозоқ султонлари (Қосимхон) ўртасида Сирдарё бўйи шаҳарлари учун кураш; шайбонийлардан Муҳаммад Темур Султон ва Убайдулла Султон (Убайдуллахон)лар Марви Шоҳизхаённи эгаллашди.

1515–1520 йиллар – Кобул шаҳрида Бобур томонидан Боги Бобур барпо этилди.

1521 йил – Муҳаммад Темур Султон (Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли) Самарқандда вафот этди.

1522–1603 йиллар – Бобурнинг қизи, ўрта асрлар Шарқида биринчи тарихчи аёл, «Хумоюннома» муаллифи Гулбадан бегим яшаган давр.

1525 йил – Бобурнинг Ҳиндистонга юриши.

1525–1588 йиллар – машҳур бухоролик шоир Мушфиқий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1526 йил 21 апрель – Дехли яқинидаги Панипат яланглигига Бобур қўшини билан Дехли султони Иброҳим Лўдий қўшини ўртасидаги жанг (Панипат жанги). Бу жангда Бобур қўшини ғалаба қозонди.

1526–1530 йиллар – Бобур Шимолий Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар давлатига асос солди.

1526–1540; 1555–1858 йиллар – Буюк Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда хукмронлик даври.

Бобурийлар сулоласи: Бобур (1526–1530), Ҳумоюн (1530–1540; 1555–1556), Ақбаршоҳ (1556–1605), Жаҳонгиришоҳ (1605–1627), Шоҳ Жаҳон (1627–1658), Аврангзеб Оламгир (1658–1707), Баҳодиршоҳ I (1707–1712), Жаҳондоршоҳ (1712–1713), Фарруҳ Сияр (1713–1719), Муҳаммадшоҳ (1719–1748), Аҳмадшоҳ (1748–1754), Оламгир II (1754–

1759), Шоҳ Олам II (1759–1806), Ақбар II (1806–1837),
Баҳодиршоҳ II (1837–1858).

1528 йил 24–28 сентябрь – шайбоний султонлар билан
Эрон шоҳи Тахмасп I қўшинлари ўртасида Жом вилояти-
нинг Зуробод мавзеида Жом жанг бўлди. Унда шайбоний-
лар мағлубиятга учради.

1529 йил 21 октябрь – Убайдулла Султон Ҳиротни эгал-
лади.

1530–1536 йиллар – Бухорода Мир Араб мадрасаси
курилди.

1530–1540; 1555–1556 йиллар – Буюк Бобурийлар дав-
латида Ҳумоюншоҳ ҳукмронлик қилган давр.

1533 йил – Убайдуллахон даврида давлат пойтахтининг
Самарқанддан Бухорога кўчирилиши. Шайбонийлар давла-
ти Бухоро хонлиги деб юритиладиган бўлди.

1533–1540 йиллар – шайбонийлар сулоласидан бўлган
Бухоро хони Убайдуллахоннинг ҳукмронлик даври.

1534–1598 йиллар – йирик давлат арбоби ва ҳарбий
саркарда Абдуллахон II (Искандархоннинг ўғли) яшаган ва
фаолият кўрсатган давр.

1537 йил – Убайдуллахоннинг Ёркенд хони Абдурашид-
хон билан иттифоқ тузиб, қозоқ ва кирғизлар устига юриши.

1537–1538 йиллар – Хоразмнинг шайбоний султонлар
Абдуллатифхон, Убайдуллахон ва Бароқхон томонидан
эгалланиши.

1540 йил март – сентябрь – Кўчкунчихоннинг ўғли Аб-
дуллахон I нинг Мовароуннаҳрда б ойлик ҳукмронлик даври.

1540–1550 йиллар – Бухорода Абдулазизхон (Убайдул-
лахоннинг ўғли) нинг ҳукмронлик даври.

1540–1551 йиллар – Самарқандда Абдуллатифхон (Кўч-
кунчихоннинг ўғли) нинг ҳукмронлик даври.

1540–1589 йиллар – машхур тарихчи олим Ҳофиз Та-
ниш Бухорий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1541–1545 йиллар – Тошкентда Қаффол Шоший мақба-
расининг курилиши (меъмор – Ғулом Ҳусайн).

1542–1605 йиллар – Ҳумоюншоҳнинг ўғли Ақбаршоҳ
яшаган давр.

1549 йил – Хивада Уч авлиё мажмуаси қурилди.

XVI асрнинг биринчи ярми – Катта Лангар қишлоғида (хозирги Қашқадарё вилояти Қамаши туманида) Лангарота масжиди ва мақбараси бунёд этилди.

XVI асрнинг иккинчи ярми – 1634 йиллар – Нұғай Үрда давлатидан ажралиб чиқкан Катта Нұғай Үрда давлати фаолият күрсатди. Волгадан Урал дарёсигача чўзилган Каспий бўйидаги худудлардан иборат бўлган. Кейинчалик Кичик Нұғай Үрда таркибига қўшилиб кетди.

XVI асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг иккинчи ярми – Нұғай Үрдадан ажралиб чиқкан Кичик Нұғай Үрда давлати фаолият күрсатди. Волга дарёсининг ўнг кирғоги ва Азов бўйидаги худудларни қамраб олди. Бу давлатга Қози мурза асос солди (1577 йил вафот этди).

1551–1556 йиллар – Мовароуннахрда Суюнчхўжоннинг ўғли Наврӯз Аҳмадхон (Барокхон)нинг ҳукмронлик даври.

1551–1575 йиллар – давлат арбоби Кулбобо Кўкалдош томонидан Бухоро, Балх, Самарқанд ва Тошкентда 4 та мадраса қурилди. Бу мадрасалар Кўкалдош мадрасаси номи билан машҳур.

1555 йил – Ҳумоюн Ҳиндистон тахтининг даъвогарларини тор-мор этиб, яна ҳокимиятни ўз қўлига олди.

1556 йил – Рус подшоси Иван IV туркий Аштархон хонлигини босиб олди.

1556–1605 йиллар – Ақбаршоҳнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври. У Ҳиндистонда бошқа дин ва халқ вакилларига нисбатан бағрикенглик сиёсатини олиб борди.

1556–1578 йиллар – Тошкентда шайбонийлардан Дарвешхоннинг ҳукмронлик даври.

1557 йил апрель – Абдулла Султон (Абдуллахон II) Илонутти дарасида бир кунда бўлган икки жангда Наврӯз Аҳмадхоннинг ўғиллари Дарвешхон ва Бобо Султон қўшинини алоҳида тарзда мағлубиятга учратди.

1557 йил – Абдулла Султоннинг Бухорони эгаллаши ва Пирмуҳаммадхон номига хутба ўқитиши. Шайбонийлар давлатининг пойтахти яна Бухорога кўчирилди.

1558–1559 йиллар – Бухоро ва Хивага рус подшосининг элчиси бўлиб инглиз тижоратчиси ва дипломати Антони Женкинсоннинг келиши; Бухорода мавлоно Мир Муфтий кутубхонаси курилди.

1558–1567 йиллар – Хивада Янгиарик ва Тошлиёрмиш каналлари қазилди.

1559 йил – Ҳиндистон ва Афғонистонда тахт учун бобурйиларга қарши курашнинг етакчи кучлари – афғонларнинг сур сулоласи қўшини бутунлай янчидан ташланди.

1559–1603 йиллар – Хивада баъзи узилишлар билан Ҳожимхон ҳукмронлиги даври. Хива хонлиги билан Эрон ва Москва давлати ўртасида элчилик ва савдо муносабатлари йўлга қўйилди.

1561 йил – Абдулла Султон томонидан отаси Искандархоннинг хонлар хони деб эълон қилиниши.

1563–1598 йиллар – шайбонийлар наслидан бўлган сўнгги Сибирь хони Кучумхоннинг ҳукмронлик даври.

1565 йил – Жанубий Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар Таликот жангига ғалаба қилиб, ҳинд давлати Виджаянагарни тутатди.

1566–1567 йиллар – Бухорода Абдуллахоннинг онаси шарафига Модарихон мадрасаси курилди.

1568–1569 йиллар – Бухорода Қулбобо Қўкалдош томонидан Қўкалдош мадрасаси курилди.

1570 йил – Амударё ўз ўзанини ўзгартириб, Каспий дengизининг ўрнига Орол дengизига куйила бошлади.

Тахминан 1570 йил – Акбаршоҳ томонидан Агра яқинидаги Фатехпур-Сикри (Уттар-Прадеш) шаҳрига асос солинди; сарой ва масжидлар курилди.

1574 йил – Самарқандда Жувонмард Алихон томонидан катта ҳаммом курилди.

1576 йил – Бухоро вилоятидаги гидротехника иншооти – Зарафшон дарёси устидаги Мехтар Қосим кўприги курилди.

1576 йил – Бенгалия бобурийлар ҳукмдори Акбаршоҳ томонидан эгалланди.

1576–1656 йиллар – Самарқанд ҳокими Ялангтӯшибий Баходир яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1577 йил – Бухорода энг катта усти берк савдо растаси – Абдуллахон тимининг қурилиши.

XVI–XVII асрлар – Ўзбекистон миниатюра санъатидаги ўзига хос йўналиш – Бухоро миниатюра мактаби шаклланди.

1582 йил – Самарканд ва Тошкентнинг Абдуллахон тасаруфига кўшиб олиниши. Тошкент хони Бобохон ҳалок бўлди.

1583–1598 йиллар – Абдуллахон II нинг Бухоро хонлигида ҳукмронлик даври.

1583–1600 йиллар – Бухородан 5 марта, Хивадан 2 марта элчиларнинг Москвага бориши.

1584 йил – Абдуллахон II нинг Бадахшонни забт этиши; Бухорода Абдуллахон чорбоғи қурилди.

1584–1588 йиллар – Ҳофиз Таниш Бухорий томонидан форс тилида Мовароуннахрнинг XVI асрдаги тарихига бағишлиланган йирик тарихий асар – «Абдулланома» («Шаррафнома шохий») ёзилди.

1586 йил – Акбаршоҳ томонидан Кашмир забт этилди.

1587–1629 йиллар – шоҳ Аббос I нинг Эронда ҳукмронлиги даври. У Сафавийлар сулоласини юқори чўққига кўтарди.

1587 йил – Бухорода Чорсу бунёд этилди. Кармана яқинида Кўҳак дарёси устига кўприк қурилди.

1588 йил – Ҳирот 10 ойлик қамалдан сўнг Абдуллахон II га таслим бўлди. Абдуллахон билан унинг ўғли Ҳирот ҳокими Абдулмўмин орасида зиддият кучайди.

1588–1590 йиллар – Бухорода Абдуллахон мадрасаси қурилди.

XVI асрнинг 80-йиллари – Абдуллахон II томонидан Абдуллахон банди номли сув иншооти қурилди.

1590–1591 йиллар – Қарши намозгоҳи қурилди; Бухорода вабо тарқалди.

1593–1594 йиллар – Хоразм Абдуллахон II томонидан тобе эттирилди.

1595–1596 йиллар – Хива сultonларининг Абдуллахон II га қарши исёни ва Абдуллахон II нинг Хоразмга юриши ҳамда Ҳазораспни эгаллаши.

1597 йил – Тошкент шаҳрини қозоқ хони Таваккал эгаллади.

1598 йил 8 февраль – Абдуллахон II вафот этди.

1598 йил февраль – август – Абдулмұмінхон Бухоро хони бўлди.

1598 йил – Сафавийлар давлатининг пойтахтига айланган Исфаҳон шаҳрида меъморий обидалар (Чорбоғ, Майдони Шоҳ ва б.) курилди.

1598–1599 йиллар – Бухорода Файзобод хонақоҳи курилди.

1598–1601 йиллар – шайбонийларнинг сўнгти хони Пирмуҳаммадхон II хукмронлиги даври.

1598–1602 йиллар – Шахрисабзда Чорсу ёдгорлиги курилди.

1599 йил 13 август – Ҳиротдан 4 фарсах наридаги Пули Салорда қизилбошлар кўшини Динмуҳаммадхонни мағлуб этди.

1599 йил – Аббос I Буюк ўзбеклардан (Бухоро хонлигини бошқарган шайбонийлар сулоласидан) Машҳад ва Ҳиротни тортиб олди.

1601 йил – Бухоро хонлигини янги сулола – аштархонийлар сулоласи бошқаришга киришди.

1601–1605 йиллар – Бухоро хонлигига аштархонийлар сулоласининг биринчи вакили Боқи Мұхаммадхон хукмронлик қилган давр.

1601–1756 йиллар – аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукм сурган давр.

Бухоро хонлигини идора этган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи: Боқи Мұхаммадхон (1601–1605), Вали Мұхаммадхон (1605–1611), Имомкулихон (1611–1642), Надр Мұхаммадхон (1642–1645), Абдулазизхон (1645–1680), Субхонқулихон (1680–1702), Убайдуллахон II (1702–1711), Абулфайзхон (1711–1747), Абдулмұмінхон (1747–1751), Убайдуллохон III (1751–1754), Шерғози (1754–1756).

1602 йил – атаман Аборкин бошчилигига 1000 кишилик Ёйиқ казакларининг Хивага чопқини.

1602–1623 йиллар – Араб Мұхаммадхоннинг Хива хонлигидаги ҳукмронлиги. Тұққалъа олдидә канал қазилиши.

1603 йил 23 август – 1664 йил апрель – хоразмлик тарихчи олим, давлат арбоби Абулғози Баҳодирхон яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1603 йил – 1604 йил қиши – қалмоқларнинг Хоразмга хужуми.

1603 йил – Атаман Нечай бошлиқ Ёйик казакларининг Хива хонлигига босқини; Урганч талон-торож этилди.

1605–1611 йиллар – Бухорода аштархонийлардан Вали Мұхаммадхон ҳукмронлик күлгән давр.

1605–1627 йиллар – бобурийлардан Жаҳонгиршохнинг ҳукмронлик даври.

1605–1658 йиллар – Шимолий Ҳиндистон Жаҳонгиршох ва Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида ўз тарақкиёт чўққисига чиқди.

1611–1642 йиллар – Бухорода аштархонийлардан И момкулихон ҳукмронлик күлгән давр.

1612 йил – И момкулихоннинг Сирдарёning қўйи оқими бўйидаги қорақалпоклар устига юриши.

1612 йил – И момкулихон Тошкентни эгаллаб, ўғли Искандарга топширди.

1613 йил – Тошкент шаҳри аҳолисининг қўзғолони ва И момкулихоннинг шаҳар аҳолисини қирғин қилиши.

1616 йил – Хивада Араб Мұхаммадхон мадрасаси курордиди.

1619–1620 йиллар – Бухоро хони И момкулихон Россияга Одамбий раҳбарлигидаги элчиларни юборди.

1619–1636 йиллар – Самарқанддаги Шердор мадрасаси курордиди.

1620–1621 йиллар – Бухорода Нодир девонбеги хонакоси курордиди.

1620–1621 йиллар – Эрон шоҳи Аббос I бобурийлардан Қандаҳор шаҳрини жанг билан тортиб олди.

1620–1622 йиллар – рус подшоси М.Ф. Романов Бухоро хони И момкулихон хузурига бояр И.Д. Хохлов бошчилигига дипломатик миссияни юборди.

1622–1623 йиллар – Бухорода Нодир девонбеги мадрасаси курилди.

1623–1643 йиллар – Хива хонлигига Асфандиёрхон хукмронлиги даври.

1625–1695 йиллар – тасаввубунинг йирик намояндаларидан бири ва Ёркент хони Офокхўжа яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давр.

1627–1658 йиллар – Ҳиндистонда Ақбаршоҳнинг набираси Шоҳ Жаҳоннинг хукмронлик даври.

1630–1631 йиллар – Самарқандда Нодир девонбеги мадрасаси курилди.

1631 йил – Марокашда филолийлар сулоласи вакиллари ҳокимият тепасига келди. Бу сулолага Муҳаммад I Шариф Тафилалт шаҳрида асос солди. Бу сулола вакиллари тузган қўшин ал-Бухорий қуллари ёхуд занжилари деб аталади. Улар 1659 йилда бутун Марокашни ўзларига бўйсундириб, саъдийлар сулоласини ҳокимиятдан четлаштиришиди. Айни пайтда Марокаш подшоҳлигини филолийлар сулоласига мансуб подшоҳ Муҳаммад VI (1999 йилдан) бошқармоқда.

1631–1641 йиллар – Агра шаҳрида Шоҳ Жаҳон томонидан севимли рафиқасига атаб Тожмаҳал мақбараси курилди.

1633–1634 йиллар – Имомқулихон фармони билан Кўшкўргон мавзеида канал барпо этилди.

1635–1758 йиллар – Жунғория худудида Ойрот хонлиги [Жунғор хонлиги] мавжуд бўлган. Хонликка Ботур хунжайти асос солган ва хонлик Ёркенд хонлигидан ажралиб чиққан. Ойрот хонлиги Қозогистон ва Ўрта Осиё худудларига бир неча марта босқинчилик юришларини олиб борган. У Хитойнинг Цинь империяси томонидан тугатилган.

1640–1711 йиллар – машхур шоир ва мутафаккир Бобо-раҳим Машраб яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давр.

1641–1646 йиллар – Самарқанд ҳокими Яланѓтӯшибий Баҳодир томонидан Регистон майдонида Тиллакори мадрасаси ва Жомеъ масжиди курилди.

1643 йил – қалмоқларнинг Туркистон ва Тошкентга босқинчилик юриши.

1643 йил – Орол ўзбеклари томонидан Абулғози Баҳодирхон хон килиб кўтарилиди.

1643–1721 йиллар – таниқли шоира Зебуннисо бегим (бобурийлар сулоласидан Аврангзебнинг қизи) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1644–1721 йиллар – машҳур шоир ва мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил Ҳиндистонда яшаган ва фаолият кўрсатган давр. Унинг ота-бобоси Шаҳрисабздан бўлган.

1645 йил – Хўжандда Надр Муҳаммадхонга карши амирлар исёни.

1645–1647 йиллар – бобурийлар Балхни эгаллаб, уни икки йил идора этишди.

1645–1681 йиллар – Бухорода Абдулазизхон ҳукмронлиги даври.

1646 йил – Янги Урганч (хозирги Урганч) шаҳрига асос солинди ва Кўхна Урганч шаҳри ахолиси бу шаҳарга кўчирилди.

1647 йил 14 июнь – Балх яқинидаги Темуробод мавзеида Бухоро кўшинлари билан бобурийлар ўртасида жанг бўлди.

1652 йил – Бухорода Абдулазизхон мадрасаси курилди.

1655 йил – Абулғози Баҳодирхоннинг Бухоро воҳасига босқини ва Қоракўлни вайрон қилиб қайтиши.

1657 йил – Хивада Анушахон ҳаммоми курилди.

1657–1658 йиллар – Абулғозининг Кармана ва Вардонзега босқини.

1658 йил – Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳоннинг ўғли Аврангзеб Дехли шаҳрини эгаллади.

1658–1707 йиллар – Ҳиндистонда Аврангзеб Оламгирнинг ҳукмронлик даври. У Декани ўз салтанати таркибига киритди. Сикхлар, ражпутлар ва маратхлар каби диний мазҳабларнинг оппозицияси кучайди.

1663 йил – Абулғози Баҳодирхон томонидан «Шажараи турк» асари ёзилди.

1663–1686 йиллар – Хивада Анушахоннинг ҳукмронлик даври.

1666–1672 йиллар – Аврангзеб Оламгир Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган қўзғолонни бостириди.

1681 йил – қорақалпокларнинг Субҳонқулихонга қарши қўзғолони.

1681 йил – Хоразмда Кат ва Вазир шаҳарлари ҳувиллаб қолди.

1681 йил – Хива хонлигига Шоҳобод канали қазилди.

1681–1682 йиллар – Анушахоннинг Бухоро хонлиги ерларига ҳужуми.

1681–1702 йиллар – аштархонийлардан бўлган Бухоро хони Субҳонқулихоннинг ҳукмронлик даври.

1685 йил – хиваликларнинг Бухоро хонлиги ерларига чопкини; улар Фиждувон, Ҳазора ва бошқа туманларни эгаллаши.

1686 йил – Анушахон Самарқанд ва Шаҳрисабзни эгаллади.

1686–1687 йиллар – Хива хони Аранг Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври. Кўхна Арқда Кўринишхона биноси курилди.

1688 йил – Субҳонкулихон Хоразмни забт этди ва унинг ноиби Шоҳниёз таҳтга ўтказилди.

1688 йил – Хивада Хўжамбердибий мадрасаси курилди.

1691 йил – Маҳмудбий Қатағоннинг Бадаҳшонга юриши.

1701 йил – Хивада Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси курилди.

1702–1711 йиллар – аштархонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хони Убайдуллахон II нинг ҳукмронлик даври.

1703 йил ноябрь – Маҳмудбий Қатағоннинг Термиз кўнғиротлари устига юриши.

1704–1705 йиллар – Сурхондарё воҳасида Шеробод шаҳри (қалъаси)га асос солинди.

1704–1774 йиллар – тасаввуф таълимотининг таниқли намояндаси, шоир Хўжаназар Ҳувайдо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1706 йил – Маҳмудбий Қатағон Балхни эгаллаб олди.

1707 йил – Убайдуллахоннинг Балхга юриши.

1707 йил – Аврангзеб Ҳиндистонда вафот этди. Буюк Бобурийлар империясининг сўниши бошланди.

1708–1709 йиллар – Бухорода пул ислоҳоти ўтказилди ва унга қарши ҳалқ ғалаёнлари кўтарилиди.

1709 йил – Кўқон хонлиги ташкил топди.

Тахминан 1709–1721 йиллар – Кўқон хонлиги асосчиси ва биринчи хони Шоҳрухбийнинг хукмронлик даври. Минглар сулоласи ҳокимиятга келди.

1709–1876 йиллар – Кўқон хонлигига минглар сулоласи хукмронлик қилган давр.

Минглар сулоласи: Шоҳрухбий (1709–1721), Абдураҳимбий (1721–1733), Абдулкаримбий (1733–1750), Абдураҳмон (1750–1751), Эрдонабий (1751–1752; 1753–1766), Бобобек (1752–1753), Сулаймонбек (1766), Норбутабий (1766–1801), Олимхон (1801–1810), Умархон (1810–1822), Муҳаммад Алихон (1822–1841), Султон Махмуд (1841–1842), Шералихон (1842–1845), Муродхон (1845), Худоёрхон (1845–1858; 1863; 1865–1875), Маллахон (1858–1862), Шоҳмуродхон (1862–1863), Султон Муродхон [Султон Сайдхон] (1863–1865), Насриддинбек (1875–1876).

1711–1747 йиллар – Бухорода Абулфайзхон хукмронлиги даври.

1712 йил – Самарқанд аҳолисининг шаҳар ҳокими Султон тўқсабо зулмига карши қўзғолони.

1712 йил – Бухоро Регистони ғарбидаги Болоҳовуз масжиди курилди.

1714–1716 йиллар – Пётр I нинг фармони билан Туркистонга жосуслик мақсадида Бухгольц ҳарбий экспедицияси юборилди.

1714–1717 йиллар – Пётр I томонидан Амударёнинг куйи оқими соҳилига А. Бекович-Черкасский бошлиқ ҳарбий экспедиция юборилди.

1714–1728 йиллар – Хива хони Шерғозихоннинг хукмронлик даври.

1716 йил – 1717 май – Хонкули тўпчибоши бошлигидаги Абулфайзхон элчилари Москвага борди.

1717 йил 26 октябрь – Пётр I Бухоро элчисини қабул қилди.

1718 йил – Балх ҳокими Муҳаммадхонга қарши халк қўзғолони.

1718–1725 йиллар – Урта Осиё хонликларига Россия империясининг Флорио Беневени бошлигидаги элчиларнинг келиши.

1719–1726 йиллар – Хивада Шерғозихон мадрасаси қурилди.

1721–1733 йиллар – Кўқон хони Абдураҳимбий хукмронлиги даври.

1722 йил 23 декабрь – Иброҳимбий кенагас Самарқандда Ражабхонни таҳтга утқазди.

1722 йил – қорақалпоқларнинг бийи Эшим Муҳаммаднинг Россия билан тинчлик ва дўстлик муносабатлари урнатиш ҳакидаги музокаралари.

1723 йил баҳори – калмоқлар (жуңғорлар) хони Цеван Рабтан қозокларни тор-мор қилди. Қозоклар Дашиби Қипчокдан Мовароуннаҳр ва унга туташ худудларга келиб, 7 йил давомида Зарафшон воҳасини талон-торож этишди.

1725–1726 йиллар – Абдураҳимбий Хўжанд ва Ўратепани Кўқон хонлигига тобе этди.

1728–1739 йиллар – Хива хони Элбарсхоннинг хукмронлик даври.

1732 йил – Кичик Жуз Россия империяси панохига ўтди.

1733–1791 йиллар – машҳур шоир ва мутафаккир Махтумкули яшаган ва фаолият курсатган давр.

1736 йил – туркман афшар қабиласининг етакчиси Нодиркули Таҳмосп Қулихон (Нодиршоҳ) Сафавийлар давлатининг таркибиға киравчи барча худудларда ўз ҳокимиятини урнатди. У сафавийлар шохи Аббос III ни ҳокимиятдан афдариб, ўзини Эрон шохи деб эълон қилди. Мовароуннаҳр, Хоразм, Афғонистон, Ҳиндистон, Ироқда босқинчилик сиёсатини олиб борди. У Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империяни ташкил қилди.

1736–1747 йиллар – Эрон шохи Нодиршоҳнинг хукмронлик даври.

1736–1795 йиллар – Эронда туркий афшарлар сулоласи хукмронлиги даври.

Афшарлар сулоласи: Нодиршоҳ (1736–1747), Одилшоҳ Али Қулихон (1747–1748), Иброҳим (1748), Шоҳруҳ (1748–1795).

1739 йил 9 ноябрь – Оренбургдан Тошкентга дастлабки рус савдо карвони кириб келди.

1740 йил – Нодиршоҳ Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига юриш қилиб, ўзбек хонликларини ўзига бўйсундирди.

1740 йил – Эрон шохи Нодиршоҳ Бухорони забт этди. Абулфайзхон унга вассал бўлиб қолди.

1740 йил – Нодиршоҳ афшар Хива хонлигини забт этди.

1740 йил – Эски Ўрдада сарой қурилиши билан янги шаҳар – Кўқонга асос солинди. Кўқон шаҳри янги ташкил топган Кўқон хонлигининг пойтахтига айланди.

1740 йил – хиваликларнинг эронликларга қарши қўзғолни. Хива таҳтини Абулхайрхоннинг ўғли Нурали эгаллади.

1745 йил – Кўқон хонлигининг қалмоқлар ҳужумидан ҳимоя қилиниши.

1747 йил – Муҳаммад Раҳим оталиқ томонидан Абулфайзхон қатл эттирилган.

1747 йил – Нодиршоҳга қарши қўзғолон ва Хива хонлиги мустақиллиги тикланди.

1747 йил 21 июнь – 1751 йиллар – Абдулмўминхонномигагина Бухоро хонлигини идора этди. Амалда ҳокимият манғитлардан Муҳаммад Раҳим оталиқ қўлида бўлди.

1751–1754 йиллар – Убайдуллахон III – Бухоронинг «қўғирчок» хони.

1753 йил – рус савдогари Д. Рукавкин савдогарлар карвони билан Хива ва Бухорога келиб-кетди.

1754–1756 йиллар – Шерғози – Бухоронинг «қўғирчок» хони.

1756 йил – жунғорлар қириб ташланди ва Хитой томонидан Или дарёси воҳаси (Марказий Осиё ҳудудининг бир кисми) босиб олинди.

1756 йил декабрь – Бухоро хонлиги Бухоро амирлигига айлантирилди. Манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Муҳаммад Раҳимхон Бухоро амирлигига асос солди.

1756 йил декабрь – 1758 йил – манғитлардан Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳукмронлик даври.

1756–1920 йиллар – Бухоро амирлигига манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

Манғитлар сулоласи: Мұхаммад Раҳимхон (1756–1758), Мұхаммад Дониёлбий оталиқ (1758–1785; расмий равиша Абул Ғозихон), Шоҳмурод (1785–1800), Ҳайдар (1800–1826), Мир Ҳусайн (1826), Мир Умар (1826–1827), Насруллоҳхон (1827–1860), Музаффархон (1860–1885), Абдулаҳадхон (1885–1910), Саид Олимхон (1910–1920).

1758 йил – Бухорода «етти қабила» құзғолони бұлди ва у Мұхаммад Дониёлбий оталиқ томонидан бостирилди.

1758–1785 йиллар – Бухоро амири – манғитлардан Мұхаммад Дониёлбийнинг ҳукмронлик даври.

XVIII асрнинг иккинчи ярми – Тошкентда Чорҳокимлик даври; Бухоро зинданы қурилди; қоракалпоклар Сирдарё соҳилларидан Жанадарё ва Куюй Сирдарёга күчди.

XVIII асрнинг 60-йиллари – Хива хонлигига Амударё канали казилиб, Кенагас қишлоғигача келтирилди.

1768–1769 йиллар – Хоразмда вабо қасаллиги тарқалди.

1770–1790 йиллар – Мұхаммад Амин Иноқ (у ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлган)нинг Хива хонлигини «қўғирчоқ» хонлар номидан амалда идора килиши. Иноклар Хива хонлигини амалда бошқаришга киришди.

1774–1780 йиллар – бухоролик савдогар Эрназар Максуд ўғли (Эрназар элчи)нинг Россия ва Туркия билан боғлиқ элчилик фаолияти.

1775–1844 йиллар – ўзбек адабиётининг мұмтоз шоири Маҳмур (Мұхаммад ибн Мулла Шермуҳаммад Ақмал шоир ўғли) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1777–1855 йиллар – Бухорода Халифа Худойдод меъморий мажмуаси қурилди.

1778–1829 йиллар – шоир ва тарихчи Мунис Хоразмий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1779–1845 йиллар – ўзбек шоираси Увайсий (Жаҳон отин) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1779–1925 йиллар – туркий қожарлар сулоласи Эронни бошқарди. Бу сулолага Оға Мұхаммадхон қожар асос солди. Қожарлар ҳам туркман уруғи хисобланган.

Қожарлар сулоласи: Оға Мұхаммадхон (1779–1797), Фатх Алийшоҳ (1797–1834), Мұхаммад (1834–1848), Носи-

руддин (1848–1896), Музаффаруддин (1896–1907), Мухаммад Алий (1907–1909), Аҳмад (1909 –1925).

1784 йил – Юнусхўжа томонидан Тошкентда Чорҳокимликка барҳам берилди.

1784–1810 йиллар – мустақил Тошкент ҳокимлиги.

1785–1800 йиллар – Бухоро амири Шоҳмуроднинг хукмронлик даври.

1786–1790 йиллар – Бухоро амири Шоҳмуроднинг Марвни бўйсундириш учун олиб борган урушлари.

1787–1822 йиллар – Қўқон хони ва шоир Амирий (Амир Умархон) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1792 йил – Тошкент ҳокими Юнусхўжа Екатерина II га элчи юборди.

1792–1842 йиллар – шоира ва давлат арбоби Нодирабегим (Моҳларойим) яшаган ва фаолият кўрсатган давр .

1793 йил октябрь – 1794 йил март – рус жосус врачи Иван Бланкеннагел Хивада бўлди.

1795 йил – Бухорода Эрназар элчи мадрасаси курилди.

1797 йил 27 декабрь – 1869 йил 15 февраль – машҳур шоир ва файласуф, тарихчи ва луғатшунос олим Мирзо Фолиб Ҳиндистонда яшаган ва фаолият кўрсатган давр. Унинг бобоси самарқандлик бўлган.

1799 йил – Қўқонда Норбутабий мадрасаси курилди.

1799–1880 йиллар – қорақалпок шоири Кунхўжа ИброХим ўғли яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

XVIII асрнинг охири – Намангандада Ҳўжам қабри макбараси курилган.

XVIII аср охири – XIX аср бошлари – шоир Муҳаммад Шариф Гулханий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1800 йил – Россиядан тоғ техниклари Бурнашев ва Поспеловларнинг Тошкентга саёҳати.

1800–1826 йиллар – Бухорода манғитлардан амир Ҳайдарнинг хукмронлик даври.

1801–1810 йиллар – минглар сулоласидан бўлган Қўқон хони Олимхоннинг хукмронлик даври.

XIX аср бошлари – қорақалпоклар Амударё дельтасини ўзлаштиришди.

1803 йил – Фурумсарой жанги (Тошкент ҳокими Юнусхұжа билан Құқон хони Олимхон қүшинлари ўртасида бұлған жанг).

1804 йил – Марвда күзғолон, марвликтар Зарафшон воҳасига күчирилди.

1804 йил – құнғиротлар сулоласи Хива хонлигіда расман тахта чиқди (улар Хива хонлигини амалда 1770 йилдан бошкарған). Құнғиротлар сулоласига Мұхаммад Амин Инок асос солған.

1804–1806 йиллар – құнғиротлар сулоласидан бұлған дастлабки Хива хони Элтузархоннинг ҳукмронлик даври. Элтузархоннинг Бухоро хонлигига босқини ва Амударё бүйіда хиваликлар енгилди.

1804–1920 йиллар – Хива хонлигіда құнғиротлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

Кұнғиротлар сулоласи: Мұхаммад Амин Инок (1770–1790), Аваз Инок (1790–1804), Элтузархон (1804–1806), Мұхаммад Раҳимхон I (1806–1825), Оллоқулихон (1825–1842), Раҳимқулихон (1842–1845), Мұхаммад Аминхон (1846–1855), Абдуллахон (1855–1856), Кутлуғ Муродхон (1856), Сайд Мұхаммадхон (1856–1864), Мұхаммад Раҳимхон II – Феруз (1864–1910), Асфандиёрхон (1910–1918), Сайд Абдуллахон (1918–1920).

1805 йил – Құқон хонлигіда Хон ва Зарбак каналлари қазилди.

1806 йил – Наманганда Мавлонбува мақбараси қурилди.

1806–1825 йиллар – Хива хони Мұхаммад Раҳимхон I нинг ҳукмронлик даври.

1807 йил – Бухорода Чор минор меморий обидаси қурилди.

1809–1874 йиллар – шоир ва таржимон Оғажий яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1810 йил – Тошкент ҳокимлиги Құқон хонлигига құшиб олинди. Тошкент шаҳри Құқон хони ноиби (бекларбеки) томонидан бошқарылды.

1810–1822 йиллар – Құқон хони Умархоннинг ҳукмронлик даври.

1811 йил – қорақалпокларнинг Хива хонлигига тобе булиши.

1811–1878 йиллар – қорақалпок шоири Ажиниёз Кусибой ўғли (Зивар) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1812 йил – Самарқанд арки ичидা амир Ҳайдар томонидан Олий мадраса бунёд этилди.

1812–1813 йиллар – Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида ўзаро элчилар юборилди.

1815 йил – Туркистон шаҳри Умархон томонидан босиб олинди ва Оқмачит қалъаси курилди.

1815 йил – Хива хонлигига Қиличниёзбой магистрал канали қазилди.

1818 йил – Хива хони Муҳаммад Раҳимхоннинг туркман қабилалари устига юриши.

1819 йил – Н. Муравьев бошчилигидаги Россия элчилари Хивага келди.

1819–1822 йиллар – Қўқон Жомеъ масжиди курилди.

XIX асрнинг 20-йиллари – Қўқон шаҳридаги Даҳмаи шоҳон мақбараси (Норбутабий ва унинг авлодлари дағн этилган) қурилди.

1820 йил – А.Ф. Негри миссияси. Бу миссия Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида савдо шартномаси тузиш мақсадида уюштирилган.

1820–1877 йиллар – давлат арбоби Ёқуббек Бадавлат яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1821 йил – қозоклар Қўқон хонлигига қарши қўзғолон кўтариб, Чимкент ва Сайрамни бир муддат эгаллаб олишди.

1821–1825 йиллар – Бухоро хонлигига амир Ҳайдарнинг солиқ сиёсатига қарши хитой-қипчоклар Миёнқолда қўзғолон кўтаришди.

1821–1825 йиллар – Хива хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасида ҳарбий ҳаракатлар. Хиваликлар Марвни эгаллаб олишди.

1822–1841 йиллар – Қўқон хони Муҳаммад Алихон (Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли) ҳукмронлик қилган давр. Тошкент вилоятида Хонариқнинг қазилиши.

1825–1842 йиллар – Хива хонлигига Оллоқулихон хукмронлиги даври. Хонликнинг кучайиши.

1826–1827 йиллар – Марвдаги туркманларнинг сарик қабиласи Хивага қарши қўзғолон кўтарди.

1827–1860 йиллар – Бухорода амир Насруллоҳоннинг хукмронлик даври.

1827–1897 йиллар – буюк мутафаккир, адаби тарихчи олим, давлат арбоби Аҳмад Доңиш яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1827–1900 йиллар – қорақалпок адабиёти асосчиси, шоир Бердақ яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1829 йил – Кўкон хони Мухаммад Алихоннинг Кошғар (Қашкар)га юриши. У 70 минг кошғарликни ўзи билан Кўконга олиб қайтди.

1830 йил – Бухоро элчилари Россияда бўлишди.

1830 йил – Кўқонда Хонмирза Ёдгор томонидан мадраса курилди.

1830–1835 йиллар – Тошкентда Кўк масжид қурилди.

1830–1838 йиллар – Хивада Тошҳовли (Оллоқулихон саройи) қурилди.

1832–1833 йиллар – Ост-Индия сиёсий компаниясининг вакили Александр Бернс (1805–1841) Бухоро ва Қаршида бўлди.

1832–1833 йиллар – Хивада Оллоқулихон карvonсаройи ва тими қурилди.

1833–1834 йиллар – Кўкон элчиларининг Туркияга бориши.

1834 йил – россиялик шарқшунос Демезоннинг Бухороға юборилиши.

1834–1835 йиллар – Хивада Оллоқулихон мадрасаси қурилди.

1835 йил – прaporшчик Виткевичнинг Бухорога жосуслик миссияси.

1835–1836 йиллар – Кўкон қўшинларининг Таласга юриши.

1837–1838 йиллар – Коратегин ва Дарвоз Кўкон хонлигига тобе бўлди.

1837–1847 йиллар – қозоқ жузларида Россия империяси хукмронлигига қарши Кенесари Қосимов қўзғолони.

1839 йил – Хивада Хўжаш Маҳрам мадрасаси қурилди.

1839–1840 йиллар – Россия томонидан Хива хонлигини босиб олиш мақсадида уюштирилган Перовский экспедициясининг Хивага қарши юриши ва барбод бўлиши.

1840 йил – Бухоро кўшинларининг Ўратепа ёнида Кўкон кўшини устидан ғалабаси.

1840 йил – рус олими Н. Хаников Бухорода чўян эритадиган « завод» борлигини қайд этган. Бундай корхоналар Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Каттакўргон ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган.

1840–1842 йиллар – Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлиги ўртасидаги уруш.

1840–1915 йиллар – таниқли шоир ва тазкиранавис Афзал Пирмастий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1841 йил – Кўконда Муҳаммад Алихонга қарши қўзғолон. Муҳаммад Алихон ўз укаси Султон Маҳмудхон фойдасига таҳтдан воз кечди.

1841–1842 йиллар – Бухорога Россия империяси ҳукуматининг жосуслик миссияси – Бутенев миссияси юборилди.

1842 йил апрель – май – Амир Насруллоҳон Кўкон хонлигини эгаллади. Амир Насруллоҳон томонидан Кўкон хонлари Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон ва уларнинг онаси шоира Нодирабегим катл эттирилди.

1842 йил – Хива хонлиги билан Россия ўртасида тинч кўшничилик ҳақидаги битим тузилди.

1842 йил – Бухорода инглиз савдо агентлари ва айғокчиilar Стоддарт ва Конноли қатл этилди.

1842 йил – Хива хони Оллоқулихон Хивани ташки ҳужумдан сақлаш учун девор билан ўралган Дишан қалъа (Ташки қалъа)ни қурдирди.

1842–1845 йиллар – Кўкон хони Шералихоннинг ҳукмронлик даври.

1844–1910 йиллар – шоир ва бастакор, Хива хони Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1846–1855 йиллар – Хива хони Мұхаммад Аминхоннинг ҳукмронлик даври.

1845–1858, 1863, 1865–1875 йиллар – Құқон хони Худоёрхоннинг ҳукмронлик даври. Ҳокимият дастлаб амалда унинг қайнотаси мингбоши Мусулмонкул қипчок қулида бұлған.

1848–1909 йиллар – Бухоро амири Музаффархоннинг катта үғли – Абдулмалик Тұра (Катта Тұра) яшаган ва фаолият күрсатған давр. У Россия империяси босқинига қарши бухороликларнинг озодлик курашига раҳбарлық қилды.

1850–1903 йиллар – истеъдодли шоир Мұқимий (Мұхаммад Аминхұја ибн Мирзахұја Мирфозил үғли) яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1850–1930 йиллар – машхур тарихчи ва давлат арбоби Мирзо Салимбек яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1851 йил 21 март – 1914 йил 11 сентябрь – жадидчилик харакатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринский яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1852 йил 9 октябрь – Құқон ва Тошкентда кипчоқлар кирғини ва мингбоши Мусулмонкул катл этилди.

1852–1855 йиллар – Хивада Мұхаммад Аминхон мадрасаси ва Калтаминор қурилды.

1853 йил – Россия империяси Құқон хонлиги тасаррудың ерларға бостириб кирди. Оқмасжид шаҳри руслар томонидан босиб олинди.

1855 йил – Хивада Абдуллахон мадрасаси қурилды.

1855 йил – Хива хонлиги туркманлар билан узоқ курашиб, Марвни әгаллашға эришди.

1855 йил – Құқон хонлигіда Чинобод канали қурилды.

1855 йил – 1938 йил 12 январь – йирик уламо ва жамоат арбоби Абдувохид Қори Абдурауфқориев яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1856 йил – Бухоро амири Насруллохоннинг Шаҳрисабз ва Китобни марказий ҳокимиятга бүйсундириши.

1856–1864 йиллар – Хива хони Сайд Мұхаммадхоннинг ҳукмронлик даври.

1857–1938 йиллар – Хоразмдаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбари Жунаидхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1858 йил – Россия империяси томонидан Хива ҳонлиги ва Бухоро амирлиги билан сиёсий ҳамда савдо муносабатлари ўрнатиш баҳонасида, аслида жосуслик мақсадида полковник Н.П. Игнатьев бошчилигига юборилган элчилар миссиясининг Хива ва Бухоро шаҳарларига ташрифи.

1858–1862 йиллар – Кўкон хони Маллахон ҳукмронлиги.

1859–1909 йиллар – машхур ўзбек шоири Фурқат (Зоиржон Ҳолмуҳаммад ўғли) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1860–1885 йиллар – Бухоро амири Музаффархоннинг ҳукмронлик даври.

1862–1863 йиллар – Кўкон ҳонлигига Шоҳмуродхон ҳонлиги даври.

1863 йил май – июнь – Худоёрхоннинг киска муддат ҳон бўлиши.

1863 йил июль – 1865 йил – Кўкон ҳонлигига Султон Сайдхон ҳукмронлиги даври.

1863 йил – венгриялик таниқли шарқшунос ва сайёҳ Герман Вамбери (1832–1913) Хива, Бухоро, Самарқанд, Қаршида бўлди.

1863–1936 йиллар – Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Полвонниёз ҳожи Юсупов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1864 йил 4 апрель – Россия империяси қўшинлари Туркестон шаҳрини босиб олди.

1864 йил 4 июнь – Россия империяси томонидан Авлиёота босиб олинди.

1864 йил 22 сентябрь – Россия империяси томонидан Чимкент босиб олинди.

1864 йил ноябрь – Иқон жанги (Россия империяси босқинчиларига қарши қўқонлик сарбозлар ва кўнгиллилардан иборат Ватан химоячилари ўртасидаги жанг) соидир бўлди.

1864–1878 йиллар – Шарқий Туркистанда Еттишаҳар уйғур давлати фаолият құрсатди.

1864–1910 йиллар – Хива хони Мұхаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг ҳукмронлик даври.

1865 йил 12 февраль – Оренбург генерал-губернаторлиги таркибіда Туркистан обласы түзилди. «Туркистан обласстини башкариш ҳақида мұваққат Низом» қабул қилинди.

1865 йил баҳори – генерал М. Черняев құшини Ниёзбек кальасини босиб олди. Бұзсув тұғони бузиб ташланди ва Тошкент шаҳри сувсиз қолди.

1865 йил 8 май – Россия құшинлари билан Тошкент мудофаачилари үргасида Дархон жанғы содир бўлди.

1865 йил 14–17 июнь – Тошкент шаҳри Россия империяси томонидан босиб олинди (Россия томонидан Туркистан минтақаси 1895 йилга келиб бутунлай босиб олинди).

1865 йил – Қўқонда қипчоқ ва қирғизлар томонидан Худойқулбек хон деб эълон қилинди. У 14 кун хонлик қилиб, барча хазинани олиб Кошгарга қочиб кетди.

1865–1877 йиллар – Ёкуббек Бадавлат Еттишаҳар уйғур давлатининг ҳукмдори бўлди.

1866 йил – Россия құшинлари Бухоро амирлиги чегаларига бостириб кирди. Ўратепа, Жиззах ва Янгикўрғон босиб олинди.

1866 йил 24 май – Россия империяси томонидан Хўжанд босиб олинди.

ТУРКИСТОН РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИДА (1867–1917 йиллар)

1867 йил 11 июль – Россия империяси таркибидаги Туркестон генерал-губернаторлиги ва Туркестон ҳарбий округи ташкил этилди.

Туркестон генерал-губернаторлари: Константин Петрович фон Кауфман (1867–1881), Герасим Алексеевич Колпаковский (1881–1882), Михаил Григорьевич Черняев (1882–1884), Николай Оттонович фон Розенбах (1884–1888), Александр Борисович Вревский (1889–1898), Сергей Михайлович Духовской (1898–1901), Николай Александрович Иванов (1901–1904), Николай Николаевич Тевяшов (1904–1905), Деан Иванович Субботич (1905–1906), Николай Иванович Гротеков (1906–1908), Павел Иванович Мищенко (1908–1909), Александр Васильевич Самсонов (1909–1913), Василий Егорович Флуг (1913–1915), Фёдор Владимирович Мартсон (1915–1916), Алексей Николаевич Куропаткин (1916–1917).

1867 йил – «Тошкент-обсерватория» метеорологик станцияси ташкил этилди.

1868 йил 4 февраль ва 4 апрель – Тошкентда кучли зилзилалар содир бўлди.

1868 йил 13 февраль – Қўқон хони Худоёрхон Россия империяси билан шартнома тузди.

1868 йил 2 май – Самарқанд рус қўшинлари томонидан босиб олинди.

1868 йил 1–8 июнь – Россия империяси ҳукумати ва уларнинг маҳаллий ноибларига қарши Самарқандда халк қўзғолони содир бўлди.

1868 йил 2–3 июнь – Бухоро амири қўшинларининг Зирабулук жангидаги талафоти.

1868 йил 23 июнь – Самарқандда Бухоро – Россия шартномаси имзоланди ва амирлик Россияга тобе бўлди.

1868 йил – 1937 йил 12 май – ўзбек достончилиги асосчиларидан бири, бахши Эргаш Жуманбулбул ўгли яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1869 йил октябрь – 1870 йил сентябрь – Бобон қўзғолони (Зарафшон воҳасида Россия империяси мустамлакачилик истибоди ва маҳаллий амалдорлар зулмига қарши кутарилиган дехқонлар қўзғолони).

1869–1870 йиллар – Қўқон хонлигига Улугнор (Улугнахр) канали қазилди.

1870 йил 14 август – Китоб ва Шаҳрисабз бекликлари даги қўзғолон (уларнинг раҳбарлари Жўрабек ва Бобобек) рус қўшинлари томонидан бостирилди.

1870 йил – Худоёрхон томонидан Қўқонда хон Үрдаси курилди.

1870 йил – Хивада Амир Тўра мадрасаси курилди.

1870 йил – Тошкентда табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркестон бўлими ташкил қилинди.

1870 йил – Тошкент шаҳрида рус истилочилари томонидан ташкил этилган Туркестондаги илк даврий матбуот «Туркестанские ведомости» («Туркестон вилоятининг газети») газетаси чоп этилди.

1870 йил – Самарқандда Туркестон ўлкасидаги дастлабки рус-тузем мактаби очилди.

1870 йил – Тошкент оммавий кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) ташкил этилди.

1870 йил – Помир-Олой тоғ тизмаси Н.А. Северцов томонидан тадқиқ этилди.

1870 йил – рус ҳукумати билан инглиз ҳукумати ўртасида Ўрта Осиёдаги таъсир доираларини аниқлаш учун музокаралар бошланди ва битим тузиш билан якунланди (1873 йил).

1870–1875 йиллар – Зарафшоннинг юкори оқимидағи бекликларни истило этиш мақсадида чор Россияси томони-

дан уюштирилган харбий юришлар – Искандаркўл харбий экспедициялари.

1871 йил – Тошкентда ўзбек тилидаги дастлабки босма китоб нашр этилди.

1871 йил – Самарқандда руслар яшайдиган янги шаҳарга асос солинди.

1871 йил – Хивада Феруз томонидан Мухаммад Раҳимхон мадрасаси қурилди.

1871 йил – Мингтепада Етимхон бошчилигидаги ғалаён кўтарилиди.

1871–1872 йиллар – шарқшунос олим А.Л. Кун томонидан «Туркистон альбоми» (фотосуратлар ва рангли расмлардан тузилган альбом) тайёрланди.

1872 йил – 1955 йил 17 март – ўзбек достончиларидан бири, бахши Фозил Йўлдош ўғли яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1873 йил – Тошкентда дастлабки телеграф алоқаси Тошкент – Оренбург ўртасида ўрнатилди.

1873 йил – Тошкентда Туркистон ипакчилик мактаби очилди.

1873 йил – Ўзбекистонда биринчи илмий тадқиқот муассасаси – Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (хозирги Ўзбекистон ФА Астрономия институти) ташкил этилди.

1873 йил 29 май – Россия томонидан Хива хонлиги тобе қилинди.

1873 йил 12 август – Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги Гандимиён шартномаси имзоланди ва Амударёнинг ўнг соҳили хонликдан ажратилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Амударё округи (1883 йилдан Амударё бўлими) тузилди.

1873 йил 28 сентябрь – Бухоро амирилиги Россиянинг протекторати деб эълон қилинган шартнома имзоланди.

1873–1876 йиллар – Пўлатхон қўзғолони (Қўқон хонлигидаги хон ва унинг амалдорлари зулмiga ва Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халк қўзғолони).

1874 йил – Афросиёб (қадимги Самарқанд) ҳудудида дастлабки қазиш ишлари олиб борилди.

1874 йил – Ўзбекистон ҳудудида полиграфия саноатининг илк корхоналаридан биринчи тошбосма Хива хони Мухаммад Раҳимхон II (Феруз) ташаббуси билан ўз фаолиятини бошлади.

1874 йил – Тошкентда биринчи дорихона ва дастлабки пахта тозалаш заводи қурилди.

1874–1877 йиллар – Андижон Жомеъ масжиди қурилди.

1874–1929 йиллар – Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндадаридан бири Бобоохун Салимов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1875 йил – Худоёрхон Тошкентга қочди ва Мулла Исҳок «Пўлатхон» номи билан таҳтни эгаллади.

1875 йил 22 август – К.П. Кауфман қўшини билан қуқонликлар ўртасидаги Маҳрам жанги.

1875–1919 йиллар – Туркистондаги жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири, уламо ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1875–1876 йиллар – мустамлакачилик зулмiga қарши Олой воҳасида Курбонжон доддоҳ («Олой маликаси») бошлигидаги қўзғолон бўлди.

1875–1890 йиллар – Россия ҳукуматининг Туркистондаги кўчириш сиёсати ва рус мужикларининг ўлкага оқиб келиши.

1875–1934 йиллар – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1876 йил 19 февраль – Пўлатхон қўзғолони бостирилди ва Қўқон хонлиги тугатилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона области ташкил этилди.

1876 йил 1 март – Пўлатхон (Исҳоқ Ҳасан ўғли) Марғонда дорга осиб қатл этилди.

1876 йил – М.Д. Скобелев бошчилигига рус армиясининг Андижонга ҳужуми.

1876 йил – Тошкент музейи (1992 йил 21 апрелдан Ўзбекистон тарихи давлат музейи) ташкил этилди.

1877 йил – Янги Марғилон (1907–1924 йилларда Скобелев – Искобил, 1924 йилдан Фарғона) шаҳрининг барпо килиниши.

1877 йил – Тошкент шаҳрида биринчи тамаки фабрикаси қурилди.

1878 йил 14 апрель – 1954 йил 15 июль – бухоролик таникли ёзувчи, жадидчилик ҳаракатининг машхур намояндини ва жамоат арбоби Садриддин Айний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1878 йил май – Шарқ масаласида Англия – Россия битими.

1878–1880 йиллар – Россиянинг Марказий Осиёга хужуми оқибатида Иккинчи инглиз-афғон уруши бўлди.

1878 йил 12 июль – 1934 йил 24 август – маърифатпарвар, журналист, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1878 йил – 1931 йил 23 апрель – Тошкентдаги жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси, маърифатпарвар адаби Мунавварқори Абдурашидхонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1878 йил – 1938 йил 4 октябрь – биринчи ўзбек фотосуратчisi ва киночиси Худойберган Девонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1878 йил – 1968 йил 28 июль – бухоролик машхур тарақкийпарвар, таникли давлат арбоби Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1879 йил – Тошкентда Туркистон ўқитувчilar семинарияси очилди.

1880 йил – Хивада Отамурод Матриза қушбеги масжиди қурилди.

1880 йил – Тошкентнинг Хадра даҳасида Ўзбекистонда дастлабки аёллар ва болалар шифохонаси очилди.

1880–1899 йиллар – Ўрта Осиё темир йўли (Самарқанд – Андижон темир йўли 1880–1898 йилларда, Самарқанд – Тошкент темир йўли тармоғи 1899 йили) қурилди.

1881 йил – Тошкентда гимназия ташкил қилинди.

1881–1891 йиллар – Шўроҳон ва Чимбой участкаларида Россия империясига қарши Бобо Кўклан бошчилигидаги халқ кўзғолони бўлди.

1881 йил январь – шиддатли жанглардан кейин Гўктепа қалъаси (хозирги Туркманистон) Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олинди.

1881 йил 14 июнь – 1922 йил 4 август – таникли давлат ва сиёsat арбоби, ҳарбий саркарда Анвар Пошо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1882–1921 йиллар – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Катта Эргаш яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1882–1884 йиллар – Туркистон ўлкасидаги бошқарувни тафтиш қилган Россия императорининг маҳфий маслаҳатчиси Ф. Гирснинг миңтақадаги фаолияти.

1883 йил 10 апрель – Бокчасаройда Исмоилбек Гаспринский муҳаррирлигига «Таржимон» газетасининг биринчи сони чоп этилди.

1884 йил – Хивада Отажонбой мадрасаси қурилди.

1884 йил – Туркистон ўлкасида «Америка» пахта навини катта майдонларда экиш бошланди.

1884 йил – Тошкент ва Кўконда дастлабки ёг заводлари қурилди.

1884 йил март – Кримнинг Бокчасарой шаҳрида Исмоилбек Гаспринский томонидан илк марта янги усул (жадид) мактаби ташкил қилинди.

1884 йил 19 декабрь – Тошкентда дастлабки рус-тузем мактаби очилди.

1884–1919 йиллар – машхур ўзбек шоири Аваз Ўтар яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1884–1924 йиллар – Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мулла Абдулқаҳҳор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1885–1910 йиллар – Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг ҳукмронлик даври.

1885 йил 21 март – 1976 йил 28 февраль – йирик уламо ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғуний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1885 йил – Бухорода Россия императорлик сиёсий агентлиги таъсис этилди.

1885 йил – Фарғонада Дарвишхонтўра кўзғолони.

1885 йил 25 июль – Бухоро амирлиги худудидан темир йўл ўтказишга келишилган шартнома тузилди.

1885 йил – Бухорода Россия императорлик сиёсий агентлиги таъсис этилди.

1886 йил – Тошкентда Урта Осиё саноат ва кишлок хўжалигига доир биринчи Туркистон кўргазмаси очилди.

1886 йил 1 январь – Туркистон үлкасида ички божлар бекор қилиниб, рус ва маҳаллий моллардан ягона бож олини хақида қонун кучга кирди.

1886 йил 29 ноябрь – Тошкентда кучли зилзила содир бўлди.

1886 йил – 1938 йил 4 октябрь – жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири, ёзувчи, олим, давлат ва жамоат арбоби Фитрат яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1886 йил – 1938 йиллар – таникли давлат ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1886 йил – 1941 йил 27 декабрь – Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мустафо Чўқай яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1887 йил 1 январь – Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги Зарафшон округи ўрнида Самарқанд обласи тузилди.

1887 йил – Тошкентда телефон алоқаси ўрнатилди.

1887 йил – Россия ва Буюк Британия империялари ўртасида тузилган маҳфий битимга биноан, Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасида янги чегара чизиги белгиланди. Бухоро амирлиги худудининг бир қисми Афғонистон ихтиёрига ўтди.

1887–1888 йиллар – Восе қўзғолони (Бухоро амирлиги худудида бўлиб ўтган ҳалқ қўзғолони).

1888 йил – Амударё ҳарбий флотилияси ташкил этилди.

1889 йил 22 февраль – 1929 йил 18 март – шоир, драматург, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1889 йил – 1932 йил 31 август – Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг етакчиси Иброҳимбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1890 йил – Тошкентда Туркистон фани, саноати ва кишлок хўжалигининг 25 йиллик юбилейига бағишиланган кўргазма ташкил этилди. Унда үлкашунос Акром полвон Аскаров ўз экспонатларини намойиш қилди.

1890 йил 10 декабрь – 1970 йил 26 июль – Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Аҳмад Закий Валидий (Тутон) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1892 йил – Қўқон уездидаги Собирхон қўзғолони.

1892 йил 24 июнь – Россия империяси сиёсатига карши Тошкентдаги «Вабо исёни».

1892 – 1920 йил 14 май – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1892–1934 йиллар – Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси Абдулқодир Мухитдинов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1892–1942 йил 4 август – бухоролик машҳур полвон Ҳамро Полвон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1893 йил – Мўминхўжа Вобкандий ва ғиждувонлик Домла Фозил Туркистондаги дастлабки жадид мактабини Бухорода очишиган. Бу мактаб Амир Абдулаҳадхоннинг отаси шаънига «Музafferийа» мактаби деб аталган.

1893–1970 йил март – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Шермуҳаммадбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1893–1913 йиллар – Хивада Қубла Тозабоғ саройи курилди.

1894 йил 27 май – Россия ва Бухоро ўртасида иқтисодий шартнома имзоланди.

1894 йил 10 апрель – 1938 йил 4 октябрь – XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1894 йил 26 декабрь – 1938 йил 10 февраль – таникли давлат арбоби Турор Рискулов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1894 йил – 1991 йил 26 июнь – таникли ислом уламоси ва адиби Олтинхон Тұра яшаган ҳамда фаолият күрсатған давр.

1895 йил – Тошкентнинг Янги шаҳар кисмидә рус театри расмий равишда очилди.

1895 йил – Тошкент шаҳрида Туркистан археология ҳаваскорлари тұғарғы ташкил этилди.

1896 йил – Самарқанд статистика құмитаси музейи (хозирги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи давлат музейи) очилди.

1896 йил январь – Туркистанда дастлабки илмий-адабий ойлик журнал – «Среднеазиатский вестник» нашр этила бошлади.

1896 йил 1 май – 1957 йил 22 февраль – ўзбек мусика театри асосчиси, машхур хоғиз Мұхиддин Кори Ёқубов яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1896 йил 8 май – 1991 йил 14 январь – машхур санъаткор Лутфихоним Саримсоқова яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1896 йил 1 июль – 1938 йил 15 март – таниқли давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хұжаев яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1897 йил – Тошкент шаҳрида дастлабки овозсиз фильм намойиш қилинди.

1897 йил 17 январь – 1976 йил 23 апрель – машхур бастакор Юнус Ражабий яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1897 йил 2 сентябрь – 1970 йил 18 март – таниқли математик олим Тошмуҳаммад Ниёзович Кори-Ниёзий яшаган ва фаолият күрсатған давр.

1897–1898 йиллар – Тошкент шаҳрида илк бор водопровод қурилди.

1898 йил – «Русский Туркестан» ижтимоий, иқтисодий ва адабий газетаси рус тилида нашр этила бошлади.

1898 йил – Туркистан қишлоқ хұжалик тажриба станцияси (хозирги Р.Р. Шредер номли Бөгдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти) очилди.

1898 йил 17–18 май – Дукчи Эшон (Мухаммадали халфа Собир ўғли) бошчилигидаги Андижон қўзғолони бўлди.

1898 йил – 1938 йил 4 октябрь – машҳур шоир ва ёзувчи, жамоат арбоби Чўлпон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1898–1938 йил 13 март – сиёsat ва жамоат арбоби Акмал Икромов яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давр.

1899 йил – Самарканд – Тошкент темир йўлининг ишга туширилиши.

XIX аср охири – Марғилонда Саид Аҳмадхўжа мадрасаси курилди.

XIX аср охири – Туркистонда жадидчilik ҳаракати шаклланди.

XIX аср охири – XX аср бошлари – Бухоро шаҳри яқинида амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хоса курилди.

1900 йил – Тошкентда Бош темир йўл устахоналари (Тепловоз ремонти заводи) ташкил қилинди.

1900 йил – Мулла Жўрабой (Шофиркон туманининг маркази Вардонзеда туғилган) томонидан ўз туғилган қишлоғи ва Пирмаст туманидаги Пўстиндуzon қишлоғида Бухородаги илк жадид мактаблари очилди.

1900 йил 27 январь – Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида Амударё қирғоғидаги ерлар ҳарбий истеҳкомлар ва чегара тўсиклари қурилиши учун ажратилиб, мустамлакачилар кўлига бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1900 йил 1 март – 1966 йил 7 май – давлат ва сиёsat арбоби Усмон Юсупов яшаган ҳамда фаолият кўрсатган давр.

1900 йил 31 декабрь – 1958 йил 3 октябрь – машҳур санъаткор Аброр Ҳидоятов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1900–1906 йиллар – рус тадқиқотчиси Л.С. Бергнинг Орол экспедицияси.

1901 йил – Тошкентда дастлабки темир йўл вокзали курилди.

1901 йил – Урта Осиёдаги дастлабки сейсмик станцияга Тошкентда асос солинди.

1901 йил – Петербург шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими ташкил этилди.

1901 йил – Тошкентнинг эски шаҳар қисмida (ҳозирги Навоий кўчасида) кўнка ишга туширилди.

1902 йил 16 декабрь – Андижонда кучли зилзила содир бўлди.

1903 йил 29 январь – 1965 йил 19 октябрь – машхур хофиз Жўрахон Султонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1903 йил 10 май – 1966 йил 10 июль – таникли шоир Faфур Гулом яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1904 йил – Ўзбекистонда дастлабки Чимён нефть кони (Фарғона водийсида) очилди.

1904 йил – Олтиариқда нефть заводи ишга туширилди.

1904 йил 14 январь – 1974 йил 18 апрель – машхур рассом Урол Тансикбоев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1904–1907 йиллар – Самарқанд вилоятида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати ва маҳаллий амалдорлар зулмига қарши Намоз Пиримкулов (Намоз ботир) бошчилигидаги дехқонлар исёни.

1904 йил 15 июнь – 1993 йил 13 август – таникли сиёсат ва жамоат арбоби Вали Қаюмхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1905 йил 10 январь – 1968 йил 1 июль – таникли ёзувчи Ойбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1905 йил – Хивадаги Матпанобой, Полвонқори ва Қозиқалон мадрасалари курилди.

1906 йил – Оренбург темир йули Тошкентгacha узайтирилиб, Кавказорти темир йули билан туташтирилди.

1906 йил 29 март – 1991 йил 30 июнь – машхур артист Тамараҳоним (Т.А. Петросян) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1906 йил 27 июнь – Тошкент шаҳрида жадидларнинг дастлабки газетаси – «Тараққий» нашр этилди (ушбу сана 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида нишонланадиган бўлди).

1907 йил 17 сентябрь – 1968 йил 25 май – машхур ёзувчи Абдулла Қаххор яшаган ва фаолият курсатган давр.

1907 йил ноябрь – 1917 йил – рус махфий сиёсий полицияси – Туркистон район мухофаза бўлими («Охранка») фаолияти.

1907–1995 йиллар – таниқли кимёгар олим Собир Юнусов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1908 йил 1 май – 1977 йил 10 январь – тарихчи ва археолог олим Яҳё Ғуломов яшаган ва фаолият курсатган давр.

1908 йил 7 сентябрь – 1974 йил 22 июль – машхур файласуф олим ва жамоат арбоби, академик Иброҳим Мўминов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1908 йил 25 октябрь – 1967 йил 19 февраль – таниқли шоир ва адабиётшунос олим Мақсад Шайхзода яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1908 йил – Тошкентда тошбосма усули билан маҳаллий тилда китоб нашр этувчи «Ғуломия» босмахонаси очилди.

1908–1909 йиллар – В.Л. Вяткин Самарқанддаги Улуғбек расадхонасининг харобаларини ва унинг асосий асбоби – квадрантини кавлаб топди.

1908–1910 йиллар – Хивада Исломхўжа мадрасаси ва минораси курилди. Сенатор граф К.К. Паленниг Туркистон ўлкасини тафтиш қилиши (тафтиш натижалари Санкт-Петербургда 1909–1910 йилларда 13 та китоб ҳолатида чоп этилган).

1908–1914 йиллар – Бухоро жадидлари ташкил этган «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») маърифий жамиятининг фаолият даври.

1909 йил 26 сентябрь – Истанбулда Абдурауф Фитрат ва Усмон Хўжа сингари тараққийпарварлар томонидан «Бухоро таъмими маориф жамияти»га асос солинди (жамиятнинг Низомномаси ва ҳаракат Дастури 1909 йил 29 октябрда эълон қилинди).

1909 йил – Қарши шаҳрида Абдулазизхўжа мадрасаси курилди.

1909 йил – Тошкентда беш дизелли (куввати 1459 квт) дастлабки электр станция курилди.

1910 йил 5 май – 1979 йил 8 июнь – таникли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1910 йил 30 май – 1978 йил 25 январь – шоир Миртемир яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1910 йил 24 сентябрь – 1977 йил 14 февраль – машхур санъаткор Олим Хўжаев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1910 йил 30 ноябрь – 1981 йил 5 май – таникли санъаткор Раззоқ Ҳамроев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1910 йил – Хива шаҳрида Толиб Махсум мадрасаси курилди.

1910 йил – Тошкентда биринчи кинотеатр – «Хива» ишга туширилди.

1910–1918 йиллар – Хива хонлигига Асфандиёрхон ҳукмронлиги даври.

1910–1920 йиллар – манғитлар сулоласидан бўлган сўнгги Бухоро амири Сайд Олимхоннинг ҳукмронлик даври.

1910–1920 йиллар – Бухоро амирлигига Ёш бухороликлар партиясининг фаолияти.

1911 йил 7 ноябрь – 1994 йил 23 ноябрь – машхур санъаткор Наби Раҳимов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1912 йил 11 март – 1913 йил 12 январь – Бухоро жадидлари томонидан Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳрида жадидлар газетаси – «Бухоройи шариф» нашр этилди.

1912 йил 11 июнь – 1975 йил 15 декабрь – ўзбек опера-си асосчиси, композитор Мухтор Ашрафий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1912 йил 14 июль – 1913 йил 2 январь – Бухоро жадидлари томонидан Янги Бухорода «Турон» газетаси нашр этилди.

1912 йил 18 август – 1995 йил 15 май – таникли рассом Чингиз Аҳмаров яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1912 йил 31 август – 1962 йил 20 июнь – машхур геолог олим ва жамоат арбоби, академик Ҳабиб Абдуллаев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1912 йил 13 ноябрь – 1944 йил 9 март – шоир Усмон Носир яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1912 йил – Тошкент шахрини электр билан ёритиш бошланди.

1912–1914 йиллар – Наманганда Исҳок шайх масжиди курилди.

1913 йил 31 май – 1978 йил 26 ноябрь – машхур раккоса Мукаррама Турғунбоева яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1913 йил 3 июнь – 1965 йил 26 ноябрь – таникли ҳукуқшунос олима Хадича Сулаймонова яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1913 йил 20 август – 1915 йил 15 июнь – Туркистон жадидларининг дастлабки журнали – «Ойина» Самарқандда нашр этилган бўлиб, унга Беҳбудий муҳаррирлик килди.

1913 йил 15 ноябрь – 1987 йил 22 июль – кимёгар олим, академик Обид Содиков яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1913 йил 7 декабрь – 2003 йил 3 январь – машхур хонанда Ҳалима Носирова яшаган ва фаолият күрсатган давр.

1913 йил – ўзбек зиёлиларининг Тошкент шаҳрида «Турон» театр труппаси ташкил топди (хозирги номи Ўзбек миллий академик драма театри).

1913 йил – Самарқанднинг тарихий қисми – Афросиёбда археологик қазилмалар натижасида маҳобатли рангтас-вирнинг ноёб намуналари – Афросиёб деворий расмлари (археолог В.Вяткин томонидан) топилди.

1914 йил 27 февраль – Тошкентдаги Колизей театри биносида ўзбек миллий театрининг дастлабки мавсуми расмий очилиб, унда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси кўйилди.

1914 йил 3 апрель – 1915 йил 26 май – жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий «Садои Фарғона» («Фарғона овози») газетаси Кўқонда нашр қилинди.

1914 йил 4 апрель – 1915 йил 10 апрель – жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий «Садои Туркистон» («Туркистон овози») газетаси Тошкентда нашр қилинди.

1914 йил 15 июль – 1918 йил 11 ноябрь – Биринчи жаҳон уруши.

1914–1921 йиллар – Хива хонлигига Ёш хиваликлар партиясининг фаолияти.

1915 йил 1 март – 1996 йил 1 август – машхур шоира Зулфия яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1915 йил 10 сентябрь – 1995 йил 17 декабрь – математик олим, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1916 йил январь – май – Хива хони зулми ва Россия империяси мустамлакачилигига қарши Хивада кўзғолон кўтарилиди.

1916 йил 5 май – 2002 йил 16 июнь – машхур композитор, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси мусиқасининг муаллифи Мутал Бурҳонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1916 йил 25 июнь – подшо Николай II нинг «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини харакатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари куриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида» Фармони эълон қилинди. Бу Фармон мардикорлик номи билан тарихга кирди.

1916 йил июль – Ўрта Осиёда мардикорликка қарши миллий озодлик кўзғолони.

1916 йил 3–21 июль – мардикорликка қарши Жиззах кўзғолони.

1916 йил 11 июль – Тошкентда мардикорликка қарши ҳалқ кўзғолони.

1916 йил 17 июль – Россия императори Николай II фармони билан Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат жорий қилинди.

1916 йил 29 июль – Амударё бўлимининг Сарибий бўлисидаги аҳоли кўзғолони. Чимбойда ғалаён.

1916 йил 18 сентябрь – 1917 йил февраль – Туркистон ўлкасида мардикорликка олиш жараёни.

1917 йил 21 январь – таникли жамоат ва сиёsat арбоби Рузи Назар таваллуд топди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА (1917–1991 йиллар)

1917 йил 27 февраль – Россияда инқилоб. Петроградда қўзғолонлар бошланиб, Февраль инқилоби ғалабаси билан якунланди.

1917 йил 2 март – Россия императори Николай II таҳтдан воз кечди ва князь Георгий Евгеньевич Лъвов бошчилигига Мувакқат ҳукумат ташкил қилинди.

1917 йил 14 март – Тошкент шаҳрида жадидлар томонидан «Шўрои Исломия» ташкилоти тузилди.

1917 йил 5 апрель – Ёш хиваликларнинг ислоҳот тӯғрисидаги манифестига Хива хони Асфандиёрхон имзо чекди ва Хива ҳонлигида конституцион монархия ўрнатилди. Кейинчалик хон ҳузурида Мажлис ташкил этилди.

1917 йил 7 апрель – Бухоро амири Саид Олимхон ислоҳотлар жорий этиш бўйича фармон эълон қилди.

1917 йил 7–15 апрель – Тошкент шаҳрида ишчи ва солдат депутатлари Туркистон советларининг биринчи ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд сайлаган ўлка Советига дастлаб эсер ва меньшевиклар, сўнгра большевиклар кирди. 1917–1924 йилларда Туркистон Советларининг ўн иккита съезди бўлиб ўтди.

1917 йил 7 апрель – 1917 йил 1 ноябрь – Мувакқат ҳукумат (Россия) томонидан Туркистон ўлкасини бошқариш учун тузилган Туркистон Комитети фаолият кўрсатган давр. Унинг таркибига европаликлардан ташқари маҳаллий туркий халқларнинг вакиллари Муҳаммаджон Тинишбоев, Алихон Букеҳонов, Садри Мақсадий, Абдул Азиз Давлетшин ҳам кирган эди.

Мувакқат ҳукуматнинг Туркистон Комитети раҳбарлари: Николай Николаевич Шепкин (1917 йил 7 апрель – 25

май), Владимир Петрович Наливкин (1917 йил 6 июнь – 14 сентябрь).

1917 йил 8 апрель – Амир Саид Олимхон фармонини кўллаб-куватлаш учун ўтказилган Бухородаги намойиш амир сарбозлари томонидан бостирилди. Кейинчалик амир ўз фармонини бекор қилди.

1917 йил 15 апрель – «Наша газета» (ҳозирги «Правда Востока» газетаси)нинг биринчи сони чиқди.

1917 йил 16–23 апрель – Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи бўлиб, унда Мустафо Чўқай раислигига Туркистон ўлка мусулмонлари шўроси (Краймуссовет) ташкил килинди. 1917 йил апрель – ноябрь ойларида Бутунтуркистон мусулмонларининг тўртта қурултойи бўлиб ўтди.

1917 йил 16 апрель – 1918 йил апрель – Самарқандда жадидлар томонидан «Ҳуррият» газетаси чоп этилди.

1917 йил 25 апрель – 1918 йил ноябрь – Тошкентда «Улуғ Туркистон» газетаси нашр этилди.

1917 йил 1–11 май – Москва шаҳрида Бутунrossия мусулмонларининг I съезди бўлиб ўтди. Унда Бутунrossия Мусулмонлар Совети (Миллий Шўро) ташкил топди. Бу съездга Туркистон ўлкаси мусулмонларининг 12 нафар вакиллари ҳам қатнашди. Бутунrossия Мусулмонлар Совети (Миллий Шўроси) раиси қилиб Ахмед Тембулатович Цаликов (1882–1928) сайланди. Миллий Шўро ижроия комитети таркибида Аҳмад Закий Валидий, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, кейинчалик Шоҳислом Шагисултонович Шагиахметов (1882 – тахминан 1921), Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1878–1968) аъзо сифатида киритилди. (Аслини олганда 1905–1918 йилларда Бутунrossия мусулмонларининг олтига съезди ўтказилди. Бутунrossия мусулмонларининг I съезди 1905 йил 15 августда Нижний Новгород шаҳрида, II съезди 1906 йил 13–23 январда Санкт-Петербург шаҳрида, III съезди 1906 йил 16–21 августда Қозон шаҳрида, IV съезди 1914 йил 15–25 июня Санクト-Петербург шаҳрида ўтказилди. Бундан ташқари 1917 йил 1–11 майда Москвада бўлган съезд Бутунrossия мусулмонларининг I съезди, 1917 йил 21–31 июнда Қозон шаҳрида бўлган съезд II съезди деб қайта номланди.

1906 йил январда бўлган II съезда «Иттифок ал-муслимин» номли Россия мусулмонлари партияси ташкил топди. Янги партиянинг дастур ва устави қабул қилинди.)

1917 йил июнь – «Шўрои Уламо» ташкилоти тузилди.

1917 йил 20 июль – 1975 йил 5 ноябрь – машҳур хонандада Комилjon Отаниёзов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1917 йил 21–31 июль – Қозон шаҳрида Бутунrossия мусулмонларининг II съезди ўтказилди. (Совет ҳокимияти томонидан 1918 йил май ойида Бутунrossия мусулмонлар совети тарқатиб юборилди.)

1917 йил 10–11 сентябрь – Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи бўлди.

1917 йил 25–27 октябрь [7–9 ноябрь] – Петроградда В.И. Ленин бошлигидаги большевиклар томонидан Октябрь тўнтариши амалга оширилиб, Россияда ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олишди. Муваққат ҳукумат (Александр Фёдорович Керенский ҳукумати) ағдариб ташланди. Октябрь тўнтариши натижасида Россияда совет ҳокимияти ўрнатилди. Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси [РСФСР; совет Россияси] ташкил қилиниб, Владимир Ильич Ульянов [Ленин] совет ҳукумати – Халқ Комиссарлари Советининг дастлабки раҳбари бўлди.

1917 йил 1 ноябрь – Тошкентда (кейинчалик бутун Туркистонда) большевиклар томонидан зўравонлик билан Совет ҳокимияти ўрнатилди.

1917 йил 6 ноябрь – 1983 йил 31 октябрь – давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидович Рашидов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

1917 йил 15 ноябрь – Туркистон Советларининг 3-ўлка съездида Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (Совнарком раиси: Фёдор Колесов) тузилди.

Туркистон Республикаси [Туркистон АССР] Халқ Комиссарлари Совети раислари (1917–1924): Фёдор Иванович Колесов (1917 йил ноябрь – 1918 йил октябрь), Владислав Дамианович Фигельский (1918 йил октябрь – 1919 йил январь), Климент Сорокин (1919 йил март – сентябрь), Ян Эрнестович Рудзутак (1920 йил февраль – сентябрь), Қайғисиз

Сардорович Отабоев (1920 йил сентябрь – 1922 йил сентябрь), Турор Рискулов (1922 йил сентябрь – 1924 йил январь), Рустам Исломов (1924 йил январь – ноябрь).

Туркистон Республикаси [Туркистон АССР] Марказий Ижроия Кўмитаси раислари (1918–1924): Пётр Алексеевич Кобозев, Андрей Фёдорович Солькин, Иван Осипович Тоболин (ҳамраислар; 1918 йил апрель – октябрь), Всеволод Дмитриевич Вотинцев (1918 йил октябрь – 1919 йил январь), Аристарх Андреевич Казаков (1919 йил март – сентябрь), И.А. Апин (1919 йил сентябрь – 1920 йил январь). Турор Рискулов (1920 йил январь – июль), Мухаммаджон Бисеров (1920 йил июль – сентябрь), Назир Тұракулов (1920 йил сентябрь – 1921 йил август), Абдулла Рахимбоев (1921 йил ноябрь – 1922 йил сентябрь), Иномжон Хидириалиев (1922 йил сентябрь – 1924 йил январь), Нодирбай Айтақов (1924 йил январь – ноябрь).

1917 йил 19 ноябрь – 2008 йил 27 август – давлат ва сиёsat арбоби Нуриддин Акромович Мухитдинов яшаган ва фаолият кўrsatган давр.

1917 йил 26–28 ноябрь (9–11 декабрь) – Қўқонда Бутунтуркiston мусулмонларининг фавкулодда IV курултойи бўлиб, унда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди.

1917 йил 26 ноябрь – 1918 йил 22 февраль – Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолият кўrsatди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазирлари: Мухаммаджон Тинишбоев (1917 йил ноябрь – декабрь), Мустафо Чўқай (1918 йил январь – февраль).

1917 йил ноябрь – Хива хони Асфандиёрхон Мажлисни бутунлай тарқатиб юборди.

1917 йил 13 декабрь – 1920 йил март – Алаш Үрда мухторияти ҳукумати фаолият кўrsatdi. Бу ҳукумат ҳозирги Козогистон ҳудудида ташкил этилган бўлиб, унга Алихон Нурмуҳамедович Букейхонов раҳбарлик қилди. Алаш Үрда мухториятининг пойтакти Семипалатинск шаҳри бўлган. Бу ҳукумат большевиклар томонидан тугатилган.

1917 йил 17 декабрь – 2006 йил 31 октябрь – йирик туркистоншунос олим, жамоат ва сиёsat арбоби Боймирза Ҳайит яшаган ва фаолият кўrsatган давр.

1917 йил – Туркистон үлкаси маъмурий жиҳатдан 5 об-ласть, 1 бўлимга бўлинган. Улар эса 27 уезд, 606 волость ва 4658 кишлоқ жамоасига бўлинган.

Туркистон үлкасидаги областлар ва уездлар:

1. Сирдарё обlastida 6 уезд бўлган: Казалинск (Қазали), Перовск, Черняев, Авлиёта, Тошкент уездлари ва Амударё бўлими.

2. Семиречье обlastida 6 уезд бўлган: Лепсин, Копал, Жаркент, Пржевальск, Пишпек, Верний.

3. Фарғона обlastida 6 уезд бўлган: Андижон, Ўш, Скобелев, Наманган, Қўқон, Помир.

4. Самарқанд обlastida 4 уезд бўлган: Самарқанд, Каттакурғон, Жиззах, Хўжанд.

5. Закаспий обlastida 5 уезд бўлган: Марв, Тежен (Тажан), Асхобод, Красноводск, Манғишилоқ.

1917–1923 йиллар – Туркистон үлкасида юз берган очарчилик натижасида Фарғона водийсида тахминан 1 млн. киши, Самарқанд обlastida 200.000 киши ҳалок бўлди.

1918 йил 22 февраль – Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва арман дашноклари томонидан тугатилди. Қўқон шаҳри ва атрофлари талон-торож қилинди, ўн мингдан ортиқ тинч аҳоли ўлдирилди. Мусулмонлар оммавий равиша қирғин қилинди.

1918 йил февраль охири – Туркистон минтақасида мустақиллик учун истиқолчилик ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат совет режими ва большевиклар ҳокимиятига қарши қаратилган эди.

Туркистон минтақасидаги истиқолчилик ҳаракати Бош қўмандонлари:

Фарғона водийсида: Кичик Эргаш (1918 йил февраль), Катта Эргаш (1918 йил март – ноябрь), Мадаминбек (1918–1920), Шермуҳаммадбек (1920–1922), Ислом Полвон (1923 йил январь – июль), Ёрмат Махсум (1923–1929) ва бошқалар.

Самарқанд вилоятида: Баҳромбек (1918–1921), Очилбек (1921–1923) ва бошқалар.

Бухоро Ҳалқ Совет Республикасида – Farбий Бухоро ҳудуди: Мулла Абдуллаҳор (1920–1924).

Шарқий ва Ўрта Бухоро ҳудуди: Иброҳимбек (1921–1922; 1923–1926; 1931), Анвар Пошо (1922 йил апрель – август), Салим Пошо (1922–1923) ва бошқалар.

Хоразм Ҳалқ Совет Республикасида: Жунаидхон (1920–1925; 1927–1928) ва бошқалар.

1918 йил 1–17 март – Туркистон үлкаси ХКС раиси Ф. Колесов бошчилигидаги қизил аскарлар Бухоро амирлигига хужум қилди (Колесов воқеаси). Колесов маглубиятга учрагач, ўзаро битим тузилди.

1918 йил 25 март – совет Россияси ва Бухоро амирлиги вакиллари ўртасида Қизилтепа темир йўл станциясида ҳарбий харакатларни тўхтатиш тўғрисида битим имзоланди. Бу битим тарихга Қизилтепа битими сифатида кирган.

1918 йил март – совет Россиясига қарши ҳарбий интервенция бошланди. Мурманск, Архангельск, Владивосток, Севастополь, Красноводск шаҳарларига, Туркистоннинг айrim ҳудудларига чет давлатлар томонидан ҳарбий десант туширилди.

1918 йил март охири – Кўкон яқинидаги Бачқир кишлоғида Фарғона водийсидаги бутун кўрбошиларнинг биринчи қурултойи ўтказилди. Қурултойда яқинда ҳалок бўлган Кичик Эргаш ўрнига Катта Эргаш кўрбоши (уни Мулла Эргаш ҳам дейишган) Фарғона водийсидаги истиклолчиллик ҳаракатининг Бош қўмондони қилиб сайланди.

1918 йил 20 апрель – 1 май – Туркистон Советларининг 5-съезди бўлиб, унда 30 апрелда РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) тузилди.

1918 йил 21 апрель – Туркистон ҳалқ университети Тошкентнинг янги шаҳар қисмida очилди (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети).

1918 йил апрель – Тошкент шаҳрида Ҳалқ университети музейи ташкил этилди. У Ўрта Осиёда илк ташкил этилган бадиий музейдир. (Музей 1924 йилдан Тошкент санъат музейи, 1935 йилдан Ўзбекистон Давлат санъат музейи деб аталади.)

1918 йил 4 май – РСФСР Ҳалқ Комиссарлари Совети-нинг декрети билан Туркистон ҳарбий округи (ТуркВО) тузилди. Туркистон АССР Ҳарбий ишлар бўйича ҳалқ комиссарлиги (1918 йил 14 майда) тузилиши билан Туркистон ҳарбий округи комиссарликка бўйсундирилган. Туркистон фронти (1919 йил 11 август) ташкил этилгач, бутун ҳарбий ишлар Туркистон фронти тасарруфига ўтди (1920 йил март). Кейинчалик Туркистон фронти қайта тузилиб, 1926 йил 4 июнда Ўрта Осиё ҳарбий округига айлантирилди.

Туркистон АССР Ҳарбий ишлар комиссарлари: К.П. Осипов (1918–1919), П.А. Домогатский (1919 йил февраль – апрель), Н.Я. Федермессер (1919–1920), А.В. Косматов (1920).

Туркистон Республикаси ҳарбий қисмларининг Бош қўмондонлари: И.П. Белов (1919 йил апрель – октябрь), И.Г. Брезадзе (1919 йил октябрь – ноябрь).

1918 йил 12 май – Мунавваркори Абдурашидхонов ташаббуси билан үлкада дастлабки олий ўқув юрти – Мусулмон ҳалқ дорилфунуни очилди (кейинчалик у Туркистон ҳалқ университети таркибига кирди).

1918 йил 17–25 июнь – Тошкентда Туркистон большевистик ташкилотларининг ташкилий үлка съезди бўлиб ўтиб, унда Россия Коммунистик партияси – РКП(б)нинг таркибий қисми бўлган Туркистон Коммунистик партияси (ТКП) ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. 1918–1924 йилларда Туркистон Компартиясининг сакизта съезди бўлиб ўтди.

Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети раислари ва масъул котиблари: Иван Осипович Тоболин (1918 йил июнь – сентябрь), Андрей Федорович Солькин (1918 йил сентябрь – 1919 йил сентябрь), И.А. Апин (1919 йил сентябрь – 1920 йил июль), Назир Тўракулов (1920 йил июль – 1922 йил сентябрь), М.С. Эпштейн (1922 йил сентябрь – 1924 йил май), Иосиф Михайлович Варейкис (1924 йил май – ноябрь).

1918 йил 21 июнь – «Иштирокион» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг биринчи сони чиқа бошлади.

1918 йил 28 июнь – Туркистон АССР Семиречье облас-ти ҳарбий комиссарининг қарори билан оқ гвардиячиларга қарши кураш учун Семиречье (Еттисув) фронти ташкил қилинди. 1919 йил 22 ноябрда Туркистон Республикаси РВС (Инқилобий ҳарбий совети) томонидан Семиречье фронти тугатилиб, унинг асосида З-Туркистон ўқчи дивизияси ва отликлар бригадаси тузилди.

1918 йил июнь – Туркистон АССР ҳудудида ўзбек (тур-кий) тилига давлат тили мақоми берилди.

1918 йил 1 июль – Тошкент шаҳридаги оммавий музей ҳалқ кутубхонасидан ажратилди ва Туркистон ўлка ҳалқ музейи ташкил қилинди. Ўрта Осиёдаги энг кекса илмий ва маданий муассаса бўлган бу музей 1922 йилдан Туркистон Бош музейига, 1925 йилда Ўрта Осиё бош музейига айлантирилди. (Музей 1943–1992 йилларда Ўзбекистон ҳалклари тарихи музейи деб номланган. Кейинчалик ушбу музей негизида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил қилинди.)

1918 йил 24 июль – Туркистон АССР ҳукуматининг қарори билан Закаспий Муваққат ҳукумати қўшини ва Буюк Британия ҳарбий кучларига қарши кураш учун Закаспий фронти ташкил қилинди. 1919 йил 22 ноябрда Закаспий фронти тугатилиб, унинг асосида Закаспий армия группаси ва 1-Туркистон ўқчи дивизияси ташкил қилинди.

Закаспий фронти қўмондонлари: Б.Н. Иванов (1918–1919), А.П. Соколов (1919 йил май – август), С.П. Тимошков (1919 йил август – ноябрь).

1918 йил 25 сентябрь – Тошкентда Бухоро Коммунистик партияси (БКП) ташкил топди. (Тошкент шаҳрида Бухоро Коммунистик партиясининг I қурултойи 1919 йил 30 май – 11 июня, II қурултойи 1919 йил 26–27 июня, III қурултойи 1919 йил 26–31 декабрда, Чоржўйда IV қурултойи 1920 йил 16–18 августа бўлиб ўтди. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланғач, 1920 йил сентябрда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ёш бухороликлар партияси аъзолари Бухоро Коммунистик партияси сафига келиб қўшилди. Бухоро шаҳрида Бухоро Коммунистик партиясининг V қурултойи 1921 йил 23 февралда, VI қурултойи 1921 йил 15–20 де-

кабрда, VII қурултойи 1922 йил ноябрда, VIII қурултойи 1924 йил 15–20 январда бўлиб ўтди. 1924 йил ноябрда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўtkазилиши натижасида БКП, ХКП ва ТКП ҳудди БХСР, ХХСР, ТАССР сингари ўз фаолиятини тұхтатди.)

Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети раислари ва масъул котиблари: Азимжон Ёқубов (1918–1919), Абдулвоҳид Бурхонов (1919 йил май – июнь), Нажиб Ҳусаинов (1919–1920), Арслонхўжа Умархўжаев (1920–1921), Мухторжон Сайджонов (1921 йил декабрь – 1922 йил), Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев (1921 йил октябрь – декабрь), Ражаб Муҳаммадиев (1922–1923), Абдулла Раҳимбоев (1923–1924), Аҳмадбек Мавлонбеков (1924 йил январь – ноябрь).

1918 йил октябрь – туркман қабилаларининг сардори Жунаидхон Хива хони тахтини амалда әгаллаб олди.

1918 йил ноябрь бошлари – Андижон ҳудудидаги Ойимкишлоқда Фарғона водийси қўрбошиларининг иккичи қурултойи ўтказилди. Унда Катта Эргаш ўрнига Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли) Фарғона водийсидаги истиқлолчилик харакатининг Бош қўмондони килиб сайданди.

1918 йил ноябрь – декабрь – Жунаидхон қўшини томонидан Тўртқўл қамал қилинди ва қизил аскарларга қарши кураш олиб борилди.

1918 йил – Тошкент шаҳрида оммавий «Турон» кутубхонаси очилди.

1918 йил – Туркистон Шарқ институти ташкил қилинди.

1918 йил – Тошкент шаҳрида «Турон» театр труппаси давлат ихтиёрига олиниб, унга давлат театрни мақоми берилди. Театрнинг бадиий раҳбари ва режиссёри этиб Маннон Уйғур тайинланди. (Театрга 1929 йил Ҳамза номи, 1933 йил академик драма театрни мақоми берилди. 2001 йил 21 сентябрда театр номи ўзгартирилиб, у Ўзбек миллий академик драма театрни деб номланди.)

1918–1920 йиллар – Хиванинг сўнгги хони Саид Абдуллахоннинг ҳукмронлик даври.

1918–1924 йиллар – Туркистон АССРда 5 область (Сирдарә, Самарқанд, Фарғона, Закаспий [1921 йил августдан] Туркман], Семиречье [1922 йилдан Еттисув], битта бўлим (Амударё; у кейинчалик Амударё областига айлантирилган), 30 уезд ва 473 волость бўлган.

1918–1935 йиллар – Туркистон минтақасида совет режимига карши истиқлолчилик ҳаракати даври. Истиқлолчилик ҳаракати ўз ривожланиш жараёнига кўра икки даврни босиб ўтди:

1-давр – 1918–1924 йиллар;

2-давр – 1925–1935 йиллар.

1919 йил 19–21 январь – Тошкентда Туркистон АССР Ҳарбий ишлар халқ комиссари К.П. Осипов большевикларга қарши исён кўтарди. Исён натижасида Туркистондаги 14 нафар кўзга кўринган большевиклар отиб ташланди. Мазкур кишилар Туркистон АССР МИК раиси В.Д. Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В.Д. Фигельский, Тошкент Советининг раиси В.Н. Шумилов, Тошкент Совети раисининг ўринбосари В.Н. Финкельштейн, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аъзоси А.Я. Першин, Тошкент касаба союзлар советининг раиси ва Туркистон АССР Молия комиссари М.С. Каучуринер, Туркистон АССР Йўллар халқ комиссари Е.П. Дубицкий, Туркистон АССР Ички ва ташқи ишлар халқ комиссари А.Н. Малков, Туркистон АССР фавқулодда тергов комиссиясининг раиси И.П. Фоменко, Партия дружинасининг командири Д.Г. Шпилков, Тошкент Совети ижроия комитетининг ва шаҳар партия комитетининг аъзоси С.П. Гордеев, Тошкент шаҳар соқчилар бошлигининг ёрдамчиси Г.И. Лучин, «Туркестанский коммунист» ва «Красноармеец» газеталарининг муҳаррири М.Н. Троицкий, Туркистон Республикаси Фавқулодда ҳарбий дала судининг раиси А.В. Червяков бўлиб, улар ўртасида маҳаллий халкларга мансуб битта ҳам большевик йўқ эди. Бироқ совет даврида бу кишилар Ўзбекистонда «туркистонлик ўн тўрт комиссар» сифатида роса улуғланди ва уларга Тошкент шаҳри марказида ҳайкал ўрнатилди. Осипов исёни эса тез орада большевиклар ва қизил армия томонидан бостирил-

ди. К. Осипов аввал Фарғона водийси ва Бухоро амирлигига йўл олди, сўнгра Афғонистон орқали Ҳиндистонга чиқиб кетди.

1919 йил 23 февраль – Туркистон Республикаси РВС (Инқилюбий ҳарбий совети) қарори билан Фарғона водийсидаги истиклолчилик харакатига қарши курашиш учун Фарғона фронти ташкил қилинди. 1919 йил октябрда фронт таркибида Скобелев, Қўкон, Андижон, Наманган қўшин группалари тузилган. 1919 йил 22 ноябрда Фарғона фронти тугатилиб, унинг асосида Фарғона ўқчи дивизияси, сўнгра 2-Туркистон ўқчи дивизияси ташкил қилинган.

Фарғона фронти қўмондонлари: Михаил Владимирович Сафонов (1919 йил февраль – сентябрь), Александр Петрович Соколов (1919 йил сентябрь – ноябрь), Г.М. Немудров (1919 йил ноябрь).

1919 йил 30 март – 1920 йил 27 январь – Турор Рискулов раислигига РКП (б) Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси фаолият кўрсатди.

1919 йил 9 апрель – Жунаидхон билан совет Россияси ўртасида Тахта битими имзоланиб, Хива хонлигининг мустакиллиги тан олинди.

1919 йил 24 апрель – Туркистон Республикаси РВС томонидан оқ гвардиячиларга қарши курашиш учун Актюбинск (Оқтуба) фронти ташкил қилинди. У кейинчалик Шимолий фронт ҳамда Шимоли-Шаркий фронт деб номланди. 1919 йил 3 октябрда Шимоли-Шаркий фронт тугатилди ва қўшиннинг асосий қисми 1-Армия таркибиға киритилди.

1919 йил 11 август – Туркистон озодлиги учун жанг килаётган истиклолчиларга қарши кураш учун большевиклар томонидан Туркистон фронти ташкил қилинди. (Туркистон фронти асосида 1926 йил 4 июня Ўрта Осиё ҳарбий округи тузилди.)

Туркистон фронти қўмондонлари: Михаил Васильевич Фрунзе (1919–1920), Григорий Яковлевич Сокольников (1920–1921), Владимир Саламонович Лазарев (1921–1922), Василий Иванович Шорин (1922 йил февраль – октябрь), Август Иванович Корк (1922–1923), Семен Андреевич Пугачев

(1923–1924), Михаил Карлович Левандовский (1924–1925), Константин Алексеевич Авксентьевский (1925–1926).

1919 йил 8 октябрь – Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Туркистон комиссияси; Турккомиссия)ни ташкил қилиш тұғрисида Москвада маҳсус қарор кабул қилинди. Қарорга мувофик Турккомиссия таркиби Ш.З. Элиава (раис), Г.И. Бокий, Ф.И. Голошечкин, В.В. Куйбишев (раис уринбосари), Я.Э. Рудзутак, М.В. Фрунзедан иборат қилиб тасдикланди ва улар Тошкентга юборилди. Турккомиссия аъзолари Тошкентга етиб келгач, Туркистон үлкасидаги бутун сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳокимиятни ўз кўлига олиб, минтақада совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш учун шафқатсиз чоралар ва катагон усулларини қўллади. (РКП(б) МК Урта Осиё бюроси тузилиши билан 1922 йил 16 августда Турккомиссия тугатилди.)

Турккомиссия раислари: Шалва Зурабович Элиава (1919–1920), Григорий Яковлевич Сокольников (1920–1921), Михаил Павлович Томский (1921–1922).

1919 йил 22 октябрь – 1920 йил 6 март – Фарғона воийисида Мадаминбек бошчилигидаги Фарғона Мувакқат ҳукумати тузилди ва фаолият кўрсатди.

1919 йил 30 октябрь – Туркистон АССР Марказий архив бошқармаси (хозирги Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви) ташкил қилинди.

1919 йил 4 ноябрь – Бутунrossия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) аъзолари Москвадан Тошкентга етиб келди.

1919–1920 йиллар – Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятига қарши биринчи Чимбой қўзғолонига Эшонзода Ҳон Махсум (Убайдулла Отауллаевич Боҳауатдинов; 1887–1956) ва Қўнғиротнинг собиқ беғи Кутлимуротбий (у Болабий номи билан машҳур бўлган) раҳбарлик қилишган.

1919–1921 йиллар – Туркистон жадидлари томонидан маданий-маърифий ва илмий-адабий «Чигатой гурунги» (Фитрат бошчилигига) ташкилоти ташкил этилди.

1919–1925 йиллар – Туркистон жадидлари томонидан ташкил этилган «Миллий иттиҳод» яширин ташкилоти фаолият кўрсатди. Кейинчалик бу ташкилот негизида 1926–1929 йилларда «Миллий истиклол» ташкилоти фаолият кўрсатди.

1920 йил 1 февраль – қизил армия Хива хонлигини боғсиб олди. Большевиклар ёрдамида Ёш хиваликлар партияси ҳокимият тепасига келди. Хива хони Сайд Абдуллахон ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечди. Хива хонлиги тугатилди.

1920 йил 18 февраль – Туркистон комиссияси маҳсус вакили Г. Скалов билан Чимбой қўзғолони раҳбарлари ўргасида сулҳ битими имзоланиб, совет ҳукумати қўзғолон-чиларга амнистия эълон килди. Бироқ орадан кўп ўтмай большевиклар қўзғолон раҳбарлари – Хон Махсум ва бошқалар (жами 24 киши)ни хибсга олишган (1921 йил февраль) ҳамда Семипалатинск ва Томск вилоятларига сургун килишган.

1920 йил март – Туркистон АССР МИК дастлабки давлат нашриётини ташкил этиш ҳақида қарор қабул килди.

1920 йил 26 апрель – Хива шаҳрида Бутунхоразм ҳалқ вакилларининг I курултойида Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси (ХХСР) ташкил топганлиги эълон килинди. ХХСР Нозирлар Шўросининг раиси қилиб Полвонниёз Юсупов сайланди. Курултойда ХХСРнинг муваққат Конституцияси ва дастлабки Байроби қабул килинди. (1920–1924 йилларда Бутунхоразм ҳалқ вакилларининг бешта курултойи ўtkазилди.)

1920 йил апрель – Хива хонлигига мавжуд бўлган 20 та беклик (қалъа беги) ва 2 та ноиблик тугатилиб, ХХСРда маъмурий-худудий бўлинниш ўтказилди ва куйидаги 22 туман ташкил килинди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешарик, Ҳонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчок, Манғит, Қиличбой, Монок, Тошховуз, Порсу, Ҳўжайли, Қўхна Урганч, Қўнғирот, Хива, Иляли, Фозовот, Шовот, Хитой, Қўшкўпир.

1920 йил апрель – ХХСР Ҳарбий ишлар нозирлиги ташкил топди.

ХХСР Ҳарбий ишлар нозирлари: Ризо Шокиров (1920–1921), Шайхутдин Ҳасанов (1921 йил март – май), Ҳасан Мұхаммаджонов (1921 йил май – август), Миркомил Миршаропов (1921 йил август – ноябрь), Жабберган Құчкаров (1921–1922), Михаил Волошин (1922–1923), И.В.Годецкий (1923–1924), Николай Алексеевич Шайдаков (1924 йил январь – ноябрь).

1920 йил 3 май – 1922 йил декабрь – Марғилон яқиндаги Фойбота (Фарыбота) қишлоғида бұлған Фарғона водийси құрбошиларининг курултойида Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистан-турк мустақил ислом жумхурияты, яғни Туркистан мұваққат хукумати түзилди ва фаолият курсатди.

1920 йил 28 май – Туркистан фронти құмандони М.В. Фрунзениң буйруғи билан истиқолчиларга қарши курашга мұлжалланған «жанговар учар отрядлар» түзилди ва маҳсус жазо отрядлари ташкил этилди.

1920 йил 4 июнь – Хоразм коммунистларининг Хива шаҳрида бұлған үтган конференциясида Хоразм Коммунистик партияси (ХКП) ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. (Бирок Хоразм Коммунистик партиясининг I курултойи фақат 1921 йил 4–11 декабря үтказилди ва унда партия дастури қабул қилинди. Хоразм Коммунистик партиясининг II курултойи 1922 йил июлда, III курултойи 1923 йил 20–22 июлда, IV курултойи 1924 йил октябрда бұлған үтди. 1924 йил ноябрда ХХСР сингари ХКП ҳам үз фаолиятини тұхтатди.)

Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети раислари ва масъүл котиблари: Жуманиәз Султонмуродов (1919–1920), Зокир Бекчурин (1920–1921), Мұхаммаджон Иззатдинов (1921 йил май – декабрь), Шарафиддинов (1921–1923), Қаландар Адинаев (1924 йил январь – июнь), Исок Хонсуворов (1924 йил июнь – ноябрь).

1920 йил 28 июнь – сентябрь – Бухорода «Қутулиш» газетаси (хозирги «Бухоронома» газетасининг ilk үтмишдоши) нашр қилинди.

1920 йил июнь – Москвада РКП(б) Марказий Комитети нинг Туркистан бюроси (Туркистан бюроси; Туркбюро) ту-

зилди. У Туркистандаги партия ишларига раҳбарлик қилиш учун ташкил қилинди, унға Турккомиссия үзининг партияй ваколатини топширди. Туркбюронинг биринчи таркиби 1920 йил 29 июлда қуидаги тасдиқланды: Г.Я. Сокольников (раис), Л.М. Каганович, Я.Х. Петерс, Г.И. Сафаров (раис үринбосари), Я.З. Суриц. (Москва томонидан 1922 йил майда Туркистан бюроси РКП(б) Марказий Комитетининг Үрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди.)

РКП(б) МК Туркбюро раислари: Григорий Яковлевич Сокольников (1920–1921), Ян Эрнестович Рудзутак (1921 йил март – октябрь), Адольф Абрамович Иоффе (1921 йил октябрь – декабрь), Сергей Иванович Гусев (1921–1922).

1920 йил 26 август – Қозогистон АССР (РСФСР таркибиде) ташкил топди. Туркистан АССР ҳудудининг бир кисми Қозогистон АССРга берилди.

1920 йил 2 сентябрь – Туркистан фронти құмандони М.В. Фрунзе бошчилигидеги қызил армия Бухоро шаҳрини босиб олды, амир Саид Олимхон ҳокимияти ағдарилди. Бухоро амирлиги тугатилди. Ёш бухороликтар партияси ҳокимият тепасига келди.

1920 йил 9 сентябрь – «Бухоро ахбори» («хозирги Бухоронома») газетасининг биринчи сони нашрдан чиқди.

1920 йил 13 сентябрь – Москвада РСФСР билан ХХСР үртасида 24 моддадан иборат Иттифок шартномаси ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим түзилди.

1920 йил сентябрь – БХСР Ҳарбий ишлар нозирлиги ташкил топди.

БХСР Ҳарбий ишлар нозирлари: Б. Шегабутдинов (1920 йил сентябрь – октябрь), Абдулхамид Орипов (1921–1922), Файзула Ҳўжаев (1922–1924).

1920 йил сентябрь – Тошкент шаҳрида дастлабки эреккәлар ва аёллар маориф билим юртлари, кейинчалик республика үзбек маориф институти (русча: инпрослар) очилди. Кейинчалик улар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларida ҳам ташкил этилди. (1929 йилдан улар педагогика техникумларига айлантирилди.)

1920 йил 6 октябрь – Бухоро амирининг ёзги саройи Ситораи Мохи Хосада Бутунбухоро халқ вакилларининг

I курултойи бўлди. Унда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топганлиги (хукумат раиси – Файзулла Хўжаев) қонуний тасдиқланди. (1920–1924 йилларда Бутунбухоро халқ вакилларининг бешта қурултойи ўтказилди.)

1920 йил октябрь – Тошкентда РСФСР билан БХСР уртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим тузилди.

1920 йил 21 ноябрь – Бухоро Халқ Совет Республикасининг Ер тўғрисидаги қонунида амирга тегишли барча молмулк ва ерлар халқ мулки деб эълон қилинди.

1920 йил 21 ноябрь – Тошкент шаҳрида Туркистон ўлка комсомолларининг биринчи таъсис съезди ўтказилди. Унда Туркистон АССРдаги барча ёшлар ташкилотлари Туркистон Коммунистик ёшлар союзига бирлаштирилди. У Россия Коммунистик ёшлар союзи (РЛКСМ)нинг таркибий кисми бўлган. (1924 йил ноябрда РЛКСМ МК Ўрта Осиё бюросининг қарорига кўра, Туркистон, Бухоро ва Хоразм комсомоли Марказий Комитетининг фаолияти тугатилганлиги ва 30 ноябряда Ўзбекистон ва Туркманистон ЛКСМнинг ташкилий бюроси тузилганлиги эълон қилинди. 1920–1924 йилларда Туркистон Коммунистик ёшлар союзининг бешта съезди ўтказилди.)

1920 йил кузи – БХСРда маъмурӣ-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, амирлик давридаги 27 (баъзи манбаларда 32) та беклиқ ва вилоят ўрнига вилоятлар, туманлар, кентлар, амлеклар ва қишлоқлар тузилди.

1920 йил 1 декабрь – Тошкентда рус тилида «Коммунист» журнали чиқа бошлаган.

1920 йил – Хивадаги Кўхна Арк (Арзхона)да кўргазма музейи очилди.

1920 йил – Тошкентда етим ва боқувчисиз қолган қизлар учун Зебуннисо бегим номидаги интернат мактаби очилди.

1920 йил – Туркистон АССР маъмурӣ жиҳатдан 6 областга бўлинган. Улар эса 32 уезд, 466 волость ва 3925 қишлоқ жамоасига тақсимланган.

Туркистон АССРдаги областлар ва уездлар:

1. Сирдарё обlastida 7 уезд бўлган: Қазали, Перовск, Черняев, Туркистон, Авлиёота, Тошкент, Мирзачўл.

2. Амударё областида 2 уезд бўлган: Шўрахон, Чимбой.

3. Еттисув (Семиречье) областида 7 уезд бўлган: Лепсин, Копал, Жаркент, Қоракўл, Норин, Пишпек, Верний.

4. Фарғона областида 7 уезд бўлган: Андижон, Ўш, Марғилон, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Помир.

5. Самарқанд областида 4 уезд бўлган: Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах, Үратепа.

6. Туркман областида 4 уезд бўлган: Марв, Тажан, Полторацк, Красноводск.

1920–1924 йиллар – Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси фаолият кўрсатди.

Хоразм Муваққат инқилобий қўмита (ревком) раиси: Мулла Жуманиёз Султонмуродов (1920 йил 2 февраль – 8 апрель). *Хоразм Муваққат инқилобий ҳукумати раиси:* Мулла Жуманиёз Султонмуродов (1920 йил 9–26 апрель).

Хоразм Ҳалқ Совет Республикаси (ХХСР) Ҳалқ Нозирлар Шуроси раислари (1920–1924): Полвонниёз Юсупов (1920 йил апрель – 1921 йил март), Менглихўжа Ибнияминов (1921 йил май – ноябрь), Абдулла Абдураҳмонхўжаев (1921 йил ноябрь – 1922 йил июль), Бобоҷон Отажонов (1922 йил июль – 1923 йил октябрь), Бекжон Назаров (1924 йил март – август), Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев (1924 йил август – ноябрь).

Бутунхоразм Марказий Ижроия Қўмитаси раислари (1921–1924): Мухаммадрайим Оллоберганов (1921 йил май – сентябрь), Отамахсум Охун Мухаммадраҳимов (1921 йил сентябрь – ноябрь), Янгибой Муродов (1921 йил ноябрь – ?), Абдулла Ҳожиев (Абдуллаҳўжа Мухаммадниёз ўғли; 1922 йил июль – 1923 йил октябрь), Карим Сапаев (1923 йил октябрь – ?), Султонкори Жуманиёзов (1924 йил март – август), Нодирбой Айтаков (1924 йил август – ноябрь).

1920–1924 йиллар – Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси фаолият кўрсатди.

Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси (БХСР) Ҳалқ Нозирлар Шуроси раиси: Файзулла Ҳўжаев (1920 йил август – 1924 йил ноябрь).

Бухоро Инқилобий Кўмитаси (ревком) раиси: Аҳмаджон Абусаидов (1920 йил август – сентябрь). Бутун Бухоро Инқилобий Кўмитаси (Марказий ревком) раиси: Абдулқодир Мухитдинов (1920 йил сентябрь – 1921 йил сентябрь).

Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитаси раислари (1921–1924): Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев; 1921 йил сентябрь – 1922 йил январь), Порсо Хўжаев (1922 йил август – 1924 йил ноябрь).

1921 йил 1 февраль – Тошкентда ўзбек тилида «Коммунист» журнали чиқа бошлаган. (У 1923 йил январдан «Коммунистлар йўлдоши» номи билан ўзбек, рус ва қозоқ тилларида нашр килинган. 1925 йил сентябрдан «Коммунист» номида ўзбек тилида узилишлар билан чиқкан. 1960–1990 йилларда у «Ўзбекистон коммунисти» – «Коммунист Узбекистана» номлари билан ўзбек ва рус тилларида нашр килинган.)

1921 йил февраль – 1924 йил ноябрь – Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети қошида Туркистон Иктисадий Кенгаши (ТЭС; кейинчалик ТуркЭКОСО) фаолият кўрсатди.

Туркистон Иктисадий Кенгаши раиси: Николай Антонович Паскуцкий (1921–1924).

1921 йил 4 март – Москвада РСФСР билан БХСР ўргасида Иттифоқ шартномаси имзоланди.

1921 йил 6 март – Хоразмдаги Полвонниёз Юсупов ҳукуматини қизил аскарлар ағдариб ташлади.

1921 йил 11 март – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ўзбек (туркий) тилини мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон килди.

1921 йил 12 март – 1924 йил ноябрь – Бухоро Иктисадий Кенгаши фаолият кўрсатди.

Бухоро Иктисадий Кенгаши раислари: Мухитдин Мансуров (1921 йил март – 1922 йил сентябрь), Кори Йўлдош Пўлатов (1923 йил январь – ?), Муинжон Аминов (1923 йил июнь), Абдулқодир Мухитдинов (1923 йил июнь – 1924 йил май), А.Гайсинский (1924 йил май – ноябрь).

Бухоро Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси: Фитрат (1922 йил сентябрь – 1923 йил июнь).

1921 йил май – 1924 йил ноябрь – Хоразм Иқтисодий Кенгаши фаолият күрсатди.

Хоразм Иқтисодий Кенгаши раислари: Шокир Сидиков (1921 йил май – 1922 йил июль), А. Усмонов (1922 йил июль – 1923 йил октябрь), Дмитрий Брюханов (1923 йил октябрь – 1924 йил май), Уроз Ирманов (1924 йил май – ноябрь).

1921 йил 2–5 август – Бухорода Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти (ташкilot рахбари: Аҳмад Закий Валидий) тузилди.

1921 йил 13 сентябрь – Фарғона водийсида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

1921 йил 17 сентябрь – Бухоро қўрбошиларининг Шарқий Бухоронинг Қорақамиш қишлоғида бўлиб ўтган биринчи қурултойида Иброҳимбекка «Ислом лашкарбошиси» унвони берилди.

1921 йил 18–23 сентябрь – Бутунбухоро ҳалк вакилларининг II қурултойида БХСР Конституцияси, Байроғи ва Герби қабул қилинди.

1921 йил – БХСРда Бухоро илмий жамияти ташкил этилди.

1921–1922 йиллар ва 1925–1929 йиллар – Туркистон АССР ва Ўрта Осиё республикаларида ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, унда совет ҳокимияти томонидан бойларнинг ерлари тортиб олиниб, кам ерли ва ерсиз дехқонларга таксимлаб берилди (қишлоқ ҳўжалигини колективлаштиришга замин яратилди).

1922 йил 2 январь – Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети, БХСР Нозирлар Шўроси ва Бухоро Компартияси Марказий Комитети ўзининг қўшма мажлисида БХСР МИКнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик комиссиясини тузишга карор қабул қилди.

1922 йил 15 апрель – Бойсундаги Кофирун қишлоғида Туркистон қўрбошиларининг катта қурултойи ўтказилиб, унда Туркиядан келган ҳарбий саркарда Анвар Пошо Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг Олий бош кўмандони ва сиёсий рахбари килиб сайланди.

1922 йил 15–20 апрель – Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Тур-

кистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи бўлиб, унда Шермуҳаммадбек бошчилигига аввал тузилган Туркистон турк ислом жумҳориятининг муваққат конституцияси қабул килинди.

1922 йил май – Москвада РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси ўрнида РКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси (Ўрта Осиё бюроси; Средазбюро) ташкил топди. Унга Туркбюро ва Турккомиссиянинг барча вазифалари юклатилган. Унинг қароргохи Тошкентда бўлиб, у минтақадаги барча совет республикалари ва компартиялари (Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпогистон) устидан партияйий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан назорат қилди ва улар фаолиятини бошқариб турди. (РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1925 йилдан ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси деб номланди. 1934 йил 2 октябрда СССР ХКС ва ВКП(б) МК қарори билан Ўрта Осиё бюроси тугатилди.)

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раислари: Сергей Иванович Гусев (1922), Ян Эрнестович Рудзутак (1922–1924); *ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси биринчи секретарлари:* Исаак Абрамович Зеленский (1924–1931), Карл Янович Бауман (1931–1934).

1922 йил 1 июнь – БХСР ҳудудидаги кизил армия қисмлари асосида икки фронт: Шарқий фронт ва Фарбий фронт ташкил қилинди.

1922 йил 29 июнь – РСФСР билан ХХСР ўртасида иқтисодий битим имзоланди.

1922 йил 20 июль – 1924 йил 24 ноябрь – Тошкентда рус тилида «Туркестанская правда» газетаси нашр қилинди. (1924 йил 25 ноябрдан унинг ўрнига «Правда Востока» газетаси чиқа бошлаган.)

1922 йил 9 август – Москвада РСФСР билан БХСР ўртасида иқтисодий битим имзоланди.

1922 йил август – БХСР маъмурий-худудий жиҳатдан Бухоро, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки, Чоржўй вилоятларига ажратилган.

1922 йил 14 сентябрь – Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг мажлисида Бухоро шаҳрида биринчи Бухо-

ро Давлат университетини ташкил этиш ҳақида қарор қабул килинди.

1922 йил 30 декабрь – Совет Социалистик Республикалари Иттифоки (СССР) ташкил топди. Унинг таркибига РСФСР (Россия), Украина ССР, Белоруссия ССР ва Закавказье Федерацияси (ЗСФСР) киритилди. СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимини Владимир Ильич Ленин эгаллади. СССР Марказий Ижроия Кўмитаси раислари қилиб Михаил Иванович Калинин (РСФСР), Григорий Иванович Петровский (Украина ССР), Александр Григорьевич Червяков (Белоруссия ССР), Наримон Наримонович Наримонов (ЗСФСР) сайланди.

1922 йил – Бухоро давлат музейи (ҳозирги Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси) ташкил этилди.

1922 йил – Тошкент шаҳрида Ўзбек тили ва грамматикиси бўйича биринчи Туркистон ўлка қурултойи ўтказилди.

1922 йил – Тошкент шаҳрида озик-овқат саноатининг ирик корхонаси – «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ишга туширилди.

1923 йил январь бошлари – Шаҳрионда бўлган Фарғона водийси қўрбошиларининг қурултойида хорижга чиқиб кетган Шермуҳаммадбек ўрнига Ислом Полвон (Исломкул) қўрбоши Фарғона водийсидаги истиқлолчилик харатининг Бош қўмандони қилиб сайланди.

1923 йил 5–9 март – Тошкентда Ўрта Осиё республикалари (Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари)нинг I иқтисодий конференцияси ўтказилди. Унда уч республика иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилди ҳамда Туркистон Иқтисодий Кенгаши, Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши асосида Ўрта Осиё Республикалари Иқтисодий Кенгаши (СЭС) ташкил қилинди. (Ўрта Осиё Республикаларида миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши муносабати билан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши 1924 йил 25 ноябрда ўз фаолиятини тўхтатди. Унинг вазифалари СССР Мехнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиё вакиллигига топширилди.)

Ўрта Осиё Республикалари Иқтисодий Кенгаши (СЭС) раиси: Николай Антонович Паскуцкий (1923–1924).

1923 йил 20 март – Тошкентда Ўрта Осиё Ишчи-дәхқон коммунистик университети базасида В.И. Ленин номидаги Ўрта Осиё коммунистик университети (САКУ) ташкил топди. У минтақадаги олий партия мактаби зди. (САКУ 1934 йил 26 ноябрда ёпилган.)

1923 йил апрель – собиқ Бухоро амирлиги таркибидаги Матчо беклиги (маркази – Обурдон қишлоғи) қизил армия томонидан босиб олинди.

1923 йил май – июнь – СССР Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони С.С. Каменев Туркистон фронти (Туркфонт)да бўлиб, «Босмачилик (бандитизм)га қарши кураш системаси»ни ишлаб чиқди. (Мутлақо маҳфий ҳолатда ишлаб чиқилган Туркистондаги «Босмачилар»га қарши кураш тўғрисидаги ушбу маҳсус кўрсатмалар ва қоидалар (инструкция 123 моддадан иборат бўлган) 1924 йилда Тошкентда Туркистон фронтининг инқилобий ҳарбий кенгаши (Реввоенсовет) томонидан нашр қилинди ҳамда қизил армия командирлари ўртасига тарқатилди ва бу кўрсатмаларга қатъян амал қилиш зарурлиги таъкидланди.)

1923 йил 31 май – РСФСР билан БХСР ўртасида божхона битими имзоланди.

1923 йил 9–12 июнь – Москвада РКП(б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва вилоятлар масъул ходимлари иштирокида 4-кенгаши бўлди. РКП(б) МК Бош секретари И.В. Сталин ва РКП(б) МК секретари В.В. Куйбишев асосий маъruzачилар бўлган бу кенгашда бир гурӯҳ туркистонлик миллий коммунистик арбоблар (Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Султонбек Хўжанов, Иномжон Хидиалиев, Турор Рискулов ва б.) совет ҳокимиятига қарши курашаётган босмачилар ва хорижга чиқиб кетган бошқирдистонлик Закий Валидов (Аҳмад Закий Валидий) билан яширин равишда алоқа боғлаганликда айбланди.

1923 йил 12 июнь – РКП(б) МК Бухоро масаласи бўйича маҳсус карор қабул қилди.

1923 йил 13 июнь – Туркистон АССР МИК ва ТАССР ХКС озиқ-овқат солиғидан ягона қишлоқ хўжалик солиғига ўтиш тўғрисида декрет чиқарди.

1923 йил 23 июнь – Бухоро Коммунистик партиясининг ёник пленумида РКП(б) МК секретари ва Урта Осиё бюросининг раиси Я.Э. Рудзутакнинг қатъий талаби билан БХСР ҳукумати арбобларининг бир қисми (БХСР Ташки ишлар нозири ва ҳукумат раисининг биринчи мувонини – Отауллахужа Пўлатов; Маориф нозири – Фитрат, Молия нозири – Саттор Хўжаев, Бухоро Иктисадий Кенгаши раиси – Муинжон Аминов ва б.)га турли асоссиз айблар қўйилиб, улар Бухоро ҳукумати таркибидан чиқарилди ва Бухоро давлати ҳудудидан бадарға килинди. Пленумнинг ўзида Бухоро Компартияси МК котиби Ражаб Муҳаммадиев ўрнига Бухоро Компартияси МК масъул котиби килиб Абдулла Раҳимбоев сайланди.

1923 йил 17 июль – Марғилон яқинидаги Шуик – Мозор қишлоғида бўлган Фарғона қўрбошиларининг қурултойида Ислом Полвон ўрнига Ёрмат Махсум Фарғона вилоятидаги истиклолчилик ҳаракатининг Бош қўмандони қилиб сайланди.

1923 йил 17–20 октябрь – Бутунхоразм ҳалқ вакилларининг 4-қурултойида XXСРнинг номи Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) деб ўзгартирилди.

1923 йил октябрь – XXСРнинг қабул қилинган янги Конституциясига қўра, XXСР ҳудуди қуйидаги 4 вилоят (Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошқовуз, Хўжайли) ва 26 туман (Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Тошқўприк [Қўшқўпир], Ғозовот, Шоҳобод [Шаббоз], Қипчоқ, Мангит, Қиличбой, Монок, Тошқовуз, Порсу, Хўжайли, Кўхна Урганч, Қиёт, Қўнғирот, Иляли, Кўкчага, Янги Алла, Тахтабозор, Шовот, Қиёт, Хива)дан иборат бўлди.

1923 йил 24 декабрь – БХСР Нозирлар Шўросининг мажлисида Бухорода Тропик институтини ташкил этиш ҳақида карор қабул қилинди. Институт БХСРдаги турли юкумли касалликларга қарши курашувчи илмий ва амалий марказ эди.

1923 йил – БХСРнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига ўзгартириш киритилиб, у 8 вилоят (Бухоро, Кармана, Нурутса, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки), 28

туман ва Шарқий Бухорога бўлинган. Уша йили Шарқий Бухоронинг ўзида ҳам маъмурӣ бўлиниш ўтказилиб, у 6 вилоят (Сариосиё, Бойсун, Душанбе, Кўлоб, Кўргонтепа, Фарм) ва 20 туманга тақсимланган эди.

1923 йил – Тошкентда аҳоли рӯйхати ўтказилди.

1923 йил – «Туркгоскино» (Туркистон давлат кино тац-килоти) ташкил қилинди.

1924 йил 25 февраль – Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг пленуми маҳаллий халкларнинг миллий республикаларини ташкил этиш учун бўлган ҳаракатини эътиборга олиб, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш зарурлигини эътироф қилди. Пленумда «Ўзбекистонни ташкил этиш масаласига доир асосий қоидалар» тўғрисида БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев тезислари тасдикланди. (Бу фикрни 1924 йил 3 марта Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг Ижроия Бюроси. 1924 йил 10 марта Туркистон Компартияси Марказий Комитети қўллаб-кувватлади.)

1924 йил 28 апрель – РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мажлисида БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш масаласи бўйича нутқ сўзлади.

1924 йил 7 июнь – Тошкент шаҳрида кучли зилзила со-дир бўлди.

1924 йил 12 июнь – РКП(б) МК Сиёсий бюроси-нинг «Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

1924 йил 6 ва 12 июль – Фарғона водийсининг жануби-шарқида Ўзган шаҳри атрофида зилзила (Ўзган зилзиласи) со-дир бўлди. Уларнинг биринчиси 7–8 балл, иккинчиси 8–9 балл билан тебранган.

1924 йил 15 июль – РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан янги ташкил этиладиган миллий республикалар ва областларнинг муваққат бюроси ташкил қилинди. Ўзбеклар бюроси таркибиға Файзулла Хўжаев, Рустам Исломов, Акмал Икромов, Қори Йўлдош Пўлатов, Мухторжон Сайджонов, Ка-лагин аъзо сифатида, Иноятов номзод сифатида киритилди.

(Шунингдек, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ташкил этган Худудий комиссияда, унинг миллий кичик комиссияларида жанжалли масалаларни ҳал қилиш учун тузилган маҳсус комиссиялар ҳам бўлган. Худудий комиссия таркибига Файзулла Ҳўжаев, Султонбек Ҳўжанов, Абдулла Раҳимбоев, Рустам Исломов, Қайғисиз Отабоев, Нодир Айтков, Й. Абдураҳмонов, И. Айдарбеков, Иосиф (Юозас) Михайлович Варейкис, Д. Манжара, Иван Иванович Межлаук, Х. Саҳат-Муратов ва бошқа сиёсий арбоблар кирган эди.)

1924 йил 25 август – Самарқанд шаҳрида «Овози тожики камбағал» (1992 йил 1 январдан «Овози тожик») газетасининг 1-сони чоп этилди.

1924 йил 16 сентябрь – Туркистон АССР МИКнинг фавқулодда сессиясида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказиш түғрисида қарор қабул килинди. (Худди шундай мазмундаги қарор 1924 йил 20 сентябрда Бутунбухоро ҳалқ вакилларининг 5-қурултойи ва 1924 йил 29 октябрда Бутунхоразм ҳалқ вакилларининг 5-қурултойида ҳам қабул килинди.)

1924 йил 20 сентябрь – Бутунбухоро ҳалқ вакилларининг 5-қурултойида БХСР ҳукумати раиси Файзулла Ҳўжаев «Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши түғрисида» доклад килди. Қурултойда БХСРнинг номи Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР) деб ўзгарилиди.

1924 йил сентябрь – РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг «Ўрта Осиёдаги босмачиликка қарши кураш кенгашлари ҳақида низом»и қабул килинди. Низомга кўра, Ўрта Осиё худудида Марказий, республикалар ва вилоятларнинг «босмачиликка қарши кураш доимий кенгашлари» тузилди. «Босмачиликка қарши кураш Марказий кенгаши»нинг штаби Тошкент шаҳрида жойлашган эди. Бу кенгаш фаолиятини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси бошқарди. Кеинчалик ушбу кенгашлар «Босмачиликка қарши кураш комиссиялари» деб номланди.

1924 йил 1 октябрь – Бутунбухоро МИК қарори билан БХСРда маъмурий-худудий бўлиниш қайта ўтказилиб, вилоятлар ўрнида 5 та округ ташкил қилинди. Округлар ўз нав-

батида 15 вилоят, 48 туман, 195 кент ва қўплаб қишлоқларга бўлинди.

Зарафшон округи таркибида 3 вилоят: Бухоро, Кармана, Нурота вилоятлари бўлиб, улар таркибида 8 туман (Коракўл, Баҳоуддин, Вобкент, Фиждувон, Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Нурота) ва 2202 та қишлоқ бўлган.

Қашқадарё округи таркибида 2 вилоят: Қарши, Шахрисабз вилоятлари бўлиб, улар таркибида 9 туман (Қарши, Косон, Бешкент, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чирокчи, Фузор, Чим) бўлган.

Сурхондарё округи таркибида 8 туман (Шеробод, Термиз, Бойсун, Қарлук, Қабодиён, Қўргонтепа ва б.) бўлган.

Туркман (Амударё) округи таркибида 2 вилоят: Каики, Чоржўй вилоятлари бўлиб, улар таркибида 608 қишлоқ бўлган.

Шарқий Бухоро таркибида 6 вилоят: Кўлоб, Бойсун, Сариосиё, Фарм, Душанбе, Қўргонтепа вилоятлари бўлиб, улар таркибида 3646 қишлоқ бўлган.

1924 йил 14 октябрь – Бутунроссия МИКнинг 2-сессиясида Туркистон АССР МИКнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги қарори айрим тузатишлар билан қабул қилинди. Сессия қарори билан Ўрта Осиёда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР, Тоҷикистон АССР, Қорақалпоғистон АО ва Қоракиргиз (Қирғизистон) АО тузилиши керак эди.

1924 йил 27 октябрь – Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси (СССР МИК)нинг иккинчи чакириқ 3-сессиясида Туркистон АССР МИК фавқулодда сессияси, Бутунбухоро халқ вакилларининг 5-курултойи ва Бутунхоразм халқ вакилларининг 5-курултойи қарорлари асосида Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш тўғрисида маҳсус қарор қабул қилинди. Сессияда БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши тўғрисида нутқ сўзлади. Хуллас, 1924 йил сентябрь – октябрь ойларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш Ўрта Осиё республикалари, РСФСР ва СССРнинг олий органлари томонидан қонуний кучга кирди.

1924 йил 30 октябрь – 1925 йил 12 февраль – Узбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси Ташкилий бюроси фаолият кўрсатган давр. Ташкилий бюронинг секретарлари қилиб Рустам Исломов ва Абдулла Раҳимбоев тасдиқланди. Кейинчалик Владимир Иванов Ташкилий бюронинг биринчи секретари, Акмал Икромов ва Нусратулла Махсум унинг аъзолари қилиб тайинланди. Унга Узбекистон Компартиясини тузиш, Узбекистон ССРнинг хўжалик, совет ва маданий курилишига партиявий раҳбарлик қилиш ва Узбекистон Компартиясининг I съездини тайёрлаш юклатилди. 1925 йил февралда бўлган Узбекистон Компартияси I съездида Ташкилий бюро ҳисобот берди. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси сайлангач, бу орган тугатилди.

1924 йил 31 октябрь – 1925 йил 13 февраль – Узбекистон ССР Мувакқат Инқилобий комитети (Марказий ревком) – мувакқат ишчи-дехқон ҳукумати ташкил топди. Унга таникли давлат арбоби Файзулла Хўжаев раис қилиб тайинланди. Ревком таркибига раисдан ташқари Порсо Хўжаев (пойтахтни кўчириш бўйича Марказий Комиссия раиси), Рустам Исломов (Узбекистоннинг муҳтор вакили), Абдулла Раҳимбоев, Давлат Ризаев (Маориф халқ комиссарининг 1-уринбосари), Султон Қори (Хоразмнинг вакили), Гольдбер (раис үринбосари), Владимир Иванов (Тошкент Янги шаҳар Ижроия комитети), Иномжон Хидиралиев (Ер ишлари халқ комиссари), Манжара (Ишчи-дехқон назорати), Мухторжон Сайджонов (Ички ишлар халқ комиссари), Қори Йўлдош Пўлатов (Молия халқ комиссари), Лукъянов (Ижроия қўмитасида бўлим бошлифи), Газиев (Адлия халқ комиссари), Имомов (Тоҷикистон ревкоми), Обид Мазумов киритилди. Мувакқат Инқилобий комитети Узбекистон ССР тузилишини бошқариб борди.

1924 йил 18 ноябрь – Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР Марказий Ижроия Қўмиталари маҳсус қўшма қарор қабул қилдилар ва шу қарорга биноан ўз ваколатларини Узбекистон ССР Советларининг таъсис қурултойига қадар иш кўрувчи Файзулла Хўжаев раислигида ташкил

қилинган Ўзбекистон ССР Мувакқат Инқилобий комитети (Марказий ревком) – мувакқат ишчи-дехкон ҳукуматига топширилар. (Файзулла Хўжаев Бухородан Тошкент шаҳрига келиб (1924 йил 21 ноябрь), мувакқат ҳукуматнинг раиси вазифасини бажаришга киришди.)

1924 йил 24 ноябрь – 1925 йил 23 февраль – Ўрта Осиё тугатиш комитети (Средазликийдом) ёки тугатиш комиссияси фаолият кўрсатган. У Тошкент шаҳрида жойлашган. Комитет Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-худудий чегараланиш жараёнида давлат аппаратини қайта ташкил қилиш ва давлат мулкларини тақсимлаш билан шуғулланган.

1924 йил 5 декабрь – Тошкентда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бош идораси – нашриёти ташкил топди. (У 1947 йил январдан босмахона билан бирлаштирилди, 1964 йил январдан Ўзбекистон КП МК бирлашган нашриёти, 1969 йил октябрдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти деб аталган. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети нашриёти совет даврида СССРдаги газета ва журнал нашр этадиган энг йирик нашриётлардан бири хисобланган. Нашриёт негизида 1991 йилда «Шарқ» нашриёти ташкил қилинди.)

1924 йил – Тошкентда «Средазкнига» нашриёти ташкил қилинди.

1924 йил – Тошкент санъат музейи (1935 йилдан Ўзбекистон давлат саънат музейи) ташкил қилинди.

1924 йил – Бухоро шаҳрида «Бухкино» ташкилоти ташкил этилди.

1924 йил – Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё коммерция банки акционерлар жамияти сифатида ташкил қилинди. У 1930 йилда СССР Давлат банкига қўшиб юборилди.

1924 йил – Туркистон Иқтисодий Кенгashi Давлат режа комитети ҳузуридаги районлаштириш комиссияси уч бўғинли бошқарувни таклиф қилади: марказ – Тошкент, округлар ва район волостлари. Туркистон АССРда мавжуд бўлган 6 область, 31 уезд ва 590 волость ўрнига 12 округ ва 150 район волостлари тузилган.

Туркистон АССРдаги округлар:

1. Саркан (11 волость).
2. Олмаота (16 волость).
3. Пишпек (16 волость).
4. Чимкент (15 волость).
5. Сирдарё (9 волость).
6. Амударё (6 волость).
7. Туркман (8 волость).
8. Самарқанд (18 волость).
9. Тошкент (9 волость).
10. Қўқон (18 волость).
11. Андижон (22 волость).
12. Помир райони (2 волость).

1924 йил охири – Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши тугалланди. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари тугатилди. Марказ томонидан ягона Туркистон минтақаси совет республикаларига парчалаб ташланди.

1924 йил охири – Узбекистон ССР Олий Суди таъсис этилди.

1924 йил охири ва 1925 йил бошлари – Узбекистон ССР МИҚ хузурида давлат аппаратини ўзбеклаштириш Марказий комиссияси ташкил этилди.

1925 йил 18 январь – Ўрта Осиё давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультети биносида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигига ёрдам ва тажриба ишлари съезди ўтказилди.

1925 йил 23 январь – Тошкентда Узбекистон Коммунистик партияси Ташкилий бюросининг 2-пленуми бўлиб ўтди. Унда Ижроия бюроси ҳисоботи (В. Иванов), Ревком ҳисоботи (Файзулла Хўжаев), партия съезди масалалири, комсомол ҳисоботи, бюджет тўғрисида (Кори Йўлдош Пулатов) ва бошқа масалалар кўрилган.

1925 йил 28 январь – Туркистон фронти штабида Ўрта Осиё миллий ҳарбий қисмларининг кенгаши ўтказилди.

1925 йил 29 январь – Узбекистон ССРда илк бор маъмурий-худудий бўлиниш ўтказилди. Даастлабки 7 вилоят (Зарафшон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё,

Қашқадарё, Хоразм), алоҳида Конимех райони ва кейинчалик Тожикистон АССР ташкил топди. Бу пайтда Ўзбекистон ССР таркибида 23 уезд ва 241 волость бўлган.

Ўзбекистон ССР Марказий ревкомининг қарори қабул қилиниб, Ўзбекистондаги вилоятлар, уездларнинг маъмурий марказлари белгиланди ва шаҳарлар рўйхати тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР вилоятлари:

1. *Зарафшон вилояти* таркибида 4 уезд (Бухоро, Фиждувон, Кармана, Нурота) ва алоҳида Конимех райони бўлган. Уездлар 23 волостга бўлинган. Маркази – Бухоро шаҳри.

Бухоро уездидаги Олот, Баҳоуддин, Қоракўл, Сеплан, Хайробод волостлари ва алоҳида Ўртачўл қишлоқ жамоаси бўлган;

Фиждувон уездидаги Ванғози, Вобкент, Фиждувон, Гаждумак, Фишти, Ленин (Шофрикент), Пешкў волостлари бўлган;

Кармана уездидаги Қалқонота, Кармана, Мирбозор, Тошқўприк, Хатирчи, Хўжакул Эшон, Янгиқўрғон волостлари бўлган;

Нурота уездидаги Жўш, Қўшработ, Нурота волостлари бўлган;

Алоҳида Конимех районидаги Бешработ, Ойтерен, Баймантапти, Тошқудуқ волостлари бўлган.

2. *Самарқанд вилояти* таркибида 4 уезд (Жиззах, Каттакўрғон, Самарқанд, Хўжанд) бўлган. Уездлар 57 волостга бўлинган. Маркази – Самарқанд шаҳри.

Жиззах уездидаги Богдон, Зомин, Коратош, Накрут, Работ, Сангзор, Саурюқ, Сентоб, Ўзбек, Үсмат – Қатортол, Фориши, Хотча – Мукур, Ём, Чашма – Янгиқўрғон волостлари бўлган;

Каттакўрғон уездидаги Оқтепа, Дамариқ, Жом, Жўйшагр, Қалқўрғон, Мингариқ, Митан, Наукин, Пайшамба, Сирғали, Тўртқўл, Тусун, Хўжариқ, Чимбой, Янгиқўрғон, Ярбоши волостлари бўлган;

Самарқанд уездидаги Ангор, Даҳбед, Довул, Жўйдиван, Жумабозор, Ишимоксоқ, Кабуд, Қорақалпоқ, Қоратепа, Маҳалла, Полвонариқ, Сиёб, Туятортар, Ургут, Ҳалвойи, Ҳожа Аҳрор, Чашмаоб, Челак, Шаҳоб, Янги-қозонариқ волостлари бўлган;

Хўжанд уездидаги Фўлакандоз, Исфара (Бокча – Исфара), Кистакуз, Нов, Унжи, Урал, Чапкулук волостлари бўлган.

3. Сурхондарё вилояти таркибида 3 уезд (Шеробод, Бойсун, Юрчи) ва Термиз шахри бўлган. Уездлар 10 волостга бўлинган. Маркази – Шеробод шахри.

Бойсун уездидаги Бойсун волости (собиқ Бойсун кенти), Дарбанд волости (собиқ Дарбанд кенти), Қумқўрғон волости (собиқ Қумқўрғон ва Каттар кентлари) бўлган;

Шеробод уездидаги Бошхурд [Тошхурд] волости (собиқ Бошхурд ва Хаттак кентлари), Жарқўрғон волости (собиқ Жарқўрғон ва Талиморон кентлари), Термиз волости (собиқ Патта – Ҳисор ва Хошман кентлари), Шеробод волости (собиқ Оққўрғон, Гиламбоб, Майдаарик кентлари) бўлган;

Юрчи уездидаги Миршоди волости (собиқ Миршоди ва Денов кентлари), Сариосиё волости (собиқ Сариосиё кенти), Юрчи волости (собиқ Юрчи кенти) бўлган.

4. Тошкент вилояти таркибида 2 уезд (Тошкент, Мирзачўл) бўлган. Уездлар 26 волостга бўлинган. Маркази – Тошкент шахри.

Тошкент уездидаги Аблиқ, Оққўрғон, Бўка, Фойибота, Жалолтепа, Жетикент, Зангиота, Кариз, Қенжиғали, Қенсой, Хитойтепа, Майдонтол, Ниёзбек, Осмонота, Пскент, Теляуз, Тўйтепа, Хурдан, Чиноз волостлари бўлган;

Мирзачўл уездидаги Беговот, Даљварзин, Еттисой, Крестьянский, Сават, Сирдарё, Ховос волостлари бўлган.

5. Фарғона вилояти таркибида 4 уезд (Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган) бўлган. Уездлар 72 волостга бўлинган. Маркази – Қўқон шахри.

Андижон уездидаги Олтинқўл, Балиқчи, Булоқбоши, Жалолқудук, Избоскан, Қорасув, Қўқонқишлоқ, Қўргонтепа, Майгир, Манёк, Норин, Ҳакент, Ҳакқулобод, Ҳонобод, Чимён, Ёрбоши волостлари бўлган;

Қўқон уездидаги Араван, Бешарик, Бувайда, Ганжиравон, Жанжал, Задиан, Исфара, Қайнар, Конибодом, Қорақалпок, Қенагас, Қипчоқ, Кудаш, Маҳрам, Найман, Риштон, Сўх, Ултарма, Чирикжийда, Яйпан, Янгиқўрғон волостлари бўлган;

Фарғона уездіда Олтиарық, Асака, Аввал, Қоратепа Чавкент, Құконкишлоқ, Қува, Қули, Марғилон, Мархамат Сегазин, Учқұрғон, Файзиобод, Чимён, Шаҳрихон, Ёзёвон, Яқкатут волостлари бўлган;

Наманган уездіда Олмос, Ахси – Шаханд, Ашт, Бободархон, Варзак, Косон, Капа, Қирғизқұрғон, Нанай, Поп, Пишқорон, Тергаучи, Тұрақұрғон, Уйчи, Хоновот, Чодак, Чорток, Чуст, Янгикұрғон волостлари бўлган.

6. *Хоразм вилояти таркибида* 3 уезд (Гурлан, Янги Урганч, Хива) бўлган. Уездлар 23 волостга бўлинган. Маркази – Хива шахри.

Гурлан уездіда Гурлан, Қипчок, Қиёт, Қиличбой, Құқчага, Маноқ, Манғит, Хитой, Шовот волостлари бўлган;

Янги Урганч уездіда Бешарық, Қиёт-Құнғирот, Янги Урганч, Питнак, Хонқа, Ҳазорасп волостлари бўлган;

Хива уездіда Оқ Дарбанд, Остона, Газавот, Гужи, Құшқұпир, Хива, Янгиарық волостлари ва алоҳида Кирмон қишлоқ жамоаси бўлган.

7. *Қашқадарё вилояти таркибида* 3 уезд (Беҳбудий, Ғузор, Шаҳрисабз) бўлган. Уездлар 13 волостга бўлинган. Маркази – Беҳбудий (хозирги Қарши) шахри.

Беҳбудий уездіда Бешкент волости (собиқ Бешкент, Патрон, Файзобод кентлари), Қамаши волости (собиқ Денов [Фазли], Қамаши кентлари), Косон волости (собиқ Жейнов, Жумабозор, Касби, Косон, Майманоқ кентлари), Пўлати волости (собиқ Паргуза, Пўлати, Чим кентлари) бўлган;

Ғузор уездіда Киршак, Кичик Каттаўрин, Янгикент, Яртепа волостлари ва Ғузор шахри атрофидаги собиқ Аффонбог ва Эскибог кентлари бўлган;

Шаҳрисабз уездіда Китоб волости [Жонидарё волости билан биргаликда] (собиқ Офтобрўя, Ақчабуға, Варганзи, Гарау, Жаус, Қоронғи Майдон, Қайнар, Оби Канда, Пистахон, Писталик амлоклари), Чирокчи волости (собиқ Чимқұрғон, Чирокчи, Чияли, Янгибозор амлоклари), Шаҳрисабз [Оксув] волости (собиқ Дукчи, Корасув, Қизилэмчак, Қутчи, Мўминобод, Самок, Ўртақұрғон, Янгикұрғон амлоклари). Яккабог волости (собиқ Бобошоди, Бешарық, Бўзарық, Гов-

хона, Жумабозор, Имом йўқуб, Қайрағоч, Қорабоғ, Лангар, Самок, Тошкўргон амлоклари) бўлган.

1925 йил 6–12 февраль – Эски Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I таъсис съездиги (курултойи) бўлиб ўтди. Съезд ишида СССР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси М.И. Калинин қатнашди ва маъруза қилди (М.И. Калинин сафар давомида бошқа Ўрта Осиё республикаларида ҳам бўлди). РКП(б) МК Ўрта Осиё бирори раиси И.А. Зеленский съездда қатнашди ва нутқ сўзлади. Съездда Файзула Хўжаев «Ўзбекистондаги хўжалик вазифалари» мавзусида маъруза қилди.

Съездда Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул секретарлари қилиб Владимир Иванов ва Акмал Икромовлар сайланди (Ўзбекистон Компартияси (ЎзКП) Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС)нинг Ўзбекистон ССРдаги филиали ҳисобланган). Совет ҳокимияти йилларида республика сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Коммунистик партияси етакчи роль ўйнаган. Ўзбек халқи тарихида XX асрда юз берган кўплаб фожиали воқеалар коммунистик партия фаолияти билан боғлиқдир. Ўзбекистон партия ташкилоти республика манфаатларини ҳисобга олмасдан Москвада ишлаб чиқилган қарорларни бажариб келди. 1925–1991 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг 23 та съезди ўтказилди.

Ўзбекистон Компартияси негизида 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси таъсис этилди).

1925 йил 13–17 февраль – Бухорода маҳсус қурилган Халқ уйида Бутунузбек (Ўзбекистон) ССР Советларининг I таъсис курултойи бўлиб ўтди. Курултой томонидан 17 февралда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисида Декларация» қабул қилинди. Декларацияда янги ташкил топган Ўзбекистон ССР таркибига Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон (Бухоро), Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тожикистон АССР кирганилиги алоҳида таъкидланди. (Ўзбекистон ССР таркибида 1929 йилгача Тожикистон АССР бўлган. 1936

Ўзбекистон ССР Молия министрлари: Қори Йўлдош Пулатов (1925 – ?), Эркин Абдулаҳатович Муродов (1990 йил 31 декабрь – 1991 йил 6 август) ва б.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлари: Абдужабборов (1925–1927), Левит (1927 – ?), Сайджалол Маҳмудович Баҳромов (? – 1991 йил 16 апрель) ва б.

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлари: Санобар Ахроловна Хўжаева (1989 йил 17 сентябрь – 1993 йил 24 февраль) ва б.

Ўзбекистон ССР Олий суди раислари: Муҳаммад-Бобур Мажидович Маликов (1989 йил 26 январь – 1991 йил 15 февраль), Убайдулла Курбонович Мингбоев (1991 йил 12 июнь – 2003 йил 25 апрель) ва б.

1937 йил 23 март – Қорақалпоғистон АССР Конституцияси қабул қилинди.

1937 йил май – Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлди.

1937 йил 21 август – Марказ томонидан «Узок Шарқ ўлкаси чегара районларидан корейс аҳолисини кўчириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. (Бу карорга биноан 1937–1938 йилларда 170 минг корейслар Урта Осиё ва Қозоғистон худудига, жумладан, 74.500 киши Ўзбекистонга мажбуран кўчириб олиб келинди.)

1937 йил – Тошкент фармацевтика институти ташкил этилди.

1937 йил – Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини текшириш мақсадида С. Толстов раҳбарлигига Хоразм археология-этнография экспедицияси уюштирилди.

1937–1938 йиллар – Қорақалпоғистонда Кенагас канали казилди.

1937–1938 йиллар – мустабид совет режими Ўзбекистонда оммавий равишда қатағонлар ўtkazdi. Ўзбекистонда катта террор даври.

1937–1939 йиллар – Ўзбекистонда тўкиб чиқарилган соҳта айбловлар бўйича 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга хукм қилинди. Фақат давлат ва жамоат ар-

боблари, ёзувчи, шоир ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ташланди.

1938 йил 15 январь – Узбекистон ССР таркибида Буҳоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Ҳоразм областлари ташкил топди. (Узбекистон Республикаси вилоятларининг бугунги кундаги ҳудудлари ва чегаралари айнан шу пайтда шаклланди.)

Ўзбекистон Компартияси Буҳоро облости комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Василий Андреевич Билбас (1938–1939), Абдураззок Мавлонов (1939–1945), Ёкубжон Ортиқбоев (1945–1946), Каримча Муқумбоев (1946 йил январь – 1948), Манғутов (1948–1951), Ориф Алимович Алимов (1951 йил март – 1952 йил сентябрь), Абдулхай Тоиров (1952–1953), Мурод Нодирович Жӯрабоев (1953–1956), Носир Махмудов (1955–1956), Аҳмадали Ризаев (1956–1962), Назар Маткаримович Матчанов (1962–1965), Қаюм Муртазаевич Муртазаев (1965–1977), Абдувоҳид Каримович Каримов (1977–1984 йил 4 январь), Исломил Жабборов (1984 йил 4 январь – 1988 йил 22 октябрь), Дамир Солиҳович Ёдгоров (1988 йил 22 октябрь – 1991 йил 14 сентябрь).

Ўзбекистон Компартияси Самарқанд облости комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Виктор Михайлович Никулин (1938–1943), Носир Махмудов (1943–1948), Ориф Алимович Алимов (1948 йил ноябрь – 1950 йил апрель), Турсун Қамбаров (1950–1954), Нор Ёқубов (1954–1957), Ориф Алимович Алимов (1957 йил март – 1959 йил март), Арзи Махмудов (1959–1963); кишлек секретари: Арзи Махмудов (1963 йил – 1964 йил 30 январь); саноат секретари: Асадилла Ашрапович Хўжаев (1963 йил – 1964 йил март), Сайдмаҳмуд Нуъмонович Усмонов (1964 йил апрель – 1973 йил), Владимир Николаевич Қодиров (1973 йил – 1974 йил 4 октябрь), Бектош Раҳимович Раҳимов (1974 йил 27 ноябрь – 1982 йил), Рашид Ашуралиев (1982 йил – 1987 йил 3 октябрь), Назир Ражабович Ражабов (1987 йил 3 октябрь – 1988 йил 19 октябрь), Анвар Солиҳович Икромов (1988 йил 21 октябрь – 1989 йил 7 октябрь), Пўлат Мажидович Абдураҳмонов (1989 йил 7 октябрь – 1991 йил 14 сентябрь).

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Додонов (1938) Мухамеджон Йўлдошев (1938–1940), Турдиев (1940–1941), Абдураззок Мавлонов (1946–1948), Сирож Нуритдинов (1948–1949), А. Тохтабаев (1949–1950), Нуритдин Акрамович Мухитдинов (1950–1951), Носир Маҳмудов (1951–1952), Ориф Алимович Алимов (1952 йил сентябрь – 1956 йил 2 февраль), Сирож Нуритдинов (1956 йил 2 февраль – 1959 йил 23 март), Расул Ғуломов (1959–1961), Малик Абдураззоковиҷ Абдураззоков (1961 йил февраль – 1963 йил); кишлоқ секретари: Малик Абдураззоковиҷ Абдураззоков (1963 йил – 1964 йил 12 февраль); саноат секретари: П.В. Каймаков (1963 йил – 1964 йил декабрь), Малик Абдураззоковиҷ Абдураззоков (1964 йил декабрь – 1970 йил январь), Мирзамиҳмуд Мирзараҳмонович Мусахонов (1970 йил январь – 1985 йил 22 январь), Тимур Ағзамович Алимов (1985 йил 22 январь – 1988 йил 10 сентябрь), Мираҳмат Мирҳожиевич Мирқосимов (1988 йил 10 сентябрь – 1989 йил 28 октябрь), Солијон Мамарасулов (1989 йил 28 октябрь – 1991 йил 16 июль), С. Сайдалиев (1990 йил 19 июль – 1991 йил 14 сентябрь).

Ўзбекистон Компартияси Фаргона область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: С.К. Емцов (1938 йил январь – 1939 йил январь), Туртулов (1939–1941), Курбонов (1941), Халил Турдиев (1941–1946), Абдуражаб Абдураҳмонов (1946–194...), А. Колдаев (194...–1949), Собир Камолович Камолов (1949 йил сентябрь – 1950 йил апрель), Носир Маҳмудов (1950–1951), К. Акромов (1951–1952), Файзулла Қўқонбоев (1952–1954), Турсун Қамбаров (1954–1962), Г.А. Габриэлянц (1962–1963; кишлоқ секретари: Г.А. Габриэлянц (1963 йил – 1964 йил декабрь); саноат секретари: С.Р. Расулов (1963 йил – 1964 йил декабрь); Г.А. Габриэлянц (1964 йил декабрь – 1965 йил), Фахриддин Шамсуддинович Шамсуддинов (1965–1978), Ҳамдам Умаров (1978 йил – 1988 йил 22 октябрь), Шавкат Мухитдинович Йўлдошев (1988 йил 22 октябрь – 1990 йил 21 июнь), Гуломжон Фозилов (1990 йил 21 июнь – 1991 йил 14 сентябрь).

Ўзбекистон Компартияси Ҳоразм область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Мухамеджон Якубжонов (1938–1949), Мадраим Раҳмонович Раҳмонов (1950–1960), Фахриддин Шамсуддинович Шамсуддинов (1960–1963), Бектош Раҳимович Раҳимов (1963–1968), Мадиёр Ҳудойбергенович Ҳудойбергенов (1968 йил – 1986 йил 13 январь), Миражмат Мирҳожиевич Мирқосимов (1986 йил 13 январь – 1988 йил 12 сентябрь), Римажон Матназаровна Ҳудойбергенова (1988 йил 12 сентябрь – 1991 йил 14 сентябрь)

1938 йил 30 январь – таниқли давлат ва сиёsat арбоби Ислом Абдуғаниевиҷ Каримов туғилди.

1938 йил 1 сентябрь – Термиз ҳайвонот боғи ташкил этилди.

1938 йил 4 октябрь – ўзбек маданиятининг XX асрдаги бебаҳо юлдузлари: Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий Тошкент атрофидаги Юнусобод қатлогоҳида мустабид совет тузуми томонидан отиб ташланди.

1938 йил – Тешиктош ғоридан неандертал одам суюги топилди (археологлар А.П. Окладников ва М. Герасимов урганган).

1938 йил – республикада бастакор, композитор ва мусиқашуносларни бирлаштирувчи ижодий жамоат ташкилоти Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси (1995 йилдан Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси) ташкил этилди.

1939 йил 20 июнь – Ўзбек давлат мусиқали театри негизида Ўзбек давлат опера ва балет театри ташкил қилинди (1948 йилдан бу театр Алишер Навоий номи билан аталади).

1939 йил 1 август – 17 сентябрь – Катта Фарғона канали ҳашар йўли билан қазилди.

1939 йил 1 сентябрь – 1945 йил 2 сентябрь – Иккинчи жаҳон уруши даври.

1939 йил 29 ноябрь – Тошкент шаҳрида Муқимий театри ташкил этилди.

1939 йил – Тошкент шаҳрида Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли (1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли) ташкил этилди.

1939 йил – Фарғона водийсида Лоғон канали қазилди.

1939 йил – Қорақалпоғистон АССР маъмурияти Нукус шаҳрига кўчиб ўтди.

1939 йил – Қорақалпоғистон АССР ХКС ҳузурида Тарих, тил ва адабиёт институти ташкил қилинди. (1947 йилдан у Ўзбекистон ССР ФА таркибидаги Қорақалпоғистон Экономика ва маданият институти; 1957 йилдан Комплекс илмий тадқиқот институти.)

1939–1942 йиллар – Қорақалпоғистон АССР, Хоразм вилояти, Тошховуз вилояти худудларидан ўтадиган республикалараро Қиличниёзбой канали ҳашар йўли билан қазилди.

1940 йил 9 январь – Ўзбекистон ССР Фан комитети (ЎзФАН) СССР Фанлар Академиясининг Ўзбекистон филиалига айлантирилди.

1940 йил 8 май – ЎзССР Олий Совети лотин ёзувидан кирилл (рус графикаси) асосидаги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисидаги қарор қабул қилди.

1940 йил 29 сентябрь – Ангрен кўмир кони ва Бойсун тошкўмир кони ишга туширилди.

1940 йил – Жанубий Фарғона канали ҳашар йўли билан қазилди.

1940 йил – «Тоштекстильмаш» заводи курилди.

1940 йил – Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейига асос солинди.

1940–1941 йиллар – Катта Ўзбекистон тракти курилди.

1940–1946 йиллар – Чирчик ГЭС каскади курилди.

1940–1951 йиллар – Каттақўрғон сув омбори курилди.

1941 йил 14 январь – «Узглаврибпром» бирлашмаси ташкил этилди.

1941 йил январь – Чирчик электр кимё комбинати ишга туширилди.

1941 йил 6 март – Ўзбекистон ССР таркибида Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари ташкил топди.

Фарғона области таркибидан Андижон области ажралиб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Н.П. Рофимов (1941

йил март – 1941 йил декабрь), Абдураззоқ Мавлонов (? – 1948 йил сентябрь), Манзур Зиёевич Мирза-Ахмедов (1949 йил – 1956 йил январь), Раҳмонқул Курбонович Қурбонов (1956 йил январь – 1961 йил октябрь), Эргаш Ашуров (1961–1963), кишлоқ секретари: Ашур Ҳайдаров (1963 йил – 1964 йил декабрь), саноат секретари: Акром Рустамович Ҳўжаев (1963 йил – 1964 йил декабрь), Ашур Ҳайдаров (1964 йил декабрь – 1966 йил), Бектош Рахимович Рахимов (1968 йил – 1974 йил декабрь), Иномжон Бузрукович Усманхўжаев (1974 йил декабрь – 1978 йил декабрь), Солижон Мамарасулов (1978 йил декабрь – 1985 йил 5 август), Махмуд Орипович Орифжонов (1985 йил 5 август – 1990 йил 5 март), Қаюм Холмирзаевич Холмирзаев (1990 йил 5 март – 1991 йил сентябрь).

Фарғона области таркибидан Наманган области ажралиб чиқди. (1960 йил 25 январь – 1967 йил 18 декабря Андижон области таркибида бўлган.)

Ўзбекистон Компартияси Наманган облассы комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Каримча Мукумбоев (1941 йил март – 1945 йил), Камбаров Турсун (1945 йил – 1946 йил октябрь), Ориф Алимович Алимов (1946 йил октябрь – 1948 йил октябрь), Нуритдин Акрамович Мухитдинов (1948 йил октябрь – 1950), Ҳасан Жўраев (1948 йил октябрь – 1950), Сирож Нуритдинов (1954–1955), Абдулҳай Тоиров (1955–1960 йил 25 январь); Асадилла Ашрапович Ҳўжаев (1967 йил – 1973 йил 17 февраль), Мирзаолим Ибрагимович Ибрагимов (1973 йил 17 февраль – 1976 йил), Маҳкам Камолов (1976–197...), Назир Ражабович Ражабов (1984 йил – 1987 йил 5 октября), Бури Алламуродович Алламуродов (1987 йил 5 октября – 1990 йил 7 август), Ботирали Жўрабоевич Ҳакимов (1990 йил 7 август – 1991 йил 14 сентябрь).

Бухоро области таркибидан Сурхондарё области ажралиб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё облассы комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Мурот Нодирович Жўрабоев (1944–1952), Ориф Ҳакимов (1954–1961), Нор-

махонмади Жўраевич Худойбердиев (1961–1962), Фахриддин Шамсуддинович Шамсуддинов (1963–1965), Нуритдин Муродович Муродов (1965 йил – 1974 йил 16 август), Абдувоҳид Каримович Каримов (1976–1977), Абдухолик Каримов (1977 йил – 1985 йил 3 август), Солижон Мамарасулов (1985 йил 3 август – 1989 йил 2 декабрь), Ҳаким Эшбоевич Бердиев (1989 йил 2 декабрь – 1991 йил 14 сентябрь).

1941 йил 22 июнь – 1945 йил 9 май – Узбекистон халқлари Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизмiga қарши урушда иштирок этдилар.

1941 йил 26 июнь – мамлакатда ишчилар ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш; катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик иш жорий этилди, иш вақти 11 соатгача узайтирилди, таътилга чиқиш бекор қилинди.

1941 йил 14 октябрь – Тошкент авиация заводи ишга туширилди.

1941 йил 15 ноябрь – Туркистон полки сифатида Туркистон легионининг дастлабки ҳарбий қисми ташкил қилинди. У совет-герман фронтида Германия томонидан асир олинган туркистонлик ҳарбий асиirlардан ташкил топган эди. (1944 йил бошларида фронтда Туркистон легионига қарашли 24 та Туркистон батальонлари ҳаракат қилган.)

1941 йил декабрь – Узбекистон саноат корхоналаридан 230 таси (биргина Тошкентда 63 та корхона) ҳарбий изга кўчирилиб, фронт учун курол-яроғ ишлаб чиқаришга киришиди.

1941 йил – Узбекистон давлат университетига Алишер Навоий номи берилди.

1941 йил – СССР Фанлар академияси Узбекистон филиалининг энергетика бўлими негизида Энергетика институти (1981 йилдан Энергетика ва автоматика институти) ташкил этилди.

1941 йил декабрь – 1942 йил март – Узбекистонда миллий ҳарбий қўшилмалар негизида бир нечта узбек дивизиялари ташкил қилиниб, улар совет-герман фронтига жўнатилди. Узбек дивизияси жангчилари урушнинг турли

фронтларида чинакам жасорат курсатиб, фашизмга қарши жанг килдилар.

1941–1945 йиллар – Узбекистонда 280 та янги корхона барпо этилди. Узбекистонлик 1,5 млн. киши фашизмга қарши жангларда қатнашди, улардан 450 мингдан ортиқ киши жанг майдонларида ҳалок бўлди; узбекистонлик 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди; 82 нафар узбекистонлик учала даражали «Шуҳрат» орденини олишга эришди; Узбекистонга фашистлар босиб олган худудлардан 1 млн.дан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола эвакуация қилинди.

1942 йил январь – Й.Охунбобоев ва Ҳ.Исломов бошчилигидаги Узбекистон делегацияси узбек халқининг совгасаломларини Фарбий фронт жангчиларига етказишиди.

1942 йил март – расмий равиша Турсистон легиони ташкил топди. Унга тошкентлик узбек муҳожири Вали Қаюмхон асос солди ва раҳбарлик қилди.

1942 йил 31 октябрь – «Правда» (Москва) газетасида рус ва узбек тилларида «Узбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб» босилиб чиқди. Мактуб остига Узбекистон ССР меҳнаткашларидан 2.412.000 киши кўл кўйди.

1942 йил – Сурхондарё вилояти Шеробод туманида Ҳужаикон туз кони ишга туширилди.

1942–1945 йиллар – Иккинчи жаҳон урушида асир олинган туркистонликлардан тузилган Туркистон легиони фаолият кўрсатди.

1942–1945, 1959–1974 йиллар – Германияда узбек тилида Вали Қаюмхон муҳаррирлигига «Milli Turkistan» («Милий Туркистон») журнали чиқди.

1943 йил 20 январь – Бухоро области таркибидан Кашиқадарё области ажralиб чиқди. (1960 йил 25 январь – 1964 йил 7 февралда у Сурхондарё области таркибида бўлган.)

Узбекистон Компартияси Кашиқадарё области комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Б. Носиров (1948–1949), Арзи Маҳмудов (1950 йил – 1952 йил январь), Раҳмонкул Курбонович Курбонов (1952 йил январь – 1956 йил январь),

Манноп Гуломов (1956 йил январь – 1960 йил); Салоҳитдин Асомов (1964–1968), Рузмет Фоипович Фоипов (1968–1983), Нормумин Туропович Туропов (1984 йил 17 февраль – 1986 йил 27 декабрь), Ислом Абдуғаниевич Каримов (1986 йил 27 декабрь – 1989 йил 27 июнь), Алихон Раҳматович Отажонов (1989 йил 27 июнь – 1991 йил май), Темир Пулатович Хидиров (1991 йил май – 1991 йил 14 сентябрь).

1943 йил 10 февраль – Сирдарёнинг ўрта оқимида умумхалқ ҳашари йўли билан Фарҳод ГЭС курилиши бошланди.

1943 йил 7 март – Чирчиқ шаҳрида курилган Ўзбекистондаги дастлабки Оққовок гидроэлектр станциясининг 1-навбати ишга туширилди.

1943 йил сентябрь – Бўзсув каналининг ўрта оқимида, Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган Қибрай ГЭС ишга туширилди.

1943 йил 20 октябрь – Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси) таъсис этилди. Бошқарма идораси Тошкентнинг Бароқхон мадрасасида жойлаштирилди. Айни пайтда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкентнинг Ҳазрати Имом меморий мажмуасидадир.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси раислари: Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли (1943–1957), Зиёвуддинхон Бобохонов (1957–1982), Шамсаддинхон Бобохонов (1982–1989), Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (1989–1993). *Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси (1992 йилдан) раиси:* Мухторжон Абдуллаев (1993–1997). *Ўзбекистон мусулмонлари идораси (1996 йилдан) раислари:* Абдурашид Баҳромов (1997–2006), Усмонхон Алимов (2006 йил 8 августдан).

1943 йил 4 ноябрь – Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ташкил этилди. Йирик математик олим Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий Ўзбекистон ССР ФАнинг биринчи президенти қилиб сайланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президентлари: Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий (1943–1947), Тошмуҳаммад

Алиевич Саримсоков (1947–1952), Теша Зохидович Зохидов (1952–1956), Ҳабиб Мұхамедович Абдуллаев (1956–1962), Убай Орифович Орифов (1962–1966), Обид Содикович Содиков (1966–1984), Пұлат Қирғизбоевич Ҳабиуллаев (1984–1988), Махмуд Салоҳиддинович Салоҳиддинов (1988–1994), Тұхтамурод Жұраевич Жұраев (1995–2000), Бекзод Содикович Йұлдошев (2000–2005), Шавкат Исмоилович Солихов (2006 йил 13 мартдан).

1943 йил 4 ноябрь – СССР ФА Үзбекистон филиалининг Тил, адабиёт ва тарих институти негизида Үзбекистон ССР ФАниңг Тарих ва археология институти (1970 йилдан Тарих институти) ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР ФА Тарих ва археология институти директорлари: Зариф Ражабов (1943–1945), Василий Шишкін (1946–1949), Рашид Набиев (1949–1952), Ҳабиб Турсынов (1952–1955), Иброҳим Мұмінов (1955–1956), Яхё Ғуломов (1956–1959), Абдусамат Бобохұжаев (1959–1964), Мелихол Охунова (1964–1970); Үзбекистон ФА Тарих институти директорлари: Мелихол Охунова (1970–1986), Раъно Ражапова (1986–1991), Аҳмадали Асқаров (1991–1995), Абдулаҳад Мұхаммаджонов (1996–1998), Мирсадик Исҳоқов (1998–2000), Дилором Алимова (2000–2010), Равшан Абдуллаев (2011 йил 3 январдан).

1943 йил – Үзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими асосида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти (хозирги Үзбекистон ФА Абу Райхон Берунийномидаги Шарқшунослик институти) ташкил топди.

1943 йил – Зираубулоқ тоғида Шаршар вольфрам кони очилди.

1943–1944 йиллар – совет ҳокимияти томонидан Үзбекистонга крим татарлари, чеченлар, ингушлар, болкорлар, понтия греклари ва месхети турклари зўравонлик билан кўчирилди.

1943–1948 йиллар – Сирдарё узанида Фарҳод гидроузели курилди.

1944 йил 5 март – Бекободда Урта Осиёда биринчи замонавий металлургия комбинати Үзбекистон металлургия

заводининг биринчи навбати ишга туширилди. (1994 йил 24 марта «Ўзбекистон металлургия заводи» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди.)

1944 йил 12 ноябрь – Шарқий Туркистон ислом жумхурияти эълон қилинди. Жумхуриятнинг Муваққат инқолибий хукумати раиси (кейинчалик президенти) лавозимига Алихонтўра Соғуний сайланди.

1944 йил – Қорақалпогистон АССРда Нукус давлат педагогика институти очилди.

1944–1949 йиллар – Шарқий Туркистон ислом жумхурияти фаолият кўрсатди.

Шарқий Туркистон ислом жумхурияти президентлари Алихонтўра Соғуний [Алихон Шокирхўжаев] (1944–1946). Аҳмаджон Қосими (1946–1949).

1945 йил 7 май – Бекобод шаҳрига асос солинди.

1945 йил 9 май – Германия фашизмига қарши курашда галаба қозонилган кун.

1945 йил июль – Ўрта Осиё ҳарбий округи Туркистон ҳарбий округи (ТуркВО) ва Даشت ҳарбий округига бўлинди. Туркистон ҳарбий округининг штаби Тошкент шаҳрида қолдирилди. (1946 йил 13 февралда Даشت ҳарбий округи тугатилиб, унинг қўшинлари Туркистон ҳарбий округи таркибига кирди. 1969 йил август ойида Туркистон ҳарбий округи ҳудудининг бир қисмида яна Ўрта Осиё ҳарбий округи ташкил қилинди. Бу пайдада Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР ҳудуди Туркистон ҳарбий округига кирган. Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгач, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари асосида 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил топди.)

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлари: Иван Ефимович Петров (1945–1952), Алексей Иванович Радзиевский (1952–1953), Александр Александрович Лучинский (1953–1957), Иван Иванович Федюнинский (1957–1965), Николай Григорьевич Ляшенко (1965–1969), Степан Ефимович Белоножко (1970–1978), Юрий Павлович Максимов (1979–1984), Николай Иванович Попов (1984–1989),

Иван Васильевич Фуженко (1989–1991), Георгий Григорьевич Кондратьев (1991–1992).

1945 йил – Бухородаги машхур Мир Араб мадрасаси кайта очилди.

1946 йил 2 ноябрь – Ўрта Осиёдаги энг кучли зилзилалардан бири Чотқол зилзиласи бўлди. Эпицентрда кучи 9–10 баллга етган. Ҳатто 240 км узоклиқдаги Тошкент шаҳри ҳам жиддий талафот кўрган. Тебраниш кучи Тошкентда 7–8 баллни ташкил этган. Чотқолда бўлган кейинги зилзилалардан Фарғона водийсидаги аҳоли пунктлари яна талафот кўрган.

1946 йил 13 июнь – Ангрен шаҳрига асос солинди.

1947 йил – Тошкент шаҳрида хореография билим юрти (хозирги Тошкент Давлат миллий ракқ хореография олий мактаби) ташкил этилди.

1947 йил – Туямўйин каналининг биринчи навбати ишга туширилди.

1947 йил – Чоржуй – Кунғирот темир йўли курилди.

1947 йил – Тошкент шаҳрида илк бор троллейбуслар катнай бошлади.

1947 йил – Тошкент куранти курилди.

1947 йил – Тошкент машинасозлик заводи (хозирги «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамияти) курилди.

1947 йил – Чотқол қурикхонаси ташкил этилди.

1948 йил – буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги Ўзбекистонда ва бутун мамлакатда кенг нишонланди.

1948 йил – Тошкент районидаги Ўзбекистон Ўрмончилик тажриба станцияси базасида Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги иммий тадқиқот институти (СредазНИИЛХ) ташкил қилинди.

1949 йил 25 июнь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама қилинди. Бюро йигилишида ўзбек ёзувчилари ва шоирларидан Абдулла Қахҳор, Миркарим Осим, Ойбек, Туроб Тўла, Миртемир, Саид Аҳмад, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар бадном қилинди.

1949 йил сентябрь – СХМ-48 пахта териш комбайнлари Ўзбекистон пахта далаларига чиқди.

1950 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб, академия олимларидан тарихчи А. Бобохўжаев, файласуф В. Зоҳидов, иқтисодчи О. Аминов, адабиётшунос О. Усмонов ва бошқаларни ноҳак равишда коралади.

1950 йил октябрь – Тошкент шахрида «Ўзбекистон хотин-қизлари» (1966 йил майдан «Саодат») журналиниң биринчи сони чиқди.

1951 йил 8 апрель – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг «Ўзбекистон ССРда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

1951 йил 10 июль – Олмалиқ шахрига асос солинди.

1951 йил – Олмалиқ шахри яқинидан топилган Қалмоққир мис кони фойдаланишга топширилди.

1951 йил – Самарқанд вилоятида Қизқурғон қўрошин-қалайи кони очилди.

1951 йил – Ўзбекистонда ёзувчи, шоир ва олимлардан Мақсад Шайхзода, Шукрулло, Шуҳрат, Сайд Аҳмад, Ҳамид Сулаймонов ва бошқалар (12 киши) қамоққа олиниб, улар аксилсовет миллатчилик фаолияти олиб борганликада айбланди ҳамда 25 йил озодликдан маҳрум қилинди. (И.В. Сталин вафоти ва шахсга сигиниш қоралангач, улар муддатидан олдин қамоқдан озод қилинди.)

1952 йил 21–22 февраль – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари А.Э. Ниёзовнинг «Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» маъruzаси тингланди ва муҳокама қилинди. Маърузада Ўзбекистон зиёлиларидан бир гурӯҳи (ёзувчилар, олимлар, шоирлар ва б.) нотўғри равишда миллатчиликда айбланди. Ўзбек халқининг қатағон қилинган бу вакиларининг асарлари ва «Алпомиши» достони тақиқланди. Мазкур пленум ва унда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётига кучли зарба бўлиб тушди.

1952 йил – ўзбекистонлик гимнастикачи Г. Шамрай Хельсинкида бўлган XV Олимпиада йийинларида қатнашиб,

ўзбекистонликлардан илк бор Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди. У кумуш медални ҳам қўлга киритди.

1953 йил 18 апрель – Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ташкил этилди.

1953 йил – Самарқанд вилояти Кўшработ тумани маркази яқинида Чормитон олтин кони очилди.

1953 йил – Наманган вилояти Поп туманида Чодак олтин кони очилди.

1953–1957 йиллар – Тошкентда «Паҳтакор» марказий стадиони курилди.

1954 йил – Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги ташкил этилди.

1954 йил – Тошкентда СоюзНИХИнинг ғўза агротехникаси ва механизацияси Марказий станцияси базасида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти (САИМЭ) ташкил қилинди.

1954–1961 йиллар – Тошкентда Абу Али ибн Синонинг машхур «Тиб қонунлари» асарининг беш китобдан иборат тўла ўзбекча ва русча таржимаси илк марта нашр этилди.

1955 йил 19 апрель – Андижон Давлат университетига Захириддин Мухаммад Бобур номи берилди.

1955 йил 1 октябрь – Шарқий Туркистонда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) таркибиға кирган Синъцзян – Уйғур муҳтор райони (Шинжон) расмий равишда ташкил этилди.

1955 йил – Самарқанд суперфосфат заводи ишга туширилди.

1955 йил – Тошкент шахрида жисмоний ҳарбий техникиуми асосида Ўзбекистон Жисмоний тарбия институти ташкил этилди.

1955–1964 йиллар – Тошкент шахрида Туябўғиз сув омбори – «Тошкент денгизи» барпо этилди.

1956 йил 4 январь – «Ўзбекистон маданияти» ҳафталиқ ижтимоий-адабий газетаси чиқа бошлади. (1981 йилдан тоҳозиргача у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номи билан чоп этилмоқда.)

1956 йил февраль – И.В. Сталин шахсига сиғинишининг қораланиши ва қатағон қилинган кишиларни оқлаш жараёни бошланди.

1956 йил 11–13 октябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съездиде бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Нуриддин Акрамович Мухитдинов маъруза қилиб, унда қатағон қилинган машхур ёзувчи Абдулла Қодирийни оқлаш зарурлигини илк бор айтиб ўтди.

1956 йил 5 ноябрь – Тошкент телевидениесининг тажриба-синов кўрсатувлари бошланди.

1956 йил – Қорақалпогистон АССРда Тахиатош ГРЭСни қуриш бошланди. (Унинг биринчи навбати 1961 йилда фойдаланишга топширилди.)

1956 йил – Мирзачўлни кенг миқёсда ўзлаштириш бошланди.

1956 йил – Кармана қалайи кони очилди.

1956 йил – Бухоро вилояти Ромитан туманида дунёда энг йирик Газли газ-нефть кони очилди.

1956 йил – Бухоро вилояти Қоровулбозор массивида Жарқок газ-нефть кони ишга туширилди.

1956 йил – Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти ташкил этилди.

1956 йил – Чирчик шаҳрида Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди (Комбинат қурилиши 1953 йилда бошланған).

1956–1958 йиллар – Фарғона водийсида Қайроқкум сувомбори фойдаланишга топширилди.

1957 йил январь – «Ўзбекистон Фанлар академияси ахбороти. Ижтимоий фанлар серияси» (1960 йил октябридан «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» – «Общественные науки в Узбекистане») (ўзбек ва рус тилларида) журналининг 1-сони нашр қилинди. Журналнинг ташаббускори ва биринчи бош муҳаррири академик Иброҳим Мўминов бўлган.

1957 йил 15 март – Янгиер шаҳрига асос солинди.

1957 йил 4 май – Ўрта Осиё геология ва минералогия илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

1957 йил 1 октябрь – Узбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССРда мажбурий етти йиллик таълимни тўлиқ амалга ошириш тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1957 йил – Тошкентда Адабиёт ва санъат нашриёти (1966 йилдан Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти; 2002 йилдан Faфур Fулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи) ташкил қилинди.

1957 йил – М. Турғунбоева раҳбарлигида «Баҳор» халқ ракс ансамбли тузилди.

1957 йил – Узбек давлат филармонияси қошида «Лазги» ансамбли ташкил этилди.

1957 йил – Узбекистонда Гидрогеология трести ташкил этилди.

1957 йил – Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё геология ва минерал хомашё институти (САИГИМС) ташкил қилинди.

1957 йил – Тошкентда Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалиги экономикаси илмий тадқиқот институти (САНИИЭСХ) ташкил топди.

1957 йил – Тошкентда СоюзНИХИнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш марказий станцияси базасида Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти ташкил топди.

1957–1962 йиллар – Жанубий Мирзачўл канали қазилди.

1958 йил январь – Тошкент шаҳрида «Ўзбек тили ва масалалари адабиёти» (хозирги «Ўзбек тили ва адабиёт») журналига академик Ойбек томонидан асос солинди.

1958 йил 3 сентябрь – Навоий шаҳрига асос солинди.

1958 йил 3 сентябрь – дунёдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири – Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топди.

1958 йил 7–13 октябрь – Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференцияси ўтказилди («Тошкент руҳи» тушунчаси шундан кейин пайдо бўлган). Бу воқеа жаҳон миқёсида санъат, адабиёт ва маданият соҳасидаги жараёнлар интеграллашувини бош-

лаб берди. Конференцияда Шарқ адабиётининг таникли вакиллари иштирок этиб, конференциянинг асосий ғоясини қуллаб-қувватладилар ҳамда турли қитъалардаги маданият арбобларининг тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашда бирлашиш муаммолари бўйича баҳсларда фаол иштирок этдилар.

1958 йил октябрь – «Тошкент» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

1958 йил – Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архиви қайта ташкил қилинди.

1958 йил – Зираубулок тоғларида Рабинжон олтин-мис кони очилди.

1958 йил – Бухоро вилоятида Кўйимозор ва Когон темир йўл станциялари оралиғида жойлашган Зарабшон дарёсининг этак қисмидаги чуқурликлардан бирининг атрофини кўтариб Кўйимозор сув омбори қурилди.

1958–1967 йиллар – Жанубий Сурхон сув омбори бунёд этилди.

1959 йил 27 январь – Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 1-навбати ишга туширилди. Ўрта Осиёда биринчи марта сурков мойлари ишлаб чиқарила бошланди.

1959 йил март – Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1959 йил март – 1983 йил 31 октябрь – Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимида ишлади.

1959 йил 28 май – Жалолободда зилзила содир бўлди.

1959 йил 10 сентябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда биринчи атом реактори ишга туширилди.

1959 йил 24 октябрь – Бурчмуллада зилзила содир бўлди.

1959 йил – Ангрен шаҳри яқинидаги Кўшбулоқ олтин кони топилди.

1959 йил – Ўзбекистон ССР савдо палатаси ташкил этилди. (У 1972 йилда Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатасига айлантирилди.)

1959 йил – Комплекс илмий тадқиқот институти негизи-
да Ўзбекистон ССР ФА Қорақалпоғистон филиали ташкил
топди. (Филиал 1991 йилда Ўзбекистон Фанлар академия-
сининг Қорақалпоғистон бўлимига айлантирилди.)

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қо-
рақалпоғистон бўлими Президиуми раислари:** Марат Нур-
мухамедов (1959–1961), Собир Камолов (1961–1996), Чар-
жай Абдиров (1996–1997), Турсунбой Ешчанов (1997–2004),
Н.К. Аимбетов (2004 йилдан).

1959–1968 йиллар – Тошкент катта ҳалқа автомобиль
йули лойиҳалаштирилди ва қурилди.

XX аср 60-йилларидан – Орол денгизи курий бошлади
(Орол фожиаси). Минтақада экологик вазият кескинлашди.

XX асрнинг 60-йиллари – Ўзбекистон саноатининг
янги тармоғи – газ индустрияси таркиб топди.

1960 йил – Ўзбекистон давлат университети Алишер
Навоий номидаги Самарқанд давлат университетига айлан-
тирилди.

1961 йил 8 май – Мирзачўл шаҳарчаси Гулистон шаҳрига
айлантирилди.

1961 йил 10 сентябрь – Қорақалпоғистондаги Тахиатош
иссиқлик электр станцияси ишга туширилди.

1961 йил – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон эпидемиоло-
гия, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот
институти ташкил этилди.

1961 йил – Бухоро вилояти Қоракўл туманида Урта-
булоқ нефть-газ конденсат кони очилди. (У 1973 йилда фой-
даланишга топширилди.)

1961–1963 йиллар – Газли – Челябинск газ қувури бар-
по этилди.

1961–1965 йиллар – Бухоро – Урал газ қувури (узунлиги
6100 км) қурилди.

1962 йил февраль – Навоий иссиқлик электр станция-
сининг биринчи агрегати ишга туширилди.

1962 йил август – Фарғона азотли ўғитлар заводи ишга
туширилди.

1962 йил – Қашқадарё вилояти Ғузор туманида Одам-
тош газ-конденсат кони ишга туширилди.

1962 йил – Тошкент яқинидә мұстъе маданиятига оид Обирахмат ғори топилди.

1963 йил 16 март – Тошкент ва Самарқанд областлари-дан Сирдарё обласы ажралиб чыкди. (1988 йил 6 сентябрь – 1990 йил 16 февралда Жиззах обласы Сирдарё обласыга күшилди.)

Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Носир Маҳмудов (1963 йил март – 1969 йил), Эгамкул Тасанбоевич Тасанбоев (1969–1970), Нормахонмади Жўраевич Худойбердиев (1970 йил – 1971 йил 2 февраль), Кудратилла Аҳмедович Аҳмедов (1971–1974), Виктор Алексеевич Хайдуров (1974 йил – 1984 йил 18 июнь), В.А. Антонов (1984 йил 18 июнь – 1986 йил 14 январь), Александр Фёдорович Клепиков (1986 йил 14 январь – 1990 йил 7 март), Абдухолик Абдураҳмонович Айдарқулов (1990 йил 7 март – 1991 йил 14 сентябрь).

1963 йил 1 июнь – Гулистон шаҳрида «Сирдарё ҳакиқати» газетасининг 1-сони чоп этилди.

1963 йил – Қорақалпоғистонда Кегейли канали қазилди.

1963 йил – Бухоро вилоятида Аму-Қоракўл канали курилди.

1963 йил – Бухоро зардўзлик фабрикаси (ҳозирги Бухоро «Зардўз» акциядорлик жамияти) ташкил этилди.

1963 йил – Бухоро вилоятида Саритош – Қоровулбозор газ-нефть кони фойдаланишга топширилди.

1963–1968 йиллар – Жиззах сув омбори қурилди.

1963–1970 йиллар – Чорвок сув омбори қурилди.

1963–1972 йиллар – Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Хўжакент қишлоғи яқинидә Чорвок ГЭС қурилди.

1964 йил 31 октябрь – Ангрен суратлар галереяси очилди.

1964 йил октябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси очилди.

1964 йил 5 ноябрь – Қорақалпоғистон телевидениеси дастлаб эфирга чиқди.

1964 йил – Навоий кимё комбинати (ҳозирги «Навоий-азот» акциядорлик жамияти) ишга туширилди.

1964 йил – Тошкент шаҳрида «Юлдуз» тикувчилик фабрикаси ташкил этилди.

1964 йил – Олмалиқ мис эритиш заводи қурилди.

1964 йил – Тошкент шаҳрида Санъат саройи (ҳозирги Алишер Навоий номидаги кино-концерт зали) қурилди.

1964 йил – Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

1964 йил – Бухоро вилояти Қизилтепа туманида Шўрчи нефть-газ кони очилди ва шу йили фойдаланишга топширилди.

1964 йил – XVIII Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик гимнастикачи С. Диамедов кумуш, сузуви С. Бабанина ва Н. Устинова бронза медалларига сазовор бўлишди.

1964–1965 йиллар – Самарканд шаҳри яқинидаги Сазағон қишлоғидан неолит даврига оид Сазағон макони топилди.

1964–1965 йиллар – Бухоро – Тошкент – Фрунзе – Олмаота газ кувури қурилди.

1964–1967 йиллар – Қашқадарё вилоятида Пачкамар сув омбори бунёд этилди.

1964–1990 йиллар – ўзбек халқ бадиий ижодиёти намуналаридан тузилган кўп жилдли «Ўзбек халқ ижоди» китоби (37 жилди) чоп этилди.

1965 йил 10 сентябрь – Муборак шаҳри яқинидаги Муборак олтингугурт заводи (ҳозирги Муборак газни қайта ишлаш заводи)ни қуриш бошланди.

1965 йил 19 октябрь – Ўзбекистон ССР Геология министрлиги ташкил этилди.

1965 йил – Сирдарёнинг ўрта оқимида суғориш-энергетика мақсадларида гидротехника иншооти – Чордара сув омбори қурилди. У ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилояти ва Жиззах вилояти худудларида жойлашган. (У 1965–1968 йилларда сув билан тўлдирилган.)

1965 йил – Қашқадарё вилоятининг Косон туманида Қорахитой газ-нефть кони фойдаланишга топширилди.

1965 йил – Туркистон ҳарбий округи жанговарлик шуҳрати музейи (ҳозирги Ўзбекистон Қуролли Кучлари марказий музейи) ташкил этилди.

1965 йил – Аму – Бухоро машина каналининг биринчи навбати ишга туширилди (иккинчи навбати 1976 йилда ишга туширилди).

1965 йил – Тошкентда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлац ва нефть кимёси саноати илмий тадқиқот институти ташкил қилинди.

1965–1969 йиллар – Мурунтов олтин конида саноат ўзлаштириши ишлари бажарилди.

1966 йил январь – Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда Кибернетика институти очилди.

1966 йил 4–10 январь – Тошкент шаҳрида Хиндистон Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон Президенти Муҳаммад Айюбхон учрашиб, тинчлик тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. У тарихга Тошкент декларацияси сифатида кирган.

1966 йил 26 апрель – Тошкентда кучли зилзила рўй берди.

1966 йил 1 июль – Тошкент шаҳрида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари чоп этила бошланди.

1966 йил – Тошкентда «Ботаника» санаторийси ишга тушди.

1966 йил – Ўзбекистон ФА Улуғбек номидаги Астрономия институти ташкил этилди.

1966 йил – Тошкент шаҳрида Сейсмология институти ташкил этилди.

1966 йил – Нукус шаҳрида Қорақалпогистон давлат санъат музейи ташкил этилди.

1966 йил – ўзбекистонлик гимнастикачи С. Диамедов ГФРда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

1966–1970 йиллар – Марказий Фарғона канали (Катта Андижон каналининг дастлабки номи) қазилди.

1966–1976 йиллар – Тахиатош гидроузели қурилди.

1966–1981 йиллар – Сирдарё иссиқлик электр станцияси (Сирдарё ГРЭС) қурилди.

1967 йил 9 январь – Мирзачўл жануби-гарбидаги ўзлаштирилган ерлар негизида Сирдарё вилояти таркибида Пахтакор тумани ташкил этилди.

1967 йил 31 сентябрь – Оқтош шаҳри ташкил этилди.

1967 йил – Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида Тошкент вилоят педагогика институти ташкил этилди.

1967 йил – Ўзбекистон Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди.

1967 йил – Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ташкил этилди.

1967 йил – дунёда энг узун Ўрта Осиё – Марказ магистрал газ қувури (узунлиги 13750 км) биринчи навбати ишга туширилди. Ўзбекистон ва Туркманистон гази бу қувур орқали СССРнинг марказий районларидан ташкари Европа давлатларига ҳам юборилди. (Масалан, 1977 йилда 53 млрд м³ табиий газ юборилган.)

1967 йил – Самарқанд шаҳрида «Самарқанд» меҳмонхонаси курилди.

1968 йил 18 февраль – Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси (ҳозирги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти) ташкил этилди.

1968 йил сентябрь – Тошкентда Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан Шоирлар хиёбони очилди.

1968 йил 28 октябрь – «Ёш гвардия» театри (ҳозирги Аброр Хидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри) ташкил этилди.

1968 йил – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро 1-кинофестивали бўлиб ўтди.

1968 йил – Тошкент шаҳрида ўзбек ва араб тилларида «Совет Шарки мусулмонлари» журнали чиқа бошлади.

1968 йил – Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида (ҳозирги Музрабод тумани ҳудудида) археолог олим Аҳмадали Аскаров томонидан жез даврига оид Сополлитепа археологик ёдгорлиги топилди.

1968 йил – Нурота туманидаги Қоратоғда Сармич олтин кони топилди. (1980 йилгача ундан қисман олтин қазиб олинди.)

1968 йил – узбекистонлик В. Дуюнова волейбол бўйича Мексикада олимпиада чемпиони бўлди. (У 1970 йил Болгарияда жаҳон чемпиони унвонига ҳам сазовор бўлди.)

1969 йил 21 июль – Мурунтов олтин конида дастлабки маҳсулот – қўйма олтин чиқарила бошланди.

1969 йил сентябрь – Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида темурийлар даври маданияти ва санъатига бағишинган халқаро симпозиум ўтказилди.

1969 йил 20 ноябрь – Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди.

1969 йил – «Ташавтомаш» заводи базасида Тошкент трактор заводи барпо этилди.

1969 йил – «Фозғонмармар» корхонаси ташкил этилди.

1969 йил – Ином Бухорий номидаги Тошкент ислом институти (Олий маъхади) ташкил этилди. (Институт ўз фаолиятини 1971 йил октябрда бошлади.)

1969 йил – ўзбекистонлик Р. Казаков юонон-рум кураши бўйича Аргентинада жаҳон чемпиони бўлди. (У 1972 йил ГФРда олимпиада чемпиони унвонига ҳам сазовор бўлди.)

1970 йил 19 февраль – Нукус шаҳрида Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлари Тошкент киностудиясининг Қоракалпок филиали ташкил қилинди.

1970 йил 20 май – Тошкент шаҳрида «Жасорат» мемориал мажмуаси очилди.

1970 йил октябрь – Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

1970 йил – Тошкент шаҳрида телевидениеда курсатишга мўлжалланган бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси – «Ўзбектелефильм» ташкил қилинди.

1970 йил – Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти қошида вокал-чолғу ансамбли шаклида «Ялла» ансамбли (ҳозирги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат вокал-чолғу «Ялла» ансамбли) ташкил этилди.

1970 йил – Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ФА Археология институти (Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти негизида) ташкил этилди.

1970 йил – Самарқанд чинни буюмлар заводи (ҳозирги Самарқанд «Нафис» акциядорлик жамияти) ишга туширилди.

1970–1982 йиллар – Бухоро тўқимачилик комбинати (хозирги «Бухоротекс» акциядорлик жамияти) қурилди.

1970–1983 йиллар – Амударёнинг қуи оқимидағи Туя-мўйин тор дарасида Туямўйин сув омбори қурилди.

1971 йил 28 октябрь – Сирдарё шаҳрига асос солинди.

1971 йил – Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё гидрометеорология регионал илмий тадқиқот институти ташкил қилинди.

1971 йил – Самарканд лифтсозлик заводи ишга тушди.

1971 йил – Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Сурхон давлат кўриқхонаси ташкил этилди.

1971 йил – Бухоро вилоятида йирик гидротехника иншооти – Марказий Бухоро коллектори қурилди.

1971 йил – Тошкент шаҳрида Оперетта театри очилди.

1971–1973 йиллар – Ангрен олтин бойитиш фабрикаси қурилди.

1971–1975 йиллар – Бухоро вилояти Ромитан туманида Тошқудук газ кони очилди ва ишга туширилди.

1971–1980 йиллар – 14 жилдли «Ўзбек Совет Энциклопедияси» нашр этилди.

1972 йил 27 июнь – Ширин шаҳрига асос солинди.

1972 йил 20 июль – Зарафшон шаҳрига асос солинди.

1972 йил – Нурота мармар кони ишга туширилди.

1972 йил – Тошкент авиация заводи В.П. Чкалов номидағи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (хозирги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти) сифатида қайта ташкил этилди.

1972 йил – Тошкентда Тошкент медицина институти ва Андижон медицина институтларининг педиатрия факультетлари асосида Ўрта Осиё медицина педиатрия институти (САМПИ) ташкил топди. (У 1989 йилдан Тошкент тиббиёт педиатрия институти деб номланган.)

1972 йил – Далварзинтепа (Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани худуди)дан олтин буюмлар хазинаси топилди.

1972 йил – ўзбекистонлик гимнастикачи Э. Саади, волейболчи В. Дуюнова, юнон-рум курашчиси Р. Казаков, баскетболчи А. Жармухамедов ГФРда ўтган XX Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлишди. (Э. Саади 1974 йили жаҳон чемпиони унвонига ҳам сазовор бўлди.)

1972–1973 йиллар – Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани худудида Денгизкўл газ-конденсат кони ишга туширилди.

1973 йил 29 декабрь – Самарқанд ва қисман Сирдарё областлари таркибидан Жиззах области ажралиб чиқди. (1988 йил 6 сентябрь – 1990 йил 16 февралда у Сирдарё области таркибига кирган.) Маркази – Жиззах шаҳри.

Ўзбекистон Компартияси Жиззах обласси комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Сеит Маметович Тоиров (1973 йил декабрь – 1978), Тўхтамиш Боймиров (1978–198...), Парда Исмоилов (198... – 198...), Ҳабибулла Абдумажитович Шоғазатов (1983–1985 йил 3 апрель), Ислом Султонович Умаров (1985 йил 3 апрель – 1988 йил сентябрь), Эркин Турсунов (1990 йил 7 март – 1991 йил 14 сентябрь).

1973 йил – Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида Пачкамар газ-конденсат кони ишга туширилди.

1973 йил – Сурхондарё вилоятида Аму – Занг канали курилди.

1973 йил – Самарқанд совиткичлар (холодильник) заводи (ҳозирги Самарқанд «Сино» акциядорлик жамияти) ишга туширилди.

1973 йил – Тошкент шаҳрида тиббиёт тарихи музейи (1984 йилдан Қ.С. Заиров номидаги Ўзбекистон соғлиқни саклаш музейи) ташкил этилди.

1974 йил 1 январь – Тошкент шаҳрида «Қишлоқ ҳақиқати» (1993 йилдан «Қишлоқ ҳаёти») газетаси нашр этила бошланди.

1974 йил 17–30 август – ўзбекистонлик Руфат Рисқиев бокс бўйича Кубада ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган дастлабки жаҳон чемпионатида ғолиб бўлди.

1974 йил – ўзбекистонлик С.Рўзиев киличбозликнинг рапира тури бўйича Гренобль (Франция)да жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. (У 1979 или Мельбурн ва 1981 или Клермон-Ферранда ҳам жаҳон чемпиони бўлди. 1974, 1975, 1977 йилларда уч марта жаҳон кубоги ғолиби.)

1974 йил – Тошкент давлат маданият институти ташкил қилинди. (1989 йил институтга Абдулла Қодирий номи берилди.)

1974 йил – Тошкент шаҳрида Узбекистон Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

1974 йил – Тошкент шаҳрида «Узбекистон» меҳмонхонаси курилди ва фойдаланишга топширилди.

1974 йил – Сурхондарё вилояти Жарқўргон туманида Лалмикор нефть-газ кони ишга туширилди.

1974 йил – Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-конденсат кони очилди.

1974 йил – Тошкент шаҳрида Марказий Осиёда энг йирик тасвирий санъат кўргазма зали (ҳозирги Узбекистон Бадиий академияси марказий кўргазма зали) очилди. (Бино 1998–1999 йилларда қайта таъмирандди.)

1974 йил – ўзбекистонлик Сайфиддин Ходиев ва Собир Курбонов самбо бўйича Монголияда жаҳон чемпиони унвонларига сазовор булишди. (Улар 1975 йили Белоруссияда ҳам жаҳон чемпионлари булишди.)

1975 йил 25 ноябрь – Тошкент вилояти таркибида Тошкент тумани ташкил этилди (2010 йилда у тутатилди).

1975 йил – Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида қуриқхона (ҳозирги Вардонзе давлат табиат ёдгорлиги) ташкил этилди.

1975 йил – Самарқанд вилояти ҳудудида Зарафшон давлат қуриқхонаси ташкил қилинди.

1975 йил – Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида Кизилолмасой олтин кони фойдаланишга топширилди.

1975 йил – Жizzах вилоятининг Фориш туманида Нурота давлат қуриқхонаси ташкил этилди.

1975 йил – «Узмевасабзавотузумсаноат» республика агросаноат бирлашмаси ташкил этилди.

1975 йил – Наманган вилояти Чортоксой дарёси узанида Чорток сув омбори курилди.

1975 йил – Тошкент шаҳрининг Хадра майдонида Тошкент циркининг янги биноси курилди.

1975 йил – ўзбекистонлик К. Фаткулин юнон-рум кураши бўйича Болгарияда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

1976 йил 14 январь – Мурунтов шаҳрига асос солинди.

1976 йил 8 апрель ва 17 май – Бухоро вилоятининг Газли шаҳрида кучли зилзилалар содир бўлди.

1976 йил сентябрь – Тошкент шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчилари анжумани бўлиб ўтди.

1976 йил сентябрь – Нукус давлат университети (хозирги Бердак номидаги Қорақалпок давлат университети) ташкил топди.

1976 йил – Тошкент шаҳрида республикада энг йирик отчопар қурилди.

1976 йил – Тошкент шаҳрида биринчи илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси – «Технолог» ташкил этилди.

1976 йил – Бухоро вилоятида Салтанаттепа (Сеталантепа) газ кони ишга туширилди.

1976 йил – Тошкент шаҳрида «Театр ёшлари тажриба студияси» («Илҳом» театр студияси) ташкил этилди.

1976 йил – Монреалда бўлиб ўтган XXI Олимпиада ўйинларида боксчи Рифат Рисқиев кумуш медалга, футболчи В. Фёдоров бронза медалига сазовор бўлишди.

1977 йил 6 ноябрь – Тошкент метрополитенининг биринчи навбати (9 та бекати) фойдаланишга топширилди.

1977 йил 6 декабрь – Товоксойда зилзила содир бўлди.

1978 йил 10–16 январь – ўзбекистонлик космонавт учувчи Владимир Жонибеков космосга биринчи марта парвоз қилди (у космосга жами 5 марта парвоз қилди).

1978 йил 19 апрель – тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) кабул килинди.

1978 йил 19 апрель – Учқудук шаҳри ташкил топди.

1978 йил 1 сентябрь – Самарқанд шаҳрида қўғирчок театри ташкил этилди.

1978 йил сентябрь – Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри ташкил этилди.

1978 йил – Самарқанд шаҳри яқинида, Нурота тоғининг жануби-ғарбий чеккасида Зармитон (Чормитон) олтин кони ишга туширилди.

1978 йил – Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида Эскиер сув омбори бунёд килинди.

- 1978 йил – «Тошкент» автовокзали қурилди.**
- 1978 йил – Республика халқ амалий санъат усталари бирлашмаси – «Усто» ташкил этилди.**
- 1979 йил 10 апрель – Қоракалпоғистон АССРда Бўзатов тумани ташкил этилди.**
- 1979 йил 10 апрель – Қашқадарё вилоятида Баҳористон тумани ташкил этилди.**
- 1979 йил 17 апрель – Чотқол тоғ тизмасида Чимён санаторияси ташкил этилди. (2000 йилда Чимён оромгоҳи яқинидаги Белдорсой ҳавзасида «Белдорсой» тоғ чанғи спорти маркази қурилди.)**
- 1979 йил 11 август – Тошкент – Минск йўналишида парвоз қилаётган самолёт Днепродзержинск (Украина) шаҳри осмонида авиаҳалокатга учраб, «Пахтакор» футбол клуби-нинг 17 футболчиси ва бошқа йўловчилар ҳалок бўлишди.**
- 1979 йил – Қашқадарё вилоятида Китоб давлат геология кўриқхонаси ташкил этилди.**
- 1980 йил 19 июль – 3 август – Москвада ўтган XXII ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик Ю. Ковшов от спорти бўйича, Э. Шагаев сув полоси бўйича, Л. Павлова волейбол бўйича, О. Зубарева қўл тўпи бўйича Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Собиржон Рўзиев киличбозлик бўйича, А. Панфилов велоспорт бўйича, Ю. Ковшов от спорти бўйича, Рустам Ямбулатов стендга ўқ отиш бўйича, Н. Бутузова камондан ўқ отиш бўйича кумуш медалга, Н. Горбаткова, В. Зазздравник, Л. Ахмерова, А. Хам бронза медалга сазовор бўлишди.**
- 1980 йил 18 август – Тошкент метрополитени биринчи йўлининг 2-линияси (3 та бекат) фойдаланишга топширилди.**
- 1980 йил 10 декабрь – Тошкент шаҳрининг ғарбида – Назарбекда зилзила содир бўлди.**
- 1981 йил – «Ўзмевасабзавотузумсаноат» бирлашмаси негизида Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжаликлари министрлиги ташкил этилди.**
- 1981 йил – Ўзбекистон ФА таркибидаги Полимерлар кимёси бўлими негизида Полимер кимёси ва физикаси институти ташкил этилди.**

1981 йил – 2 жилди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»
Москвада нашр этилди (60000 сўз ва бирикмадан иборат).

1981 йил – Тошкент шаҳрида Халқлар дўстлиги (ҳозирги Истиқлол) саройи қурилди.

1981 йил – Тошкент шаҳрида Ўрол Тансиқбоев уй-музейи очилди.

1982 йил 20 апрель – Ўзбекистон ССР таркибида Навоий области ташкил қилинди. Ўзбекистондаги энг кенжা область Бухоро области ва қисман Самарқанд области ҳудудларининг бир қисмидан тузилди. (1988 йил 6 сентябрь – 1992 йилларда Навоий области маъмурӣ бирлик сифатида асоссиз тарзда тутатилди.)

Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитети (обком)нинг биринчи секретарлари: Василий Павлович Есин (1982 йил апрель – 1986 йил 13 январь), Анатолий Степанович Ефимов (1986 йил 13 январь – 1988 йил сентябрь).

1982 йил 6 май – Фарғона вилояти Чимён шаҳарчаси атрофида Чимён зилзиласи рӯй берди. Зилзила маркази Лангар қишлоғида (ҳозирги Кўштепа туманининг маркази) бўлиб, унинг кучи 7 – 8 баллга етган.

1982 йил 26 май – Тошкент шаҳрининг Халқлар дўстлиги майдонида Халқлар дўстлиги монументи очилди.

1982 йил 31 декабрь – Термиз шаҳрида Хайратон электр подстанцияси фойдаланишга топширилди.

1982 йил – Андижон сув омбори қурилди.

1982 йил – Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Дружба (ҳозирги Питнак) шаҳри яқинида Туямўйин ГЭС қурилди.

1982 йил – Самарқанд бадиий музей-қўриқхонаси ташкил қилинди.

1982 йил – Амударё қўриқхонаси ташкил этилди.

1982 йил – Тошкент шаҳрида Муҳтор Ашрафий уй-музейи очилди.

1983 йил 13 январь – Тошкент вилояти ҳудудидаги Тянь-Шань этакларидағи Чимёнда катта спорт анжумани бўлиб ўтди ва қорли стадион очилди.

1983 йил 28 февраль – Тошкент шаҳрида В.И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги (ҳозирги Истиқлол) саройи-

да Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи бўлиб ўтди.

1983 йил май – Тошкент шаҳрида Fafur Fulom уй-музейи очилди.

1983 йил 5–12 сентябрь – Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси хукуматлараро қенгашининг IV сессияси бўлиб ўтди.

1983 йил сентябрь – Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланди ва «Тошкент» энциклопедияси (рус тилида) нашр этилди.

1983 йил 3 ноябрь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев сайланди.

1984 йил 1 январь – Ўзбекистон ССРнинг Уй-жой кодекси амалга киритилди.

1984 йил январь – Сирдарё ГРЭС билан Тошкент шаҳри ўртасидаги 164 километрли янги газ магистрали ишга туширилди.

1984 йил январь – Шўртан гази (Қашқадарё вилояти Фузор тумани худудида топилган газ кони) Тошкент шаҳрига етиб келди.

1984 йил 18 февраль – Наманган вилояти Поп туманида кучли зилзила содир бўлди.

1984 йил 19 февраль – Газўчоқ (Чоржўй области) – Оққамиш (Корақалпогистон АССР) янги темир йўл тармоғи ишга тушди ва поездлар түғон орқали ўтишни бошлади. Кейинчалик янги тармоқни Тўртқўл яқинида курилаётган темир йўл станциясига қадар узайтирилди.

1984 йил 1 март – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И.Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг намояндалари билан учрашди.

1984 йил 4 март – Ўзбекистонда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов бўлди.

1984 йил 12 апрель – «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишининг асосий йўналишлари тұғрисида» СССР Олий Советининг қарори қабул қилинди.

1984 йил 20 март – Газли шаҳрида кучли зилзила бўлди.

1984 йил 15 апрель – «Умумий таълим ва хунар мактабини ислоҳ килишнинг асосий йұналишлари» Үзбекистон матбуотида эълон килинди.

1984 йил 23 май – 2 июнь – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII ҳалқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди.

1984 йил 23 июнь – Тошкентта Үзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленум ишида Үзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.Б. Усмонхўжаев «Партия ва давлат интизомини, кадрлар билан ишлашни ҳозирги замон вазифалари даражасига кўтарайлик» мавзууда маъруза килди. Унда Марказдан юборилган КПСС Марказий Комитетининг секретари Е.К. Лигачёв қатнашди ва нутқ сўзлади. Айнан ушбу пленум қарорлари билан Марказ томонидан Үзбекистонда «пахта иши» деб аталган сиёсий қатағонлар бошланди. Кейинчалик бу қатағон ҳатто Үзбекистон ССРнинг ўша пайтдаги собиқ ва биринчи раҳбарларини ҳам четлаб ўтмади.

1984 йил 18–31 август – Москва шаҳрида социалистик мамлакатлар спортчилари ўртасида «Дўстлик – 84» ҳалқаро спорт мусобақаларининг асосий қисми ўтказилди. Унда Үзбекистон вакиллари ҳам муносиб қатнашиб, 12 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларга эга бўлишди.

1984 йил 18 сентябрь – Тошкент шаҳрида ахборот назариясига бағишлиланган VI ҳалқаро симпозиум бўлиб ўтди.

1984 йил 31 октябрь – Бухоро обlastидаги Газли райони ва Қашқадарё обlastидаги Толимаржон райони тугатилди.

1984 йил 15–16 ноябрь – Тошкентта Үзбекистон матлубот кооперациясининг XVI съезди бўлиб ўтди.

1984 йил 2 декабрь – Тошкент шаҳри марказида Космонавтлар майдони очилди ва унда үзбекистонлик космонавт-учувчи Владимир Александрович Жонибековнинг бронза бўсти ўрнатилди.

1984 йил – Тошкент метрополитени иккинчи йўлининг 1-линияси (5 та бекат) фойдаланишга топширилди.

1984 йил – Қашқадарё вилоятининг Баҳористон туманида Кўқдумалоқ нефть-газконденсат кони ишга туширилди.

1984–1989 йиллар – Узбекистонда «пахта иши» натижасида ўн минглаб кишилар қатағон қилинди.

1985 йил 16 январь – Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Иттифок-республика Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Иттифок-республика Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги Иттифок-республика Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига бирлаштирилди. Акмал Икромович Икромов Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри қилиб тайинланди.

1985 йил 2 март – Тошкентдаги В.И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи (хозирги Истиқлол саройи)да Узбекистон пахтакорлари, ғаллакорлари, чорвадорлари ва қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлари ходимларининг анъ-анавий кенгаши (қурултойи) ўтказилди. Унда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.Б. Усмонхўжаев маъруза қилди.

1985 йил 23 апрель – Москвада КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачёв «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чакириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлик вазифалар тўғрисида» маъруза қилди. Кейинчалик коммунистик мафкура томонидан асоссиз тарзда бу сана СССРда қайта куришнинг бошланиши, деб эълон қилинди.

1985 йил 6 июнь – «Союз Т-13» космик кемаси учрилди. Уни кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник Владимир Александрович Жонибеков ва борт инженери Виктор Петрович Савиних бошқарди. (В. Жонибеков Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Искандар посёлкасида туғилган бўлиб, у 1978–1984 йилларда 4 марта космосга учган бўлиб, бу унинг бешинчи парвозидир. Парвоз 1985 йил 26 сентябрда муваффақиятли якунланди.)

1985 йил 5 июль – Тошкентда республика-партия хўжалик активининг йигилиши бўлиб, унда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари кўрилди.

1985 йил 25 июль – Узбекистонда Хотира куни белгиланыб, у ҳар иили март ойининг сўнгги якшанбасида нишонланадиган бўлди.

1985 йил 27 июль – 2 август – Москвада ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали ўтказилди. Унда узбекистонлик ёшлар ҳам фаол қатнашди.

1985 йил август – Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга олиб келишни мўлжаллаган Сибирь – Ўрта Осиё (Сиборол) канали лойиҳаси устидаги иш якунловчи босқичга кирди. (Бу ишларни 1987 йилда бутунлай тугатиш мўлжалланди. Аср лойиҳаси деб ном олган бу лойиҳага кўра Объ ва Иртиш дарёларининг суви 2600 км масофани босиб ўтиб, Узбекистон далаларига келиши керак эди. Бироқ кучли иқтисодий асосга таянмаган лойиҳа амалга ошмади.)

1985 йил август – қардош пахтакор республикалар (Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР) делегациялари Узбекистон колхозлари ва совхозларидаги пахта далаларида бўлишди.

1985 йил 10–20 сентябрь – «Тошкентнинг олтин кузи» IV Бутуниттифоқ санъат фестивали ўтказилди.

1985 йил 11 сентябрь – Тошкент шаҳрида жанубий вокзал ишга туширилди. Янги темир йўл вокзалидан Тошкент – Бухоро поезди илк марта жўнаб кетди.

1985 йил 28 октябрь – Тошкентда Узбекистон ёзувчиларининг IX съезди ўтказилди.

1985 йил 9 ноябрь – «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси Узбекистон матбуотида эълон қилинди.

1985 йил 14 декабрь -- КПСС Марказий Комитети секретари Б.Н. Ельцин Тошкентга келиб, Тошкент шаҳар XXV партия конференцияси ишида қатнашди.

1985 йил 18 декабрь – Қарши чўлидаги Шўртан газ конида табиий газни олтингугурт аралашмасидан тозалайдиган комплекснинг биринчи навбати ишга туширилди.

1985 йил 24–26 декабрь – «Ўзбекистон ССРнинг мъурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси» матбуотда эълон қилинди.

1985 йил – Тошкент шаҳрида иккинчи телевизион минона (баландлиги 375 метр) куриб битказилди.

1985–1987 йиллар – мамлакатда қайта куришнинг биринчи босқичи бўлди.

1986 йил 30 январь – 1 февраль – Тошкент шаҳридаги Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди ўтказилди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.Б. Усмонхўжаев томонидан қилинган маъruzada Марказнинг талаби билан Ўзбекистоннинг собик раҳбари Шароф Рашидов фаолияти асосиз равишда кораланди. Айнан шу маъruzадан кейин Бутуниттифоқда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам Шароф Рашидов сиёсий фаолияти ва хотирасига қарши оммавий компания бошланди.

1986 йил 1 февраль – И.Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ҳамда М.А. Зоидов Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси этиб сайландилар.

1986 йил 25 февраль – 6 март – Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди ўтказилди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачёв сиёсий маъруза ва СССР Министрлар Советининг раиси Николай Иванович Рижков «СССРни иктисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986–1990 йилларга ҳамда 2000 йилгacha бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза килди. Съездда КПССнинг янги таҳrirдаги Программаси ва Устави қабул қилинди. Съезд охирида Михаил Сергеевич Горбачёв КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланди. Шунингдек, М.С. Соломенцев КПСС МК ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг раиси этиб тасдиқланди ва И.В. Капитонов КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.

1986 йил 21 март – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон архитекторларининг XII съезди бўлиб ўтди.

1986 йил 30 март – Ўзбекистонда биринчи марта Хотира куни ўтказилди.

1986 йил 28 апрель – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Қизил Яримой жамиятининг XV съезди бўлиб ўтди.

1986 йил 21–31 май – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди.

1986 йил 30 май – Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хузуридаги Физкультура ва спорт комитети Ўзбекистон ССР Иттифок-республика физкультура ва спорт давлат комитетига айлантирилди.

1986 йил 1 июнь – «Мамлакатда олий ва урта маҳсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» КПСС МК лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1986 йил 2–6 октябрь – Тошкент шаҳрида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг минтақавий семинари ўтказилди.

1986 йил 19 ноябрь – «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида» СССР Конуни кабул қилинди.

1986 йил 24–25 ноябрь – КПСС Марказий Комитетининг Бosh секретари М.С. Горбачёв Ҳиндистонга кетаётган пайтда Тошкент шаҳрида тўхтаб ўтди.

1986 йил 6 декабрь – Ўзбекистон ССРнинг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг халқ маорифи тўғрисидаги Конунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» ва «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳамда халқ маорифи тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Конунининг янги таҳрири тасдикланиши муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг баъзи Конун актларига ўзгартириш киритиш ҳақида» қонунлари қабул қилинди.

1986 йил 13–14 декабрь – Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бosh секретари Нажиб (Нажибулло) Тошкент шаҳрида бўлди.

1986 йил – Абдулла Қаҳхор номидаги Республика сатира театри ташкил этилди.

1986 йил – Ўзбек давлат филармонияси қошида «Бухоро» (хозирги «Зарафшон») ашула ва ракс ансамбли ташкил этилди.

1987 йил 27–28 январь – Москва шаҳрида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М.С. Горбачёв «Қайта куриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тұғрисида» маъруза қилди.

1987 йил 29–30 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар союзининг VII съездиде бўлиб ўтди.

1987 йил 13 февраль – «Аҳолига майиш хизмат кооперативларини тузиш тұғрисида» ва «Халқ истемоли моллари ишлаб чиқариш кооперативларини тузиш тұғрисида» СССР Министрлар Совети қарорларининг шархи Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1987 йил 11 апрель – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Расомлар союзининг VIII съездиде бўлиб ўтди.

1987 йил 25 апрель – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон хотин-қизларининг V съездиде бўлиб ўтди.

1987 йил 21 июнь – Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий советлари ва район (шаҳар) халқ судларига халқ судьялари сайловлари бўлди.

1987 йил 25–26 июнь – Москва шаҳрида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС МК Бош секретари М.С. Горбачёв «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта куриш соҳасидаги вазифалари тұғрисида» маъруза қилди.

1987 йил 30 июнь – «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1987 йил 2–25 июль – Киевда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари ўтказилди.

1987 йил 11 июль – Тошкент шаҳрида бўлган республика партия хўжалик активларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий

иқтисодий потенциалидан қоникарсиз фойдаланилаётганилиги тұғрисида»ги карорни бажариш юзасидан партия ва совет органларининг, агросаноат комитетлари ва бирлашмаларининг, колхоз ва совхозларнинг вазифалари хақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.Б. Усмонхўжаев маъруза қилди.

1987 йил 14–18 сентябрь – Тошкент шаҳрида Ҳиндистон фестивали ўтказилди.

1987 йил 22 сентябрь – Тошкент шаҳрида машҳур адаби Абдулла Қаххор түғилган кунининг 80 йиллигига бағишиланган тантанали кечада ўтказилди.

1987 йил 30 сентябрь – Тошкент шаҳрида Орол денизи ҳавзаси экологияси ва сув ресурслари муаммоларига бағишиланган Бутуниттифок кенгаши ўтказилди.

1987 йил 2–7 октябрь – Ўзбекистонда Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари булиб ўтди.

1987 йил 6 ноябрь – Тошкент метрополитенининг «Тошсельмаш» ва «Чкалов» бекатлари фойдаланишга топширилди.

1987 йил 27 ноябрь – «СССР ахолисининг саломатлигини мухофаза қилишни ривожлантириш ва соғликни саклашни қайта қуришнинг ўн иккичи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» хақидаги КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Қарори Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1987 йил 27–29 ноябрь – Тошкент шаҳрида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари сиёsat ва жамоат арбоблари иштирокида «Ядросиз ва зўравонликсиз дунё учун» мавзудидаги халқаро конференция булиб ўтди.

1987 йил 12 декабрь – Ўзбекистон фармацевтларининг III съезди булиб ўтди.

1987 йил 28 декабрь – Ўзбекистон шимолидаги энг иирик Тахиатош ГРЭСнинг 8-блоки ишга туширилди ва у лойиҳада белгиланган кувват даражасида ишлай бошлади.

1987 йил – «Ўзмайшийпластика» бирлашмаси ва Италия нинг «Алма-Розе» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон – Италия «Сөвластитал» кўшма корхонаси ташкил топди.

1987 йил – «Спартак», «Мехнат», «Пахтакор», «Зенит», «Буревестник», Ўзбекистон ва Ўрта Осиё темир йўлининг «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятлари тугатилиб, улар ўрнида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг республика кўнгилли жисмоний тарбия-спорт жамияти (1998 йил 4 июлдан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия-спорт жамияти) тузилди.

1987–1990 йиллар – мамлакатда қайта қуришнинг иккинчи босқичи бўлди.

1988 йил 8 январь – Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукус шаҳрида Халқлар дўстлиги монументи очилди.

1988 йил 9 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамиятининг I съездидан ўтказилди.

1988 йил 12 январь – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб Рафик Нишонович Нишонов сайланди.

1988 йил 27 январь – Ўзбекистон ССР Мехнат давлат комитети қайта тузилиб, Ўзбекистон ССР Мехнат ва социал масалалар давлат комитетига айлантирилди.

1988 йил 28 январь – Тошкент шаҳрида «Ҳиндистон фани ва техникаси» кўргазмаси очилди.

1988 йил январь – Кашқадарё вилояти Касби туманидаги Толимаржон сув омбори якинида Толимаржон иссиқлик электр станцияси курилди.

1988 йил 27 февраль – Тошкент шаҳрида В.И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика булимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

1988 йил 14 март – Тошкент шаҳрида республика агросаноат комплекси ходимларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.Н. Нишонов «Аҳолининг озиқ-овқатга, саноатнинг хомашёга талабларини тўларок кондиралилк» мавзууда маъруза қилди.

1988 йил 24 март – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон тарихчилари жамиятининг таъсис конференцияси бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг ди-

ректори Р.Ё. Ражапова Узбекистон тарихчилари жамияти бошқаруви раиси қилиб сайланди.

1988 йил 31 март – Шеробод район маркази (Сурхондарё облости)да Москва – Душанбе тезюарар поезді аварияга учраши натижасида (еттита вагон издан чиқиб кетди, уларнинг биттаси ағдарилди) йўловчилар қурбон бўлди ва жароҳатланди.

1988 йил 1 апрель – Узбекистон ССР халқ хўжалигини бошқариш бош схемаси лойиҳасининг асосий қоидалари муҳокама учун матбуотда эълон қилинди.

1988 йил 6–8 апрель – КПСС Марказий Комитети Бош секретари М.С. Горбачёв Тошкентда бўлди. У Узбекистон меҳнаткашлари билан учрашди. Тошкент шаҳридаги «Алгоритм» заводида ҳам бўлди.

1988 йил 7 апрель – КПСС МК Бош секретари М.С. Горбачев ва Афғонистон Республикаси Президенти Нажибулло Тошкент шаҳрида ўзаро учрашди. Совет – Афғонистон қўшма баёноти имзоланди.

1988 йил 9 апрель – Пўлат Ҳабибуллаев Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси; Расул Ғуломов Узбекистон ССР Олий Советининг раиси қилиб сайланди.

1988 йил 10 апрель – Узбекистон ССРнинг «Узбекистон ССР давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида» Конуни қабул қилинди.

1988 йил 12–14 апрель – Чехословакия ССР Президенти Густав Гусак Узбекистонда бўлди. У ташриф доирасида Самарқанд шаҳрига ҳам сафар уюштириди.

1988 йил 15 апрель – Узбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Иттифоқ-республика давлат комитети ташкил этилди.

1988 йил 15 апрель – Тошкент шаҳрида Туркестон АССР ва Туркестон Компартияси ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишинланган минтақалараро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

1988 йил 15 май – совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиши бошланди. Улар Амударё орқали Термизга олиб

ўтилиб, дастлаб Тошкент шаҳри яқинидаги Чирчикда жойлаштирилди.

1988 йил 24–30 май – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари X ҳалқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди.

1988 йил 26 май – «СССРда кооперация тўғрисида» СССР Конуни қабул қилинди.

1988 йил 6 июнь – Тошкент шаҳрида Узбекистон Дизайнерлари союзининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

1988 йил 18 июнь – Узбекистон ССР ҳукумат делегацияси Тожикистон ССРда бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш масалаларини муҳокама қилди.

1988 йил 28 июнь – 1 юль – Москвада Кремлнинг съездлар саройида КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М.С. Горбачёв «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта куришни чукурлаштириш вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Конференцияда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида қайта куришни чукурлаштириш лозимлиги таъкидланди.

1988 йил 10–12 юль – Ҳиндистон Республикаси Президенти Рамасвами Венкатамаран Узбекистонга келди, у Тошкентдан ташқари қадимий Самарқанд шаҳрида ҳам бўлди.

1988 йил 28 юль – «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида» СССР Олий Совети Президумининг Фармони қабул қилинди.

1988 йил 6 сентябрь – Узбекистон ССР Олий Совети Президумининг Фармони билан Навоий ва Самарқанд обласлари бир обласга бирлаштирилиб, унга Самарқанд обласи номи берилди ҳамда Жиззах ва Сирдарё обласлари бир обласга бирлаштирилиб, унга Сирдарё обласи номи берилди. (Бу хато қарор орадан кўп ўтмай тузатилди).

1988 йил 17–20 сентябрь – «Орол–88» экспедицияси аъзолари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг жануби-ғарбини айланиб, Тошкент шаҳрида ҳам бўлишиди.

1988 йил 19 сентябрь – «Орол денгизи районида экология ва санитария ахволини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишини ва уларни муҳофаза этишини кучайтириш тадбирлари тұғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори қабул қилинди.

1988 йил 29 сентябрь – Үзбекистон ССР Олий Совети Президумининг «Үзбекистон ССР давлат мукофотлари билан тақдирлаш таркибини такомиллаштириш тұғрисида» ва «Үзбекистон ССР фахрий унвонлари системасига барыңи үзгартырышлар киритиш тұғрисида» Фармонлари қабул қилинди.

1988 йил сентябрь – Тошкент шаҳрида Абдулла Қаххор уй-музейи очилди.

1988 йил 16 сентябрь – 2 октябрь – Сеулда булиб үтган XXIV Олимпиада үйинларыда эркін кураш бүйічі М. Хадарцов ва А. Фадзаев Олимпиада чемпионлари булишди. Оғир атлетикачи Н. Мұхаммадёров ва енгіл атлетикачи Р. Гатауллин кумуш, сузуви С. Заболотнов бронза медалга сазовор булишди.

1988 йил 8 октябрь – Нукусда бұлған Үзбекистон ССР партия-хұжалик активлари йиғилиши Орол денгизи ва Орол бүйі мұаммоларига бағищланды. Үнда Үзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.Н. Нишонов «Орол тұғрисида ҳаммамиз ва хар биrimiz жон күйдиришимиз керак» мавзусида маъруза қилды.

1988 йил 11 ноябрь – «Бирлик» халқ қароаты ташкил топди.

1988 йил 1 декабрь – «СССР халқ депутатлари сайлови тұғрисида» СССР Конуни қабул қилинди.

1988 йил декабрь – Үзбекистонда Абдулла Авлонийнинг 110 йиллиги көнг нишонланды. Тошкент шаҳрида Абдулла Авлоний уй-музейи очилди.

1988 йил – Үзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлігінің карашли Вирусология институты ташкил қилинди.

1988 йил – Тошкент шаҳрида профессионал дизайнерларни бирлаштырган ижодий жамоа ташкилоти «Үзбекистон дизайннерлар уюшмаси» тузилди.

1988 йил – Ўзбекистон республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси (Давгеолқўм) тасарруфидағи Ўзбекистон геология музейи Тошкент шаҳрида очилди.

1989 йил 12–19 январь – Ўзбекистонда ҳам бутун мамлакатда бўлгани каби Бутунитифоқ аҳоли рўйхати ўтказилди. Бу пайтда Ўзбекистонда 19.906.000 киши яшаган.

1989 йил 2 февраль – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.Н. Нишонов «Илмий ва санъаткор зиёлиларнинг ижодий кучлари қайта куришга хизмат қилсин» деган мавзууда маъруза қилди.

1989 йил 15 февраль – Афғонистондаги ҳарбий ҳаркатларда қатнашган чекланган совет қўшинларининг охирги жангчиси Афғонистон ҳудудидан чиқиб, Термиз шаҳрига кирди. Афғонистондан совет ҳарбий қисмларини олиб чиқиш тугалланди. (Улар дастлаб 1979 йил декабрда Афғонистонга киритилган эди.)

1989 йил 18 февраль – илк марта Дехли-Тошкент йўналишида учган ҳаво лайнери Тошкент шаҳри аэропортига келиб қўнди.

1989 йил 23–25 февраль – Тошкентда «Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг дол зарб муаммолари» мавзууда Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистоннинг регионал илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

1989 йил февраль – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссиясида Наврӯз байрамини тиклаш масаласи кўриб чиқилди. Ўша йили март ойида Ўзбекистонда Наврӯзни нишонлашга хукумат органлари сўнгги йилларда илк марта тўсқинлик қилмади.

1989 йил 26 март – СССР ҳалқ депутатларига сайлов бўлди.

1989 йил 30 март – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон аграрсоноат комплекси ходимларининг анъанавий баҳорги қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Мар-

казий Комитетининг биринчи секретари Р.Н. Нишонов маъруза қилди.

1989 йил 20 апрель – «Туб структура силжишлари, ишлаб чиқариш имкониятларининг самарадорлигини ошириш, бошқарув ва хўжалик юритишнинг замонавий усуллари-ни жорий этиш асосида 1991–1995 йилларда Узбекистон ССРни социал-иктисодий жиҳатдан ривожлантириши жадаллаштириш ва республика аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш программаси»нинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

1989 йил апрель – Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Тошкентнинг марказий майдонлари ва кучаларида оммавий тадбирларни ўtkазишни тартибга солиши тўғрисида» қарор қабул қилинди.

1989 йил 16 май – Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Самарқанд вилояти териториясининг бир қисмини Бухоро вилояти составига ўtkазиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

1989 йил 17–21 май – Тошкентда Осиё – Тинч океани региони мамлакатлари хотин-қизлар жамоатчилигининг «Хотин-қизлар тинчлик учун ва тинчлик хотин-қизлар учун» мавзусида ҳалқаро анжуман бўлиб ўтди.

1989 йил 17 май – Узбекистон ССРнинг маъмурий-териториал бўлинишига ўзгартиришлар киритилиб, Андижон вилоятида Бўз, Бухоро вилоятида Олот, Пешку, Наманган вилоятида Норин, Чорток, Самарқанд вилоятида Кўшработ, Фарғона вилоятида Ёзёвон, Хоразм вилоятида Янгибозор каби янги туманлар ташкил қилинди.

1989 йил 23 май – 8 июнь – Фарғона вилоятида дастлаб Қувасой шаҳрида месхети турклари билан узбеклар айрим гурухларининг вакиллари ўртасида бошланган этник низолар кейинчалик совет ҳокимиятига қарши оммавий норозиликларга айланди. Қўқон ва Марғилон шаҳарларида, Тошлок, Узбекистон ва бошқа туманларда совет армияси ҳарбий қисмлари намойишга чиқкан тинч аҳолини ўққа тутдилар. Расмий ҳабарларга кўра, тартибсизликлар натижасида 87 киши ҳалок бўлди. Узбекистонда 11 июнь мотам куни

деб эълон қилинди. Фарғона водийсида комендантлик соати жорий қилинди. СССР Министрлар Советининг раиси Н.И. Рижков, СССР Ички ишлар министри В.В. Бакатин, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси В.М. Чебриков ва Узбекистон ССР раҳбарлари 12 июнда Фарғона вилоятига этиб келишди.

1989 йил 24 май – Москва шаҳрида, Союзлар уйининг Колонна залидаги атоқли ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишиланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

1989 йил 26 май – 10 июнь – Москвада СССР халқ депутатлари биринчи съездига бўлиб ўтди. Унда 6 июнь куни Узбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Рафик Нишонович Нишонов СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси этиб сайланди.

1989 йил 29–31 май – Тошкентда СССР ва АҚШдаги биродарлашган шаҳарларнинг биринчи учрашуви ўтказилди.

1989 йил май – Узбекистон Компартияси Марказий Комитети «Республикада қишлоқ оиласи хўжаликларини ривожлантириш тўғрисида» карор кабул қилди.

1989 йил 1 июнь – Ўрта Осиё ҳарбий округи тугатилди. Собиқ Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳуқуқий вориси Туркистон ҳарбий округидир.

1989 йил 3–4 июнь – Фарғона обlastининг Марғилон шаҳри, Тошлок ва Комсомольск посёлкаларида ўзбеклар билан месхети турклари яшайдиган бир кеча аҳоли пунктларида тартибсизликлар келиб чиқди ва тўқнашувларда одамлар ҳалок бўлди.

1989 йил 8 июнь – Кўконда тинч намойишчилар мустабид тузум раҳбарияти буйргуи билан ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўкка тутилди, натижада 50 дан зиёд намойишли ҳалок бўлди.

1989 йил 15 июнь – Тошкентда бўлган республика партия-хўжалик активларининг йигилишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Р.Н. Нишонов «Фарғона обlastидаги миллатчилик кўринишлари ва партия, совет, маъмурий органларнинг рес-

публикадаги вазиятни барқарорлаштириш вазифалари тұғрисида» маңруза қилди. Йиғилишда ССР Министрлар Советининг раиси Н.И. Рижков қатнашды ва нутк сұздады.

1989 йил 18 июнь – «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тұғрисидаги конуни» лойихаси матбуотда эълон қилинди.

1989 йил 23 июнь – Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига сайланды.

1989 йил 29 июль – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XV пленумида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси М.И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона обlastидаги воқеалар тафсилотларини үрганиш юзасидан тузилган комиссиясининг иши тұғрисидаги ахбороти тингланди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб В.П. Анишев үрнига А.С. Ефимов сайланды.

1989 йил 17 август – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тұғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

1989 йил 2 сентябрь – Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигига Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти республика министрлигига ва Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари республика министрлигига айлантирилди;

Ўзбекистон ССР Мехнат ва социал таъминот давлат комитети Ўзбекистон ССР Мехнат ва социал масалалар иттифоқ-республика давлат комитетига ҳамда Ўзбекистон ССР Социал таъминот республика министрлигига айлантирилди;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати республика министрлигиге тузилди.

1989 йил 7–9 сентябрь – Индонезия Республикаси Президенти Сукарто Ўзбекистон билан танишди. Таширіф доирасида у Самарқандга бориб, Самарқанд яқинидаги машхур Исмоил Бухорий мачити (хозирги Имом Бухорий меморий мажмуаси)ни зиёрат қилди.

1989 йил 11–16 сентябрь – Тошкентда умумий ва амалий химияга доир XIV Менделеев съезді үтказилди.

1989 йил 13 сентябрь – Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий (Низомиддин Мир Алишер Навоий) ва Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) Давлат мукофотлари таъсис этилди.

1989 йил 19 сентябрь – Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети үрнига Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги республика министрлигига Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги курилиши республика давлат комитети ташкил этилди;

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети бекор қилиниб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик республика давлат-кооператив комитети ташкил қилинди.

1989 йил 19–26 сентябрь – Ўзбекистонда Швейцария маданияти ҳафталиги үтказилди.

1989 йил 24 сентябрь – «Партияning ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати (КПССнинг ҳаракат дастури)» Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1989 йил 27 сентябрь – «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.А. Каримов жавоблари «Янгиланиш нишоналари» номи билан матбуотда эълон қилинди.

1989 йил 27 сентябрь – «Ўзбекистон ССР территориясида кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини тақиқлаш тұғрисида» ва «Кооперативлардан олинадиган даромад солиги ставкаларининг микдори тұғрисида» номли фармонлар қабул қилинди.

1989 йил 20 октябрь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Тошкент шаҳрида жамоат

интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш чоралари ҳақида»ги карори республика матбуотида эълон қилинди.

1989 йил 20 октябрь – «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартеришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

1989 йил 21 октябрь – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

1989 йил 27–29 октябрь – Ўзбекистон ССР Кооперативлари ходимлари касаба союзининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон кооперативлари ходимлари касаба союзи республика комитети тузилди.

1989 йил 28 ноябрь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.А. Каримов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида олимлар билан учрашди. У илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш тўғрисида гапирди.

1989 йил 1 декабрь – Тошкент шаҳрида Қурилиш ишларини олиб борувчи Ўзбекистон ССР Бош бошқармаси (Главташкентстрой) ташкил этилди.

1989 йил 7 декабрь – «Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари» ҳақидаги Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури матбуотда эълон қилинди.

1989 йил 11 декабрь – Ўзбекистон ССР билан Ленинград шаҳри ва Ленинград области ўртасида иккита иккита шартнома имзоланди.

1989 йил 12–24 декабрь – Москвада СССР халқ депутатларининг иккинчи съезди бўлиб ўтди. 23 декабрда бўлган съезд мажлисида «СССР Прокуратурасининг Т.Х. Гдлян бошчилик килган тергов группаси фаолияти билан боғлиқ бўлган материалларни текширувчи комиссиянинг ахбороти» (комиссия ҳамраиси В.А. Ярин маъruzаси) тингланди.

1989 йил 19 декабрь – Ўзбекистон ССР Қурилиш министрилари ҳамда Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари иттифок-

республика давлат комитети ташкил этилиб, Ўзбекистон ССР Давлат курилиш комитети тугатилди.

1989 йил 23 декабрь – «СССРда конституцион назорат тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

1989 йил 29 декабрь – «Ўзбекистон ССРда Ижара тўғрисидаги Низом ҳақида» Фармон қабул қилинди.

1989 йил – Оҳангарон дарёси ўзанида Оҳангарон сув омбори қурилди.

1989 йил – Самарқанд вилоятидаги Тусунсой дарёси-нинг юқори оқимида Тусунсой сув омбори қурилди.

1989 йил – Тошкент шаҳрига БМТ қарори билан «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилди.

1989 йил – Тошкент шаҳрида Ўлка тиббиёти илмий тадқикот институти негизида Эндокринология институти ташкил этилди.

1989 йил – Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи ташкил этилди.

1989 йил – ўзбекистонлик С. Сирцов оғир атлетика бўйича Грецияда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. (У 1991 йил ГФРда бўлган жаҳон чемпионатида олтин медаль, 1992 йил Испанияда бўлган Олимпиадада кумуш медаль билан тақдирланди.)

1990 йил 20 январь – Ўзбекистон пойтахти партия-хўжалик фаолларининг йиғилишида «Тошкент шаҳри ахолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини реконструкция қилишни жадаллаштириш юзасидан 1991–1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни бажариш соҳасида партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

1990 йил 24 январь – Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети номи Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети деб ўзгаририлди.

1990 йил 24–27 январь – Хоразмда Қоракалпогистон (ҚҚАССР) маданияти кунлари бўлиб ўтди.

1990 йил 26 январь – Найробия шаҳридаги БМТнинг атроф-муҳит программаси қароргоҳида атроф-муҳит про-

граммаси (ЮНЕП) билан СССР ўртасида Орол денгизини тиклаш юзасидан биргалиқдаги тадбирлар тұғрисида битим имзоланди.

1990 йил 27 январь – Үзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги тугатилиб, Үзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим иттифок-республика министрлиги ва Үзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги түзилди.

1990 йил 28 январь – Тошкентда татарларнинг маданий-маърифий жамоат маркази ташкил топди.

1990 йил 29 январь – 6 февраль – Тошкентда Үзбекистон театрларининг иккинчи республика фестивали үтказилди.

1990 йил 14 февраль – «Инсонпарвар демократик социализм сари» деб номланган КПСС Марказий Комитети партия XXVIII съездининг Ҳаракат дастури Үзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1990 йил 16 февраль – Сирдарё обласи қайта бўлинди ва Үзбекистон ССР таркибида Жиззах обласи қайта тикланди.

1990 йил 18 февраль – Үзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий советлар депутатлари сайлови куни.

1990 йил 19 февраль – Тошкент областининг Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» номли колхозда ўзбек ва месхети турклари вакилларининг гурухлари ўртасида тўқнашув бўлди. Воеа юз берган жойга республика раҳбарлари боришиди.

1990 йил 21 февраль – «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ташкил этиш ва үтказишни тартибга солиш тұғрисида» Фармон қабул қилинди.

1990 йил 24 февраль – Тошкентда СССР, Үзбекистон ССР, Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар халқ депутатларининг, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилигининг кенгаши бўлиб, унда Үзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И.А. Каримов маъруза қилди.

1990 йил 26 февраль – Үзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг месхети турклари вакиллари иштирокида қўшма мажлиси бўлди.

1990 йил 27 февраль – Қоракалпоғистон АССР таркибида Бұзатов, Бухоро обласыда Навбаҳор, Қашқадарё обласыда Баҳористон, Самарқанд обласыда Большевик, Сирдарё обласыда Зарбдор, Комсомол, Мекнатобод районлари тикланди. Сирдарё обласидаги Янгиер райони тугатилди. Фарғона обласи таркибида Сўх райони ташкил қилинди. Тошкент областининг Наримонов шаҳри тугатилиб, унинг худуди асосида Тошкент шаҳри таркибида Бектемир райони тузилди.

1990 йил 28 февраль – ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тұғрисидаги Конун асослари қабул килинди.

1990 йил февраль – апрель – Ўзбекистонда сайлов тизимини демократиялаштириш мақсадида Республика Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича эксперимент сифатида сайлов ўтказилди.

1990 йил 3 март – Тошкент областининг Паркент райони марказида гурух-гуруҳ бўлиб олган кишилар тартибсизлик қилишди. Улар месхети туркларини зудлик билан район худудидан чиқариб юборишни талаб этишди. Тўкнашувларда курбонлар ва ярадор бўлганлар бўлди.

1990 йил 5–12 март – Ўзбекистоннинг барча областлари ва Тошкент шаҳрида ҳалқ депутатлари область Советларининг сайловидан сўнг биринчи сессиялари бўлиб ўтди. Унда область партия комитетининг биринчи котиби ҳалқ депутатлари область советининг раиси этиб сайланди, шунингдек, область ижроия комитетининг янги раиси тасдиқланди. Дастлаб бу жараён Қашқадарё обласыда бошланди.

1990 йил 6 март – «СССРда мулкчилик тұғрисида» Конун қабул килинди.

1990 йил 12–15 март – Москвада СССР ҳалқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезди бўлди. Унда СССР Президенти лавозими таъсис этилди ҳамда 15 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг раиси Михаил Сергеевич Горбачёв Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти этиб сайланди.

1990 йил 18 март – истеъдодли ёшларни қўллаб-куватлаш «Улуғбек номли Ўзбекистон республика фондини ташкил этиш тўғрисида» қарор матбуотда эълон қилинди.

1990 йил 19 март – Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон дәхқончилиги саноати ходимларининг анъанавий республика қурултойини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси М.И.Иброҳимов очди, унда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М.М. Мирқосимов маъруза қилди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И.А. Каримов нутқ сўзлади.

1990 йил 21 март – Ўзбекистонда Наврӯз миллий байрами куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

1990 йил 24 март – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Бу қонун билан иттифоқдош республикалар ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий қилинди.

1990 йил 24 март – Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ 1-сессиясида Ўзбекистонда президентлик бошқаруви таъсис этилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1990 йил 26 март – Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси этиб Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов сайланди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси этиб эса Шукурулло Раҳматович Мирсаидов тайинланди.

1990 йил 27 март – Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн иккинчи чақириқ 1-сессиясида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш.Р.Мирсаидов «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида» номли маъруза қилди.

1990 йил 31 март – Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССР ҳукуматининг келгусидаги фаолияти дастури ва Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий, ижтимоий-

маънавий мустақиллигини шакллантиришининг асосий концепциялари тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

1990 йил 3 апрель – «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан бөглиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 3 апрель – «Фавқулодда ҳолатнинг хуқукий тартиби тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 10 апрель – «ССР Иттифоки, иттифоқдош ва автоном респубикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 24 апрель – «СССР ҳалқлари тиллари тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 26 апрель – «ССР Иттифоки билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаш тұғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 30 апрель – «Эрк» демократик партияси тузылди.

1990 йил апрель – Нұкус шаҳрида Тошкент киностудиясынинг Қорақалпоқ филиали базасыда «Қорақалпоқфильм» киностудияси вужудга келди.

1990 йил 2 май – Андіжон шаҳридеги «Спартак» стадионида оммавий тартибсизликтер бошланиб, у шаҳар күчаларыда давом этди.

1990 йил 4 май – Үзбекистон ССР Президентининг «Наврұз ҳалқ байрамини үтказиш якунлари тұғрисида» Фармони матбуотда эълон қилинди. Фармонга күра, Үзбекистон ССР худудида ҳар йили 21 мартни дам олиш куни ва умумхалқ «Наврұз» байрами куни, деб эълон қилинди. Шунингдек, «Наврұз» байрамини 1990 йил марта үтказилишига фаол қатнашган бир гурух санъаткорлар ва маданият ходимларига Үзбекистон ССР фахрий унвонлари берилди.

1990 йил 10–14 май – Тошкентда Бухоро вилояті маданияти кунлари үтказилди.

1990 йил 17 май – Үзбекистон ССР Министрлар Советининг «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматта чакирилиши тұғрисида» қарори матбуотда эълон қилинди.

1990 йил 23 май – «СССР фуқаролиги тұғрисида» СССР Конуны қабул қилинди.

1990 йил май – Үзбекистонда вилоят партия конференциялари үтказилди.

1990 йил 2 июнь – Үзбекистон ССР Президентининг «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тұғрисида» Фармона қабул қилинди.

1990 йил 4–6 июнь – Үзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг биринчи боскичи үтказилди. Съездда Үзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Үзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов «Қайта куришнинг бориши ва асосий йұналишлари, Үзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иктисадий мустақиллігини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумхурияттің янги сиёсий системасыда Үзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида» сиёсий маъруза қилды. Съездда бошқарыладиган бозор иқтисодиётіга үтиш масаласи хусусида резолюция қабул қилинди. Съездда Үзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов Үзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб қайта сайланди. Шунингдек, Ш.М. Йўлдошев Үзбекистон Компартияси Назорат-тағтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

1990 йил 4–11 июнь – Үш (Кирғизистон)да үзбек халқига нисбатан геноцид сиёсати құлланилди ва улар қирғин қилинди. Үшдеги тұқнашувларда 35000 киши қатнашды. СССР прокуратураси расмий маълумотларига күра, Үш фожиаларда 1200 киши, аслида эса таҳминан 10000 киши ҳалок бўлди. Уларнинг аксарияти үзбеклар эди.

1990 йил 12 июнь – Үзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил этилди.

1990 йил 15 июнь – Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н.А. Назарбоев Тошкентга келди ва Үзбекистон ССР Президенти, Үзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов билан учрашди.

1990 йил 16 июнь – Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида жумхуриятнинг иқтисодий мустақилликка ва бошкариладиган бозор иқтисодиётига ўтиши масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди ва унда И.А. Каримов нутқ сўзлади.

1990 йил 20 июнь – Ўзбекистон ССР Олий Совети ўн иккинчи чакирик 2-сессиясида «Мустақиллик Декларацияси» кабул килинди.

1990 йил 20 июнь – Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов раислигида конституцион комиссия тузилди. Комиссияга Ўзбекистон ССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

1990 йил 20 июнь – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда конституцион назорат тұғрисида», «Ер тұғрисида» конунлари кабул килинди.

1990 йил 21–23 июнь – Олмаота шахри (Қозоғистон) да Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов, Қирғизистон ССР Олий Совети раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А.М. Масалиев, Тожикистон ССР Олий Совети раиси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби К. Маҳкамов, Туркманистон ССР Олий Совети раиси, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С.А. Ниёзов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР делегациялари билан Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н.А. Назарбоев бошчилигидаги Қозоғистон ССР раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда беш республика раҳбарлари томонидан Ўрта Осиё жумхуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Баёноти имзоланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ш.Р. Мирсаидов, Қозоғистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси У. Караманов, Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси И. Ҳаёв, Қирғизистон ССР Ми-

нистрлар Кенгашининг раиси А. Жумагулов, Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг раиси Ҳ. Ахмедов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССРнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тұғрисида битимни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР раҳбарлари Үрта Осиё жумхуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатнома қабул қылдилар.

1990 йил 26 июнь – «Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи» фахрий унвони таъсис этилди.

1990 йил 1 июль – «Орол ҳаракати»ни тузиш тұғрисидаги Декларация матбуотда зылон қилинди. У Орол денгизини күтқариш ва минтақадаги бутун вазиятни соғломлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб күйди.

1990 йил 2–13 июль – Москвада Совет Иттифоки Коммунистик партияси (КПСС)нинг XXVIII съезді бўлиб ўтди. Унда «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Даствурий баёноти маъқулланди. КПСС Устави асос учун қабул қилинди. Съездда СССР Президенти М.С. Горбачёв КПСС Марказий Комитети Бош котиби этиб кайта сайланди. В.А. Ивашко КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари, Б.К. Пуго КПСС Марказий Назорат комиссиясининг раиси этиб сайланди.

1990 йил 13–14 июль – КПСС Марказий Комитети пленумида янги сайланган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси таркибига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримов ҳам киритилди.

1990 йил 25–26 июль – Ҳиндистон Бош министри Вишванатх Пратап Сингх Ўзбекистонда бўлиб, ташриф доирасида Бухоро ва Самарқандга ҳам сафар қилди.

1990 йил 28 июль – Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1990 йил 7 август – Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1990–1992 йилларда Ўзбекистон ССР қишлоқ

аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Давлат дастури» тұғрисидаги қарори матбуттада эълон қилинди.

1990 йил 14 август – Тошкент шаҳрида Республика ижарачилари ва ишбильармонларининг таъсис қурултойи бўлди.

1990 йил 15 август – Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуклари кўргазмасида Хитой Халқ Республикаси Синьцзян-Уйғур автоном райони фан-техника ютуклари кўргазмаси намойиш қилинди.

1990 йил 3 сентябрь – Ўзбекистон ўрмончиларининг I съездиде ўтказилди.

1990 йил 4 сентябрь – Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумхурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралаши туғрисида» Фармони қабул қилинди.

1990 йил 11–12 сентябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари XIV съездиде ўтказилди. Съездда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ташкил топди (Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгashi – «Узсовпроф» 1925 йил март ойидан фаолият кўрсата бошлаган).

1990 йил 14–16 сентябрь – Тошкентда машхур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлиланган «Имом Термизийнинг маънавий мероси ва ҳозирги замон» мавзуида ҳалқаро ислом анжумани ўтказилди. Анжуман қатнашчилари Имом Термизий таваллуд топган ва дағн этилган Шеробод тумани ҳамда Термиз шаҳри (Сурхондарё вилояти)га ҳам сафар килдилар.

1990 йил 19–26 сентябрь – Ўзбекистонда Малайзия хафталиги кунлари бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида Тошкентда «Ўзбекистон – Малайзия» дўстлик жамияти таъсис этилди.

1990 йил 25 сентябрь – Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгashi ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жумхурият давлат-кооператив маркази (Ўзынцентр)га айлантирилди.

1990 йил 26 сентябрь – СССР Олий Советининг Миллатлар Совети «Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятидаги воқеалар туғрисида» қарор қабул қилди.

1990 йил 28 сентябрь – Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириши министрлигини ташкил этиш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1990 йил сентябрь – Нұкус давлат педагогика институти қайта ташкил қилинди.

1990 йил 1 октябрь – Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг таркиби тұғрисида» Фармони эълон қилинди.

1990 йил 5 октябрь – Нұкус шаҳрида «Орол танглиги: унинг сабаблари ва ҳал килиш йүллари» мавзууда халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

1990 йил 6 октябрь – Ўзбекистонда йирик акциядорлик-тижорат банки – «Туронбанк» ташкил этилди.

1990 йил 9 октябрь – «Жамоат бирлашмалари» тұғрисида СССР Қонуни қабул қилинди.

1990 йил 17 октябрь – «Ўзбекистон ҳалқ ҳужалигини барқарорлаштиришнинг асосий йұналишлари ва бозор иқтисодиётига үтишнинг қоидалари» лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

1990 йил 18 октябрь – Москвада истеъдодли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишинган тантанали кеча бўлиб ўтди.

1990 йил 29 октябрь – Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Ўзбекистон ҳалқ ҳужалигини барқарорлаштиришнинг асосий йұналишлари ва бозор иқтисодиётига үтиш қоидалари тұғрисида» қарори қабул қилинди.

1990 йил 31 октябрь – Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги жумхуриятга бўйсунувчи вазирликка айлантирилди.

1990 йил 31 октябрь – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистонда мулкчилик тұғрисида» ва «Ўзбекистон ССРда ҳалқ депутатларининг мақоми тұғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1990 йил 1 ноябрь – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституция-

си (Асосий Конуни)га ўзгартариш ва қўшимчалар киришиш тўғрисида» Конуни қабул қилинди. Конунга кўра, Ўзбекистонда президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ўзбекистон ССР Президенти айни бир вактда Вазирлар Маҳкамасининг раиси бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг раиси, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари лавозими тугатилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозими таъсис этилди. Вице-президентни Ўзбекистон ССР Президенти тайинлаб, сунгра Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиклайди. У Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик килади ва унинг ишини ташкил этади.

1990 йил 1 ноябрь – Ўзбекистонда вице-президент лавозими таъсис этилди ва Шукурулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР вице-президенти этиб тайинланди (Бу лавозим 1992 йил 4 январда тугатилди).

1990 йил 13 ноябрь – Тошкент шаҳридаги Санъат саройида Ўзбекистон шифокорларининг I қурултойи бўлиб ўтди.

1990 йил 16 ноябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ўқитувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди.

1990 йил 20 ноябрь – Тошкент давлат дорилфунуни ташкил этилганлигининг 70 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

1990 йил 20 ноябрь – «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносаб турмуш шароити учун» Ўзбекистон Коммунистик партиясининг харакат дастури лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

1990 йил 22 ноябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР билан Украина ССР хукуматлари ўртасида 1991–1995 йилларда иқтисодий, савдо ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1990 йил 23–29 ноябрь – Хитой Халқ Республикаси Шинжон-Уйгур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси Темир Давомат бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

1990 йил 25 ноябрь – янги Иттифоқ Шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1990 йил 28–30 ноябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXIV съездига бўлди.

1990 йил 29 ноябрь – Тошкентда илк бор Ўзбекистон пахтачилик маҳсулоти улгуржи савдоси жумҳуриятлараро ярмаркаси бўлиб ўтди.

1990 йил ноябрь – Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлашириш министрлиги ташкил этилди.

1990 йил 2 декабрь – Наманган шаҳрида автобус ичида ички ишлар қўшинларининг ҳарбий хизматчилари гурухи билан йўловчилар ўртасида муштлашувлар бўлиб, унда 5 аскар ва 3 фуқаро ҳалок бўлди, 25 киши жароҳатланди. Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари Наманганга келишди.

1990 йил 3 декабрь – Тошкент шаҳрида Осиё – Тинч океани миintaқасида хавфсизлик ва ҳамкорлик ҳамда иккита томонлама муносабатлар муаммоларига бағишлиланган Совет – Жанубий Корея конференцияси ўтказилди.

1990 йил 7–8 декабрь – Тошкентнинг Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккичи босқичи бўлиб ўтди. Унда КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов «Жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Ўзбекистон Компартиясини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлап ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга тайёр гарлик борасидаги вазифалар түғрисида» маъзуза килди.

1990 йил 8 декабрь – Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантирилди; Ўзбекистон ССР Давлат режалаш қўмитаси Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт қўмитасига айлантирилди.

1990 йил 10–11 декабрь – Москвада бўлган КПСС МК Пленумида «Иттифоқ шартномасининг концепцияси ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилди.

1990 йил 14 декабрь – Қорақалпоғистон АССР Олий Совети 4-сессиясида «Ўзбекистон ССР таркибида Қорақалпоғистон АССР суворенитети тўғрисида Декларация» кабул қилинди.

1990 йил 17–27 декабрь – Москвада СССР халқ депутатларининг тўртинчи съезди бўлиб ўтди. Унда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р.Н. Нишонов «Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳакида» маъруза қилди. Съездда «Янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби ҳакида» қарор ва «Умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) тўғрисида» Конун кабул қилинди. Съездда Г.И. Янаев СССР вице-президенти этиб сайланди.

1990 йил 26 декабрь – «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустакиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносаб турмуш шароити учун» Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ҳаракат дастури республика матбуотида эълон қилинди ва кучга кирди.

1990 йил – Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида Уғом – Чотқол давлат табиат миллий боғи ташкил этилди.

1990 йил – «Тўмарис» хотин-қизлар ҳаракати ташкил топди.

1990 йил – Қорақалпок Давлат қўғирчоқ театри ташкил топди.

1991 йил – «Алишер Навоий йили» деб эълон қилинди.

1991 йил 1 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг расмий органи – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг биринчи сони нашрдан чиқди.

1991 йил 1 январь – Ўзбекистонда ҳам бутун СССР ҳудудида бўлгани сингари ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотларни, халқ истеъмоли молларини сотиш, ишларни бошқариш ва пулли хизмат

кўрсатишдан тушадиган пулнинг 5 фоизи микдорида савдо солиги жорий этилди. Бир йил давомида мавжуд бўлган бу солик халқ ўртасида «Президент Горбачёв солиги» деган ном олди.

1991 йил 11 январь – Ўзбекистон ССР Президентининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдами хўжаликларини янада ривожлантиришига оид қўшимча тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 16 январь – «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини саклаб қолиш тўғрисида» СССР Олий Кенгаши карор қабул қилди.

1991 йил 22 январь – «СССР Давлат банкининг 1961 йил нусхасидағи 50 ва 100 рубллик пул белгиларини тўлов учун қабул этишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида» СССР Президенти Фармони эълон қилинди. Бу ҳолат халқ ўртасида кучли норозиликка сабаб бўлди ва унинг иқтисодий турмушини яна ҳам оғирлаштирди. 23 январдан бошлаб эса СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидағи 50 ва 100 рубллик бўлган нусхаларини муомалага чиқариш бошланди. Бу ҳолат пулнинг қадрсизланиши ва инфляциянинг ҳаддан ташқари ошишига олиб келди.

1991 йил 23 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Туркия дўстлик жамияти таъсис этилди.

1991 йил 25–30 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон журналистларнинг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон журналистлари уюшмаси ташкил топди ва бошқарув органдари сайланди.

1991 йил 29 январь – Ўзбекистон ССР Президентининг «Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 1991 йил – Алишер Навоий йили деб эълон қилинди.

1991 йил январь – «Мулокот» журнали чиқа бошлади.

1991 йил январь – «Ўзбекистон коммунисти» ва «Коммунист Узбекистана» журналлари «Инсон ва сиёsat» – «Человек и политика» номи билан чиқа бошлади.

1991 йил январь – «Мухбир» журнали «Ўзбекистон матбуоти» номи билан чиқа бошлади.

1991 йил 12 февраль – Ўзбекистон ССР Президентинг «Жумхуриятда «Наврӯз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 12 февраль – Ўзбекистон ССР Давлат геология ва минерал ресурслар комитети ташкил этилди;

«Узбеклес» иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитетига айлантирилди.

1991 йил 15 февраль – Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида», «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиги тўғрисида» конунлари қабул қилинди.

1991 йил 1 март – Фарғона давлат педагогика институти негизида Фарғона давлат университети ташкил этилди.

1991 йил 3–10 март – Тошкент шаҳридаги марказий «Юбилей» спорт саройида таэквандо бўйича СССР биринчи чемпионати ўтказилди.

1991 йил 4 март – «СССР Олий Кенгашининг «Мамлакатни экология жиҳатидан соғломлаштиришни кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги карори Орол денгизи муаммолари бўйича қандай бажаралиётганилиги ҳақида» номли СССР Олий Кенгашининг карори қабул қилинди.

1991 йил 4 март – Тошкент шаҳрида бўлган республика хотин-қизлар кенгашининг III пленумида кенгаш Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон хотин-қизлар комитетига айлантирилди. (Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (1995 йил 2 март) билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Боз вазирнинг ўринбосари этиб тайинланди.)

1991 йил 5 март – Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мақоми тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 5 март – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов жумхурият олимлари билан учрашды.

1991 йил 5 март – Ўзбекистон ССР Президенти хузыридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райхон Беруний) номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти таъсис этилди.

1991 йил 12 март – «Суверен республикаларнинг иттифоқи тұғрисида шартнома» лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон килинди.

1991 йил 13–14 март – Бишкекда Ўзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов ва Кирғизистон Республикаси Президенти А.А. Ақаев ўзаро учрашды. Ўзбекистон ССР ва Кирғизистон Республикаси үртасида Дүстлик ва ҳамкорлик тұғрисидаги шартнома имзоланды.

1991 йил 17 март – биринчи марта СССРда умумхалқ референдуми үтказилди. Унда «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда хар қандай миллатта мансуб кишининг ҳуқук ва эркинликларига тұла даражада кафолат бериладиган федерацияси Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиши зарур деб ҳисоблайсизми?» деган масала күрілди. Ўзбекистон ССР худудида эса референдум пайтида құшимча бюллетень киритилиб, унда «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифок (Федерация) таркибида мустақил тенг ҳуқуқли жумхурият бўлиб қолишига розимисиз?» деган савол қўйилди. Референдумда рўйхатга киритилган Ўзбекистон ССР ахолисининг 10 287 938 фуқародан 9 830 782 киши катнашиб, «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида СССРни сақлаб қолиш учун» 9 196 848 киши ёки 93,7 фоизи овоз берди.

1991 йил 18 март – Ўзбекистон ССР Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш дехқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси мө

дий-техника базасини мустаҳкамлаш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 19 март – «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тұғрисида» СССР Президентининг Фармони қабул қилинди. Фармонга күра, СССР худудида давлат чакана нархлари ва тарифлари оширилди.

1991 йил 25 март – Үзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Үзбекистон ССР ахолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳақида» қарори қабул қилинди. Бу қарорга күра, нарх-наво ошишидаги зарарни қоплаш учун Үзбекистон ахолисига компенсация ва пул нафакалари тұлаш бошланди.

1991 йил 29 март – Үзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш тұғрисида» қарори қабул қилинди.

1991 йил 29 март – Сурхондарё вилояти таркибида Узун райони ташкил қилинди.

1991 йил март – тошкентлик спортчи Василиса Семенчук фристайл бүйіча Лейк-Плэсид қор трассасида үтказилған жағон чемпионатида ғолиб чиқиб, олтین медаль билан тақдирланди.

1991 йил 2 апрель – СССРда, жумладан, Үзбекистон ССР худудида янги давлат чакана нархлари ва тарифлари кучга кирди. Бу сана улкан мамлакатда яшовчи оддий халқнинг хонавайрон бўлиши ва иқтисодий ахволи оғирлашуви каби мураккаб жараённинг бошланиши сифатида «қора кун» бўлиб тарихга кирди.

1991 йил 16 апрель – Үзбекистонда Рўза ҳайити (Рамазон ҳайити) куни фуқаролар илк марта ишга чиқмадилар.

1991 йил 19–21 апрель – Үзбекистон ССР Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги Үзбекистон ССР давлат делегацияси Туркманистанда бўлди. Ташириф давомида Үзбекистон ССР ва Туркманистан ССР ўртасида Дүстлик ва ҳамкорлик тұғрисида шартнома ҳамда Үзбекистон ССР хукумати билан Туркманистан ССР хукумати ўргасида

1992–1995 йилларда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тұғрисида битим имзоланды.

1991 йил 23 апрель – СССР Президенти М. Горбачёв ҳамда 9 та иттифоқдош республикалар – РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қиргизистон ва Туркманистан давлат олий идоралари раҳбарларининг учрашувида «Мамлакатдаги ахволни барқарорлашириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бұлмайдиган чора-тадбирлар тұғрисида құшма баёнот» қабул қилинди. Баёнотда янги иттифоқ шартномаси хужжати лойиҳасини тайёрлаш ишини яқин вакт ичиде ту-галлаш таъкидланды.

1991 йил 30 апрель – Тошкент метросининг «Беруний» ва «Тинчлик» бекатлари фойдаланишга топширилди.

1991 йил 4 май – Ангрен шаҳрига қарашли Жигаристон күрғонида кучли ер силкиниши содир бўлиб, кўплаб кишилар ҳалок бўлди. Ўзбекистон ССРда 6 май мотам куни деб эълон қилинди.

1991 йил 5 май – Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети Ўзбекистон ССР Меҳнат вазирлигига айлантирилди.

1991 йил 6 май – Тошкент политехника институтининг архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши ҳамда мухандис қурилиш факультетлари негизида Тошкент архитектура ва қурилиш институти ташкил этилди.

1991 йил 12–25 май – СССР Бош вазири В.С. Павлов Ўзбекистонга келди.

1991 йил 13 май – Тошкент халқ хўжалиги институтининг молия-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизида Тошкент молия институти ташкил этилди.

1991 йил 31 май – Ўзбекистон ССР Президентининг «Республика кишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 6 июнь – Тошкент халқ хўжалиги институти Тошкент давлат иқтисодиёт дорилғунунiga айлантирилди.

1991 йил 11 июнь – Узбекистон ССР Президентининг «Узбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясини ташкил этиш ҳақида» Фармони қабул килинди.

1991 йил 13 июнь – Узбекистон ССР Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакириқ 5-сессиясида Узбекистон ССР вице-президенти Ш.Р. Мирсаидов «Мустақил Давлатлар Иттифоки тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Узбекистон ССР Олий Кенгашининг «Мустақил Давлатлар Иттифоки тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси ҳақида» қарори қабул килиниб, мазкур лойиҳа маъқулланди.

1991 йил 14 июнь – Узбекистон ССРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «ОИТС билан касалла-нишнинг олдини олиш тўғрисида», «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Узбекистон ССР Олий Кенгашининг Мандат комиссияси ва қўмиталари тўғрисида», «Узбекистон ССРнинг ташки иктисадий фаолияти тўғрисида», «Узбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида», «Узбекистон ССРда кооперация тўғрисида» конунлари қабул килинди.

1991 йил 14 июнь – Узбекистон ССР давлат солиқ идоралари тўғрисидағи Низом тасдикланди.

1991 йил 18–22 июнь – Тошкент шаҳридаги Наврӯз мажлислар марказида биринчи Тошкент ишбилармонлар учрашуви ўтказилди. Унда Узбекистон ССР раҳбарлари катнашди.

1991 йил 22 июнь – Тошкентда диний байрам Курбон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни сифатида илк марта нишонланди.

1991 йил 28 июнь – «Мустақил Давлатлар Иттифоки тўғрисида шартнома» лойиҳаси Узбекистон матбуотида эълон қилинди.

1991 йил 3 июль – Узбекистон ССР Олий Кенгашининг «Узбекистон ССР ташкил топган санани аниқлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» қарори матбуотда эълон қилинди.

1991 йил 15 июль – Тошкент давлат университетининг шарқ факультети асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилди.

1991 йил 20 июль – Узбекистон ССР Фанлар академияси таркибида Сув муаммолари институти ташкил этилди.

1991 йил июль – Тошкент шаҳрида Узбекистон халқ академиясига асос солинди.

1991 йил 14 август – Тошкент шаҳрида Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари президентларининг кенгаши ўтказилди. Кенгашда республикалар раҳбарларининг учрашуви якунлари хусусида ахборот ҳамда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикалараро Маслаҳат кенгашини тузиш тұғрисида Битим имзоланди.

1991 йил 16 август – Мустакил Давлатларнинг Иттифоки тұғрисида шартнома (1991 йил 23 июля келишиб олинган) Узбекистон матбуотида зылон қилинди.

1991 йил 17–19 август – Узбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига республика раҳбари сифатида илк мустакил расмий ташрифи бұлды. Ташири доирасида Узбекистон ССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иктисадий, савдо ва илмий-техникавий ҳамда мәданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлық қилиш тұғрисидаги битимлар имзоланди. Натижада мамлакатимиз ташқи сиёсатининг тамал тоши қўйилди.

1991 йил 18 август – СССР вице-президенти Г. Янаев, СССР Баш вазири В. Павлов, СССР Мудофаа кенгашининг биринчи ўринбосари О. Бакланов «Совет раҳбаријатининг баёноти» билан чиқиб, СССРда Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети тузилганилигини зылон қилишди. Совет халқига мурожаатнома қабул қилинди. Г. Янаев ўзини М.С. Горбачёв саломатлиги ёмонлашғанлиги сабабли 19 августдан бoshlab СССР Президенти вазифасини ижро этувчи, деб зылон қилди.

1991 йил 19–21 август – СССР парчаланиши жараёнининг олдини олишга қаратылған давлат тұнтарышига уриниш бұлди. СССР худудида Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети (ГКЧП) тузилди. СССР вице-президенти Геннадий Иванович Янаев унга раҳбарлық қилди. Комитет таркиби-

га МК раҳбарлари, СССР Мудофаа, Ички ва Ташки ишлар министрлари кирган эди. Бу пайтда Кримда дам олаётган СССР президенти Михаил Сергеевич Горбачёвнинг саломатлиги ёмонлашди, деб эълон қилинди. Москвага қўшин киритилди. Бирок ушбу путч РСФСР президенти Борис Николаевич Ельцин раҳбарлигидаги демократик кучлар томонидан бостирилди. М.С. Горбачёв Москвага қайтгач, кейинчалик Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети аъзоларига карши жиноий иш кўзгатилди. Путч барбод бўлгач, КПСС сиёсий партия сифатида ўз фаолиятини тұхтатишга мажбур бўлди ҳамда СССРдаги иттифоқдош республикалар ўз мустақиллеклари ва суверенитетларини эълон қилишди.

1991 йил 21 август – Узбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Узбекистон ССР Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари иштирокидаги кўшма мажлисининг баёноти ҳамда Узбекистон ССР Президенти, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Каримовнинг республика аҳолисига мурожаати матбуотда эълон қилинди.

Узбекистон ССР Президенти Ислом Каримовнинг Фармони қабул қилиниб, унда СССРда Фавқулодда ҳолат Давлат Комитетининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига, Узбекистон ССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган фармонлари ва қарорлари ҳақиқий эмас, деб хисобланди.

1991 йил 22 август – Москвага тунда қайтиб келган СССР Президенти М.С. Горбачёв мамлакат телекўрсатуви ва радиоэшилтириши учун Баёнот бериб, вазиятни тұлаттұқис қўлга олганлигини эълон қилди. СССР худудида давлат тұнташи ташкилотчиларининг ғайриконституцияий хужжатлари бекор қилинди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроиси ва Марказий Назорат Комиссияси Раёсатининг баёноти эълон қилиниб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И.А. Каримовнинг бундан кейин КПСС МК Сиёсий бюросининг ҳозирги таркибида кола олмаслиги тұғрисидаги баёнотини қўллаб-куватлади.

1991 йил 24 август – «СССР Куролли Кучлар ва ҳукукни муҳофаза килиш идораларида ҳамда давлат аппарата тида сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида» СССР Президентининг Фармони қабул қилинди.

1991 йил 25 август – Узбекистон ССР Президентининг Фармони қабул қилиниб, Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик комитети Узбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди.

1991 йил 27 август – Узбекистон ССР Президенти Фармони қабул қилиниб, Узбекистон ССР ҳудудида фаолият кўрсатаётган ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармалар, уларнинг бўлимлари ва корхоналари партия тасарруфидан чиқарилди.

1991 йил 28 август – Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий Назорат Комиссиясининг қушма пленуми бўлиб ўтди. Унда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби, Узбекистон ССР Президенти И.А. Каримов «Мамлакатда 19–21 август кунлари содир бўлган фожиали воқеалар ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза килди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА (1991–2012 ЙИЛЛАР)

1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тұғрисида Олий Кенгаш баёноти ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тұғрисида» Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тұғрисида» қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳукумат раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти: Ислом Абдуғаниевич Каримов (1991 йил 31 августдан/29 декабрдан).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi раислари: Шавкат Мухитдинович Йўлдошев (1991 йил 31 август – 1993 йил 29 декабрь), Эркин Халилов (1993 йил 29 декабрь – 1995 йил 23 февраль). *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси:* Эркин Ҳамдамович Халилов (1995 йил 23 февраль – 2005 йил январь).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раислари: Мурод Шарифхўжаев (2005 йил 27 январь – 2006 йил 23 февраль), Илгизар Матёкубович Собиров (2006 йил 24 февралдан).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатасининг спикерлари: Эркин Ҳамдамович Халилов (2005 йил 27 январь – 2008 йил 22 январь), Дибором Фофуржоновна Тошмуҳамедова (2008 йил 23 январдан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси: Ислом Абдуғаниевич Каримов (1991 йил 31 август – 2005 йил январь);

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари: Абдуллошим Муталович Муталов (1992 йил 13 январь – 1995 йил 21 декабрь), Уткир Тўхтамуродович Султонов (1995 йил 21 декабрь – 2003 йил 10 декабрь), Шавкат Миромонович Мирзиёев (2003 йил 10 декабрдан).

1991 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни – умумхалқ байрами.

1991 йил 1 сентябрь – «Совет Ўзбекистони» газетаси «Ўзбекистон овози» номи билан чоп этила бошлади.

1991 йил 1 сентябрь – Тошкент шаҳрида «Оила ва жамият» газетаси чоп этила бошлади.

1991 йил 2–5 сентябрь – Москвада СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съездидан ўтказилди. Съезд ўтиш давридаги СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари тўғрисидаги Қонунни қабул қилиб, аслида ўзини ўзи тарқатиб юборишга ва бутун ҳокимиятни янги тузиладиган олий бошқарув идораларига топширишга рози бўлди.

1991 йил 5 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» (барча ҳужжатлар 31 августда қабул қилинган) республика марказий матбуотида эълон қилинди.

1991 йил 5 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги В.И. Ленин номли майдонини Мустақиллик майдони деб қайта номлаш ҳақида Фармони эълон қилинди.

1991 йил 6 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди.

1991 йил 7 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.

1991 йил 9 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошкармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва Бош таҳририят (2002 йил ок-

тябрдан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси) ташкил қилинди.

1991 йил 14 сентябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сўнгги фавқулодда XXIII курултойи бўлиб, унда КПСС таркибидан чикиш ва сифат жиҳатидан янги сиёсий ташкилот – Ўзбекистон Халқ Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП)ни тузиш ҳақидаги Баёнот қабул қилинди.

1991 йил 17 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ҳамда халқ таълими системасини партиядан холи этиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 20 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Адабиёт институти (ҳозирги Тил ва адабиёт институти)га Алишер Навоий номи берилди.

1991 йил 24 сентябрь – Тошкентда «Эл» халқаро ўюшмасининг ташаббуси билан ўзбеклар (туркистонликлар) нинг биринчи халқаро учрашуви бўлди.

1991 йил 25 сентябрь – адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти илк марта Абдулла Қодирий (мархум), Абдулҳамид Чўлпон (мархум), Абдурауф Фитрат (мархум), шунингдек, Шермат [Шерали] Жўраев, Баҳодир Жалолов, Серго Сутягин, Саминжон Мўйдинов, Мурод Фозилов, Манзар Салим (Хиндистон)га берилди.

1991 йил 26 сентябрь – Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги Иттифок-Республика Комитети тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармаси (хизмати) тузилди ва Республика Президентига бўйсундирилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармаси (хизмати) раҳбарлари: Фулом Алиев (1991 йил 12 июнь – 1995 йил 27 июнь), Рустам Расулович Иноятов (1995 йил 27 июндан).

1991 йил 28 сентябрь – Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик тантаналари нишонланди. Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк мута-

факкир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали ва унинг номи билан аталағидан катта боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1991 йил 30 сентябрь – Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикасининг мустақиллиги эътироф этилди.

1991 йил 30 сентябрь – Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакирик навбатдан ташқари 7-сессиясида «Узбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конунга конституциявий мақом бериш тўғрисида Узбекистон Республикаси Конуни қабул килинди. Инсон хукуклари ва эркинликлари тўғрисида Декларация ратификация этилди.

1991 йил сентябрдан – Узбекистон Республикасидаги муҳим вазирликлар, кўмиталар, суд ва прократура органлари ҳамда уларнинг раҳбарлари:

Узбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири – миллий гвардия қўмондони: Рустам Үрмонович Ахмедов (1991 йил 10 сентябрь – 1993 йил 3 июль); *Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлари:* Рустам Үрмонович Ахмедов (1993 йил 3 июль – 1997 йил 29 сентябрь), Ҳикматулло Кўчкорович Турсунов (1997 йил 29 сентябрь – 2000 йил 14 февраль), Юрий Набиевич Агзамов (2000 йил 14 февраль – 2000 йил 29 сентябрь), Қодир Фофурович Гуломов (2000 йил 29 сентябрь – 2005 йил 18 ноябрь), Руслан Эркинович Мирзаев (2005 йил 18 ноябрь – 2008 йил 17 сентябрь), Қобул Раимович Бердиев (2008 йил 17 сентябрдан).

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлари: Зокиржон Алматов (1991 йил 16 сентябрь – 2005 йил декабрь), Баҳодир Ахмедович Матлюбов (2006 йил 5 январдан).

Узбекистон Республикаси Ташиқ ишлар вазирлари: Шахло Насимовна Маҳмудова (1991 йил 16 сентябрь – 1992 йил 7 январь), Убайдулла Аббосович Абдураззоқов (1992 йил 7 январь – 1993 йил 28 январь), Содик Солиҳович Сафоев (1993 йил 2 февраль – 1993 йил 22 июль), Сайдмуҳтор Сайдғозиевич Сайдқосимов (1993 йил 22 июль – 1994 йил

18 август), Абдулазиз Ҳофизович Комилов (1994 йил 18 август – 2003 йил 14 март), Содик Солиҳович Сафоев (2003 йил 14 март – 2005 йил 3 февраль), Элёр Мажидович Фаниев (2005 йил 3 февраль – 2006 йил 12 июль), Владимир Имомович Норов (2006 йил 12 июль – 2010 йил 28 декабрь), Элёр Мажидович Фаниев (2010 йил 28 декабрдан).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлари: Эркин Абдулахатович Муродов (1990 йил 31 декабрь – 1991 йил 6 сентябрь), Эркин Жўраевич Бокибоев (1991 йил 10 сентябрь – 1994 йил 18 январь), Бахтиёр Султонович Ҳамидов (1994 йил 18 январь – 1997 йил 31 июль), Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов (1997 йил 31 июль – 1998 йил 13 октябрь), Рустам Содикович Азимов (1998 йил 13 октябрь – 2000 йил 8 ноябрь), Мамаризо Бердимуродович Нормуров (2000 йил 8 ноябрь – 2004 йил 9 июль), Саидаҳмад Бориевич Раҳимов (2004 йил 13 июль – 2005 йил 22 ноябрь), Рустам Содикович Азимов (2005 йил 22 ноябрдан).

Ўзбекистон Республикаси Таишқи иқтисодий алоқалар (ишлар) вазирлари: Уткир Тўхтамуродович Султонов (1992 йил 22 февраль – 1995 йил 21 декабрь), Тоҳир Ғофурович Раҳимов (1996 йил 16 июль – 1997 йил 19 май), Элёр Мажидович Фаниев (1997 йил 19 май – 2002 йил 23 октябрь);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлари: Рустам Содикович Азимов (2003 йил 22 январь – 2005 йил 3 февраль), Вячслав Аркадьевич Голешев (2005 йил 26 июль – 2006 йил 11 апрель), Ботир Асадиллаевич Ходжаев (2006 йил 11 апрель – 2009 йил 9 июль), Сунатулла Ҳусанович Бекенов (2009 йил 9 июль – 2010 йил 21 октябрь), Равшан Аюпович Гуломов (2010 йил 21 октябрдан).

Ўзбекистон Республикаси Таишқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлари: Рустам Содикович Азимов (2005 йил 25 июль – 2005 йил 22 ноябрь), Алишер Эркинович Шайхов (2005 йил 2 декабрь – 2006 йил 12 апрель), Насриддин Эргашевич Нажимов (2006 йил 12 апрель – 2006 йил 12 июль), Элёр Мажидович Фаниев (2006 йил 12 июль – 2010 йил 28 декабрь), Галина Каримовна Сайдова (2010 йил 28 декабрдан).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлари: Мухаммад-Бобур Мажидович Маликов (1990 йил 31 декабрь – 1993 йил 19 февраль), Алишер Мардиевич Мардиев (1993 йил 24 февраль – 1995 йил 22 ноябрь), Сирожиддин Мирсафоев (1995 йил 30 ноябрь – 2000 йил 11 февраль), Абдусамад Абдуҳамидович Полвон-зода (2000 йил 11 февраль – 2005 йил 3 февраль), Бўритош Мустафоев (2005 йил 3 февраль – 2006 йил 1 декабрь), Фозилжон Ҳайдарович Отаконов (2006 йил 4 декабрь – 2007 йил 30 июль), Равшан Абдулатифович Мухиддинов (2008 йил январдан).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлари: Шавкат Орифжонович Алимов (1990 йил 29 январь – 1992 йил 5 февраль), Жўра Абдуллаевич Абдуллаев (1992 йил 5 февраль – 1994 йил 25 февраль), Оқил Умрзоқович Салимов (1994 йил 25 февраль – 1998 йил 10 июль), Саидахрор Саидахмедович Ғуломов (1998 йил 10 июль – 2004 йил 12 май), Рустам Собирович Қосимов (2004 йил 12 май – 2007 йил 29 декабрь), Азимжон Парпиев (2007 йил 29 декабрь – 2010 йил 26 февраль), Баҳодир Юнусович Ходиев (2010 йил 1 марта).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлари: Жўра Фаниевич Йўлдошев (1991 йил 22 июль – 2000 йил 11 август), Рисбой Ҳайдарович Жўраев (2000 йил 11 август – 2004 йил 7 май), Туropжон Икромович Жўраев (2004 йил 7 май – 2008 йил 26 март), Ғайрат Баҳромович Шоумаров (2008 йил 28 апрель – 2010 йил 26 февраль), Авазжон Раҳимович Мараҳимов (2010 йил 2 март – 2011 йил 2 июль), Темур Ширинов (2011 йил 5 июлдан).

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлари: Наим Ёвқочевич Ғойибов (1990 йил 19 июнь – 1992 йил 27 март), Эркин Қаҳхорович Ҳайитбоев (1993 йил 12 март – 1996 йил 1 ноябрь), Ҳайрулла Равшанович Жўраев (1996 йил 1 ноябрь – 2002 йил 2 октябрь), Баҳром Тухтаевич Қурбонов (2002 йил 2 октябрь – 2004 йил 27 май); *Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлари:* Алишер Аббосович Азизхўжаев (2004 йил 4 октябрь – 2006 йил 7 июль), Рустам Жавдатович Қурбонов (2006 йил 17 июль –

2009 йил 9 март), Анвар Жуманиёзович Жабборов (2009 йил 9 март – 2011 йил 17 январь), Турсунали Каримович Кўзиев (2011 йил 22 июндан).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлари: Шавкат Иброҳимович Каримов (1991 йил 16 апрель – 1998 йил 23 ноябрь), Феруз Фоғурович Назиров (1998 йил 23 ноябрь – 2009 йил 23 апрель), Адҳам Илҳомович Иқрамов (2009 йил 23 апрелдан).

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлари: Исмоил Ҳакимович Жўрабеков (1996 йил 4 март – 1997 йил 29 сентябрь), Рустам Ўрмонович Аҳмедов (1997 йил 29 сентябрь – 1998 йил 28 май), Баҳодир Эргашевич Қосимов (1998 йил 7 юль – 2001 йил 2 октябрь), Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров (2001 йил 13 октябрь – 2002 йил 16 май), Ботир Раҳматович Парпиев (2002 йил 24 июнь – 2003 йил 26 февраль), Баҳтиёр Жумабоевич Субанов (2003 йил 26 февраль – 2006 йил 7 март), Қобул Раимович Бердиев (2006 йил 27 март – 2008 йил 17 сентябрь), Қосимали Хошимович Аҳмедов (2008 йил 17 сентябрь – 2010 йил 3 март), Турсинхон Айдарович Худойберганов (2010 йил 3 мартдан).

Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазари: Рим Абдулович Гиниятуллин (1989 йил 16 октябрь – 1996 йил 4 март); *Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлари:* Мирзажон Йўлдошевич Исломов (1990 йил 31 декабрь – 1992 йил 18 юль), Норбек Қаюмов (1992 йил 25 август – 1994 йил 2 ноябрь), Расулмет Ҳусанов (1994 йил 22 ноябрь – 1996 йил 8 январь), Маркс Жуманиёзов (1996 йил 8 январь – 1996 йил 22 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлари: Маркс Жуманиёзов (1996 йил 22 ноябрь – 1997 йил 28 октябрь), Азимжон Исмоилович Мухитдинов (1997 йил 28 октябрь – 1997 йил 24 декабрь), Исмоил Ҳакимович Жўрабеков (1997 йил 24 декабрь – 1998 йил 3 ноябрь), Ислом Олимович Бобоҷонов (1998 йил 5 ноябрь – 1999 йил 26 март), Баҳтиёр Олимжонов (1999 йил 5 апрель – 2000 йил 24 март), Туроб Ҳолтоев (2000 йил 17 апрель – 2002 йил 16 апрель), Носиржон Собирович Юсупов (2002 йил 16 апрель – 2003

йил 26 май), Абдувоҳид Маматқулович Жўраев (2003 йил 5 июнь – 2004 йил 25 март), Сайдулло Бегалиев (2004 йил 25 март – 2004 йил 1 юль), Икромхон Ҳошимхонович Нажмидинов (2004 йил 1 юль – 2004 йил 17 сентябрь), Шермат Нурматов (2004 йил 28 сентябрь – 2004 йил 15 октябрь), Сайфиддин Умаровиҷ Исмоилов (2004 йил 15 декабрь – 2010 йил 12 март), Зафар Шароповиҷ Рўзиев (2010 йил 12 марта).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлари: Алижон Раҳматовиҷ Отажонов (1991 йил 8 май – 1995 йил 26 апрель), Оқилжон Обидов (1995 йил 26 апрель – 1999 йил 28 январь), Шавкатбек Ғуломовиҷ Иброҳимов (1999 йил 26 май – 2001 йил 26 февраль).

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлари: Санобар Ахроловна Хўжаева (1989 йил 17 сентябрь – 1993 йил 24 февраль), Баҳодир Ҳамидович Умрзоков (1993 йил 24 февраль – 1999 йил 28 январь), Оқилжон Обидов (1999 йил 28 январь – 2001 йил 25 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлари: Оқилжон Обидов (2001 йил 26 февраль – 2006 йил 14 сентябрь), Актам Аҳмадовиҷ Ҳайитов (2006 йил 14 сентябрдан).

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириши вазирлари: Марат Содикович Тошпӯлатов (1990 йил 22 ноябрь – 1993 йил 26 февраль), Валерий Йўлдошевич Отаев (1993 йил 26 февраль – 1999 йил 28 июль), Эргаш Раҳматуллаевиҷ Шоисматов (1999 йил 26 октябрь – 2001 йил 22 февраль).

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлари: Комилжон Раҳимов (? – 1995 йил 6 сентябрь), Тоҳир Фоғуровиҷ Раҳимов (1995 йил 21 сентябрь – 1996 йил 16 июль), Абдувоҳид Жўрабоев (1996 йил 1 октябрь – 1997 йил июнь).

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат курсатиши вазирлари: Виктор Константинович Михайлов (1993 йил 13 август – 1998 йил 30 ноябрь), Фоғуржон Каримович Муҳамедов (1998 йил 30 ноябрь – 2001 йил 1 январь).

Ўзбекистон Республикаси Давлат Бојхона қўмитаси раислари: Ураимжон Абдуганиев (1992 йил 12 август – 1997

йил 11 июль), Уткир Толипович Комилов (1997 йил 11 июль – 2000 йил 27 январь), Сайд-Азим Арипов (2000 йил 11 февраль – 2001 йил 15 январь), Уткир Толипович Комилов (2001 йил 15 январь – 2002 йил 24 апрель), Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров (2002 йил 16 май – 2002 йил 2 декабря), Ботир Раҳматович Парпиев (2002 йил 2 декабрь – 2004 йил 6 февраль), Баҳодир Ахмедович Матлюбов (2004 йил 17 февраль – 2006 йил 5 январь), Содирхон Холхўжаевич Носиров (2006 йил 11 январь – 2011 йил), Зоҳид Абдукаюмович Дусанов (2011 йил апрелдан).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат Солиқ бошқармаси раиси: Шамиль Қодирович Гатаулин (1992 йил 4 май – 1994 йил 25 январь); *Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси раислари:* Шамиль Қодирович Гатаулин (1994 йил 25 январь – 1997 йил 28 июль), Виль Савильевич Беганов (1997 йил 28 июль – 1999 йил 30 март), Собит Ахмедович Алимбоев (1999 йил 30 март – 2000 йил 11 февраль), Ботир Асадиллаевич Ходжаев (2000 йил 11 февраль – 2002 йил 24 апрель), Уткир Толипович Комилов (2002 йил 24 апрель – 2002 йил 24 июль), Жамshed Бадриддинович Сайфиддинов (2002 йил 24 июль – 2004 йил 6 февраль), Ботир Раҳматович Парпиев (2004 йил 6 февралдан).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раислари: Асхат Шарипович Хабибуллаев (1991 йил 12 июнь – 2000 йил 6 июнь), Халим Сатимович Шеримбетов (2000 йил 6 июнь – 2005 йил 6 май), Борий Ботирович Алихонов (2005 йил 6 май – 2009 йил 29 август), Нариман Мажидович Умаров (2009 йил 29 августдан).

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкни бошқарииш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раислари: Шуҳрат Рашидович Фофуров (1992 йил 21 февраль – 1994 йил 26 январь), Виктор Анатольевич Чжен (1994 йил 26 январь – ?), Уқтам Кўчқорович Исмоилов (? – 2002 йил 20 декабрь), Маҳмуджон Аҳматович Асқаров (2002 йил 30 декабрдан).

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқарииш ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси раислари:

Бадриддин Насириевич Насириев (2000 йил 15 август – 2001 йил 26 июнь), Азимхон Усмонович Баҳромов (2001 йил 26 июнь – 2003 йил 30 июль), Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов (2004 йил 6 февраль – 2005 йил 23 май), Фалина Каримовна Сайдова (2005 йил 23 май – 2006 йил 30 май), Боймурод Суюнович Улашов (2006 йил 1 июнь – 2010 йил 28 январь), Жаҳонгир Faфурович Исмоилов (2010 йил 12 марта).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истикборни белгилаши ва статистика давлат қўмитаси раислари: Рим Абдулович Гиниятулин (1996 йил 1 ноябрь – 1997 йил 15 май); *Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлари:* Бахтиёр Султонович Ҳамидов (1997 йил 16 май – 2000 йил 28 июль), Рустам Содиқович Азимов (2000 йил 8 январь – 2003 йил 16 январь); *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси раислари:* Faфуржон Собирович Қудратов (2003 йил 16 январь – 2010 йил 28 январь), Ботир Эшбоевич Тўраев (2010 йил 9 февралдан).

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиши қўмитаси раислари: Азиз Валиевич Фаниев (1993 йил 28 август – 1994 йил 9 ноябрь), Тўлаган Набиев (1994 йил 9 ноябрь – 1999 йил 12 июль), Баҳодир Эргашевич Ходжаев (1999 йил 12 июль – 2000 йил 1 июнь), Азамат Рамзитдинович Тўхтаев (2000 йил 1 июнь – 2008 йил 10 январь), Ноҳирхон Маъсудович Ҳанов (2008 йил 10 январь – 2009 йил 9 июль), Ботир Асадиллаевич Ҳужаев (2009 йил 9 июлдан).

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитети раислари: Александр Радионович Антонес (1989 йил 3 май – ?), Обид Назаров (? – 1992 йил 25 август), Собиржон Собитович Рўзиев (1992 йил 26 август – 1995 йил 10 ноябрь), Баҳодир Махситов (1995 йил 10 ноябрь – 2002 йил 17 декабрь), Комилжон Турсунович Юспов (2002 йил 17 декабрь – 2004 йил 4 октябрь).

Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника қўмитаси раислари: Ноҳирбек Рустамбекович Юсупбеков (1992 йил 21 апрель – 1994 йил 10 июнь), Пўлат Қирғизбоевич

Хабиуллаев (1994 йил 6 июль – 2002); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори: Пўлат Қирғизбоевич Ҳабиуллаев (2002–2006); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривоҷлантириши мувофиқлаштириши қўмитаси раислари: Эркин Агзамович Зоҳидов (2006 йил 28 август – ?) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раислари: Ҳалима Худойбердиева (1991 йил март – 1994 йил), Дилбар Махмудовна Ғуломова (1994 йил – 2004 йил 28 январь), Светлана Турсуновна Иномова (2004 йил 28 январь – 2008 йил 2 июнь), Фарида Шорахимовна Акбарова (2008 йил 2 июнь – 2011 йил), Элмира Иркиновна Баситхонова (2011 йилдан).

Ўзбекистон Республикаси Давлат нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқарувининг раислари: Қайим Жалилович Ҳаққулов (1992 йил 3 июнь – 1998 йил 21 сентябрь), Ибрат Анварович Зайнутдинов (1998 йил 21 сентябрь – 2000 йил 19 июнь), Валерий Йўлдошевич Отаев (2000 йил 19 июнь – ?.) ва бошқалар.

Ўзбекистон Давлат банки бошқарувининг раислари: Эркин Жўраевич Боқибоев (1991 йил 15 февраль – 1991 йил 30 сентябрь), Файзулла Мақсаджонович Муллажонов (1991 йил 30 сентябрь – 1992 йил 2 юль); Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси: Файзулла Мақсаджонович Муллажонов (1992 йил 2 юлдан).

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раислари: Шавкат Закариевич Үразаев (1993–1995), Баҳодир Отабоевич Эшонов (1995 йил 22 декабрь – 2002 йил 30 август), Бўритош Мустафоев (2002 йил 30 август – 2004 йил 30 апрель), Мирзо-Улуғбек Элчиевич Абдусаломов (2004 йил 30 апрелдан).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раислари: Убайдулла Қурбонович Мингбоев (1991 йил 12 июнь – 2003 йил 25 апрель), Фарруҳа Фахриддинова Мухитдиновна (2003 йил 25 апрель – 2005 йил 6 май), Бўритош Мустафоев (2006 йил 1 декабрдан).

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раислари: Мирзо-Улуғбек Элчиевич Абдусаломов (1995 йил 5 май – 2004 йил 27 август), Аминжон Жабборович Ишметов (2004 йил 27 август – 2008 йил 28 июнь), Дилмурод Ахмадуллаевич Мирзакаримов (2008 йил 28 июндан).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорлари: Бўритош Мустафоев (1990 йил 1 ноябрь – 1998 йил 23 декабрь), Усмон Чинозович Худойқулов (1998 йил 23 декабрь – 2000 йил 18 февраль), Рашидjon Ҳамидович Қодиров (2000 йил 18 февралдан).

1991 йил 1 октябрь – Олмаота (Қозогистон)да Мустақил давлатларнинг Иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги ахборотни 12 республика раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ҳам имзолади.

1991 йил 4 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» Конун лойиҳаси мухокама учун матбуотда эълон қилинди.

1991 йил 5 октябрь – Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари матбуотда эълон қилинди.

1991 йил 7 октябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва Санкт-Петербург мэри А.А. Собчак Ўзбекистон Республикаси хукумати ва Санкт-Петербург шаҳри мэрияси ўртасидаги музокаралар тўғрисида баёнотни имзолаши.

1991 йил 9 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов жумхуриятимизнинг таниқли ёзувчилари ва шоирлари, адабиётшунос олимлар билан учраши.

1991 йил 10 октябрь – Ўзбекистон Республикасини суверен республика деб илк бор Грузия давлати тан олди.

1991 йил 16 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божи тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

1991 йил 18 октябрь – Москвада саккиз республика (Арманистон, Белорусь, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Туркманистон, Ўзбекистон) раҳбарлари суверен республикаларнинг Иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги

шартномани имзоладилар. Шартномани СССР Президенти М.С. Горбачёв ҳам имзолаб тасдиқлади.

1991 йил 19 октябрь – Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Аёз Муталибов Тошкентда ҳар икки республика ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

1991 йил 22 октябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида» Фармони қабул килинди.

1991 йил 24 октябрь – «Иқтисодий ҳамжамият тўғрисида шартнома» Узбекистон матбуотида эълон қилинди.

1991 йил 25 октябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Деловой мир» газетасига берган интервьюси «Биз конфедерация тарафдори!» деган ном билан «Узбекистон овози» газетасида босилиб чиқди.

1991 йил 25 октябрь – Узбекистон Республикаси Божхона комитети тузилди.

1991 йил 26 октябрь – Москвада Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов ва РСФСР Президенти Борис Николаевич Ельцин ўртасида музокаралар бўлиб ўтди ҳамда ҳар икки давлат ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида битим имзоланди.

1991 йил 28 октябрь – Тошкент шаҳрида Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва Украина Республикаси Олий Кенгашининг раиси Л.М. Кравчук ҳар икки республика ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзолашди.

1991 йил октябрь – Португалияниң Порту шаҳрида ўтказилган пианиочиларнинг халқаро танловида Узбекистон Республикаси биринчи марта мустақил давлат сифатида иштирок этди. Узбекистонлик ёш мусиқачи Улуғбек Полнов ушбу кўрик совиндори бўлди.

1991 йил октябрь – декабрь – Узбекистон Республикаси вилоятларини вилоят партия комитети (обком)нинг биринчи котиби ўрнига халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси бошқарди. Бу ҳолат мос равишда туман ва шаҳар

бошқарувига ҳам жорий қилинди. Шу билан бирга бу пайтда вилоят, туман ва шаҳар ижроия комитетларининг раиси лавозими ҳам сақланиб қолди.

1991 йил 1 ноябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг 1-таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Курултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг раиси, Махмуджон Мўминович Расулов эса партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

1991 йил 5 ноябрь – «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ташкил топди.

1991 йил 6 ноябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва Белорусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С.С. Шушкевич ҳар икки республика ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзолашди.

1991 йил 6 ноябрь – Гулистон шаҳрида Мирзачўлда қўриқ ерларни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллиги тантанали нишонланди.

1991 йил 9 ноябрь – Москва шаҳрида 12 та мустақил республикалар ҳукумати вакиллари томонидан имзоланган «1992 йилда озик-овқат таъминоти юзасидан суворен республикалар (давлатлар)нинг битими» Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1991 йил 16 ноября – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг давлат таъминотидаги ахолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 17 ноября – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashiда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси фракцияси тузилди.

1991 йил 18 ноября – «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри бошқарув идораларининг мақоми ва тузилиши тўғрисида» қарор қабул қилинди.

1991 йил 18 ноября – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»,

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1991 йил 19 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

1991 йил 20 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Мамурий-худудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида», «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1991 йил 21 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан Андижон вилоятидаги Москва туманининг тарихий номи – Шаҳриҳон тумани номи ва Ленинск шаҳрининг тарихий номи – Асака шаҳри номи, Ильичевск шаҳрининг тарихий номи – Қорасув шаҳри номи қайта тикланди ҳа мда Сирдарё вилоятидаги Ворошилов туманининг номи Сайхунобод тумани деб ўзгартирилди.

1991 йил 25 ноябрь – Тошкент шаҳар ҳокими (мэри)ни сайлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарори қабул қилинди.

1991 йил 28 ноябрь – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси X қурултойининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий раиси этиб Одил Ёкубов, биринчи котиби этиб Жамол Камол сайланди.

1991 йил 28 ноябрь – Мустақил давлатлар иттифоки тўғрисидаги шартнома лойиҳаси Ўзбекистон матбуотида эълон қилинди.

1991 йил 29 ноябрь – СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 3 рубллик ва 1000 рубллик банкнотлари муомалага чиқарилди ва 1991 йил нусхасидаги 10, 50 ва 100 рубллик банкнотларнинг шакли ўзгартирилди.

1991 йил 29 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини

давлат йули билан кўллаб-кувватлаш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 29 ноябрь – Тошкент шаҳрида Узбекистон халқ артисти Сулаймон Юдаков мемориал музейи очилди.

1991 йил ноябрь – Австралияда бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида тошкентлик Артур Григорьян кумуш медалга сазовор бўлди.

1991 йил ноябрь – Узбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти ташкил этилди (1998 йил 4 июлдан Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия-спорт жамияти деб қайта номланди).

1991 йил ноябрь – Бухоро Давлат педагогика институтининг 60 йиллиги тантанали нишонланди.

1991 йил ноябрь – Узбекистон ЛКСМ (комсомол) ташкилоти Узбекистон Ёшлар иттифоқига айлантирилди.

Узбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг 1-котиблари: Азиз Носиров (1991–1992), Адҳам Орзиматов (1992–1993), Алишер Тешабаев (1993–1996).

1991 йил 2 декабрь – Тошкент шаҳрида Узбекистон – Германия дўстлик жамияти таъсис этилди.

1991 йил 4 декабрь – Марокаш кироллиги Узбекистон Республикасини суверен республика деб тан олди.

1991 йил 6 декабрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлимини ташкил этиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, Туркманистон темир йули ташкил этилиши муносабати билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти худудларида темир йўл орқали юк ташишни бошқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида 1992 йил 1 январда Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлими ташкил этилди.

1991 йил 7 декабрь – Тошкент шаҳрида Узбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон ССР ҳукумати ўртасида 1992 йилда савдо-иктисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1991 йил 8 декабрь – Белоруссиянинг Белая Вежа кўрикхонаси (пушчаси)да Россия, Украина ва Белорусь рах-

барлари Борис Николаевич Ельцин, Леонид Макарович Кравчук, Станислав Станиславович Шушкевич ўзаро битим имзолаб, СССР тугатилганлиги ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон килдилар.

1991 йил 8 декабрдан 9 декабрга ўтар кечаси – Наманганда бир гурух кимсалар собиқ Ўзбекистон Компартияси вилоят комитетининг, ҳозир Ўзбекистон Халқ Демократик партияси вилоят кенгаши жойлашган бинони эгаллаб олдилар ва бу ерда ислом марказини ташкил этишга уриндилар. Бу ерга зудлик билан етиб келган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов вазиятни ўз қўлига олиб, Намангандаги ахволни барқарорлаштиришда катта роль ўйнади.

1991 йил 10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил топди.

1991 йил 12–13 декабрь – Ашхободда Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Қозоғистон президентлари ўзаро учрашди. Учрашувда «Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тоҷикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси давлат бошликларининг баёноти», «Тежен – Сарахс темир йўлини қуришда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ўртасида битим», «Ашхобод учрашуvida қатнашган давлатлар бошликларининг қарори» каби ҳужжатлар имзоланди.

1991 йил 15 декабрь – Тошкент – Истанбул йўналиши бўйича ҳаво рейси илк марта йўлга қўйилди.

1991 йил 16 декабрь – Туркия халқаро микёсда Ўзбекистон Республикасини суверен давлат деб тан олган дастлабки давлат бўлди.

1991 йил 16–19 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳуриятига расмий ташриф буюрди. У Анкара, Истанбул, Измир шаҳарларида бўлди. Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол ва Бош вазири Сулаймон Демирел билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзаро учрашди. Учра-

шувларда «Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумхурияти ўртасидаги алоқаларнинг асос ва мақсадлари тұғрисидаги шартнома», «Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумхурияти ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тұғрисида битим», «Ахдлашув протоколи» ва бошқа хужжатлар (жами 9 та) имзоланды. Ташиф кунларида мустақил Ўзбекистон Республикаси учун тараққиётнинг Туркия йўли танланганлиги И.А. Каримов томонидан эълон қилинди.

1991 йил 18 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод И.А. Каримовнинг «Халқ сўзи» газетаси саволларига жавоблари «Бизнинг ўз йўлимиз бор» номи билан эълон қилинди.

1991 йил 21 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги ташкилотига аъзо бўлди. Олмаота (ҳозирги Алмати) шаҳрида бўлган 11 давлат: Озарбайжон, Арманистон, Белорусь, Қозогистон, Қирғизистон, Молдава, Россия Федерацияси (РСФСР), Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина давлатлари раҳбарларининг учрашувида Олмаота Декларацияси қабул қилинди.

1991 йил 25 декабрь – СССР Президенти М.С. Горбачёв марказий телевидение орқали сўнгги марта ҳалққа мурожаат қилди.

1991 йил 25 декабрь – СССР давлати ҳалқаро ҳукук субъекти сифатида барҳам топди.

1991 йил 25 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта иши билан судланиб, республика худудидаги ахлок-тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳқумларни афв этиш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 25 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

1991 йил 27 декабрь – АҚШ Ўзбекистон Республикаси-ни суверен республика деб тан олди.

1991 йил 27 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий химоя қилишга доир тадбирлар тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрь – Ўзбекистонда мустакиллик бағишенгандын умумхалқ референдумы, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тошкент шаҳри ҳокими лавозимига сайлов үтказилди. Ўзбекистон халқы республика Олий Кенгашы эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллади. Биринчи марта яширин овоз бериш йули билан үтказилган тұғридан-тұғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда Ислом Абдуғаниевич Каримов 5 йил муддатта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланды. Тошкент шаҳри ҳокими лавозимига Адхамбек Фозилбеков сайланды.

1991 йил 30 декабрь – Мустакил Давлатлар Ҳамдүстлигига кирган 11 та давлат бошлиқлари Минск шаҳрида «Мустакил Давлатлар Ҳамдүстлиги давлат бошликларининг кенгаши ва ҳукумат бошликларининг кенгаши тұғрисидаги мувакқат битим» ва бошқа 8 та ҳужжатни имзоладилар.

1991 йил декабрь – Навоий кон-металлургия комбинатининг механика заводи «НТ – 200» электрон бошқарувиуниверсал токарлық дастгохлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйди.

1991 йил – Тошкент шаҳрида «Наврӯз» ресторон мажмуюи ишга тушди.

1991 йил – Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультети негизида Тошкент кимё-технология институти ташкил этилди.

1991 йил – Тошкент давлат университетининг юридик факультети негизида Тошкент юридик институти қайта ташкил этилди. (Бу институт 1932–1955 йилларда ҳам мавжуд бўлган.)

1991 йил – Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнок туманида Судочье давлат орнитология буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

1991 йил – Куръони карим илк бор ўзбек тилида (Алоуддин Мансур таржимаси) нашр этилди. (Абдулазиз Мансур таржимаси 2001 йилда, илмий-тариҳий изоҳлари билан Муталлиб Усмон ва бошқалар таржимаси 2004 йилда чоп этилди.)

1991 йил – Имом Бухорийнинг 4 жилдли ҳадислар тўплами – «Саҳиҳи Бухорий» («Ишончли тўплам») ўзбек тилига таржима қилиниб, хозирги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти томонидан 1-жилди илк бор нашр этилди (2-жилди – 1996, 3-жилди – 1994, 4-жилди – 1992 йилда чиқди; 2-нашри 1997 йилда чоп этилди).

1991 йил – «Суғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер-оркестри ташкил этилди.

1991 йил – сайғокларни ва улар кўпаядиган ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида «Сайғокли» давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

1991 йил – «Ёш гвардия» театри Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри номи билан аталди.

1991 йил – Республика «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси ташкил этилди.

1991 йил – Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Қоратов тоғида Сармич давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этилди.

1992 йил 1 январь – «Ёш ленинчи» газетаси «Туркистон» номи билан чоп этила бошлади.

1992 йил 2 январь – Ўзбекистон Республикаси Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 2 январь – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида» карори қабул қилинди. Қарор иловасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар (купонлар) 1992 йилнинг 1 чораги учун ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида жорий қилинди.

1992 йил 3 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Йул ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Конуни қабул қилинди.

1992 йил 4 январь – Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари 9-сессиясида Узбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов қасамёд қилди.

1992 йил 4 январь – Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикасининг вице-президенти лавозимини тугатиш ҳамда Узбекистон Республикаси Бош вазири лавозимини таъсис этиш ва Узбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш киритиш тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1992 йил 4 январь – Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикасининг Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тұғрисида» Конституциявий Қонуни қабул қилинди. Үнга күра Узбекистон Республикаси вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимияти ҳамда ижроия бошқарув ҳокимиятига бошчиллик қиладиган ҳокимлик лавозими таъсис этилди. 1992 йил январь – февраль ойларыда Узбекистон Республикасининг барча вилоятларига дастлабки ҳокимлар тайинланди.

1992 йил 5 январь – ӯзбекларнинг «Эл» халқаро уюшмаси Низоми матбуотда зылон қилинди. (Уюшма 1991 йил 17 июляда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган эди.)

1992 йил 7 январь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини Узбекистон Давлат Телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1992 йил 8 январь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Прокуратураси органлари тұғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кура Иттифок қарамоғидаги Узбекистон ССР Прокуратураси Узбекистон Республикаси Прокуратурасига айлантирилди. («Прокуратура тұғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири асосида (2001 йил 29 август) Узбекистон Республикаси Прокуратураси Узбекистон Республикаси Бош прокуратурасига айлантирилди.)

1992 йил 8 январь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тұғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга күра, Узбекистон ССРнинг Иттифок-республика Адлия вазирлиги Узбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига айлантирилди.

1992 йил 9 январь – Қорақалпоғистон Республикасининг Узбекистон Республикаси таркибида суверен республика булиши Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Олий Кенгаши сесиясида конун йўли билан мустаҳкамланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раислари: Уббинияз Аширбеков (1992–1997), Тимур Камолович Камолов (1997–2002), Муса Тажетдинович Ерниязов (2002 йил 3 майдан).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раислари: Ражаббой Юлдашев (1992–1995), Баҳром Жуманиязов (1995), Сапарбай Авезматов (1995–1998), Амин Тожиев (1998–2002), Турсунбой Тлеубаевич Тангибергенов (2002–2006), Баҳодир Янгибоев (2006 йилдан).

1992 йил 10 январь – Тошкент шаҳрида Үрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси ташкил топди.

1992 йил 10 январь – Узбекистон Республикаси Президентининг «СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва ўқув юртлари тұғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, улар Узбекистон Республикасининг юрисдикциясига олинди ва республика Ички ишлар вазирлиги қарамоғига ўтказилди.

1992 йил 10 январь – Узбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига рублларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинди.

1992 йил 13 январь – Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикаси Президенти хузурида Узбекистон Республикасининг Давлат назорати комитетини таъсис этиш тұғрисида», «Узбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий конуни)фа ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритиш тұғрисида», «Алоқа тұғрисида» ва

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1992 йил 13 январь – Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан Абдулҳошим Муталов Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат назоратининг раиси этиб тасдикланди.

1992 йил 13 январь – Тошкент шаҳрида Республика байналмилал маданият маркази ташкил қилинди.

1992 йил 14 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1992 йил 14 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўкув юртлари тўғрисида» қарори қабул қилинди (Қарор матбуотда 29 январда эълон қилинди). 1992 йил 1 февралдан бошлаб умуний қўшинларни пул билан таъминлаш собиқ Иттифок структуралари томонидан тўхтатилишини эътиборга олиб, қарорга кўра, собиқ СССР Қуролли Кучларининг республика худудида жойлашган қисмлари, қўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўкув юртлари, муассасалари, ташкилотлари, бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинди. (1994 йилдан шу сана Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонланадиган бўлди.)

1992 йил 16 январь – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Нархларни либераллаштириш чоралари тўғрисида» қарори матбуотда эълон қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистонда 1992 йил 16 январдан ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларга, халқ истеъмоли товарларига, ишлар ва хизматларга талаб ва таклиф остида шаклланадиган шартномавий (эркин) нархлар ва тарифларга асосан ўтиш амалга оширилди.

1992 йил 16–17 январь – Тошкент шаҳрининг олий мактаб (талабалар) шаҳарчасида талабалар ғалаёни натижасида

оммавий тартибсизликлар рўй берди. Расмий маълумотларга кура, тартибсизликлар натижасида ОМОНчилар томонидан ўққа тутилган талабалар орасида қурбонлар бўлди.

1992 йил 17 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Урта Осиё темир йўлиниң Қарши бўлимини ташкил этиш тўғрисида» Фармони қабул килинди. Фармонга кўра, Туркманистон темир йўли ташкил этилиши муносабати билан ва Қашқадарё вилояти ҳудудида темир йўл орқали юқ ва йўловчилар ташишни бошқариш самародорлигини таъминлаш максадида 1992 йилнинг 1 январидан Урта Осиё темир йўлиниң Қарши бўлими ташкил этилди.

1992 йил 20 январь – Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти Тошкент давлат университети Маданият саройида университет фаоллари билан учрашди.

1992 йил 21 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий олимпиада кўмитаси ташкил топди.

1992 йил 23 январь – халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари 9-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таклифига биноан Маркс Жуманиёзов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди. (Вилоятлар ўртасида биринчи бўлиб Хоразмда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Бу ҳақда Президент Фармони 1992 йил 27 январда қабул килинди.) 1992 йил январь – февраль ойларида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, кейинчалик туман ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими жорий килингач, вилоят, туман ва шаҳар Кенгashi ҳамда унинг ижроия комитети лавозими тутатилди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ижроия маҳкамасининг тузилмалари ҳамда лавозимлари ҳам тасдиқланди.

1992 йил 26 январь – Корақалпоқ давлат университетига Бердақ номи берилди.

1992 йил 26 январь – Ўзбекистон Япония билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг қарори билан, Ўзбекистон Республикаси

ликаси таркибида Навоий вилояти аввалги чегараларида кайтадан тикланди.

1992 йил 27 январь – Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасининг алоҳида вазифаларни бажарувчи милиция отряди (ОМОН) Ўзбекистонда тугатилди.

1992 йил 28 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий авиакомпаниясини ташкил килиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

1992 йил 30 январь – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси миллий гвардиясини тузиш тўғрисида» Қарори матбуотда эълон қилинди.

1992 йил январдан – Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

Андижон вилояти ҳокимлари: Қаюм Холмирзаев (1992 йил 21 февраль – 1993 йил 6 февраль), Қобилjon Foфurovich Обидов (1993 йил 6 февраль – 1996 йил 29 октябрь), Машариф Юнусов (вазифасини бажарувчи; 1996 йил 29 октябрь – 1997 йил 3 апрель), Қобилjon Foфurovich Обидов (1997 йил 3 апрель – 2004 йил 25 май), Сайдулло Бегалиев (2004 йил 25 май – 2006 йил 13 октябрь), Аҳмад Тугилович Усмонов (2006 йил 13 октябрдан).

Бухоро вилояти ҳокимлари: Дамир Солиҳович Ёдгоров (1992 йил 28 январь – 1994 йил 22 март), Мавлон Раҳмонович Раҳмонов (1994 йил 22 март – 1996 йил 14 декабрь), Самайдин Қосимович Ҳусенов (1996 йил 14 декабрь – 2011 йил 28 декабрь), Мухиддин Турдиевич Эсонов (вазифасини бажарувчи; 2011 йил 28 декабрдан).

Жиззах вилояти ҳокимлари: Эркин Турсунов (1992 йил 11 февраль – 1993 йил 15 апрель), Алишер Ҳолмуродович Тошкентбоев (1993 йил 15 апрель – 1996 йил 25 октябрь), Шавкат Миромонович Мирзиёев (1996 йил 25 октябрь – 2001 йил 11 сентябрь), Убайдулла Яхшибоевич Яманкулов (2001 йил 14 сентябрь – 2007 йил 13 февраль), Муса Анор-

боев (2007 йил 16 февраль – 2009 йил), Сайфиддин Умарович Исмоилов (2010 йил 14 январдан).

Навоий вилояти ҳокимлари: Абдухолиқ Абдурахмонович Айдарқулов (1992 йил 5 февраль – 1995 йил 5 январь), Ҳаёт Рахимович Фофуров (1995 йил 5 январь – 1998 йил 11 ноябрь), Ғайбулло Дилович Дилов (1998 йил 11 ноябрь – 2002 йил 31 май), Бахридин Муртазоевич Рӯзиев (2002 йил 31 май – 2008 йил 12 декабрь), Эркинжон Оқбутаевич Турдимов (2008 йил 12 декабрдан).

Наманган вилояти ҳокимлари: Бургутали Рапигалиев (1992 йил 28 январь – 1996 йил 6 ноябрь), Тўлқин Отаконович Жабборов (1996 йил 6 ноябрь – 2004 йил 17 сентябрь), Икромхон Хошимхонович Нажмиддинов (2004 йил 17 сентябрь – 2009 йил), Баҳодир Турсунович Юсупов (2010 йил 19 январдан).

Самарқанд вилояти ҳокимлари: Пўлат Мажидович Абдурахмонов (1992 йил 26 февраль – 1995 йил 22 ноябрь), Алишер Мардиевич Мардиев (1995 йил 22 ноябрь – 1998 йил 9 ноябрь), Эркин Маҳмудович Рӯзиев (1998 йил 9 ноябрь – 2001 йил 11 сентябрь), Шавкат Миромонович Мирзиёев (2001 йил 11 сентябрь – 2003 йил 16 декабрь), Рустам Ибрагимович Холмуродов (2003 йил 16 декабрь – 2004 йил 9 июль), Мамаризо Бердимуротович Нурмуротов (2004 йил 9 июль – 2006 йил 1 декабрь), Азимхон Усмонович Бахромов (2006 йил 1 декабрь – 2008 йил 15 апрель), Ўқтам Исоевич Барноев (2008 йил 15 апрел – 2010 йил 17 декабрь), Зойир Тоирович Мирзаев (2010 йил 17 декабрдан).

Сирдарё вилояти ҳокимлари: Ботир Махмудович Махмудов (1992 йил 11 февраль – 1993 йил 13 октябрь), Ғуломқодир Ботиралиевич Ҳасанов (1993 йил 13 октябрь – 1996 йил 28 октябрь), Ўқтам Қўчкорович Исмоилов (1996 йил 28 октябрь – 2000 йил 22 февраль), Алишер Ҳужанович Исроилов (2000 йил 22 февраль – 2002 йил 8 ноябрь), Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров (2002 йил 28 ноябрь – 2004 йил 26 ноябрь), Абдураҳим Абдураҳмонович Жалолов (2004 йил 26 ноябрь – 2009 йил), Ойбек Шодмонқулович Ашурматов (2010 йил 15 январдан).

Сурхондарё вилояти ҳокимлари: Ҳаким Эшбоевич Бердиев (1992 йил 26 февраль – 1993 йил 15 апрель), Жўра Нооралиев (1993 йил 15 апрель – 2000 йил 23 март), Бахтиёр Олимжонов (2000 йил 23 март – 2002 йил 21 февраль), Тошмирзо Ўроқович Қодиров (2002 йил 21 февраль – 2004 йил 1 июнь), Абдулхоким Ҳўшбокович Эшмуротов (2004 йил 1 июнь – 2008 йил 25 март), Турабжон Икромович Жўраев (2008 йил 25 март – 2011 йил 30 ноябрь), Нормўмин Амонович Чориев (вазифасини бажарувчи; 2011 йил 2 декабрдан).

Тошкент вилояти ҳокимлари: Сайфулла Давирович Сайдалиев (1992 йил 8 февраль – 1993 йил 11 декабрь), Мирзамурод Икромов (1993 йил 11 декабрь – 1995 йил 9 январь), Эркин Махмудович Рўзиев (1995 йил 9 январь – 1998 йил 16 декабрь), Уммат Маматқулович Мирзоқулов (1998 йил 16 декабрь – 2004 йил 29 январь), Козим Носирович Тўлаганов (2004 йил 29 январь – 2005 йил 7 ноябрь), Мирзамашраб Раззоқович Куччиев (2005 йил 7 ноябрь – 2006 йил 20 декабрь), Зиявитдин Кучкарович Ниёзов (2006 йил 22 декабрь – 2008 йил 16 декабрь), Рустам Курбонназарович Холматов (2008 йил 16 декабрдан).

Фарғона вилояти ҳокимлари: Ғулом Фозилов (1992 йил 21 февраль – 1992 йил 18 июль), Мирзажон Йўлдошевич Исломов (1992 йил 18 июль – 1997 йил 14 февраль), Мўминжон Шодиевич Мўминов (1997 йил 14 февраль – 2000 йил 15 январь), Алишер Абдужалилович Отабоев (2000 йил 15 январь – 2004 йил 15 октябрь), Шермат Нурматов (2004 йил 15 октябрь – 2006 йил 19 октябрь), Абдуҳошим Абдуллаевич Абдуллаев (2006 йил 19 октябрь – 2008 йил 6 март), Маматисоқ Бойматович Гафуров (2008 йил 6 март – 2008 йил 11 ноябрь), Ҳамиджон Холикович Нематов (2008 йил ноябрь – 2010 йил январь [вазифасини бажарувчи]; 2010 йил 19 январь – 2011 йил ноябрь), Шуҳрат Мадаминович Ганиев (вазифасини бажарувчи; 2011 йил 7 ноябрдан).

Хоразм вилояти ҳокимлари: Маркс Жуманиёзов (1992 йил 27 январь – 1996 йил 8 январь), Искандар Юсупов (1996 йил 19 март – 1999 йил 26 март), Ислом Олимович Бобожонов (1999 йил 26 март – 2008 йил 15 февраль), Оллоберган

Ҳайитбоевич Оллаберганов (2008 йил 15 февраль – 2012 йил 24 январь), Пўлат Бобожонов (2012 йил 24 январдан).

Қашқадарё вилояти ҳокимлари: Темир Пўлатович Хидиров (1992 йил 27 январь – 1995 йил 29 ноябрь), Озод Давронович Пармонов (1995 йил 29 ноябрь – 1998 йил 3 июнь), Шуҳрат Рахимович Бегматов (1998 йил 3 июнь – 2000 йил 28 июль), Баҳтиёр Султонович Ҳамидов (2000 йил 28 июль – 2002 йил 26 декабрь), Нуритдин Зайнинев (2002 йил 26 декабрь – 2011 йил 30 ноябрь), Турабжон Икромович Жўраев (2011 йил 30 ноябрдан).

Тошкент шаҳри ҳокимлари: Адҳамбек Иброҳимович Фозилбеков (1991 йил 29 декабрь/1992 йил 9 январь – 1994 йил 15 июль), Козим Носирович Тўлаганов (1994 йил 15 июль – 2001 йил 21 сентябрь), Рустам Мавзуро-вич Шоабдураҳмонов (2001 йил 26 сентябрь – 2005 йил 22 апрель), Абдуқаҳхор Ҳасанович Тўхтаев (2005 йил 22 апрель – 2010 йил), Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмонов (ва-зифасини бажарувчи – 2011 йил 19 февралдан; ҳоким – 2012 йил 16 марта).

1992 йил 2 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Давос (Швейцария)даги Жаҳон иқтисодий анжуманида нутқ сўзлади.

1992 йил 5 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ)ни Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантириш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1992 йил 5 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлари ва таълим-ёрдамчи ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартиralарни шахсий мулк қилиб бепул берилди ҳамда квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлар жорий қилинди.

1992 йил 6 февраль – Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги тугатилиб, Ўзбекистон Республи-

каси Дон маҳсулотлари («Ўзданмаҳсулот») давлат концерни ташкил этилди.

1992 йил 10 февраль – Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (Давлат мулки комитети) ташкил этилди (2005 йил 4 майдан у Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси деб аталади).

1992 йил 11 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида молия органларининг ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1992 йил 12 февраль – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Инсон хуқуклари миллий комитетининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

1992 йил 13 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Махкамаси хузуридаги «Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш Комитетини ташкил этиш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1992 йил 13–16 февраль – АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Ўзбекистон (Тошкент ва Самарқанд)да бўлди.

1992 йил 14 февраль – Ўзбекистон Куролли Кучлари таркибида Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари тузилди.

1992 йил 16–17 февраль – Техрон (Эрон Ислом Республикаси)да бўлган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти кенгаши ишида биринчи марта Озарбайжон, Туркманистон ва Ўзбекистон, шунингдек, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистон делегациялари қатнашди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзоси бўлди. (Ташкилотта 1985 йил Эрон, Туркия ва Покистон томонидан асос солинган.)

1992 йил 18 февраль – Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат қўмитаси ташкил топди.

1992 йил 19 февраль – Ўзбекистон АҚШ билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 21 февраль – Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирилиги ташкил этилди.

1992 йил 24 февраль – Тошкент шаҳрида «Истиқлол ва туркистонлик мухожирлар» мавзуида илмий-маърифий анжуман ўтказилди.

1992 йил 24 февраль – ҳалк депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ҳаким Бердиев Сурхондарё вилояти ҳокими қилиб тасдиқланганч, Ўзбекистонда вилоят ҳокимларини тасдиқлаш ниҳоясига етди. (Бу ҳақда Президент Фармони 1992 йил 26 февралда қабул килинди.)

1992 йил 26 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Хельсинки (Финляндия)га келди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган беш давлат раҳбарлари қаторида И.А. Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка багишланган кенгашнинг якунловчи актини имзолади. (Хельсинки актига 1975 йил августда асос солинган эди.)

1992 йил 26 февраль – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг курултойи бўлиб ўтди. Курултода диний бошқарма номи Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси деб ўзгартирилди (1996 йилдан Ўзбекистон мусулмонлари идораси).

1992 йил 28 февраль – Андижон вилоятининг Куйганёр шаҳарчасидаги Андижон пахтачилик институти негизида Андижон қишлоқ хўжалиги институти ташкил этилди.

1992 йил 28 февраль – Самарқанд шаҳрида бильярд бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

1992 йил 28 февраль – Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси ташкил қилинди.

1992 йил февраль – «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

1992 йил 1 март – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон почтаси» давлат концерни ташкил этилди.

1992 йил 2 март – Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзолигига қабул қилинди.

1992 йил 2 март – Наманган тумани «Зарбдор» жамоа хўжалигига қарашли Мингбулоқда кучли нефть фавораси отилиб чиқди.

1992 йил 3 март – Ўзбекистон Республикасининг «Дех-кон (фермер) хўжалиги тўғрисида» Қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

1992 йил 6 март – Ўзбекистон ГФР билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 7 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет ташкил этилди.

1992 йил 12 март – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектелеком» электр алоқа концерни ташкил этилди.

1992 йил 14 март – Ўзбекистонда Наврӯз умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

1992 йил 15 март – Андижон педагогика институти негизида Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети, Бухоро педагогика институти негизида Файзула Хўжаев номидаги Бухоро давлат университети, Термиз педагогика институти негизида Термиз давлат университети, Хоразм педагогика институти негизида Хоразмий номидаги Урганч давлат университети, Қарши педагогика институти негизида Қарши давлат университети ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент педагогика институтиning Навоий филиали негизида Навоий давлат педагогика институти ҳамда Наманган муҳандислик-иктисодиёт институти ва Жиззах политехника институти ташкил этилди.

1992 йил 16 март – Тошкент шаҳрида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

1992 йил 16 март – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасидан чакирилган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни чақириб олиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1992 йил 18 март – Ўзбекистон Ҳиндистон билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 20 март – Россия Ўзбекистон Республикасини суверен республика деб тан олди. Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан дипломатик алоқа ўрнатди.

1992 йил 21 март – Наврӯз байрами муносабати билан Ўзбекистон телевидениеси орқали анъанавий «Муста-

қиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» хайрия телемарафони ўтказилди.

1992 йил 22 март – Ўзбекистон халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди.

1992 йил 24 март – Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари тузилди.

1992 йил 24 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида» Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, республика Миллый Хавфсизлик хизмати қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва Ўрта Осиё Чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

1992 йил 25 март – хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқа «Ватан» жамияти негизида Ўзбекистон Республикасининг Халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмаси тузилди.

1992 йил 27 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тұғрисида» Фармони қабул қилинди. Кейинчалик ҳар йили Ўзбекистонда Рамазон ва Курбан ҳайитларининг биринчи кунини байрам қилиш қатъий анъянага айланди.

1992 йил 28 март – Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги (хозирги Истиқлол) саройида Ўзбекистон Республикаси дехқончилик-саноат мажмуи ходимларининг катта гурунги (курултойи) бўлди.

1992 йил 28 март – Ўзбекистонда футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида мамлакат биринчи чемпионати бошланди.

Футбол бўйича Ўзбекистон олий лигаси чемпионатининг голиблари – Ўзбекистон чемпионлари:

1. «Нефтчи» (Фарғона) / «Пахтакор» (Тошкент) (1992)
2. «Нефтчи» (Фарғона) (1993)
3. «Нефтчи» (Фарғона) (1994)
4. «Нефтчи» (Фарғона) (1995)

5. «Навбахор» (Наманган) (1996)
6. МХСК (Тошкент) (1997)
7. «Пахтакор» (Тошкент) (1998)
8. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) (1999)
9. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) (2000)
10. «Нефтчи» (Фарғона) (2001)
11. «Пахтакор» (Тошкент) (2002)
12. «Пахтакор» (Тошкент) (2003)
13. «Пахтакор» (Тошкент) (2004)
14. «Пахтакор» (Тошкент) (2005)
15. «Пахтакор» (Тошкент) (2006)
16. «Пахтакор» (Тошкент) (2007)
17. «Бунёдкор» (Тошкент) (2008)
18. «Бунёдкор» (Тошкент) (2009)
19. «Бунёдкор» (Тошкент) (2010)
20. «Бунёдкор» (Тошкент) (2011)

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги соҳиблари:

1. «Навбахор» (Наманган) (1992)
2. «Пахтакор» (Тошкент) (1993)
3. «Нефтчи» (Фарғона) (1994)
4. «Навбахор» (Наманган) (1995)
5. «Нефтчи» (Фарғона) (1996)
6. «Пахтакор» (Тошкент) (1997)
7. «Навбахор» (Наманган) (1998)
8. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) (1999/2000)
9. «Пахтакор» (Тошкент) (2000/2001)
10. «Пахтакор» (Тошкент) (2001/2002)
11. «Пахтакор» (Тошкент) (2002/2003)
12. «Пахтакор» (Тошкент) (2004)
13. «Пахтакор» (Тошкент) (2005)
14. «Пахтакор» (Тошкент) (2006)
15. «Пахтакор» (Тошкент) (2007)
16. «Бунёдкор» (Тошкент) (2008)
17. «Пахтакор» (Тошкент) (2009)
18. «Бунёдкор» (Тошкент) (2010)
19. «Пахтакор» (Тошкент) (2011)

Футбол бўйича Ўзбекистон суперкубоги соҳиби:

1. «Пахтакор» (Тошкент) – «Навбаҳор» (Наманган) – 2:4 (1999).
2. «Бунёдкор» (Тошкент) – «Пахтакор» (Тошкент) – (2012).

1992 йил 31 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Олий Аттестация Комиссияси ташкил қилинди.

1992 йил март – «Осиё континентал» ҳалқаро савдо уйи ташкил топди.

1992 йил март – Ўзбекистон Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилотига аъзо бўлди.

1992 йил 1 апрель – Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари, акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида» Конуни лойиҳаси матбуутда эълон қилинди.

1992 йил 9 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашувидаги нутқи баёни «Мустақиллик ва кадрлар сиёсати» номи билан матбуутда эълон қилинди.

1992 йил 9 апрель – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг қарори билан Андижон вилоятидаги Советобод шаҳрининг Хонобод, Ленин туманининг Асака деган, Бухоро вилоятидаги Свердлов туманининг Жондор деган, Тошкент вилоятидаги Коммунистик туманининг Юқори Чирчик, Галаба туманининг Кўйи Чирчик деган тарихий номлари қайта тикланди. Тошкент вилоятидаги Калинин туманининг номи Зангита тумани, Оржоникидзе туманининг номи Қибрай тумани деб ўзгартирилди;

Андижон вилоятида Булокбоши тумани, Самарқанд вилоятида Тойлок тумани, Челак тумани, Фарғона вилоятида Фурқат тумани каби янги туманлар тузилди.

1992 йил 11–14 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди.

1992 йил 21 апрель – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги

Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ва бошка бир неча музейларни бирлаштириш натижасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи ташкил қилинди.

1992 йил 27 апрель – Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондига аъзо бўлди.

1992 йил 28 апрель – Тошкент шаҳрида Туркия Республикаси элчихонаси очилди. Очилиш маросимида Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қатнашди.

1992 йил 30 апрель – Ўзбекистон Республикаси Европа Тикланиш ва тараққиёт банкига аъзо бўлди.

1992 йил апрель – Самарқандда «Интеросиё–92» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қарийб 30 давлат вакилларининг кўшма ҳамда хусусий корхона ва фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

1992 йил 3 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни – «Ўзнефтгаз»ни ташкил қилиш тўғрисида» Фармони кабул қилинди.

1992 йил 5 май – Ўзбекистон Республикасининг Савдо вазирлиги Ўзбекистон Давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасига айлантирилди.

1992 йил 7 май – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон биринчи почта марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

1992 йил 8 май – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Қарори билан Тошкент шаҳридаги Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Фрунзе туманлари номи тегишлича Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Миробод, Шайхонтохур ва Яккасарой деб ўзгартирилди. Кейинчалик Акмал Икромов ва Собир Рахимов туманларининг номи ҳам Учтепа ва Олмазор деб ўзгартирилди.

1992 йил 9–10 май – Ашхободда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Эрон, Туркия ва Покистон республикалари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари бўлди. Унда Тажан – Сарахс – Машҳад темир йўли қурилиши ҳақида келишилди.

1992 йил 11–14 май – Тошкент шаҳрида «Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» мавзууда халқаро конференция бўлиб ўтди.

1992 йил 15 май – Тошкент чет тиллар педагогика институти ва Республика рус тили ва адабиёти институти негизида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ташкил этилди.

1992 йил 15 май – Тошкент шаҳрида Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) га аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. МДҲ доирасида Колектив хавфсизлик шартномаси Тошкент шаҳрида имзоланди. Ўзбекистон кейинчалик шартномадаги ўз фаолиятини бир томонлама тўхтатди (1999 йил 19 апрель).

1992 йил 15 май – Фарғона водийсининг шимоли-шарқида Андижон вилоятидаги Избоскан қишлоғида кучли зилзила (Избоскан зилзиласи) бўлди. Бу ерда зилзиланинг кучи 8 баллга яқин, магнитудаси (Рихтер бўйича) M–6,2 бўлди.

1992 йил 18 май – Сурхондарё вилоятида Бандиҳон тумани ташкил этилди.

1992 йил 18 май – «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳакида» Фармон қабул қилинди. Фармонга кўра, бу қўшинлар республика тасарруфига ўтказилди.

1992 йил 23 май – шоир ва мутафаккир Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкаланинг тантанали очишиш маросими бўлди.

1992 йил 23 май – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Наврӯз» халкаро хайрия жамғармаси рўйхатга олинди.

1992 йил 24 май – «Ватан тараққиёти» партияси ташкил топди.

1992 йил 1–12 июнь – Оролни ҳимоя қилиш комитетининг ташабbusи билан «Амударё – 92» илмий-хайрия экспедицияси уюштирилди.

1992 йил 9–10 июнь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларини ўзлаштириш масалалари бўйича халқаро симпозиум булиб ўтди.

1992 йил 22 июнь – Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1992 йил 24 июнь – Ўзбекистан Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуоти – «Ватанпарвар» газетаси нашр этила бошлади.

1992 йил 28 июнь – Тошкент шаҳрида Покистон Ислом Республикаси элчихонаси очилди.

1992 йил июнь – Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги хузурида «Ўзбекистон маркаси» ноширлик маркази түзилди.

1992 йил 2–3 июль – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакирик 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тұғрисида» Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдикланды.

1992 йил 2 июль – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Фукаролиги тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1992 йил 2 июль – Ўзбекистон давлат банки Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига айлантирилди. Марказий банкнинг фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тұғрисида»ғи Қонунда (1995 йил 21 дәкабрь) белгилаб қўйилган.

1992 йил 3 июль – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

1992 йил 3 июль – Ўзбекистон Республикасининг «Байрам кунлари тұғрисида» ва «Денқон хўжалиги тұғрисида» конунлари қабул қилинди.

1992 йил 3 июль – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакирик 10-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ҳарбий қасамёд матни қабул қилинди.

1992 йил 9–10 июль – Финландия пойтахти Хельсинкида хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгashiда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов

нүтқ сўзлади ва иккинчи куни у Кенгаш мажлисига раислик қилди.

1992 йил 13 июль – Ўзбекистон Республикаси Халкаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)га қабул қилинди.

1992 йил 27 июль – «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди.

1992 йил 5 август – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси (Ўзистикболстат) ташкил этилди.

1992 йил 7 август – Тошкент авиация ишлаб чиқарици бирлашмасида ИЛ-114 самолётининг биринчи синов парвози бўлди.

1992 йил 9–11 август – Шахрисабзда Амир Темур хотирасига бағишлиланган ўзбек миллий кураши бўйича биринчи халкаро мусобақалар бўлиб ўтди.

1992 йил 10 август – Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кўмитаси ташкил этилди.

1992 йил 12 август – Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик кўмитаси ташкил топди.

1992 йил 19 август – Тошкент шаҳрида «Савдогар» ҳафталиқ газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

1992 йил 29 август – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Жаҳон муаммолари институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти) ташкил этилди.

1992 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик тантаналари нишонланди. Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган асосий байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. (Кейинчалик ҳар йилнинг 31 августида байрам тантаналарида давлат раҳбарининг қатнашиши ва нутқ сўзлаши анъянага айланди.)

1992 йил август – Ўзбекистонда ilk марта мобил телефон алоқасидан фойдаланилди. Буғунги кунда Ўзбекистон мобил алоқа юқори ривожланган жаҳондаги ўнта давлат қаторидан ўрин олган.

1992 йил 4 сентябрь – Узбекистон Халқаро геология иттифоқига қабул қилинди.

1992 йил 12 сентябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш бўйича Фармони қабул қилинди.

1992 йил 23 сентябрь – Тошкент шаҳрида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди.

1992 йил 8–15 октябрь – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

1992 йил 15 октябрь – Тошкент шаҳрида Хитой элчихонаси очилди.

1992 йил 27 октябрь – Узбекистон Республикаси Монтаж ва маҳсус қурилиш вазирлиги тугатилиб, «Ўзмонтажмаҳсускурилиш» ассоциациясига айлантирилди.

1992 йил октябрь – Узбекистон Республикаси Парламентларо иттифоқнинг аъзоси бўлди.

1992 йил октябрь – Тошкент шаҳрида космик алоқа халқаро телефон станцияси ишга тушди, у «Интелсат» алоқа йўлдоши орқали Ер юзининг исталган нуқтаси билан боғланиш имконини беради.

1992 йил 4 ноябрь – Олмаота шаҳрида Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия давлат рахбарлари Тожикистондаги урушни тұхтатишнинг амалий йўлларини белгилаш учун учрашдилар.

1992 йил 6 ноябрь – Жиззах шаҳрида атокли давлат арбоби, таникли адаб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги катта тантана билан нишонланди.

1992 йил 5 ноябрь – Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Сельхозмаш» концерни ва «ДЭУкорпорейшн» корпорацияси билан ҳамкорликда автомобиллар ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасини ташкил этиш тұғрисида қарор қабул қилди.

1992 йил 12–13 ноябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси худудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида», «Узбекистон Республикаси худудида жойлашган кимёвий

ҳарбий қисмлар ҳакида» фармонлари билан мамлакатимиз худудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жихатидан такомиллаштирилди. Шу тарзда мустақил мамлакат Куролли Кучлари ни барпо этишнинг ташкилий даври якунланди.

1992 йил 16 ноябрь – Тошкент шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасини очиш түғрисида Битим имзоланди (1993 йил 24 августда ваколатхона расман очилди).

1992 йил 18 ноябрь – Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши («Ўзсувқурилиш») давлат концерни ташкил этилди.

1992 йил 21 ноябрь – Ўзбекистон давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш («Ўзқурилишматериаллари») концерни ташкил қилинди.

1992 йил 23–26 ноябрь – Тошкент шаҳрида эркин кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи чемпионати бўлиб ўтди.

1992 йил ноябрь – Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Халқаро журналистлар ташкилотига қабул қилинди.

1992 йил ноябрь – Бухорода темирчилик маҳорати музейи очилди.

1992 йил 8 декабрь – ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди (2002 йил 27 январда ўtkazilgan умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15 бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлиар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш

киритилганды). Конституция қабул қилинган 8 декабрь – Үзбекистонда умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

1992 йил 8 декабрдан – Үзбекистон Республикаси таркибида 12 вилоят (Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё), Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси булиши Үзбекистон Республикаси Конституциясида конун йўли билан мустаҳкамланди. (2012 йил январь ҳолатига кўра Үзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, Тошкент шаҳри, 157 та қишлоқ тумани, 121 та шаҳар, 119 та шаҳарча, 1459 та қишлоқ фуқаролар йиғинидан иборат бўлган.)

1995 йил 15–16 сентябрь – Тошкент шаҳрида Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича ҳалқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши, Ислом конференцияси ташкилоти, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари, Ўрта Осиё давлатлари ва уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди.

1995 йил 18–20 сентябрь – Нукус шаҳрида БМТ рахнамолигида Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишлиланган ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва ҳалқаро ташкилотларининг Нукус декларацияси имзоланди.

1995 йил 21 сентябрь – Қоракалпогистонда Ургин газ кони фойдаланишга топширилди.

1995 йил 22 сентябрь – Москва шаҳрида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобининг рус тилидаги тақдимот маросими бўлиб ўтди.

1995 йил 23 сентябрь – Тошкент вилоятининг Зангиота туманида вино ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Италия «Фаритал» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

1995 йил 1 октябрь – Тошкент шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

1995 йил 2–4 октябрь – қадимий ва навкирон Бухорода «Бухоро ва жаҳон маданияти» мавзусида учинчи халкаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда 14 та мамлакат вакиллари иштирок этди.

1995 йил 4 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси халқ банкига айлантириш ҳақида қарори қабул қилинди.

1995 йил 10 октябрь – Тошкент шаҳрида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича регионал бюроси очилди.

1995 йил 13 октябрь – Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги муносабатларни янада чукурлаштириш ҳақида меморандум қабул қилинди.

1995 йил 16 октябрь – Ўзбекистон Республикаси киночилар уйида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази билан Ўзбекистон кинематографлар уюшмаси томонидан жаҳон киносининг 100 йиллигига ва ўзбек киносининг 85 йиллигига бағишланган анжуман ўtkазилди.

1995 йил 20 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

1995 йил 21 октябрь – Тошкент шаҳридаги марказий «Пахтакор» стадионида Африка – Осиё миллатлар кубоги учун икки қитъа чемпионлари – Ўзбекистон ва Нигерия миллий терма жамоалари ўртасида футбол ўйини ўтказилиб, унда 2:3 ҳисоби қайд этилди. (Африка – Осиё миллатлар кубоги учун учрашувлар 1978 йилдан бўён ўтказилиб келинмоқда.)

1995 йил 22–23 октябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон кўғирчоқ театр фестивали бўлиб ўтди.

1995 йил 22–24 октябрь – Президент Ислом Каримов раҳбарлигидағи Ўзбекистон ҳукумати делегацияси БМТ

Бош ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этди. Унда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Америка сафари чоғида энг муҳим воқеалардан бири мамлакатимиз раҳбарининг Оқ уйда АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашуви бўлди.

1995 йил 24 октябрь – Ўзбекистон тижорат банклар уюшмаси ташкил этилди.

1995 йил 24–25 октябрь – Тошкент шаҳрида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари 1-Республика ярмаркаси ўтказилди.

1995 йил 31 октябрь – Президент Ислом Каримов Жаҳон банки президенти Жеймс Д. Уалфенсон раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

1995 йил 7 ноябрь – ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

1995 йил 8 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги тузилди.

1995 йил 11 ноябрь – Покистон Республикаси бош вазири Беназир Бхутто расмий-амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

1995 йил 20–22 ноябрь – Тошкент шаҳрида «Туркистон халқлари маданияти» форуми ўтказилди.

1995 йил ноябрь – Ўзбекистон Фанлар академиясида Хоразмда туғилиб ўсан тилшунос, адаб ва ҳадисшунос олим Абулқосим Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

1995 йил 1 декабрь – Тошкент шаҳридаги Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 540 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

1995 йил 5–7 декабрь – БМТнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонасида «Марказий Осиё давлатларида хотин-қизлар ахборот тармоғини яратиш» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

1995 йил 7 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президент Ислом Каримов давлат муко-

фотлари билан тақдирланган юртдошларимизга бу муко-
фотларни топшириди. (Кейинчалик ҳар йили Конституция
куни арафасида бу мукофотларни давлат раҳбари томони-
дан топшириш қатъий анъанага айланди.)

1995 йил 12 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг
«Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши
рағбатлантириш тұғрисида» Қонуны зълон қилинди.

1995 йил 15 декабрь – Ўзбекистон, Қирғизистон,
Қозоғистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг
навбатдаги мажлиси Жамбул шаҳрида үтказилди.

1995 йил 21 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Фуқа-
ролик Кодексининг биринчи кисми ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Мемлекеттік Кодекси қабул қилинди.

1995 йил 21 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг
«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тұғрисида»
Қонуны қабул қилинди.

1995 йил 21–22 декабрь – биринчи чақириқ Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисінинг 4-сессиясида Ўзбекистон
Республикасининг «Давлат мукофотлари тұғрисида», «Ўз-
бекистон Республикаси Архитектура ва шаҳарсозлық тұғ-
рисида» Қонуллари қабул қилинди.

1995 йил 25 декабрь – Қорақалпоғистон Республикаси
Жұқорғы Кенгеси – республика парламенті ташкил этил-
ди. Бунгача олий давлат ҳокимият органы Қорақалпоғистон
Республикаси Олий Кенгashi деб аталған.

1995 йил – улуғ шайх, тасаввұфнинг таниқли вакилла-
ридан бири Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги
көндөңишилді.

1995 йил – Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси
ташкил этилди.

1995 йил – Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«1941–1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилған
ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик күриш ва уни нишон-
лаш тұғрисида»ғи Фармони асосида (1994 йил 16 мартағи)
Ўзбекистон нашриётлари 33 жылдан «Хотира» китоби (ке-
йинчалик унга құшымча тәрзда 2 жылд чиқды) ва Ўзбекистон
халқининг уруш йилларыда фронт ортидаги жасоратлари

баён қилинган умумлашма маҳсус жилд (русча, ўзбекча) нашр этилди.

1996 йил – «Амир Темур йили» деб эълон қилинди.

1996 йил 3 январь – Фарғонада Германиянинг дунёга машхур «Саламандр» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзсаламан» кўшма корхонаси ишға тушди.

1996 йил 3 январь – Бухорода «Ўзбекистон почтаси» концернининг республика сайёр семинар кенгashi бўлди.

1996 йил 3 январь – Тошкент шаҳридаги Шифокорлар шаҳарчасида Ўзбекистон Соғликни сақлаш вазирлигининг республика Урология илмий маркази очилди.

1996 йил 3 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» ва «Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

1996 йил 9 январь – Ўзбекистонда маълумотларни узатиши Республика компьютер тармоги «Ўзпак» фойдаланишига топширилди.

1996 йил 11 январь – «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамоилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

1996 йил январь – Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишлиланган «Ўзбекистон мустакиллиги ва навоийшунослик истиқболлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлди.

1996 йил январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон боксчиларининг биринчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

1996 йил январь – «Инсон ва қонун» хукуқий, ижтимоий-оммабоп газетасининг 1-сони нашрдан чиқди (1998 йил январдан мустакил хафталик нашрга айлантирилди).

1996 йил январь – Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгashi ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла» ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

1996 йил январь – Узбекистон Республикаси Президенти девонида Ахборот маркази ташкил этилди.

1996 йил 3 февраль – «Ўзқишлоқмашхолдинг» акционерлик компанияси ташкил топди.

1996 йил 6 февраль – Лозанна шаҳрида халқаро Олимпиада қўмитаси кароргоҳида Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпиада олтин ордени топширилди.

1996 йил 9 февраль – Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида Навоий кон-металлургия комбинати билан россиялик шериклар ҳамкорлигида бензин тозаловчи смола ишлаб чиқарадиган янги кимё-технология корхонаси фойдаланишга топширилди.

1996 йил 22 февраль – Бухоро вилоятининг Когон шаҳридаги Абдулаҳадхон саройида «Ипак йўлининг тикланиши: Ўзбекистонда маърифий сайёхликни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзусидаги халқаро анжуман бўлди.

1996 йил 22 февраль – Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди;

Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

1996 йил февраль – Осиё – Европа кабелли алоқа магистралининг Узбекистон худудидан ўтадиган қисмининг қурилиши бошланди. Умумий узунлиги 19 минг км ли ушбу магистралнинг 885 км Узбекистон бўйлаб ўтган (курилиш 1997 йилда якунланди).

1996 йил 4 март – Узбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди.

1996 йил 4 март – Вашингтон шаҳридаги Жоржтаун университетида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг инглиз тилида тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

1996 йил 12 март – Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилди.

1996 йил 14 март – халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тӯғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди;

Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш тӯғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

1996 йил 15 март – Парижда «Амир Темур ва темурийлар тӯғрисида илмий асарлар библиографияси» китоби чоп этилди.

1996 йил 25 март – Андижон вилоятининг Асака шахрида «Дамас» микроавтобусларини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

1996 йил 3 апрель – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки – «Ўзуйжойжамғармабанк» рўйхатга олинди (2005 йил февраль ойидан Ипотека банк).

1996 йил 5 апрель – Тошкентда республикада биринчи «Ўзинвестлойиха» инжиниеринг компанияси фаолият кўрсата бошлади.

1996 йил 5 апрель – «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси (2001 йилдан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси) ташкил этилди.

1996 йил 16 апрель – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

1996 йил 16 апрель – Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс тарихида биринчи бор Ўзбекистон вакили – тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди.

1996 йил 19 апрель – Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси таъсис этилди (2001 йил апрелда жамғарма тутатилди).

1996 йил 22–27 апрель – ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргохида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди.

1996 йил 23 апрель – Тошкент шаҳрида EXXТнинг «Марказий Осиё: EXXТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва миңтақавий мажаролар» мавзуидаги симпозиуми бўлиб ўтди.

1996 йил 25–26 апрель – Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5-сессиясида Узбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Истемолчиларнинг хуқуқларини химоя килиш тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Узбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тўғрисида» конунлари қабул килинди.

1996 йил 26 апрель – «Амир Темур» ордени таъсис этилди.

1996 йил 26 апрель – Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат қумитаси ташкил этилди.

1996 йил 26 апрель – Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан Узбекистон Республикаси фахрий унвонлари таъсис этилди.

1996 йил 29 апрель – «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси (хозирги «Ўзбеккино» миллий агентлиги) тузилди.

1996 йил апрель – Бухоро шаҳрида сув сифатини бошқариш бўйича халқаро кенгаш бўлиб ўтди.

1996 йил 2 май – Узбекистон Республикаси Бонг прокуратурасининг «Қонун химоясида» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

1996 йил 7 май – Узбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул килинди.

1996 йил 7 май – Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспо» марказида Марказий Осиё мамлакатларида биринчи марта қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат саноати маҳсулотлари халқаро кўргазмаси очилди.

1996 йил 7 май – Андижон шаҳрида Асака «ЎзДЭУавто» автозаводи машиналарига ички жило бериш учун комплект

ишлиб чиқариш бўйича «Ўздонянг» Ўзбекистон – Корея кўшма корхонаси ташкил этилди.

1996 йил 13 май – «Тажан – Сарахс» трансосиё темир йўл магистрали очилди.

1996 йил 15 май – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси ташкил қилинди (2005 йил 2 майдан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси).

1996 йил 17 май – В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишилаб чиқариш бирлашмаси очиқ турдаги давлат акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1996 йил 18 май – Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлимининг Бухоро миңтақавий илмий маркази очилди.

1996 йил 20 май – Кўкдумалоқдаги компрессор станцияси АҚШнинг «Коллонг» фирмаси технологияси асосида ташкил этила бошланди.

1996 йил 22 май – Тошкент шаҳрида жаҳондаги компьютер техникасининг етакчиси – IBM компанияси ва колатхонаси очилди.

1996 йил 28 май – атоқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди. Ўзбекистон Фанлар Академиясида катта йиғилиш ва илмий конференция ўтказилди.

1996 йил май – Самарқанд шаҳрида «Сунам» Ўзбекистон – Туркия кўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1996 йил май – Андижон вилоятида «Шаҳрихон – Хонобод» йўналиши бўйича поездлар катнай бошлади.

1996 йил май – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати музейи очилди.

1996 йил 25 июнь – «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон – Жанубий Корея кўшма корхонасида «Тико» ва «Нексия» автомобиллари ишилаб чиқарадиган линиялар ишга туширилди.

1996 йил июнь – Ангрен «Саноаткартонсавдо» акциядорлик жамиятида дастлабки целлюлоза ишилаб чиқарилди.

1996 йил июнь – Узбекистон Ёшлар иттифоки ўрнига «Камолот» жамғармаси ташкил топди.

«Камолот» жамғармаси раислари: Хотам Абдураимов (1996–2000), Комил Юсупов (вазифасини бажарувчи; 2000–2001).

1996 йил 9 июль – Узбекистон – Корея дўстлик жамияти тузилди.

1996 йил 15–21 июль – Узбекистонда биринчи марта оммавий спорт ҳафталиги ўтказилди.

1996 йил 19 июль – Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича «ЎзДЭУавто» Узбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асакадаги заводда «Дамас», «Тико», «Нексия», кейинчалик «Матиз», «Ласетти», «Спарк» ва бошқа русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

1996 йил 19 июль – 4 август – АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган XXVI ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик дзюдочи А. Багдасаров кумуш, боксчи К. Тўлаганов бронза медалларига сазовор бўлишди.

1996 йил 14 август – Нукус шаҳрида мармар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилди.

1996 йил 23 август – Тошкент шаҳрида «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топди.

1996 йил 27 август – Янгийўл шаҳрида биокимё заводининг янги корхонасини ишга тушириш муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

1996 йил 28 август – Самарканд ва Шахрисабз шаҳрлари «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

1996 йил 28 август – Мискин – Тўрткўл темир йўли курилиши тугалланди.

1996 йил 28 август – фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Узбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

1996 йил 29 август – «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди.

1996 йил 29 август – Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисми қабул қилинди.

1996 йил 29 август – Узбекистон Республикаси Консуллик устави қабул килинди.

1996 йил 29–30 август – Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида Узбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тұғрисида», «Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳуқуқлар тұғрисида» қонунлари қабул килинди.

1996 йил 30 август – Бухорода Жанубий Кореяning «ДЭУ Телеком» корпорациясида ишлаб чықарылган телефон станциялари ишга тушди.

1996 йил 30 август – Узбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва құллаб-күвватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси рүйхатдан үтказылди.

1996 йил август – Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 1–4-жилдлари «Узбекистон» нашриётида рус ва ўзбек тилларида босилди (1997–2011 йилларда Ислом Каримов асарларининг 5–19-жилдлари рус ва ўзбек тилларида нашр қилинди).

1996 йил август – Узбекистон ҳаво йүллари миллий авиакомпанияси йүлларида жағонга машҳур «Боинг» самолётсозлик компаниясининг самолётлари уча бошлади.

1996 йил 1 сентябрь – Тошкент шаҳрида халқаро Олимпиада шон-шуҳрати музейи очилди. Үнда халқаро Олимпиада құмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч иштирек этди.

1996 йил 4 сентябрь – Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Узбекистон Республикаси Қомусини нашр этиш тұғрисида» қарор қабул қылды.

1996 йил 9 сентябрь – Узбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» кенгашининг «Маънавият» нашриёти ташкил этилди.

1996 йил 20 сентябрь – Самарқандда қадимий Афросиёб шаҳар харобасыда қазиши ишлари олиб борган француз археологлари топилмалари күргазмаси очилди.

1996 йил 25 сентябрь – Тошкент шаҳрида Узбекистон Банклари Ассоциацияси ва Американинг Кейс Кредит

компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилаётган низом жамғармаси 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси ташкил этилди.

1996 йил 27 сентябрь – Узбекистон Болалар жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1996 йил сентябрь – Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида замонавий ферсол ва ферлит пластик мойи ишлаб чиқарадиган курилма ишга туширилди.

1996 йил сентябрь – Бухорода Ҳиндистоннинг «Ларсен ТурболтД» фирмаси курган 430 ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхона очилди.

1996 йил сентябрь – Андижонда полиэтилен плёнка ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси тақдимоти бўлди.

1996 йил сентябрь – «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан ТТЗ-130 русумли дастлабки тракторлар чиқди.

1996 йил сентябрь – Асака шаҳрида «Федеречи-Асака-Макарони» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси ишга тушди.

1996 йил сентябрь – Бухоро вилояти Жондор туманида XIII асрда яшаб ўтган ҳалқ қаҳрамони, саркарда Махмуд Торобийга ҳайкал ўрнатилди.

1996 йил 1 октябрь – «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси очик турдаги давлат акционерлик жамиятига айлантирилди.

1996 йил 2 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ислом конференцияси ташкилотига аъзо бўлди.

1996 йил 8 октябрь – Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси республикада биринчи «Банк-информрейтинг» мустақил рейтинг компаниясини таъсис этди.

1996 йил 18 октябрь – Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали равишда очилди.

1996 йил 18 октябрь – Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳрларида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди. Ҳар икки шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилди.

1996 йил 18 октябрь – Тошкент шаҳрида «Биржা ва улгуржи савдо» янги ҳафталиқ газетаси тақдимоти бўлиб ўтди.

1996 йил 21 октябрь – Тошкент шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди.

1996 йил 23–26 октябрь – Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

1996 йил 24 октябрь – ширин ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарувчи «Самарқанд – Прага» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқарди.

1996 йил 31 октябрь – Тошкент шаҳрида «Ёзувчи» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

1996 йил 31 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Инсон хукуқлари бўйича Миллий маркази ташкил қилинди.

1996 йил октябрь – Тошкент шаҳрида беш юддузли «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг 1-навбати фойдаланишга топширилди.

1996 йил октябрь – Ўзбекистон – Италия «Совпластикал» қўшма корхонаси Парижда «Сифат учун Европа Олтин мукофоти»га сазовор бўлди. Бу қўшма корхона сазовор бўлган саккизинчи халқаро мукофотdir.

1996 йил октябрь – Тошкент шаҳрида «Бозор, пул ва кредит» илмий-амалий журналининг 1-сони, шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ёритиш бўйича «Вестник Аракса» («Орол ахборотномаси») илмий журналининг илк сони босмадан чиқди.

1996 йил 1 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди.

1996 йил 28 ноябрь – Хива шаҳрида туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумкули ҳайкали очилди.

1996 йил 30 ноябрь – Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Кобул – Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон – Корея Республикаси қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

1996 йил ноябрь – Тошкент шаҳрида «Техноинвест»
Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

1996 йил 3 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун хужжатлари монито-
ринги институти ташкил этилди.

1996 йил 6 декабрь – Тошкентдаги «Туркистан» са-
ройида бўлган ҳамда Конституция кунига бағишланган
йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом
Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. У янги 1997 йилни
«Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди. (Кейинчалик
ҳар йили Конституция куни арафасида давлат раҳбари то-
монидан келгуси йилни маълум бир ном билан аташ қатъий
анъянага айланди.)

1996 йил 8 декабрь – Гулистон шаҳрида «ЎзДЭУавто»
қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Нексия» автомо-
билларини сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимошли
савдоси бўлиб ўтди.

1996 йил 16 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳкамасининг уч китобдан иборат «Ўзбекистоннинг
янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» қарори
қабул қилинди. (Бу китоблар 2000 йилда чоп этилди.)

1996 йил 20 декабрь – Ўзбекистон Фанлар академия-
сида Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига ба-
ғишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бў-
либ ўтди.

1996 йил 26–27 декабрь – биринчи чақириқ Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессиясида Ўзбекистон
Республикасининг «Нотариат тўғрисида», «Давлат уй-жой
сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1996 йил 27 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг
«Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида»,
«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун-
лари қабул қилинди.

1996 йил 29 декабрь – Тошкент шаҳрининг янги герби тасдиқланди.

1996 йил 30 декабрь – Қашқадарё вилоятидаги Алан конида йилига 5 млрд. метр³ газ ва 200 минг тонна конденсат чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

1996 йил декабрь – Ўзбекистон Фахрийлар кенгаси Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамғармасига айлантирилди.

1996 йил декабрь – Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонда биринчи бизнес маркази очилди.

1996 йил декабрь – Бухоро вилоятида мармарга ишлов берадиган янги завод ишга туширилди.

1996 йил декабрь – ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги «Ҳуррият» мустақил газетасининг биринчи сони нашр этилди.

1996 йил декабрь – Тошкент давлат юридик институти қошида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази очилди.

1996 йил – «Амир Темур: буюклик ва инсонийлик» мавзуида театр санъати фестивали бўлиб ўтди.

1996 йил – Машҳад (Эрон) ва Сарахс (Туркманистон) ўртасида темир йўл қурилиши туталланди. Бу йўл Ўрта Осиё республикалари – Туркманистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларини Форс қўлтиғига олиб чиқди.

1997 йил – «Инсон манбаатлари йили» деб эълон қилинди.

1997 йил 7 январь – иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-кувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилди.

1997 йил 8 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий ракс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1997 йил 10 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Абадий дўстлик шартномаси имзоланди.

1997 йил 17 январь – «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси» халқаро жамоат ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

1997 йил 23 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида» Фармони эълон килинди. Ушбу фармонга кўра халқ хунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ҳам таъсис этилди.

1997 йил 10 февраль – Ҳамширалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган «Ҳамшира» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

1997 йил 18 февраль – «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташкил этилди.

1997 йил 21 февраль – «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

1997 йил 21 февраль – Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмаси ташкил этилди.

1997 йил 25 февраль – «Ўзагросуғурта» Давлат суғурта компанияси ташкил этилди. У Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат суғурта бош бошқармаси («Ўздавсуғурта») негизида ташкил топди.

1997 йил 27 февраль – «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. (Журнал 1997 йил июндан чиқа бошлади.)

1997 йил 28 февраль – «Ўзбекинвест» хукуматнинг экспорт-импорт суғуртаси бўйича маҳсус агенти мақомидаги миллий суғурта компаниясига айлантирилди.

1997 йил 12 март – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

1997 йил 14 март – «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил топди.

1997 йил 20 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор чиқарди.

1997 йил 20 март – Тошкент зарбхонаси ишга туширилди.

1997 йил март – Фарғона вилоятининг Тошлок туманида ташкил этилган «ЎзДЭУ тўқимачилик» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотини берди.

1997 йил 2 апрель – Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси қабул қилинди.

1997 йил 3 апрель – Тошкент шаҳрида «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилгани ва шу ном билан аталган стадион ишга тушганлигининг 40 йиллигига бағишлиланган спорт байрами бўлиб ўтди.

1997 йил 24–25 апрель – биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон хукуқлари вақили (Омбудсман) тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1997 йил 25 апрель – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди.

1997 йил 8 май – Тошкент шаҳрида «Давлат, оила ва тарбия муаммолари» мавзуида республика конференцияси бўлиб ўтди.

1997 йил 15 май – Тошкент шаҳрида халқаро акциядорлик тижорат «ЎзДЭУбанк» очилди.

1997 йил 15 май – Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши таъсис этилди.

1997 йил 15 май – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига айлантирилди.

1997 йил 21–23 май – Тошкент шаҳрида «Нефть ва газ – 97» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 30 дан зиёд мамлакат вакиллари катнашди.

1997 йил 10 июнь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий реабилитация маркази очилди.

1997 йил 13 июнь – Чирчиқда «Кибо – болалар пойабзали» Ўзбекистон – Германия корхонасининг очилиш маросими бўлди.

1997 йил 17 июнь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тӯғрисида» қарори қабул қилинди.

1997 йил 18 июнь – Оролни кутқариш халқаро жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

1997 йил 19 июнь – Тошкент шаҳрида Озарбайжон элчихонаси очилди.

1997 йил 26 июнь – Парижда Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморчилик дурданалари – Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.

1997 йил 26 июнь – Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Ташфарм Американ Интернейшнл» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси ишга тушди.

1997 йил 27 июнь – Тошкент шаҳрида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилди.

1997 йил июнь – Тошкент шаҳрида «Хунарманд» халқ хунармандлари уюшмаси ташкил этилди.

1997 йил июнь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Алоказа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилди.

1997 йил июнь – Қарши шаҳрида «Қашқадарётелеком» Ўзбекистон – Индонезия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

1997 йил 14 июль – Кўкдумалоқ компрессор станцияси (Қашқадарё вилояти) фойдаланишга топширилди.

1997 йил 22 июль – «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилди (2003 йил 4 августда унинг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди).

1997 йил июль – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» китоби ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

1997 йил июль – Жиззахда акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди.

1997 йил 22 август – Коровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 1-навбати ишга туширилди.

1997 йил 26 август – 1 сентябрь – Самарқандда 1-халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда 30 дан ортиқ давлат вакиллари катнашди. Ҳар икки йилда бир марта мазкур фестивални ўтказиш анъанага айланди.

1997 йил 27 август – «Хуқуқ» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

1997 йил 27 август – тасвирий ва амалий санъат, халқ хунармандчилори соҳасида Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти илк марта берилди;

адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

1997 йил 29 август – биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида» карор қабул қилинди.

1997 йил 29–30 август – биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Конуни (янги таҳrirда) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

1997 йил 30 август – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси қабул қилинди.

1997 йил август – Янгийўл пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

1997 йил 8 сентябрь – Самарқандда музқаймок, пишлок, сариёғ, қаймок ишлаб чиқарадиган «Браво-сут» қўшма корхонаси ишга тушди.

1997 йил 9 сентябрь – Ўзбекистонда тенисни ривожлантириш жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1997 йил 10 сентябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

1997 йил 12 сентябрь – Узбекистон Судьялари Ассоциацияси ташкил этилди.

1997 йил 15–16 сентябрь – Тошкент шаҳрида «Марказий Осиё – ядро куролларидан холи зона» мавзууда халқаро конференция ўтказилди.

1997 йил 17 сентябрь – Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзуудаги халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Шаҳрисабзда ўз ишини давом эттириди.

1997 йил сентябрь – Тошкент шаҳридаги «Фотон» акциядорлик бирлашмасида «SONY» рангли телевизорлари ишлаб чиқарила бошланди.

1997 йил 18–19 октябрь – Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишиланган тантанали маросим ўтказилди. «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка» мавзууда халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

1997 йил 20 октябрь – Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишиланган тантанали маросим ўтказилди.

1997 йил октябрь – Андижонда «Тожметалл» акциядорлик жамияти ташкил этилди.

1997 йил октябрь – Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шуъба банки очилди.

1997 йил 4 ноябрь – Узбекистон Республикасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» эълон қилинди.

1997 йил 4 ноябрь – Узбекистон Республикаси ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди.

1997 йил 11 ноябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

1997 йил 27 ноябрь – Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

1997 йил 28 ноябрь – атоқли шоир, озодлик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

1997 йил 23 декабрь – Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод

таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тұғрисида» қарори қабул қилинди.

1997 йил 25 декабрь – биринчи чақириқ Үзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида Үзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хұжалиги корхоналарини санация килиш тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1997 йил 26 декабрь – биринчи чақириқ Үзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида Үзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда Үзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тұғрисида», «Ұсимлик дүнёсіни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида», «Хайвонот дүнёсіни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1997 йил декабрь – Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чыкаруш бирлашмаси Сифат ва мукаммаллик бүйіча халқаро жамғарманинг «Олтин ўлдуз» мукофотига сазовор бўлди.

1997 йил декабрь – Тошкент шаҳрида Үзбекистон ФА нинг биринчи президенти Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлиланган илмий сессия бўлди.

1997 йил декабрь – Тошкент шаҳрида академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишлиланган тадбирлар бўлиб ўтди.

1997 йил – «Файз-холдинг» компанияси ташкил этилди.

1997 йил – Үзбекистон адвокатлар уюшмаси (ассоциацияси) – Республикада адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни бирлаштирган мустақил нодавлат нотижорат ташкилот таъсис этилди.

1997 йил – Үзбекистон ФА Генетика ва ұсимликлар экспериментал биологияси илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

1997 йил – «COSCOM» Үзбекистон – Америка құшма корхонаси, Кореяning «Daewoo Unitel» құшма корхонаси ишга тушди.

1997 йил – Хоразм вилоятидаги Гурлан шаҳрида енгил саноат корхонаси – «Гурлантекс» акциядорлик жамияти ишга тушди.

1997 йил – «Шодлик» ашула ва ракс ансамбли негизида Ўзбекистон ашула ва ракс ансамбли ташкил этилди. У Муҳиддин Қориёқубов номидаги Халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги бадиий жамоа хисобланади.

1997 йил – Ўзбекистон Бадиий академияси таркибида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ташкил этилди.

1997 йил – Ўзбекистон рассомлар уюшмаси асосида Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси ташкил топди.

1997 йил – Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси негизида Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи тузилди (музей сифатида у дастлаб 1937 йил ташкил этилган).

1998 йил – «Оила йили» деб эълон килинди.

1998 йил 27 январь – Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури эълон қилинди.

1998 йил 28 январь – «Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi тўғрисида» Конун (янги таҳрирда) қабул қилинди.

1998 йил январь – Самарқанд туманида ташкил этилган «Пируз-Лорч» Ўзбекистон – Эрон қўшма корхонаси конвейеридан дастлабки маҳсулот чиқарилди.

1998 йил январь – Гулистонда «Лечива фармсаноат» Ўзбекистон – Чехия қўшма корхонаси ишга тушди.

1998 йил 2 февраль – Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди.

1998 йил 4 февраль – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Устоз» республика жамғармаси рўйхатга олинди.

1998 йил 19 февраль – Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Тошкент – Андижон – Ўш – Қашқар автомобиль йўлида халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл курилиши бошланди.

1998 йил 24 февраль – «Академик лицейлар ва касбхунар коллажларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

1998 йил 24 февраль – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига университет мақоми берилди.

1998 йил 26 февраль – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Нуроний» жамғармаси рўйхатга олинди.

1998 йил февраль – «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар комплектларини ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

1998 йил 4 март – Тошкент шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази ташкил этилди.

1998 йил 20 март – «Теннис+» газетаси нашр қилина бошлади.

1998 йил 26 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Ўзбектеатр» ижодийишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди.

1998 йил март – Кўкон электр машинасозлик заводида Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасида тайёрланадиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

1998 йил март – Тошкент шаҳрида ўзбек ва рус тилларида «Хуқуқ» – «Право» илмий-назарий юридик журналининг 1-сони чиқди.

1998 йил март – Тошкент ва Фаргона шаҳарларида буюк олим Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишлиланган илмий конференция бўлиб ўтди.

1998 йил март – Ўзбекистон «Олимпия шон-шуҳрати» музейига халқаро Олимпиада қўмитасининг «Олимпия шон-шуҳрати» музейи филиали мақоми берилди.

1998 йил 3 апрель – Урганчда Хоразмий ва Беруний номларидағи боғларга асос солишга бағишлиланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

1998 йил 9 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни

ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисида» Фармона эълон қилинди.

1998 йил 21 апрель – Үзбекистон Республикасидағи умумтағым мактаби ва бошқа үкүв муассасаларининг «Ёшлик» күнгилли спорт жамияти түзилди.

1998 йил 22 апрель – Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тұғрисида» қарори қабул қилинди.

1998 йил 23 апрель – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини қўллаб-куватлаш ҳақида» Фармона эълон қилинди.

1998 йил 28 апрель – Жиззах шаҳри марказида ёпиқ сув спорти саройи очилди.

1998 йил 30 апрель – биринчи чакириқ Үзбекистон Республикаси Олий Мажлисисининг 11-сессиясида Үзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тұғрисида», «Фермер хўжалиги тұғрисида», «Деҳқон хўжалиги тұғрисида», «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида» (янги таҳрирда) қонунлари қабул қилинди.

1998 йил 30 апрель – Үзбекистон Республикаси Оила кодекси ва Ер кодекси қабул қилинди.

1998 йил 30 апрель – биринчи чакириқ Үзбекистон Республикаси Олий Мажлисисининг 11-сессиясида Үзбекистон Республикасининг «Марказий сайлов комиссияси тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1998 йил апрель – Үзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

1998 йил апрель – «Пилла-холдинг» компанияси ташкил этилди.

1998 йил 4 май – музейларни қўллаб-куватлаш республика «Узбекмузей» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1998 йил 10–11 май – Иктисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошликлари-нинг бешинчи учрашуви Алмати шаҳрида бўлди.

1998 йил 1 май – «Узбекистон Республикаси ҳалқ устаси» фаҳрий унвони таъсис этилди.

1998 йил 22 май – ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражабов Жомолунгма (Эверест) чўккисини забт этиб, Ўзбекистон байроғини ўрнатди.

1998 йил май – Навоий вилоятида Кизилкум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга тушди.

1998 йил май – Тошкент шаҳрида Халқаро хусусий сугурта компанияси очилди.

1998 йил май – Тошкент рус ёш томошабинлар театри Ўзбекистон ёшлар театрига айлантирилди.

1998 йил 10 июнь – «Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя килиш механизмлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

1998 йил 26 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз тарихчи олимлари, шоир ва ёзувчилари билан бўлган учрашувда замонавий тарих фанининг методологиясини асослаб берди.

1998 йил 29 июнь – 5 юль – Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилди.

1998 йил 24 юль – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди.

1998 йил 27 юль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» қарори кабул қилинди.

1998 йил 31 юль – Дехкон ва фермер хўжалиги жамғармаси тузилди.

1998 йил июль – «Ўзбекистон тарихи» журналига асос солинди (1999 йил январда унинг 1-сони нашрдан чиқди).

1998 йил июль – Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида велосипед ишлаб чиқарадиган «Санлайт» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

1998 йил 25 август – «Ўзбекистон ифтихори» фаҳрий унвони таъсис этилди.

1998 йил 28 август – биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

1998 йил 28 август – «Эл-юрг ҳурмати» ордени таъсис этилди.

1998 йил 29 август – Тошкент шаҳрида «Куч – адолатда» Ўзбекистон Республикаси Олий суди газетасининг 1-сони чиқди.

1998 йил 29 август – биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларни четга олиб чиқиш ва олиб келиш түғрисида» Конуни қабул қилинди.

1998 йил август – ўзбек учувчи-астронавти Солижон Шарипов америкалик ва россиялик 7 кишилик экипаж таркибида «Эндервер» космик кемасида космосга парвоз қилди.

1998 йил 6 сентябрь – Тошкент шаҳрида Осиё, Африка ва Европа қитъасидан келган 28 давлат вакиллари иштирокида Халқаро кураш Ассоциацияси тузилди.

1998 йил 16 сентябрь – Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги Астрономия институтига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишенган тантанали йигилиш бўлиб ўтди.

1998 йил 25 сентябрь – «Туркестон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ташкил этилди.

1998 йил 28 сентябрь – Тошкент шаҳрида Осиё Тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси очилди.

1998 йил 30 сентябрь – Ҳазораспдаги Ўзбекистон – Туркия «Хоразм» қанд заводи қўшма корхонасида дастлабки қанд маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

1998 йил 8 октябрь – Ўзбекистон «Артмадад» махсус жамғармаси тузилди.

1998 йил 23 октябрь – Самарқандда ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишенган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 40 мамлакатидан меҳмонлар иштирок этди. Шу куни Самарқанд шаҳри яқинидаги Хартанг қишлоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

1998 йил 24 октябрь – Фарғона вилоятида Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишенган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Фарғона шаҳрида Аҳмад

Фарғоний номи билан аталадиган истироҳат боғи очилди. Кұва шаҳрида Аҳмад Фарғонийга ҳайкал үрнатилди.

1998 йил 31 октябрь – Қозогистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1998 йил 6 ноябрь – Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлиси бўлиб ўтди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги гуруҳ Тошкент давлат университетида Мирзо Улуғбек номидаги ЮНЕСКО кафедраси очилиши маросимида иштирок этди.

1998 йил 13–14 ноябрь – Термиз шаҳрида биринчи «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилди.

1998 йил 17 ноябрь – Тошкент шаҳрида «Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг роли» мавзууда ҳалқаро конференция бўлиб ўтди.

1998 йил ноябрь – Тошкент шаҳрида синхрон сузиш бўйича «Сув париси» 1-ҳалқаро турнири бўлиб ўтди.

1998 йил 11 декабрь – «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллый корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» Миллый холдинг компаниясига айлантирилди.

1998 йил 22 декабрь – Бангкокда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари билан беллашиб, ўнта энг кучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль – 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медални қўлга киритди.

1998 йил 24 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Уйжой кодекси қабул қилинди.

1998 йил 24–25 декабрь – биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Реклама тўғрисида» ва «Радиочастота спектри тўғрисида» конунлари қабул қилинди.

1998 йил 28 декабрь – Фидокорлар Миллий демократик партияси ташкил топди.

1998 йил – Наманган саноат-технология институти Наманган мұжандислик-педагогика институти деб қайта номланди.

1998 йил – «Пахтасаноатилм» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.

1998 йил – Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти археология музеи ташкил этилди.

1998 йил – Тошкент шаҳрида «Хусусий сайёхлик ташкилолтлари уюшмаси» ташкил этилди.

1999 йил – «Аёллар йили» деб эълон қилинди.

1999 йил 13 январь – Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита ташкил этилди.

1999 йил январь – Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида «Косонсой-Текмен» Ўзбекистон – Туркия тўқимачилик қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

1999 йил январь – Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир Пахлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги кенг нишонланди.

1999 йил 4 февраль – «Фидокор» газетаси чоп этила бошлади.

1999 йил 6 февраль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» карори қабул қилинди.

1999 йил 16 февраль – Тошкент шаҳрида террорчи кучлар – сиёсий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган террорчилик харакати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон ўлдирилди, 120 киши тан жароҳати олди.

1999 йил 18 февраль – «Оиласада, давлат ва жамият курилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларни ҳуқукий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манбаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» давлат дастури ишлаб чиқилди.

1999 йил 26 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида» Низом тасдиқланди.

1999 йил февраль – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон тарихчилари жамияти ташкил этилди.

1999 йил 15 март – Ибн Сино ҳалқаро жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

1999 йил 21 март – Самарқанд шаҳрида рус ва ўзбек тилларидаги ҳафталиқ «Даракчи» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

1999 йил 24 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридағи «Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Ўздавсувхўжаликназорат»)ни ташкил қилиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

1999 йил 30 март – «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ҳар йили ўтказиладиган Европа «Интерконтинентал» отеллари кўрик танловида биринчиликни олди.

1999 йил март – Самарқанд шаҳридаги «СамКочАвто» кўшма корхонасида шаҳарлараро ва шаҳар ичида қатнашга мўлжалланган дастлабки автобуслар ишлаб чиқарилди.

1999 йил март – «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

1999 йил 7 апрель – Тошкент ислом университети ташкил этилди.

1999 йил 7 апрель – Иқтисодий тадқиқотлар маркази ташкил этилди.

1999 йил 14–15 апрель – биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 13-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ўрмон тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаoliyatининг кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида», «Лизинг тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Темир йўл транспорти тўғрисида» ва «Архивлар тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1999 йил 23 апрель – Тошкент шаҳрида Маърифатчи-лар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиса жамият Низоми тасдиқланди.

1999 йил 30 апрель – Жиззах вилоятида Янгиобод тумани ташкил қилинди.

1999 йил апрель – Ўзбекистон истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш жамияtlари федерацияси тузилди.

1999 йил апрель – Брисбен (Австралия)да ўтказилган ҳалқаро «Гран при» турнирида ўзбек каратэчилари 25 та медални кўлга киритдилар, улардан 14 таси олтин медаллардир.

1999 йил 1–2 май – Тошкент шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда жаҳоннинг 48 мамлакатидан келган спортчилар қатнашди. Ўзбекистонлик курашчилардан 73 кг вазнда бухоролик Акобир Курбонов, 90 кг вазнда бухоролик Камол Муродов, мутлоқ вазнда сурхондарёлик Тоштемир Мухаммадиев ўзбек кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионлари бўлишиди.

Ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатлари:

1. 1999 йил 1–2 май – Тошкент (Ўзбекистон)да ўзбек миллий кураши бўйича I жаҳон чемпионати ўтказилди.

2. 2000 йил 13–17 июль – Антalia (Туркия)да ўзбек миллий кураши бўйича II жаҳон чемпионати ўтказилди.

3. 2001 йил 25–26 август – Будапешт (Венгрия) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича III жаҳон чемпионати ўтказилди.

4. 2002 йил 30 август – Ереван (Арманистон)да ўзбек миллий кураши бўйича IV жаҳон чемпионати ўтказилди.

5. 2005 йил 26–27 ноябрь – Тошкентда ўзбек миллий кураши бўйича V жаҳон чемпионати ўтказилди.

6. 2007 йил 25–29 октябрь – Улан-Батор (Монголия) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича VI жаҳон чемпионати ўтказилди.

7. 2009 йил 9–10 октябрь – Алушта (Украина) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича VII жаҳон чемпионати ўтказилди.

8. 2011 йил 22–23 октябрь – Термиз (Ўзбекистон) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича VIII жаҳон чемпионати ўтказилди.

1999 йил 9 май – Ўзбекистон Республикасида биринчи бор 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди. Тошкент шаҳри марказида Ватан озодлиги учун жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида Хотира ва қадрлаш майдони барпо этилди.

1999 йил 17 май – Тошкент – Самарқанд йўналишида электрпоезд қатнови йўлга кўйилди.

1999 йил 17 май – Шўртан газ-кимё мажмуи курилишида уни умумий темир йўл тармоғи билан улайдиган узунлиги 20 км бўлган Жийрон – Шўртан темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилди.

1999 йил май – Навоий вилоятида Навбаҳор гидроузели фойдаланишга топширилди.

1999 йил май – Ўзбекистон банк-молия академияси қошида «Молия» нашриёти ташкил этилди.

1999 йил 10 июнь – Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юртларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиғи, ўқищдаги муваффакиятлари билан алоҳида истеъодини намоён қилиб таълим олаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларида алоҳида ютуклари учун берилади. Мукофот Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилларига – жами 14 қизга берилади. Мукофот ҳар йили 8 март – Хотин-қизлар куни байрами арафасида топширилади.

1999 йил июнь – Навоий шаҳрида ўт ўчирувчи машиналарни йиғиши бўйича Ўзбекистон – Украина қўшма корхонаси ишга тушди.

1999 йил 1 июль – Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ратификация қилинди.

1999 йил 19–20 июль – Тошкент шаҳрида Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гурухининг БМТ

ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди.

1999 йил июль – Андижон вилоятининг Марҳамат туманида Ўзбекистон – Россия «Экомевалар» қўшма корхонаси фаолият кўрсатада бошлади.

1999 йил июль – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «ИЛ–114» самолёти Тошкент – Нукус, Тошкент – Фарғона йўналишлари бўйича доимий парвозларни амалга ошира бошлади.

1999 йил 7 август – Тошкент шаҳрида Маънавият ва маърифат республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

1999 йил 18 август – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Европа – Осиё трансконтинентал автомагистралини лойиҳалаш ишлари бўйича қарори чиқди.

1999 йил 19–20 август – биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида», «Туризм тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида» ва «Телекоммуникациялар тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

1999 йил 21 август – «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

1999 йил 26–29 август – Самарқандда «Шарқ тароналари» иккинчи халкаро мусиқа фестивали ўтказилди.

1999 йил август – Хьюстон (АҚШ) шаҳрида бокс бўйича X жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик боксчилар Үткирбек Ҳайдаров ва Маҳаматқодир Абдуллаев жаҳон чемпиони бўлишди. Тўлқинбой Турғунов эса кумуш медалга сазовор бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси эса АҚШ ва Куба терма жамоаларидан кейин учинчи ўринни эгаллади.

1999 йил август – Фарғона туманида пиллани қайта ишлайдиган Водил пиллакашлик фабрикасининг биринчи навбати ишга тушди.

1999 йил 20–21 сентябрь – Тошкент шаҳрида Буюк ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё республикаларидан ташкари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Сурия ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилот вакиллари қатнашдилар.

1999 йил 27 сентябрь – Тошкент шаҳрида Американинг «Моторола» компанияси ваколатхонаси ва радиостанциялар ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон-Моторола-Телеком-Радио» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

1999 йил 12 октябрь – «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

1999 йил 23–30 октябрь – Тошкент шаҳрида бокс бўйича 20-Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 20 та мамлакатдан 210 нафар спортчи қатнашди.

1999 йил 26 октябрь – «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси тузилди.

1999 йил октябрь – Самарқанддаги «СамКочАвто» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автобусларнинг дастлабки туркуми экспортга жўнатилди.

1999 йил октябрь – Тошкент шаҳрида Республика Тошкент фонд биржаси билан Франкфурт фонд биржаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

1999 йил октябрь – Нукусда Онкология илмий маркази очилди.

1999 йил октябрь – Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида «Антекс» очиқ турдаги акциядорлик жамияти тўқимачилик корхонаси ишга туширилди.

1999 йил октябрь – «Кураш» журналининг 1-сони нашрдан чиқди.

1999 йил 5 ноябрь – Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантанали нишонланди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангубердига муҳташам ҳайкал ўрнатилди.

1999 йил 6 ноябрь – Термиз шаҳрида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишлиланган байрам тантана-

лари бўлиб ўтди. Термизда Алпомишнинг улуғвор ҳайкали барпо этилди.

1999 йил 11–13 ноябрь – Жиззах шаҳрида республика хотин-қизлари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Аёллар йилига бағишиланиб биринчи «Тўмарис ўйинлари» фестивали бўлди.

1999 йил 1 декабрь – Тошкент шаҳрида «Кобул-Ўзбек К°» Ўзбекистон – Корея тўқимачилик қўшма корхонаси ишлаб чиқариш мажмуининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

1999 йил 5 ва 19 декабрь – барча вилоят, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига эркин демократик сайловлар бўлиб ўтди.

1999 йил 17 декабрь – Қорақалпоғистонда 115 км узунликдағи Мискин – Султон Увайс магистралидаги темир йўл изларини туташтириш ишлари ниҳоясига етказилди.

1999 йил 17 декабрь – Хоразмда ўзбек шоири, тарихчи Оғаҳийнинг 190 йиллиги нишонланди.

1999 йил 18 декабрь – Нукусда шоир Ажиниёз таваллудининг 175 йиллиги нишонланди.

1999 йил – Давлат инвестиция компанияси ташкил этилди.

1999 йил – Андижон вилояти Шаҳрихон туманида «АНТЕКС» очик турдаги акциядорлик жамияти енгил саноат корхонаси ишга тушди.

1999 йил – Амударёда Нукус ва Хўжайли шаҳарларини бирлаштирувчи автомобиль йўл кўприги қурилди.

1999 йил – Тошкент шаҳрида «Тошкент-плаза» халқаро савдо кўргазма мажмуаси бунёд этилди.

1999 йил – Тошкент шаҳрида 5 юлдузли «Тошкент – Шерaton» меҳмонхонаси (2004 йилдан «Марказий» меҳмонхона) очилди.

2000 йил – «Соғлом авлод йили» деб эълон килинди.

2000 йил 9 январь – Ислом Абдуғаниевич Каримов 5 йил муддатга иккинчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2000 йил 13 январь – Тошкент шаҳрида «Ижод дунёси» нашриёт уйи ташкил этилди.

2000 йил 28 январь – Тошкент давлат университетига Ўзбекистон миллий университети мақоми берилди.

2000 йил январь – «ЎзДЭУавто» компанияси ИСО 9001 сертификатини олди ва МДҲ мамлакатларидағи енгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлиб қолди.

2000 йил 2 февраль – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти мажлислар залида мамлакат Миллий олимпия кўмитаси (МОК)нинг VII бош ассамблеяси бўлиб ўтди.

2000 йил 3 февраль – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

2000 йил 9 февраль – Тошкент шаҳрида Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи (VDMA) Ўрта Осиёдаги бюросининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

2000 йил 14 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

2000 йил 15 февраль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

2000 йил 19–20 февраль – Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» спорт мажмуида юонон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.

2000 йил 21 февраль – «Миннатдор хотира» халқаро хайрия жамғармаси тузилди.

2000 йил 24 февраль – Афғон уруши ногиронлари республика хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

2000 йил 20 март – Банклар ассоциациясининг янги Банклараро молиявий хизмат маркази биноси, «ХобастАПО» Ўзбекистон – Швейцария – Германия қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

2000 йил 24 март – Оролнинг жанубий соҳилбўйида ишлаётган Қорақалпогистон – Австралия археология экспедицияси кум остида колиб кетган қадимий шаҳарни аниклади. Оқшаханқалъа деб аталган бу шаҳар, олимлар-

нинг тахминича, милодий IV–VI асрларгача Ўрта Осиёning энг қадимий давлатларидан бири – Хоразм давлатининг пойтакти бўлган.

2000 йил 31 март – Тошкент шаҳрида Халқаро бизнесмарказ иш бошлади.

2000 йил март – «Совпластитал» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси халқаро савдо «Лидерлар клуби» томонидан юксак мукофот – «Энг яхши савдо маркаси – янги минг йиллик соврини» олтин соврин билан тақдирланди.

2000 йил 6 апрель – Навоий вилояти худудида бентонит гил кони топилди.

2000 йил 14 апрель – «Урганч» аэропортининг аэровокзал мажмуаси фойдаланишга топширилди.

2000 йил 14 апрель – Фидокорлар Миллий демократик партияси (ФМДП) таркибига «Ватан тараққиёти» партияси қўшилди.

2000 йил 20–21 апрель – Тошкентда Марказий Осиё иккисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Тўрт давлат бошликлари «Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтака давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавфхатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома»ни имзоладилар.

2000 йил апрель – Навоий вилоятининг Учқудук туманида юқори сифатли мармар қазиб олина бошланди.

2000 йил апрель – Андижон вилоятида «Асака – АСК» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.

2000 йил 4 май – Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг солиқ коллежлари ташкил этилди.

2000 йил 12 май – Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлди.

2000 йил 25 май – иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида» конунлари қабул қилинди.

2000 йил 26 май – иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2000 йил май – Тошкент тепловоз таъмиглаш заводининг 100 йиллигига бағишиланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

2000 йил май – «Тошкент ислом университети» нашриёти ташкил этилди.

2000 йил 9 июнь – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро мукофот – «Евромаркет – 2000» совринига сазовор бўлди.

2000 йил 14 июнь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2000 йил 23 июнь – Бутунжоҳон курашни ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

2000 йил 23 июнь – Ўзбекистон сув хўжалик курилиш концерни («Ўзсувқурилиш») тугатилди.

2000 йил 27 июнь – «Соғлом авлод» газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

2000 йил 13–17 юль – Анталия (Туркия)да ўзбек миллий кураши бўйича II жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўзбекистонлик курашчилардан 73 кг вазнда Маҳтумкули Маҳмудов ва 90 кг вазнда Баҳрам Авазов, мутлоқ вазнда Селим Татарўғли (Туркия), аёллар ўртасида 63 кг вазнда Илкнур Кобаш (Туркия) жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди.

2000 йил 18 юль – Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болаларни ҳамда ёшларни реабилитация килиш бўйича «Паноҳ шуъласи» жамғармаси тузилди.

2000 йил 25 юль – Тошкент шаҳрида Фидокорлар Миллий демократик партиясининг биринчи курултойи бўлиб ўтди.

2000 йил 2 август – Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этилди.

2000 йил 25 август – Ёш истеъодлар учун «Нихол» мукофоти таъсис этилди.

2000 йил 29 август – Ўзбекистон Республикаси пойтахтини Фаргона водийси билан туташтирувчи Қамчик довонидан ўтган янги автомобиль йўлининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2000 йил 29 август – «Жалолиддин Мангуберди» ордени таъсис этилди.

2000 йил 30–31 август – иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида» конунлари қабул қилинди.

2000 йил август – Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегара худудида босқинчи террорчи гуруҳларнинг Сариосиё ва Узун туманларининг ўтиш қийин бўлган тоғли худудларида қўпорувчилик ҳаракатлари олиб борилди.

2000 йил 11–17 сентябрь – Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» спорт мажмуида «Президент кубоги» теннис турнири бўлиб ўтди.

2000 йил 14–16 сентябрь – Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО ҳомийлигига динларо мулоқот бўйича «Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида» мавзуида ҳалқаро конгресс бўлди. Унда жаҳоннинг 30 га яқин давлат вакиллари иштирок этдилар.

2000 йил сентябрь – Орол денгизининг қуриб қолган ўзанида ўрмон барпо этишга оид Ўзбекистон – Германия қўшма лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

2000 йил сентябрь – Ўзбекистонда Аудиторлар палатаси иш бошлади.

2000 йил сентябрь – Ўзбекистонда фуқароларни қизиқтирган барча масалалар бўйича маслаҳат берадиган биринчи «Тошкент ахборот хизмати» очилди.

2000 йил 1 октябрь – ўзбек боксчиси Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича Сиднейда ўтган XVII ёзги Олимпиада ўйинларида чемпион бўлди, эркин курашчи Артур Таймазов кумуш, боксчилар С.Михайлов ва Р.Сайдов эса бронза медалларини олишиди.

2000 йил 16 октябрь – «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айлантирилди.

2000 йил 19 октябрь – «Узбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг А-130 русумли замонавий ҳаво кемаси 9 соатда Япониянинг Миязаки префектурасидан йўлга чиқкан 170 нафар сайёхни Буюк ипак йўлининг юраги – Бухорога олиб келди.

2000 йил 21 октябрь – Фарғона вилоятида буюк олим ва мутафаккир Аҳмад Фарғоний таваллудига бағишиланган тантаналар бўлиб ўтди.

2000 йил 31 октябрь – Тошкент шаҳрида барпо этилган «Азимут» корхонасида ишлаб чиқарила бошлаган «ARABIK CLASSIK» янги марказдаги табиий қаҳва тақдимоти бўлиб ўтди.

2000 йил октябрь – Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё мамлакатлари сув хўжалиги ходимлари малакасини оширадиган минтақа тренинг маркази очилди.

2000 йил октябрь – Нукусда шаҳарлараро иккинчи Жануб автобекати ишга туширилди.

2000 йил октябрь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Корея «Амако-Боулинг» кўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

2000 йил 16 ноябрь – Марғилонда буюк фикҳ олими, имом Бурҳониддин Маргиноний таваллудининг 910 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳри марказида Бурҳониддин Маргиноний ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

2000 йил 17 ноябрь – Самарқандда буюк фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи тантанали нишонланди. Самарқанд шаҳрида Мотуридий ёдгорлик мажмуи очилди. Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишиланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

2000 йил 24 ноябрь – Ўзбекистон «Офарин» жамгармаси рўйхатдан ўтказилди.

2000 йил 29 ноябрь – Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қадимий Кўктепа шаҳар харобалари ўрнида бадавлат аёл (саклар маликаси)нинг даҳмаси топилди.

2000 йил ноябрь – ЮНЕСКО меъморий-тарихий ёдгорликлар Жаҳон мероси қўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз, Бухоро шаҳарларининг тарихий марказлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

2000 йил 14 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида», «Норматив хукукий ҳужжатлар тўғрисида» конунлари кабул қилинди.

2000 йил 14 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Судлар тўғрисида» Конунининг янги таҳрири кабул қилинди.

2000 йил 15 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга карши кураш тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида» конунлари кабул қилинди.

2000 йил 15–19 декабрь – Тошкентда Коракалпоғистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

2000 йил декабрь – Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги кенг нишонланди.

2000 – 2006 йиллар – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (1–12-жиллар) нашрдан чиқди.

2001 йил – «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

2001 йил 1 январь – Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташкил этилди.

2001 йил 3 январь – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Фуқаро муҳофазаси» – «Гражданская защита» (хозирги «Муҳофаза+») журналининг илк сони нашрдан чиқди.

2001 йил 4 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини

ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

2001 йил 9 январь – Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтди.

2001 йил 9 январь – Солиқ ва божхона органлари академияси ташкил қилинди (2003 йил 23 майдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси деб номланди).

2001 йил 18 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2001 йил 19 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари ташкил этилди. («Ўкувчи ва талаба-ёшлиарни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги (2003 йил 3 июнь) қарорига биноан бу ўйинларнинг республика финал босқичлари 3 йилда бир марта ўтказилиши белгиланди.)

2001 йил 24 январь – Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари иштирок этган «Сув – келажак захираси» шиори остида семинар-тренинг ўтказилди.

2001 йил 2 февраль – Чирчиқ шаҳрида газ ҳайдаш компрессорларини қайта таъмирлашга ихтисослашган «US-DR сервис маркази» Ўзбекистон – Голландия қўшма корхонаси ишга тушди.

2001 йил 6 февраль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оналар ва болалар» давлат дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

2001 йил 6 февраль – «Автоҳамроҳ» журналининг 1-сони босмадан чиқди.

2001 йил 13 февраль – Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди.

2001 йил 21 февраль – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти тайёрлаган «Болалар энциклопедияси» нашрдан чиқди.

2001 йил 22 февраль – Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги негизида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди.

2001 йил 3–4 март – Тошкент шаҳрида эркин ва юонорум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги» номли бешинчи анъанавий турнир бўлиб ўтди.

2001 йил 15 март – Тошкент шаҳрида «Интернет. UZ» 1-миллий интернет-фестивали ўтказилди.

2001 йил 15 март – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ишга тушди.

2001 йил 17 март – Мискин – Учкудук темир йўли (224 км) курилиши якунланди.

2001 йил 20 март – Ўрта Осиёда ягона Қизилқум фосфорит комбинатининг 1-навбати тўла кувват билан ишлай бошлади.

2001 йил 21 март – Нукус туманида «Қорақалпоқтомат» корхонаси ишга тушди.

2001 йил 24 март – Фарғонада йирик фуран бирикмалири кимё корхонасида целлюлоза ишлаб чиқариш иншооти ишга тушди.

2001 йил 10–12 апрель – Тошкент шаҳрида 6-Тошкент халқаро тиббиёт «Соғлиқни сақлаш» кўргазмаси бўлиб ўтди.

2001 йил 25 апрель – Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашни раислари: Ботир Убайдуллаев (2001–2006), Акром Алимов (2006–2010), Баходир Фаниев (2010 йил март ойидан).

2001 йил 28–29 апрель – Тошкент шаҳрининг «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

2001 йил 30 апрель – Жиззах шаҳрида илк бор ўтказилаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2001 йил 30 апрель – Наманганда «Аснам текстиль» кўшма корхонаси ишга тушди.

2001 йил 1 май – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам маркази фаолият бошлади.

2001 йил 1 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2001 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ҳоразм вилоятининг Бофот, Жиззах вилоятининг Зарнур, Мирзачўл, Дўстлик, Навоий вилоятининг Ҳатирчи туманларида, Гулистон шаҳрида Хотира хиёбонлари барпо этилди.

2001 йил 11 май – «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисида» Қонунининг янги таҳрири қабул қилинди.

2001 йил 18 май – Шаҳрисабздаги Амир Темурномидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

2001 йил 23 май – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001–2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, интернетнинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиши ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

2001 йил 23–24 май – Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» спорт мажмуида «Кичкинтоя – 2002» теннис турнири бўлиб ўтди.

2001 йил май – «Ватанпарвар» ташкилоти хузурида «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди.

2001 йил 7 июнь – Ялта (Украина) шаҳрида Озарбайжон Республикаси, Грузия Республикаси, Молдова Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина Республикаси президентларининг (ГУУАМ) учрашуви бўлди.

2001 йил 15 июнь – Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг Шанхай форумига тўла хукукли аъзо бўлиши

тўғрисидаги баёнот имзоланди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов таклифи билан Шанхай форумининг номи Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) деб ўзгартирилди.

2001 йил 22 июнь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш тўғрисида», «Накд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари қабул қилинди.

2001 йил 22 июнь – Тошкентда 14 коттеждан иборат мамлакатимизда ягона «SOS – Болалар маҳалласи» очилди.

2001 йил 6 июль – АҚШда фахрийлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Фарҳод Оғаев чемпион унвонига сазовор бўлди.

2001 йил 6 июль – Чирчикда мамлакатимиз Қуроли Кучларининг барча кўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди.

2001 йил 9–10 июль – Тошкент шаҳридаги «Ўзқўргазмасавдо» марказида эркин ва юонон-рум кураши бўйича 9-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

2001 йил 18 июль – «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсадалик нишони таъсис этилди.

2001 йил 1 август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор килиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида қамоққа олишга санкция бериш хукуқини судларга ўtkазиш тўғрисида» фармонлари қабул қилинди.

2001 йил 17 август – Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг янги линияси ишга туширилди. «Матиз» русумли автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

2001 йил 17 август – 1 сентябрь – Тошкент шаҳрида тенис бўйича «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» (UN Cup) халқаро ўсмиirlар турнири бўлиб ўтди.

2001 йил 23 август – Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ҳамда Япония билан ҳамкорликда «Кобул – Фарғона компания» тўқимачилик қўшма корхонаси ишга тушди.

2001 йил 24 август – Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуи очилди ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

2001 йил 25–26 август – Будапешт (Венгрия) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича III жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўзбекистонлик курашчимиз Баҳром Авазов мутлоқ вазнда, польшалик Дорота Сикорта аёллар ўртасида 63 кг вазнда жаҳон чемпионлари унвонига сазовор бўлишиди.

2001 йил 26–29 август – Самарқандда «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусика фестивали ўтказилди.

2001 йил 30 август – Тошкент шаҳрида Ўзбек миллий академик драма театри янги биносининг очилиш маросими бўлди. (Бу театр 2001 йил 21 сентябргача Ҳамза номи билан юритилган.)

2001 йил 30 август – Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2001 йил 31 август – қатағон курбонларини ёд этиш куни сифатида мазкур сана Ўзбекистонда илк бор ўтказилди.

2001 йил август – Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида сув спорти саройи қурилди.

2001 йил 11 сентябрь – Тошкент шаҳрида теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бўлди.

2001 йил 21 сентябрь – «Мерос» илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

2001 йил 25–29 сентябрь – Самарқанддаги «Динамо» теннис кортида соврин жамғармаси 25000 АҚШ долларига тенг бўлган халқаро «Челленжер» турнири бўлиб ўтди.

2001 йил 28–29 сентябрь – Термиз шаҳридаги «Алпомиши» ўйингоҳида Ҳаким Термизий хотирасига багишланган кураш бўйича анъанавий 5-халқаро турнир бўлиб ўтди.

2001 йил сентябрь – Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон – Туркия – Япония кўшма корхонаси ишга тушиди.

2001 йил сентябрь – «Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи» босмадан чиқди.

2001 йил 20–25 октябрь – Шахрисабздаги «Хисор» стадионида ҳамда қишлоқ хўжалиги коллежида иккинчи «Тўмарис ўйинлари» фестивали бўлиб ўтди.

2001 йил 21 октябрь – Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбати (6 та бекат) фойдаланишга топширилди.

2001 йил 3 ноябрь – Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллик юбилейига бағишлиб тантанали маросим ўтказилди ва ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

2001 йил 7–10 ноябрь – Малайзияда каратэ бўйича V Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик София Каспуратова 60 кг вазнлилар ўртасида олтин медаль соҳибаси бўлди.

2001 йил 21 ноябрь – Р.Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадкиқот институти ташкил этилганинг 100 йиллиги нишонланди.

2001 йил 26 ноябрь – Сурхондарё давлат қўғирчок театри ташкил этилди.

2001 йил 5 декабрь – Тошкент шаҳрида Осиё – Тинч океани мintaқасидаги «Багрикенглик тармоғи»нинг иккичи анжумани бўлиб ўтди.

2001 йил 6 декабрь – иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 7-сессиясида «Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул килинди. Қарорда 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш, унда келгуси чақирик Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга розилик масаласи қўйилди.

2001 йил 7 декабрь – Самарқанд вилоятининг Пайарик тумани билан Челак туманини, Пастдарғом тумани билан Гўзалкент туманини бирлаштириб, Пайарик ва Пастдарғом туманлари ташкил этилди.

2001 йил 8 декабрь – Тошкент шаҳрида «Китоб дунёси» ахборот-маълумот газетасининг 1-сони нашрдан чиқди.

2001 йил 21 декабрь – Қашқадарё вилоятининг Фузор туманида Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди.

2001 йил 25 декабрь – «O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони таъсис этилди.

2001 йил 27 декабрь – Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

2001 йил декабрь – Жиззах шаҳрида «Ўзэкрайд» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси ишга туширилди.

2002 йил – «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.

2002 йил 16 январь – Тошкент шаҳрида Халқаро кураш институти фаолият бошлади.

2002 йил 16 январь – Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида фармон чиқди.

2002 йил 24 январь – ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанд тарихий марказининг меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон месроси рўйхатига киритилди.

2002 йил 24 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида» карори қабул қилинди.

2002 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикасида келгусида икки палатали парламент тузиш ва Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга – 2007 йилнинг январигача узайтириш масалалари бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65% икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди.

2002 йил 28 январь – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги нишонланди.

2002 йил 19 март – Тошкент шаҳрининг «Туркистон» саройида «Ташаббус – 2002» кўрик-танловининг яқунловчи босқичи бўлиб ўтди.

2002 йил 22 март – Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

2001 йил 27 март – АҚШда ўтказилған «Атланта кубоги» халқаро турнири баҳсларида умумий хисобда мезбонлардан

сўнг иккинчи ўринда каратэчиларимиз жами 14 та медаль (6 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза)ни кўлга киритдилар.

2002 йил март – ЮНЕСКО Бош директорининг қарорига кўра «Шахарлар – тинчлик учун» танловида жаҳоннинг ўнта шаҳри ғолиб деб топилди. Улар орасида Бухоро шаҳри ҳам бор.

2002 йил март – Наманган шаҳрида «Нестле» Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

2002 йил 2 апрель – Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишиланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

2002 йил 4 апрель – иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 8-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий Қонуни қабул қилинди.

2002 йил 10 апрель – Шаҳрисабзда «Оқсаной тўқимачи ЛТД» Туркия ва Япония билан ҳамкорликдаги қўшма корхонанинг очилиш маросими бўлди.

2002 йил 16 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

2002 йил 24 апрель – Фарғонада Республика мактаб уқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг биринчи босқичи тантанали равишда очилди.

2002 йил 24 апрель – «Соғлиқни сақлаш» «ТИЕ – 2002» Тошкент анъанавий халкаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

2002 йил 29 апрель – Ўзбекистонда Улок-кўпкари федерацияси тузилди.

2002 йил 7 май – Ўзбекистон Республикасининг 59 моддадан иборат Шаҳарсозлик кодекси эълон қилинди (2002 йил 4 апрелда қабул қилинган).

2002 йил 15 май – Гулистон шаҳридағи «Алномиш» спорт мажмуида таэквандо бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.

2002 йил 24 май – «Бойсун баҳори» 1-халқаро фольклор фестивалининг очилиш маросими бўлди.

2002 йил 25–30 май – Бухоро шаҳрида олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада – 2002» спорт ўйинлари ўтказилди.

2002 йил 4 июнь – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Италияning «Al-Italia» авиакомпанияси ўртасида «Кодшер» битими имзоланди. Унга мувофиқ Тошкент – Рим – Тошкент йўналиши буйлаб парвозлар амалга оширилади.

2002 йил 5 июнь – Ином Бухорий ёдгорлик мажмуида «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуида халқаро илмий-назарий анжуман ўтказилди.

2002 йил 6–7 июнь – Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлати раҳбарлари ҳам иштирок этди.

2002 йил 21 июнь – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил этилди.

2002 йил 24 июнь – Тошкент шаҳрида мактаб, академик лицей ва коллежлар битиравчиларининг «Истиқлол умидлари – 2002» фестивали бўлиб ўтди.

2002 йил 24 июнь – Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг Рус православ черкови «Благовест» халқаро хайрия жамгармаси тузилди.

2002 йил 3 юль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинди.

2002 йил 20 юль – Ўзбекистон Республикаси ФА «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техник марказида «Кўзсиз кўриш» халқаро лойиҳаси доирасида янги курилма яратилди. У кўзи ожиз кишиларга атроф-мухитни аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

2002 йил июль – Таиландда ўтказилган оғир атлетика бўйича ёшлиар ўртасидаги Осиё чемпионатида мамлакатимиз вакиллари 4 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медаль соҳиби бўлдилар.

2002 йил 12–13 август – Темурийлар тарихи давлат музейида «Марказий Осиё тарих кўзгусида: энг қадимдан ҳозиргача» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан таникли олимлар иштирок этишиди.

2002 йил 15 август – Шўртан газ-кимё мажмуасида биринчи полизтилен олинди.

2002 йил 17–18 август – Фарғонада белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун 1-халқаро турнир ўтказилди.

2002 йил 30 август – Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлари тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрир) қонунлари қабул қилинди.

2002 йил 30 август – 2 сентябрь – Ереван (Арманистон)да ўзбек миллый кураши бўйича IV жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 73 кг вазнда Арчил Чочелли (Грузия), ўзбекистонлик курашчилардан қашқадарёлик Исок Ахмедов 81 кг вазнда, 90 кг вазнда Маркос Дауо (Бразилия), мутлок вазнда Селим Татарўғли (Туркия), аёллар ўртасида 53 кг вазнда Кристина Нажарян (Арманистон), 63 кг вазнда Актан Эбене (Туркия), мутлок вазнда Белкис Кайя (Туркия) жаҳон чемпиони унвонига, ўзбекистонлик Давлат Чориев ва Рамзиддин Сайдов кумуш медалларга сазовор бўлишди. Шундан сўнг ўзбек миллый кураши бўйича жаҳон чемпионати ҳар икки йилда ўтказиладиган бўлди.

2002 йил 31 август – Тошкент шахрининг «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди (2008 йил 31 августда музейнинг қўшимча биноси ва янги экспозицияси ҳам очилди). Қатағон қурбонларини ёд этиш куни (31 август) муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда катнашди. (Давлат раҳбарининг кейинчалик ҳар йили шу кунда бу маросимда қатнашиши қатъий анъанага айланди.)

2002 йил август – Навоий – Учқудук – Султон Увайс – Нукус темир йўли қурилиши битказилиб, ишга туширилди.

2002 йил август – «УзДЭУавто» кўшма корхонасида «Нексия» енгил автомобилининг янги, такомиллашган моделини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу модел 16 клапанили «Дойч» двигатели билан жиҳозланган.

2002 йил 10 сентябрь – «Ўзбекистон» спорт мажмуида теннис бўйича Президент кубоги халкаро турнирининг очилиш маросими бўлди.

2002 йил 15 сентябрь – Тошкент шаҳрининг «Туркестон» саройида биринчи марта эстрада санъатининг барча йўналишлари бўйича қўшиқ ва кўйлар тақдимот фестивали – «Олтин хумо» ўтказилди.

2002 йил 19 сентябрь – Тошкент трактор заводининг 60 йиллиги нишонланди.

2002 йил 29 сентябрь – 19 октябрь – Жанубий Кореяниң Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида қатнашган ўзбекистонлик спортчилар 15 та олтин, 12 та кумуш ва 24 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-уринни эгаллашди.

2002 йил 14 октябрь – Тошкент шаҳрида теннис бўйича Осиё чемпионати бошланди.

2002 йил 1 ноябрь – Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

2002 йил 15 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Банк кенгашини тузиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

2002 йил 4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолик Фижувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарори эълон қилинди.

2002 йил 12–13 декабрь – иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий Конунлар ҳамда «Давлат статистикаси тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат

тұғрисида», «Ахборот әркинлиги принциплари ва кафолатлари тұғрисида» қонунлари қабул қилинди.

2002 йил 24 декабрь – Үзбекистон Республикаси Макроинвестициялар жөніндегі мемлекеттік мемлекеттік макроэкономикалық стратегияның мүмкіншілдіктерін анықтаудың негизгілік критерийлерін анықтауда Үзбекистон Республикасы Иктисодиёт министрлігінен Үзбекистон Республикасы Давлат статистика құмитаси ташкил этилди.

2002 йил 29 декабрь – Үзбекистон Республикаси Президенттің 2002 йил 24 октябрдаги «Үзбекистон Республикаси Болалар спортынан ривожлантириш жамгармасини тузиш тұғрисида»ғи Фармонига мувофиқ Тошкентда Болалар спортынан ривожлантириш жамгармаси таъсис этилди.

2002 йил декабрь – Тошкент шаҳрида Үзбекистон Бадиий академиясы «Маданият карвон саройи»нинг тантанали очилиш маросими бўлди.

2002 йил декабрь – Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Чорвок оромгоҳи» согломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

2002 йил декабрь – Үзбекистон Бадиий академияси таркибида «Тошкент фото уйи» Тошкент шаҳрида ташкил этилди.

2002 йил декабрь – Үзбекистон давлат кутубхонаси Алишер Навоий номидаги Үзбекистон Миллий кутубхонаси деб номланди.

2002 йил декабрь – «Хива – Карпет» Үзбекистон – Германия құшма корхонаси ташкил этилди.

2002 йил – Үзбекистон Республикаси Халқаро электр алоқа иттифоқи аъзолигига қабул қилинди.

2002 йил – Халқаро кураш Ассоциациясы ўзининг «Олтин орден МАК» олий мукофотини жорий қилди. У халқаро кураш ривожига құшган ҳиссаси учун давлат раҳбарлари, йирик сиёсат ва жамоат арбобларига берилади. Биринчи орден Үзбекистон Президенти И. Каримовга берилди (2002). Иккинчи орден Ҳиндистон Миллий Конгресс раҳбари Соня Гандига берилди (2004).

2002 йил – Малайзияда бокс бүйича XXI Осиё чемпионатыда 27 та давлат вакиллари орасыда 5 та олтин, 3 та

бронза медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

2003 йил – «Обод маҳалла иили» деб эълон қилинди.

2003 йил 6 январь – Қашқадарё вилоятидаги Усмон Юсупов ва Баҳористон туманларининг бирлаштирилиши натижасида Миришкор тумани ташкил этилди.

2003 йил январь – Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманида «Корресселмаш» Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси ишга тушди.

2003 йил январь – Андикон вилоятининг Асака шаҳрида катта замонавий бозор ишга тушди.

2003 йил январь – Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Металлург» дам олиш масканининг очилиш маросими бўлди.

2003 йил 7 февраль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Обод маҳалла иили» дастурини қабул қилди.

2003 йил февраль – Жиззахда «Ўзфармсаноат» давлат концерни тизимидағи корхоналарда тайёрланा�ётган маҳсулотларнинг тақдимоти бўлди.

2003 йил 14 март – Тошкент шаҳрида дехқон ва фермерларнинг 2-Республика қурултойи бўлиб ўтди.

2003 йил март – Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза килиш давлат қўмитасида «Ўзбекистон Қизил китоби» 2-жилдининг ва Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий дастурининг тақдимоти ўtkазилди.

2003 йил март – Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси фаолият бошлади.

2003 йил 24–25 апрель – иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида» Конуни қабул қилинди, унда икки палатали парламент тузишнинг хукукий асослари белгилаб берилди.

2003 йил апрель – Тошкент шаҳрининг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тинчлик кўнғироғи» мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2003 йил 4–5 май – Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида Европа Тикланиш ва Тараккиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 12-йиллик мажлиси ўтказилди. Анжуманга 59 давлатдан 61 делегация аъзолари ташриф буюрди.

2003 йил 10 май – таникли ўзбек шоириFaфур Fулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғига Faфур Fулом номи берилди ва боғда шоир хайкали очилди.

2003 йил 14–20 май – Хоразмда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

2003 йил 23 май – Тошкентда Олий ҳарбий божхона институти ташкил қилинди.

2003 йил 5–11 июнь – Андижон вилоятида «Баркамол авлод – 2003» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

2003 йил 26–29 июнь – Намангандар туманида учинчи «Тумарис ўйинлари» фестивали бўлиб ўтди.

2003 йил июль – Намангандар туманинг Чуст туманида Ўзбекистон – Швейцария «Голден Фрут» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида АҚШ – Ўзбекистон «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси ишга тушди.

2003 йил июль – Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Кампиртепа қишлоғида ноёб ҳазина – қадимий китоблар топилди.

2003 йил июль – Тошкент фотосуратлар уйи Халқаро бадиий фото федерацияси (FJAP)га аъзо бўлди.

2003 йил 22 август – Андижон вилояти «Амир Темур» ордени билан мукофотланди;

Хоразм вилояти «Жалолиддин Мангуберди» ордени билан мукофотланди.

2003 йил 25–30 август – Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин мамлакат вакиллари қатнашди.

2003 йил 29–30 август – иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 12-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»,

«Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тұғрисида» қонунлари қабул қилинди.

2003 йил 29 август – «Фидокорона хизматлари учун» ордени таъсис этилди.

2003 йил август – Фарғона вилоятининг Бешарик туманида «Бештекс» Узбекистон – Германия қўшма корхонаси ишга туширилди.

2003 йил август – Наманган шаҳрида «Ёшлилар» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

2003 йил август – Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманида ер қаъридан тиббиётда ноёб ва ўта шифобахш ҳисобланган радонли сув чиқди.

2003 йил август – Нукус шаҳрида ҳалқ истеъмоли моллари минтақавий марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2003 йил 11 сентябрь – Нукус шаҳрининг 70 йиллиги нишонланди ва шаҳар «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

2003 йил октябрь – Тошкент шаҳридаги «Osiyo granit» корхонаси худудида курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи Австрия – Узбекистон қўшма корхонаси ишга тушди.

2003 йил 12 ноябрь – Тошкент шаҳридаги сиёсий тадқиқотлар марказида «Глобаллашув ва Марказий Осиё» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

2003 йил 15 ноябрь – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Узбекистон либерал-демократик партиясининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда партия низоми ва дастури тасдиқланди. Партияниң «XXI аср» хафталик газетаси таъсис этилди.

2003 йил 27 ноябрь – Бухоро ва Фиждувон шаҳарларида тасаввуф илмининг йирик намояндаси Абдулхолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

2005 йил ноябрь – Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳри яқинида жойлашган «Ўзқимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида Устюртдан қазиб олинадиган хомашё конлари негизида Қўнғирот сода заводи ишга туширилди.

2003 йил ноябрь – Термиз шаҳрининг Термиз – Хайратон кўприги олдида Айритом божхона мажмуи ишга туширилди.

2003 йил 6–7 декабрь – Бразилияning Сан-Пауло шаҳрида ўзбек кураши бўйича Пан Америка чемпионати бўлиб ўтди.

2003 йил 10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Бош вазари килиб Шавкат Миромонович Мирзиёев тайинланди.

2003 йил 12 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining «Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-худудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида» карори қабул килинди. Навоий тумани Кармана тумани деб қайта номланди.

2003 йил 24 декабрь – «Ўзмевасабзавотурӯғсаноат» уюшмаси ташкил этилди.

2003 йил – Ўзбекистон – Россия – Америка қўшма экспедицияси Обираҳмат ғори (Тошкент вилояти)дан тош даврига оид қадимги одам суюкларини топди.

2003 йил – Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти қошида сунъий уруғлантириш (экстра-корпорал уруғлантириш) билан шуғулланадиган «Янги инсон» номли репродуктив марказ очилди.

2003 йил – Жанубий Кореяning Тегу шаҳрида ўтказилган универсиадада дзюдоҷиларимиз Абдулла Тангриев ва Эгамназар Акбаров олтин, Мурод Холиколов кумуш, Михаил Соколов ва теннисли Оқғул Омонмуродова бронза медалини қўлга киритди.

2004 йил – «Мехр ва муруват йили» деб эълон килинди.

2004 йил 1 январь – Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг Минтақавий аксилтер-рор тузилмаси ижроия қўмитаси фаолият курсата бошлади.

2004 йил 1 январь – Ўзбекистон телерадиокомпаниясида «Спорт» телеканали фаолият курсата бошлади.

2004 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури тўғрисида» қарори қабул қилинди.

2004 йил 12 март – Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги Амударё устида бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

2004 йил 17 март – «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташкил этилди.

2004 йил 17 март – Москва шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати жамғармаси (Фонд форум) ташкил қилинди.

2004 йил 18 март – Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон – Туркия «Я-ДЭМтекстиль» қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

2004 йил 23 март – Тошкент шаҳрида буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

2004 йил 25 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

2004 йил 26 март – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташкил топди.

2004 йил 27 март – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди.

2004 йил 28 март – Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

2004 йил 30 март – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилди.

2004 йил март – «Бухоро мавжлари» журналининг биринчи сони нашрдан чиқди.

2004 йил 3 апрель – Оролбўй генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди.

2004 йил 5 апрель – Тошкент шаҳрида «Таълим – келажакка йўналтирилган сармоя» мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур анжу-

манда Марказий Осиё мамлакатлари таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

2004 йил 29–30 апрель – иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 14-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» қонунлари қабул қилинди.

2004 йил 21 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2009 йилларда мактаб таълим министриши давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

2004 йил 11 июнь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти ва Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти кўшилиши муносабати билан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти кайта ташкил этилди.

2004 йил 17 июнь – Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди.

2004 йил 11 июнь – Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан Хитой таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда хитой тилини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институтни ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

2004 йил 7 июль – Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

2004 йил 13 июль – Ливия пойтахти Триполи шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек шахматчиси, халкаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони унвонини олишга сазовор бўлди.

2004 йил 30 июль – Тошкент шаҳрида ақидапараст террорчилар томонидан террорчилик хуружлари содир этилди.

2004 йил август – Хоразм вилоятида «Боготтекстиль» ва «Шовоттекс» қўшма корхонаси ишга туширилди.

2004 йил 4–26 август – Афинадаги XXVIII ёзги Олимпия мусобакаларида ўзбекистонлик курашчи Александр

Доктуришвили юонон-рум кураши бўйича, Артур Таймазов эса эркин кураш бўйича Олимпия йўйинлари чемпиони бўлди, Магомед Ибрагимов кумуш медаль билан тақдирланди, бокс бўйича Ўткир Ҳайдаров ва Баҳодир Султонов бронза медаллар билан тақдирланишиди. Иккита олтин, битта кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритгач, Ўзбекистон терма жамоаси 202 мамлакат орасида 34-уринни эгаллади.

2004 йил 31 август – Ўзбекистон тасвирий санъат галерейсининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

2004 йил 4–8 сентябрь – Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон талаба-ёшлиарининг «Универсиада – 2004» спорт йўйинлари бўлиб ўтди.

2004 йил 27 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди.

2004 йил 30 сентябрь – 1 октябрь – Тошкент шаҳрида бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали – 2004» жаҳон кубоги бўлиб ўтди.

2004 йил 11 октябрь – Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси ташкил этилди.

2004 йил 15 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, харитография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил қилинди.

2004 йил 25 октябрь – Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёхлик ташкилотининг «Буюк ипак йули» деб номланувчи ваколатхонаси очилди.

2004 йил 28 октябрь – Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

2004 йил 2 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакириқ 16-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғаривори бориладиган пенсия таъминоти түғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

2004 йил – «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташкил этилди.

2004 йил – Амударё устидан Ҳазорасп – Мискин темир йўл кўприги қурилди.

2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди.

2005 йил 17–20 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига илк марта сайловлар бўлиб ўтди.

2005 йил 25 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида» қарори қабул қилинди.

2005 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 палата: Қонунчилик палатаси (қуий палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб Эркин Халилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси этиб Мурод Шарифхўжаев сайланди.

2005 йил 12–13 март – Тошкент шахридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин кураш бўйича жаҳон кубоги бўлиб ўтди.

2005 йил 15 март – АҚШда дзюдо бўйича ўтказилган «Нью-Йорк опен» очик чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

2005 йил 30 март – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Тошкент шахридаги Акмал Икромов тумани номини Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2005 йил март – Тошкент вилоятида «Бурсель – Тошкент текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилди.

2005 йил 2 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти ташкил этилди.

2005 йил 17–27 апрель – Россиянинг Санкт-Петербург шахрида 64 катакли шашка бўйича ўсмиirlар ва қизлар

ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигига ўн ёшли ўғил болалар орасида Сайдқосим Алиев 18 имкониятдан 17 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади ва жаҳон чемпиони бўлди. Қизлар ўртасида Гулсун Алиева иккинчи ўрин, Нигина Дадаева учинчи ўринни эгаллади.

2005 йил 23–24 апрель – Термиз шаҳридаги «Алпомиш» марказий стадионида Узбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий еттинчи Ҳаким Термизий халқаро турнири ва турнир доирасида фахрийлар ўртасида курашимизнинг ҳар икки йўналиши бўйича тарихий биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда полвонларимиз муносиб қатнашди.

2005 йил 28–30 апрель – Жиззах шаҳрида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

2005 йил 4 май – Узбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куvvatлаш Давлат кўмитаси ташкил этилди.

2005 йил 6 май – ипотека кредити беришни қўллаб-куvvatлаш жамғармаси ташкил этилди.

2005 йил 12–13 май – Андижон шаҳрида бир гурӯҳ ақидапараст ва экстремистлар томонидан қуролли экстремистик хуружлар содир этилди.

2005 йил 20–22 май – Тошкент шаҳрида кикбоксинг бўйича Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

2005 йил 25–30 май – Чирчик шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

2005 йил май – Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон темир йўл магистралининг иккинчи босқичи – Кумкўрғон – Бойсун йўналиши ишга туширилди.

2005 йил май – Узбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Узбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди.

2005 йил 2–6 июнь – Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуасида самбо юлдуzlари (эркаклар ва аёллар) ўртасида жаҳон чемпионати, катталар, ёшлар, ўсмиirlар ва қизлар ўртасида эса Осиё очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Узбекистон вакиллари муносиб қатнашди.

2005 йил 4 июль – Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллый банки стадионида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари – 2005» фестивали бўлиб ўтди.

2005 йил 6–12 июль – Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида ёшлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Самарқанд олимпия заҳира-лари коллежи талабаси Элбек Тожиев 50 кг вазнда жаҳон чемпиони бўлди.

2005 йил 29 июль – биринчи ва иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

2005 йил 1 август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2005 йил 8 август – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш хукуқини судларга ўtkазиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2005 йил 11–13 август – Тошкент шаҳридаги «Саёҳат» меҳмонхонаси спорт мажмуасида армрестлинг бўйича IV Осиё очик чемпионати бўлиб ўтди.

2005 йил 18–24 август – Чирчик шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

2005 йил 23 август – Тошкент шаҳрида «Ай-Демир текстиль», «Бойтекс тиҷарет», «Тоштекстиль», «Муруваттекс» қўшма корхоналари ишга тушди.

2005 йил 26 август – Президент Ислом Каримов Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлат раҳбарларининг Қозон шаҳрида ўтказилган саммитида иштирок этди. Президент, шунингдек, Қозон шаҳрининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда ҳам қатнашди.

2005 йил 30 август – Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар худудида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта очилди. Ўзбек либослари галереяси, Болалар ижодиёти уйи фойдаланишга топширилди.

2005 йил август – Тошкент шаҳридаги «Чкалов номидаги Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат

акциядорлик жамиятида «Ил»нинг янги авлоди – «Ил – 76 ТД90 ВД» самолёти чиқарила бошлади.

2005 йил 1 сентябрь – Тошкент шаҳрида Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг янги биноси фойдаланишига топширилди.

2005 йил 1 сентябрь – Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси қуриб битказилди.

2005 йил 5 сентябрь – Тошкент – Бухоро йўналишида тезюарар йўловчи ташувчи электрпоезди қатнай бошлади.

2005 йил 9 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида «Дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисида»ги Шартнома ратификация килинди.

2005 йил 11–12 сентябрь – Ўзбекистон Тупрокшунослар ва агрокимёгарлар жамиятининг 4-курултойи бўлиб ўтди.

2005 йил 1–7 октябрь – Тошкент шаҳридаги Замонавий санъат марказида III Тошкент халқаро фотобинналеси бўлиб ўтди. (Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган мазкур халқаро бадиий кўргазма МДХда илк бор 2001 йилда Ўзбекистонда ташкил этилди.)

2005 йил 6–7 октябрь – Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти (МОХТ) [2002 йил 28 февралда Алмати шаҳрида тузилган] Санкт-Петербургдаги йиғилишда Евроосиё Иктисадий ҳамжамияти (2000 йил 10 октябрда Остона шаҳрида ташкил топган) халқаро ташкилотига қўшилди.

2005 йил 10–11 октябрь – Тошкент шаҳрида I халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди.

2005 йил 5–6 ноябрь – Тошкент шаҳрининг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи – «Шарқ гўзали – 2005» халқаро турнири бўлиб ўтди.

2005 йил 8 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадио каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул килинди.

2005 йил 14 ноябрь – Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Прे-

зиденти Владимир Путин Узбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

2005 йил 26–27 ноябрь – Тошкент шаҳридаги «Узбекистон» спорт мажмуасида 50 дан ортиқ давлатдан келган 150 нафарга яқин полвонлар ўртасида ўзбек кураши бўйича V жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик курашчилардан 60 кг вазнда Фурқат Маматов, 66 кг вазнда Рустам Боқиев (Тожикистон), 73 кг вазнда Расул Боқиев, 81 кг вазнда Рамзиддин Сайдов, 90 кг вазнда Давлат Чориев, 100 кг вазнда Абдулла Тангриев ва эронлик Аббас Фаллах, мутлоқ вазнда Абдулла Тангриев, аёллар ўртасида 48 кг вазнда Йилдиз Несе Сенсой (Туркия), 57 кг вазнда Пинелопи Ставриоу (Кипр), 63 кг вазнда Марсия Мартинс (Бразилия), 87 кг вазнда Белкиз Зехра Кайа (Туркия) жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди.

2005 йил 29 ноябрь – Тошкент шаҳрида Кураш халқаро Ассоциациясининг 6-конгресси бўлиб ўтди.

2005 йил ноябрь – Мўйноқ туманида янги Шарқий Бердак газ кони очилди.

2005 йил ноябрь – Фарғона шаҳри аэропортидан «Фарғона – Москва – Фарғона» йўналиши бўйича самолётлар қатнови йўлга кўйилди.

2005 йил ноябрь – Тошкент шаҳрида «Югнакий» ёшлар спорт мажмуаси очилди.

2005 йил 14 декабрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб кайта ташкил қилингандиги муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Қонуни қабул килинди.

2005 йил 16 декабрь – Узбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида» Қонуни қабул килинди.

2005 йил 28 декабрь – Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида «Бахтиёр она» ҳайкали очилди.

2005 йил – Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари фойдаланишга топширилди.

2006 йил – «Хомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди.

2006 йил 25 январь – Санкт-Петербург саммитида Европосиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАЗЭС)га Ўзбекистон Республикаси расман аъзо бўлди.

2006 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома ратификация қилинди.

2006 йил 3 февраль – Тошкент шаҳридаги Мустақиллик обидаси ва «Бахтиёр она» ҳайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи деб номланди.

2006 йил 24 февраль – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси қилиб Илгизар Матёқубович Собиров сайланди.

2006 йил 24 февраль – Тошкент шаҳрида Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ташкил этилди.

2006 йил 20 март – Тошкент шаҳридаги «Интерконти-нентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Қозогистон ишбизлармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат президентлари Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев катнашди.

2006 йил 24 март – Гулистон шаҳрида янги вокзал биноси очилди.

2006 йил 27 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ «Ўзбексавдо» ва «Ўзбек-бирашув» ташкилотлари фаолияти тугатилди.

2006 йил 27 март – Бангкок (Тайланд)да муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида андижонлик Мавлон Қаҳхоров иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

2006 йил 28–30 апрель – Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича З-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

2006 йил 3 май – Ўзбекистонда журналистика соҳасида эълон қилинған «Олтин қалам» халқаро танлови ғолиблари илк марта тақдирланди.

2006 йил 5 май – «Микрокредит банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

2006 йил 4–9 май – Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2006» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

2006 йил 11 май – Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси ташкил этилди.

2006 йил 27 май – Тошкент шаҳрида футзал бўйича ўтказилган 8-Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди.

2006 йил 30 май – Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» стадионида «Кудратимиз – дўстлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

2006 йил 13 июнь – Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти – «Ўзогирнефтгазкимёйиҳа» ташкил этилди.

2006 йил 25 июль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тӯғрисида» Фармони эълон қилинди.

2006 йил 8 август – «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси ташкил топди.

2006 йил 25 август – Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий марказига айлантирилди.

2006 йил 30 август – Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси очилди.

2006 йил 30 август – Тошкент шаҳридан Тасвирий санъат галереяси биноси очилди.

2006 йил 8 сентябрь – Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ташки сиёsat

маҳкамалари раҳбарлари миңтақани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тұғрисида шартнома имзоладилар.

2006 йил 16 сентябрь – Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда «Маданият ва санъат күргазмаси» деб номланган кошона барпо этилди.

2006 йил 4 октябрь – Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан спорт коллежи ва «Нуристан» академик лицейи биноси ишга туширилди.

2006 йил 4 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тұғрисида» Қонуни қабул килинди.

2006 йил 27 октябрь – Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги бағишенланган тантанали маросим бўлди.

2006 йил 2 ноябрь – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги Хивада тантанали нишонланди.

2006 йил 1–15 декабрь – Қатар пойтахти Дўха шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар 11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза медалларини қўлга киритишиб, умумжамоа ҳисобида 7-уринни эгаллашди.

2006 йил 12 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тұғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённома (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилинди.

2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди.

2007 йил 8 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон халқ ёзувчisi Абдулла Қаҳхор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2007 йил 13 январь – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тұғрисида қарори эълон қилинди.

2007 йил 23 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2007 йил 28 январь – Москвада булиб ўтган футбол бўйича Ҳамдустлик ва Болтиқбўй чемпионлари кубогида

«Пахтакор» (Тошкент) жамоаси ғолиб чиқиб, МДҲ кубоги соҳиби бўлди.

2007 йил январь – Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси – ISESCO (АЙСЕСКО) томонидан Тошкент шаҳри Триполи (Ливия), Фес (Марокаш), Дакар (Сенегал) шаҳарлари каторида Ислом маданиятининг 2007 йилдаги пойтахти деб эълон қилинди.

2007 йил 15 апрель – ута оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев профессионал бокснинг энг нуфузли – Жаҳон бокс ўюшмаси (WBA) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги камарини Штутгарт (Германия)да россиялик Николай Валуевга қарши бўлиб ўтган жангда қўлга киритди.

2007 йил 24–26 май – Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлиланган «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий таракқиёт тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий симпозиум ўтказилди.

2007 йил 5 июнь – Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиди.

2007 йил 20–24 июнь – Тошкент шаҳрида уч босқичдан иборат узлуксиз тизим – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари таркибига кирувчи талаба-ёшларнинг «Универсиада – 2007» ўйинлари бўлиб ўтди.

2007 йил 14–15 август – Тошкент ва Самарқанд шаҳрида Тошкент шаҳрининг 2007 йилдаги Ислом маданияти маркази деб эълон қилинишига бағишлиланган «Узбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда 90 дан ортиқ давлатлардан келган олимлар қатнашди.

2007 йил 23 август – Узбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари илк марта берилди (ушбу мукофот 2006 йил 25 июля таъсис этилган эди).

2007 йил 24 август – Узбекистоннинг жанубий минтакасини бир-бирига боғловчи Тошгузар – Бойсун – Қумқўргон

темир йўли (узунлиги 223 км) фойдаланишга топширилди. Бу темир йўл 33 ой мобайнида қуриб битказилди.

2007 йил 25 август – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлиланган тантанали маросим ўтказилди. Маросим «Шарқ тароналари» VI ҳалқаро мусиқа фестивалига уланиб кетди.

2007 йил 28 август – Тошкент шаҳрида И.М. Губкинномидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали очилди.

2007 йил 5 сентябрь – Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти ташкил этилди.

2007 йил 7 сентябрь – Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишлиланган тантанали маросим ўтказилди.

2007 йил 17 сентябрь – Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳайкали очилди.

2007 йил 9 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Ёшлар ижод саройини бунёд этиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2007 йил 16 октябрь – 2 ноябрь – ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2007 йил 23 октябрь – 3 ноябрь – Чикаго (АҚШ)да бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида Аббос Атоев жаҳон чемпиони бўлди.

2007 йил 25–29 октябрь – Улан-Батор (Мұғалистан) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича VI жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўзбекистонлик курашчилардан 60 кг вазнда Фурқат Маматов, 66 кг вазнда Олим Равшанов, 73 кг вазнда Х. Мунхбайар (Мұғалистан), 81 кг вазнда Равшан Маҳмудов, 90 кг вазнда Шерали Жўраев, 100 кг вазнда Икром Нуруллаев, 100 кг дан ошиқ вазнда Д. Ганхуяг (Мұғалистан), мутлок вазнда Давлат Чориев, аёллар ўртасида 48 кг гача вазнда М. Урантсег (Мұғалистан), мутлок вазнда Д. Тсеренханд (Мұғалистан) жаҳон чемпиони увонинга сазовор бўлишиди.

2007 йил 11–22 ноябрь – Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган VII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

2007 йил 23 декабрь – Ўзбекистонда бўлган президентлик сайловида Ислом Абдуганиевич Каримов яна 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йил – Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган универсиадада ҳамюртимиз дзюдо-чи Хуршид Набиев олтин медалга сазовор бўлди.

2008 йил – «Ёшлар иили» деб эълон килинди.

2008 йил 1 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида маъқулланган янги Солик кодекси кучга кирди.

2008 йил 1 январь – Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилинди.

2008 йил 23 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик Палатаси Спикери килиб Дилором Фоғуржоновна Тошмуҳамедова сайланди.

2008 йил 5–6 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

2008 йил 8 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Инсон манфаатларининг устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусида маъруза қилди.

2008 йил 1 март – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ҳайкали очилди.

2008 йил 12 март – Тошкент шаҳрида «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

2008 йил 2 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини ни-

шонлашга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2008 йил 3 апрель – Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухарестда бўлиб ўтган НАТО / СЕАП саммитида иштирок этиб, нутк сўзлади.

2008 йил 9 апрель – Үзбекистон Республикасининг «Ядровий терроризм актлариға қарши кураш тұғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) кириши ҳақида» Қонуни қабул қилинди.

2008 йил 9 апрель – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Мирзо Улуғбек номидаги Үзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2008 йил 17 апрель – Үзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2008 йил 18–28 апрель – Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловида тошкентлик 18 ёшли Беҳзод Абдураимов финалда иштирок этиб, 24 мамлакат вакиллари орасида мутлак ғолиб деб топилди.

2008 йил 29 апрель – Тошкент шаҳрида Республика олимпия захиралари теннис мактаби ташкил этилди.

2008 йил 1 май – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

2008 йил 5 май – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона ва Кўкон шаҳарларини 2008–2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2008 йил 12–18 май – Тошкент ва Бухоро шаҳарларида Туркистон минтақаси ёшларининг «Ижодий парвоз» III халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

2008 йил 15 май – «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида Үзбекистон Рес-

публикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

2008 йил 17–21 май – Қоракалпогистонда «Баркамол авлод – 2008» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

2008 йил 5 июнь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон» анжуманлар саройи биносини куриш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2008 йил 20 июнь – Тошкент шаҳрида Фидокорлар Миллий демократик партиясини Миллий тикланиш демократик партиясига бирлаштириш учун қарор қабул қилинди.

2008 йил 23 июнь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Суд конунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

2008 йил 10 июль – Бухоро вилоятининг Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмнинг ракета-артиллерия омборида ўт чиқиши натижасида кучли ёнғин юз берди ва ўқ-дорилар портлади. Расмий хабарларга кура, портлаш натижасида катта моддий талафот етказилиб, одамлар қурбон бўлди.

2008 йил 2 август – Тошкент шаҳрида Узбекистон экологик харакатининг таъсис анжумани бўлиб ўтди. Унда Узбекистон экологик харакати ташкил қилинди.

2008 йил 8–24 август – Пекинда ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эркин курашчи Артур Таймазов иккинчи бор Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди. Дзюдочи Абдулла Тангриев, эркин курашчи Сослан Тигиев кумуш, дзюдочи Ришод Собиров, батутчи Е. Хилько ва спорт гимнастикачиси А. Фокин бронза медалларига сазовор бўлишиди.

2008 йил 29 август – Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янгидан бунёд этилган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Ёшлар ижод саройи бинолари, Тошкент ислом университетининг янги биноси ва жаҳон андозалари даражасида

тубдан реконструкция қилинган «Пахтакор» марказий стадиони билан танишди.

2008 йил 31 август – Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмууда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, жумладан, «Қатағон курбонлари хотираси» музейининг янгидан барпо этилган бинолари билан танишди ва музейнинг янги экспозициясини кўздан кечирди.

2008 йил 12 сентябрь – Боку шаҳрининг Озодлик майдонида Алишер Навоий ҳайкали (ҳайкалтарош Р. Миртоҗиев) очилди.

2008 йил 12 сентябрь – Узбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2008 йил 23 сентябрь – Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмууда «Power Uzbekistan – 2008» учинчи халқаро энергетика кўргазмаси иш бошлади.

2008 йил сентябрь – АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган тангликдан жаҳон молиявий-иктисодий инкирози бошланди.

2008 йил 20 октябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат экинлари экиласидаган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2008 йил 20 октябрь – Узбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида янги чоп этилган беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

2008 йил 31 октябрь – 14 ноябрь – Саудия Арабистонида футбол буйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Узбекистон ёшлар терма жамоаси кумуш медалга сазовор булди.

2008 йил 10 ноябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2008 йил 20 ноябрь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Узбекистон Республикаси

Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2008 йил 28 ноябрь – Асака автомобиль заводи конвойеридан бир миллионинчи автомобиль чиқди.

2008 йил 2 декабрь – Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди.

2008 йил 2 декабрь – Тошкент шаҳридаги Бобур кӯчаси йўналишидаги «Тошкент» аэропорти кўприги тубдан қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди ва рамзий дарвоза ўрнатилди.

2008 йил 19 декабрь – Навоий шаҳри ва Навоий конъюнктурология комбинатининг 50 йиллик юбилейи тантанали нишонланди.

2008 йил – Ўзбекистон дехконлари 3 410 000 тонна пахта, 6 330 000 тонна галла, жумладан, 6 145 000 тонна буғдой этиштирдилар.

2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги иили» деб эълон қилинди.

2009 йил 25 февраль – Тошкент шаҳрида (Афросиёб кӯчаси) Туркманистон давлатининг янги элчихонаси биноси очилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбонгули Бердимухамедов иштирок этди.

2009 йил 6 март – «Ўзбекистон» нашриёти Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарди.

2009 йил 30 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банки акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2009 йил 2 апрель – ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2009 йил 16 апрель – Узбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тұғрисида» Конуни қабул қилинди.

2009 йил 23 апрель – Узбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тұғрисида» Конуни қабул қилинди.

2009 йил 27 апрель – Узбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Туриң политехника университети фаолиятини ташкил этиш тұғрисида» Карори қабул қилинди.

2009 йил 1–3 май – Тошкент шаҳри ва вилоятида «Асрлар садоси» иккінчи анъанавий маданият фестивали үтказилди.

2009 йил 18–23 май – Берлин шаҳрида биродарлашган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишиланган тадбир бўлиб үтди.

2009 йил 26 май – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишиланган «Кечаги ва бугунги Тошкент» мавзусида фотосуратлар кўргазмаси очилди.

2009 йил 26–27 май – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишиланган «Узбекистон пойтахти Тошкент – 2200 ёшда» мавзуида халқаро илмий конференция үтказилди.

2009 йил май – Тошкент шаҳри марказидаги курант қайта таъмирланиб, унинг ёнида янги курант бунёд этилди.

2009 йил 20 август – Узбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тұғрисида» Фармони қабул қилинди.

2009 йил 25–27 август – Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан анъанавий тарзда үтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» VII халқаро мусика фестивали бўлиб үтди.

2009 йил 28 август – Тошкент шаҳри марказида «Узбекистон» халқаро анжуманлар саройи очилди.

2009 йил 1 сентябрь – Узбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига багишиланган тантанали маросим үтказилди. Бу маросим Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик тантаналарига уланиб кетди.

2009 йил 12 сентябрь – Милан (Италия)да бўлиб ўтган бокс бўйича 15-жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медали жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа хисобида 3-ўринни эгаллади. Бухоролик Аббос Атоев иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

2009 йил сентябрь – «Тошкент» энциклопедияси нашр этилди.

2009 йил 9–10 октябрь – Алушта (Украина) шахрида ўзбек миллий кураши бўйича VII жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда ўзбекистонлик курашчилардан 81 кг вазнда Шароф Холмаматов, 90 кг вазнда Шерали Жўраев, 100 кг вазнда Давлат Чориев, 60 кг вазнда Мостафа Даилиян (Эрон), 66 кг вазнда Моҳсен Жаффар (Эрон), 73 кг вазнда Владислав Михалин (Россия), 100 кг дан ошиқ вазнда Мухаммад Риза Родаки (Эрон) ҳамда аёллар ўртасида 48 кг гача вазнда Лия Кириенкова (Россия), 52 кг вазнда Динара Дўсжонова (Қозогистон), 57 кг вазнда Лакваху Очирпуреева (Мұғалистан), 63 кг вазнда Юлия Котова (Россия), 70 кг вазнда Мухмагнай Хоролсурен (Мұғалистан), 78 кг вазнда Соҳибжамол Холиқулова (Ўзбекистон), 87 кг вазнда Галина Коваль (Украина) жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлдилар.

2009 йил 13 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш түғрисида» Конуни қабул қилинди.

2009 йил 17 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Фаҳрий ёрлиги түғрисидаги Низом тасдиқланди.

2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Xalқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

2010 йил – «Барқамол авлод йили» деб эълон қилинди.

2010 йил 12 январь – Тошкент шахрида «Ватанга қасамёд» ҳайкали очилди.

2010 йил 20–22 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари сайланди.

2010 йил 22 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери қилиб Дило-

ром Фофуржоновна Тошмуҳамедова сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosарлари килиб Бахтиёр Ёқубов (Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Вафоев (Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Мухаммадиев (Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фракциясининг раҳбари), Ислом Саифназаров (Ўзбекистон Адолат социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари), Борий Алихонов (Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гурухи раҳбари) сайланди.

2010 йил 26 январь – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси қилиб Илгизар Матёқубович Собиров сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринbosарлари қилиб Мавжуда Ражабова ва Муса Ерниязов сайланди.

2010 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб Шавкат Миромонович Мирзиёев тасдиқланди.

2010 йил 6 февраль – Москвада бўлиб ўтган мусобақада ҳамюртимиз Тимур Ибрагимов профессионал бокснинг ўрта оғир вазнида WBA ва IBA йўналишида китъалараро чемпионлик камарини кўлга киритди. У ҳаваскор боксда аввал Осиё чемпиони ва жаҳон кубоги совриндори бўлган.

2010 йил 16–20 февраль – Тошкент шаҳрида бадиий гимнастика бўйича кизлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси қизлари жамоавий беллашувлар бўйича Осиё чемпиони бўлишиди.

2010 йил 26 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида» Қарори қабул килинди.

2010 йил 12 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди.

2010 йил 30 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳалқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-куватлаш тўғрисида» Фармони қабул килинди.

2010 йил 5 апрель – БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тұғрисидаги құшма декларация имзоланди.

2010 йил 12 апрель – Тошкент шаҳрида «Инкиrozга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқиздан кейинги ривожланишнинг устувор йұналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзууда халкаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 46 мамлакатдан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда эксперталар, йирик банк ва молия институтлари вакиллари қатнашди.

2010 йил 19 апрель – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда хисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рагбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2010 йил 1–4 май – Тошкент шаҳрида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди.

2010 йил 5 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти обьектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида» қарори қабул қилинди.

2010 йил 7 май – «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Германиянинг жаҳонга машҳур автомобиль ишлаб чиқарувчи «Даймлер АГ» компаниялари гурухи Тошкентда автобус ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш тұғрисида шартнома имзолашди.

2010 йил 15 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2010 йил 1 июнь – Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2010 йил 7 июнь – Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент этишмаслиги профилактикаси тұғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2010 йил 10–12 июнь – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-нинг Тошкент саммити Кўқсарой қароргоҳида булиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатларнинг раҳбарлари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Ҳалқ Республикаси раиси Ху Цзинъяо, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тоҷикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Ташки ишлар вазири вазифасини бажарувчи Руслан Ка-закбоевдан ташқари кузатувчи мамлакатлар – Мұғалистон Президенти Цахнагийн Элбегдорм, Покистон Ислом Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Эрон Ислом Республикаси Ташки ишлар вазири Манучехр Муттақий, Ҳиндистон Республикаси Ташки ишлар вазири Соманаҳалли Малайя Кришна ҳамда саммит меҳмонлари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай, Туркма-нистон Президенти Гурбангули Бердимұхамедов иштирок этди.

2010 йил 10–15 июнь – Қирғизистон жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида этник низолар уюштирилиши на-тижасида ўзбеклар кирғин килинди. Расмий маълумотларга кўра, тўқнашувларда 2500 дан ортиқ ўзбек, шунингдек, рус, тоҷик, татар ва бошқалар ҳало к бўлди. Қирғизистонлик 400.000 нафардан ортиқ қочоклар Ўзбекистон чегараси-дан ўтди. Қочоқларнинг аксарияти ўзбеклар эди. Кейинча-лик улар Қирғизистонга қайтишди. «Демократия ороли» деб дабдабали ном олган, аслида сўнгги йилларда сиёсий ҳокимиёт учун кураш майдонига айланган Қирғизистонда ўзбек ҳалқига нисбатан геноцид ва этник тозалаш сиёсати-ни Қирғизистоннинг собиқ президенти Қ. Бокиев ва унинг гумашталари (акалари, ўғли, Ўш шаҳри ҳокими ва б.) уюштириди. Бу қирғин учун жавобгарлик ўз фуқаролари хавфсиз-лигини таъминлай олмаган Қирғизистоннинг муваққат пре-зиденти Р. Отунбоева зиммасига ҳам тушади.

2010 йил 11 июнь – Жанубий Африка Республикасида бошланган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатининг Йо-ханнесбург шаҳридаги очилиш учрашуви – ЖАР ва Мек-сика терма жамоалари йўинини Осиёнинг 2007 ва 2009

йиллардаги энг яхши ҳаками, халқаро тоифадаги ФИФА рефериси ўзбекистонлик Равшан Эрматов бошқарди. Унга канот ҳакамлари Рафаэль Ильясов (Ўзбекистон) ва Баходир Кўчкоров (Қирғизистон) ёрдам беришди. (Равшан Эрматов 2010 йилда ҳам Осиёning энг яхши ҳаками бўлди.)

2010 йил 15 июнь – Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2010 йил 17 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2010 йил 28 июль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчилирини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2010 йил 10 август – Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

2010 йил 25 август – Тошкент шаҳрида «Chevrolet Spark» автомобилининг тақдимоти бўлиб ўтди.

2010 йил 30 август – Бухоро шаҳрида Бухоро маданий маркази бунёд этилиб, унда «Кўхна ва бокий Бухоро» монументи (баландлиги 18 м, хайкалтарош Илҳом Жабборов) ва ёзги амфитеатр очилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

2010 йил 9–13 сентябрь – Токио (Япония)да ўтказилган дзюдо бўйича XXVI жаҳон чемпионатида буҳоролик Ришод Собиров 60 кг вазнда жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. У спортнинг бу турида жаҳон чемпиони бўлган дастлабки ўзбекистонлик спортчи ҳисобланади.

2010 йил 13 сентябрь – Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2010 йил 20–21 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нью-Йорк (АҚШ)да бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингийиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

2010 йил 29 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукук-

бузарликларнинг профилактикаси тұғрисида» Конуни қабул қилинди.

2010 йил 5 октябрь – Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

2010 йил 13–14 октябрь – Тошкент шахрида 6-халкаро Үзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди.

2010 йил 16–24 октябрь – Аргентинада бўлиб ўтган футбол бўйича ногиронлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Үзбекистон терма жамоаси финал йូинида Аргентинани 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

2010 йил 18–20 октябрь – Туркманистон (Тошховуз вилояти)да туркман ва үзбек халқлари дўстлиги фестивали бўлиб ўтди. Унда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

2010 йил 26–30 октябрь – Тошкент шахридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида IV халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг 2-босқичи бўлиб ўтди.

2010 йил 3 ноябрь – Тошкент шахридаги Собир Раҳимов тумани номи Олмазор тумани деб ўзгартирилди.

2010 йил 3 ноябрь – Сурхондарё вилоятининг Бандиҳон тумани тугатилиб, унинг ҳудуди Қизириқ туманига бирлаштирилди.

2010 йил 10 ноябрь – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2010 йил 12 ноябрь – Үзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиса Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида маъруза қилди.

2010 йил 12–27 ноябрь – Гуанжоу шаҳри (Хитой)да XXI ёзги Осиё йូинлари ўтказилди. Унда Үзбекистон терма жамоаси 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза (жами 56 та) медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллади. Ҳамюртларимиздан Р. Қосимжонов (шахмат), Р. Собиров (дзюдо), В. Тўйчиев (велосипед), Ю. Тарасова (еттикураш), В. Маньков (каноэ), П. Кочнев ва С. Мирбеков (эшкак эшиш), А. Мочалов, С. Борзов, А. Бобожонов ва В. Гарн (тўрт кишилик эшкак эшиш), Д. Мансуров (эркин кураш), А. Таймазов (эркин кураш), Э. Расулов (бокс), С. Радзивил (енгил атлетика) олтин медалларни қўлга киритилар.

2010 йил 16–17 ноябрь – Тошкент шахрида «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳукуқий механизмларни қўллаш» мавзуусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 та давлатидан 60 дан ортиқ халқаро ташкилот ва молиявий институтлар вакиллари қатнашди.

2010 йил 19–22 ноябрь – Бухоро шахрида мамлакат талаба-ёшлари фестивали бўлиб ўтди.

2010 йил 7 декабрь – «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Үзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишиланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзуида маъруза қилди.

2010 йил 24 декабрь – Тошкент шахридаги Ёшлар ижод саройида «Келажак овози – 2010» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларининг такдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2010 йил 27 декабрь – Үзбекистон Республикасининг «Дағн этиш ва дағн иши тұғрисида» Конуни қабул қилинди.

2010 йил 31 декабрь – «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи халқаро ИСО 9001: 2008 сертификатини олди.

2011 йил – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иили» деб эълон қилинди.

2011 йил 5 январь – Узбекистон Республикаси Президентининг «Узбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

2011 йил 7–29 январь – Қатарда футбол бўйича бўлиб ўтган XV Осиё чемпионатида Япония терма жамоаси тўртинчи марта қитъя чемпиони бўлди. Австралия – Япония (0:1) ўртасида бўлиб ўтган финал ўйинини узбекистонлик ФИФА рефериси, 2010 йилда жаҳоннинг иккинчи ҳаками ва Осиёнинг биринчи ҳаками Равшан Эрматов бошқарди. Унга узбекистонлик қанот ҳакамлари Абдулхамид Расулов ва Рафаэль Ильясов ёрдам беришди. Узбекистон терма жамоаси ўз тарихида биринчи марта ярим финалга чиқди ва кучли тўртликдан жой олди.

2011 йил 30 январь – Салоника (Греция) шаҳрида кураш бўйича Узбекистон Республикаси Президенти кубоги VII ҳалқаро турнири бўлиб ўтди.

2011 йил январь – декабрь – Тошкент шаҳрида транспорт инфраструктураси соҳасида жиддий ишлар амалга оширилди. Пойтахтимизда трамвай йўналишларини қайта куриш ишлари тўрт боскичда олиб борилди ва 16 км ли янги трамвай йўли курилди. Шу билан бирга Навоий кўчасидаги эски трамвай йўли олиб ташланди.

2011 йил 7 февраль – Узбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат дастури тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2011 йил 25–31 март – Саудия Арабистони подшохлигига Узбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

2011 йил март – август – Тошкент шаҳрида катта кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Алишер Навоий кўчаси ҳамда Фарҳод, Юнусобод, Олой, Ипподром бозорлари ва бошқа жойлардаги айрим бинолар бузиб ташланди ҳамда шаҳар қиёфасига кўрк берувчи янги иншоотлар курилди ва шаҳар яна ҳам кўкаламзорлаштирилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари Узбекистон Республикаси мустакиллигининг 20 йиллиги тантаналари арафасида якунланди.

2011 йил 4 апрель – Узбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг текшириш-

ларни янада кисқартириш ва улар фаолиятини назорат килишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги құшимча чора-тадбирлар тұғрисида» Фармона қабул қилинди.

2011 йил 6 апрель – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Үзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг йигирма йиллигини нишонлашып тайёргарлик күриш ва уни үтказиш тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2011 йил 6–7 апрель – Бирлашган Араб амирликларининг Абу-Даби шаҳрида яқунланған дзюдо бүйіча Осиё чемпионатыда А. Тангриев (100 кг дан ортиқ вазнда) ва Р. Сайдов (100 кг) олтін медалларни күлга киритишди.

2011 йил 9 апрель – Соҳибқирон Амир Темурнинг 675 йиллик таваллуд түйи арағасида «Темур тузуклари» китобининг янги нашри «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Китоб Үзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сұз бошиси билан бошланади.

2011 йил 13–15 апрель – Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида IV Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасы бўлиб үтди.

2011 йил 13 апрель – Үзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тұғрисида» Конуни қабул қилинди.

2011 йил 15 апрель – «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва MAN Trusk & Bus AG (Германия) мамлакатимизда оғир юқ ташувчи тијорат техникасии ишлаб чиқариш бүйіча янги автомобиль заводи (Самарқанд шаҳри яқинида) куришни бошлади.

2011 йил 18 апрель – Үзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартыриш ва құшимчалар киритиш тұғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» Конуни қабул қилинди.

2011 йил 18 апрель – Үзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптимальлаштиришда қонучиликка риоя этиш чора-тадбирлари тұғрисида» Фармона қабул қилинди.

2011 йил 29 апрель – 1 май – Термиз шаҳрида академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод – 2011» спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

2011 йил 30 апрель – 1 май – Бухоро шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ташабbusи билан анъанавий «Асрлар садоси – Эхо века» маданият фестивали бўлиб ўтди. Унга кўплаб хорижий давлатлардан меҳмонлар келди.

2011 йил 5–6 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбонгули Бердимухамедов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Улар Тошкентдан ташқари Бухоро шаҳрида ҳам бўлишди.

2011 йил 12–13 май – Тошкент шаҳрида VI Умумжахон сув форуми бўлиб ўтди.

2011 йил 17 май – «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони тасдиқланди.

2011 йил 20 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан Андижон мұҳандислик-иктисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига; Наманган мұҳандислик-иктисодиёт институти – Наманган мұҳандислик-технологик институтига; Бухоро озиқовқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар мұҳандислик-технологик институтига ўзгартирилди.

2011 йил 20 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳрида «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

2011 йил 20–22 май – Тошкент шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда эркин курашчиларимиз учта олтин, биттадан кумуш ва бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни, юнон-рум курашчиларимиз биттадан олтин, ку-

муш, бронза медали билан умумжамоа хисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

2011 йил 21 май – Андижон шахрида гуллар байрами ўтказилди ва меъморчилик асосида янгидан қурилган Ўзбекистон кўчасининг очилиши бўлди.

2011 йил 23 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараккиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларкни қабул қилди.

2011 йил 28 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмад ва таникли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шахрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида қарори қабул қилинди.

2011 йил 30 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

2011 йил 31 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдонахи қабул қилди.

2011 йил 1 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси Ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажуబалисни қабул қилди.

2011 йил 4–5 июнь – Лондон (Буюк Британия) шахрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги IX ҳалқаро турнири бўлиб ўтди.

2011 йил 13–14 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Анатольевич Медведев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

2011 йил 18 июнь – 10 юль – Мексикада футбол бўйича ўсмиirlар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилиб, унда илк марта иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси чорак фи-

налга чиқди ва кучли саккизликдан жой олди. Мексика терма жамоаси ўсмиirlари жаҳон чемпиони унвонига сазовор булишиди.

2011 йил июнь – Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

2011 йил 5–12 июль – Хитой Xалқ Республикасида Узбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

2011 йил 14–15 июль – Остона шахри (Қозогистон) да Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси бўлди. Унда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

2011 йил 19 июлдан 20 июлга ўтар кечаси – Ўзбекистон худудида, хусусан, Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида кучли ер кимирлаши бўлиб, 13 киши ҳалок бўлди. Зилзиланинг маркази қўшни Қирғизистон худудида бўлган ва унинг кучи 6,2 баллни ташкил этган.

2011 йил 20–31 июль – Остона (Қозогистон)да бокс бўйича ўсмиirlар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Узбекистон терма жамоаси 2 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни згаллади. Ўзбекистонлик Ойбек Шарипов, Алиёр Норалиев жаҳон чемпионлари бўлишиди.

2011 йил 21–23 июль – Термиз шаҳрида Республика IV аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди.

2011 йил 8–10 август – Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футбол бўйича Киевда ўтказилган ҳалкаро турнирнинг финал ўйинида мезбонлар – Украина олимпиачиличарини пенальтилар сериясида 8:7 ҳисобида мағлубиятга учратиб, илк марта машҳур мураббий Валерий Лобановский ҳалкаро турнирининг ғолиби бўлишиди.

2011 йил 23–24 август – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ўртасида Тошкент шаҳрида ўзаро учрашув бўлиб, турли шартномалар имзоланди.

2011 йил 23–28 август – Парижда бўлган дзюдо бўйича XXVII жаҳон чемпионатида бухоролик Ришод Собиров

60 кг вазн тоифасида иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Халқаро дзюдо федерацияси томонидан Ришод Собиров жаҳоннинг бугунги кундаги энг кучли дзюдочиси, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин энғ кучли мураббий деб топилди. Шунингдек, жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Наврӯз Жўрақболов бронза медалига сазовор бўлди.

2011 йил 24 август – президентлар Ислом Каримов ва Ли Мён Бакнинг ташаббуси билан Қоракалпоғистондаги Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси курилиши бошланди.

2011 йил 26 август – Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари уртасида юкори тезлиқда харакатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг қатнови илк марта йўлга қўйилди. Бу поезд соатига 250 км масофагача йўл босиб, Тошкентдан Самарқандгача бўлган 300 км масофани икки соатга яқин вақт ичидা босиб ўтди. Шу пайтгача дунёning фақат 8 та давлатида шундай поезд харакатланган.

2011 йил 26–30 август – Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро VIII мусика фестивали бўлиб ўтди.

2011 йил 28 август – Тошкент вилоятининг Зангита туманида автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси очилди. (2011 йилнинг ноябрь ойида корхонада ялпи ишлаб чиқариш бошланди.)

2011 йил 31 август – 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами тантанали рашида ўtkazildi. У Рамазон ҳайити байрамига уланиб кетди.

2011 йил август – Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида» китоби «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп қилинди. Давлат раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989–1992 йиллар) сўзлаган маъруза ва нутклари, мақола ва интервьюлари илк марта китоб шаклида нашр қилинди.

2011 йил август – Навоий вилояти Кармана тумани худудида жойлашган эркин индустрисал-иктисодий зонада тўрт юлдузли «Зарафшон» грант меҳмонхонаси очилди.

2011 йил 7–10 сентябрь – Илам (Эрон) шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича VII Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 2 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа хисобида 2-ўринни эгаллади. Ўзбекистонлик полвонлар Арслонбек Маҳмудов ва Давлат Абраев Осиё чемпиони бўлишди.

2011 йил 8 сентябрь – Андижон шаҳрида Бобур номидаги жамоат фонди томонидан «Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий» асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

2011 йил 16–18 сентябрь – Истанбул шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашди.

2011 йил 16–19 сентябрь – Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон кубоги мусобакалари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Дилшод Чориев, Рамзиддин Саидов, Миали Шарипов – олтин; Үткир Қурбонов, Одил Тўландибоев, Габит Эсинетов – кумуш; Мирзоҳид Фармонов, Яҳё Имомов, Шерали Жўраев, Болтабой Болтабоев бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа хисобида биринчи ўринни эгаллашди.

2011 йил 20–27 сентябрь – Тошкент шаҳрида муай-тай (тай бокси) бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик ёшлар 13 та олтин, 6 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритди. Катталар ўртасида Фирдавсий Холмуродов жаҳон чемпиони бўлди, Жобир Тошпўлатов ва Анвар Холхўжаев кумуш, Мавлонбек Қаххоров ва Абдулла Худойбердиев бронза медалларини қўлга киритишли. Шу пайтгача муайтай бўйича жаҳон чемпионати факат бу спорт турининг ватани Таиландда ўтказилар эди.

2011 йил 26 сентябрь – 8 октябрь – Боку (Озарбайжон)да бокс бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Жасурбек Латипов ва Элишод Расулов бронза медалларига сазовор бўлишди.

2011 йил 27–29 сентябрь – Тошкент шаҳрида «Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул

аҳамияти» мавзуида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

2011 йил 30 сентябрь – Тошкент шаҳридаги «Қатағон курбонлари хотираси» музейида «Файзулла Хўжаев – йирик давлат арбоби, халқ ва мамлакат манфаатларининг толмас курашчиси» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

2011 йил сентябрь – ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларининг 10 жилдлигиFaafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида нашр этилди.

2011 йил сентябрь – Сеул шаҳрида Жаҳон халқлари миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича анъанавий халқаро фестивал бўлиб ўтди. Унда ўзбек жанг санъати терма жамоаси 52 та давлат ичига энг яхши жамоа деган номга сазовор бўлди. (2010 йилда бўлиб ўтган халқаро фестивалда илк марта қатнашган вакилларимиз ўшанда хам 1-ўринни қўлга киритган эди.)

2011 йил 4 октябрь – Ўзбекистон Фанлар академиясида «Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби ва мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долзарб вазифалари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

2011 йил 10 октябрь – Руей Малмезон (Франция)да кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Гран-приси халқаро турнирида ўзбекистонлик курашчилар учтадан олтин, кумуш ва бронза медалларини жамғариб, умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлишди.

2011 йил 12 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» Конуни қабул қилинди.

2011 йил 12–13 октябрь – Тошкент шаҳрида VII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Форум «Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари» мавзуида ўтказилди. Унда дунёнинг 38 мамлакатидан 330 га яқин компания ва 660 дан ортиқ хорижий ҳамкорлар қатнашди. (Биринчи халқаро ярмарка 2005 йил октябрда ўтказилган эди.)

2011 йил 18–20 октябрь – Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.

2011 йил 19–25 октябрь – Тошкент шаҳрида «Олтин гепард» биринчи халқаро Тошкент кинофоруми бўлиб ўтди.

2011 йил 22–23 октябрь – Термиз шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким Термизий хотирасига бағишиланган X халқаро турнир ва катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда катталар ўртасида ўзбекистонлик полвонлардан сурхондарёлик Шерали Тўраев, қашқадарёлик Шуҳратжон Арслонов, қизлар ўртасида эса қашқадарёлик Гулмира Исматова жаҳон чемпиони бўлишди. Қашқадарёлик Давлат Абраев кумуш медаль билан тақдирланди. Халқаро турнирда эса мутлак вазн тоифасида сурхондарёлик полвон Абдулла Тангриев кетма-кет олтинчи марта ғалаба қозонди. Шунингдек, Термизда халқаро кураш форумлари олдидан «Ҳаким Термизий ҳаёт йўли ва мероси» ҳамда «Ўзбек кураши тарихи, тараққиёти ва истиқболлари» мавзуларида халқаро илмий конференция ҳам ўтказилди.

2011 йил 23–29 октябрь – Тошкент шаҳрида VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси бўлиб ўтди.

2011 йил 25–29 октябрь – Тошкент шаҳридаги «Ўз-экспоцентр»да V халқаро санъат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

2011 йил 25–30 октябрь – Навоий шаҳрида «Қизилқум санъат ғунчалари – 2011» болалар санъат фестивали бўлиб ўтди.

2011 йил 29 октябрь – Қаршида футбол бўйича бўлиб ўтган «Насаф» (Ўзбекистон) – «Кувайт»СК (Кувайт) клублари ўртасидаги футбол матчида 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган спортчиларимиз Ўзбекистон футболи тарихида илк марта ОФК (Осиё футбол конфедерацияси) кубогини қўлга киритишиди.

2011 йил 31 октябрь – Бухоро халқаро аэропортида янги аэровокзал ишга туширилди.

2011 йил октябрь – Тошкент шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган биринчи Марказий Осиё кубоги мусобақасида

ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов бош совринни кўлга киритди.

2011 йил 1 ноябрь – Тюмень (Россия) шаҳрида дзюдо бўйича мутлак вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлди.

2011 йил 2–4 ноябрь – «Ипак йўлида туризм – 2011» Тошкент ҳалқаро туристик ярмаркаси ўтказилди.

2011 йил 6–8 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт ўртасида Тошкент шаҳрида ўзаро мулоқотлар бўлди. Пал Шмитт расмий ташрифи доирасида Бухоро шаҳрига ҳам сафар қилди.

2011 йил 10–11 ноябрь – Бухоро шаҳрида ҳаваскорлик театрларининг республика фестивали ўтказилди.

2011 йил 15–17 ноябрь – Тошкент шаҳрида VII ҳалқаро маҳсус медицина кўргазмаси ўтказилди.

2011 йил 16 ноябрь – Тошкент шаҳрида «Маърифат маркази» мажмуаси очилди. Бу замонавий муҳташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олди. Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Пойтахт» бизнес маркази каби бетакрор иншоатларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилди.

2011 йил 23 ноябрь – Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан Осиёнинг 2011 йилги лауреатлари аникланиб, унда ўзбекистонлик Сервер Жепаров – энг яхши футболчи (2-марта), Равшан Эрматов – энг яхши ҳакам (қаторасига 4-марта), Абдулҳамид Расулов – энг яхши қанот ҳаками но-минацияларида ғолиб бўлишди.

2011 йил 23–25 ноябрь – Тошкент шаҳрида VII ҳалқаро маҳсус Ўзагроэкспо – 2011 кўргазмаси ўтказилди.

2011 йил 26 ноябрь – Тошкент шаҳридаги «Маърифат маркази» мажмуудаги Симпозиумлар саройида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг

миллий модели: Соғлом она – соғлом бола» мавзуида халқаро симпозиум булиб ўтди.

2011 йил 28 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилишни чукурлаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» Қарори қабул қилинди.

2011 йил 7 декабрь – «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишенланган тантанали йиғилиши булиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирок этди ва «Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзуида маъруза қилди. Президент 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилди.

2011 йил 13–17 декабрь – Тошкент яқинидаги «Дўрмон» ижод уйида ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» II Республика семинари ўтказилди.

2011 йил 16–18 декабрь – Тошкент вилоятининг Пискент тумани автодромида улоқ-кўпкари халқ ўйинлари спорти бўйича Ўзбекистон кубоги учун беллашувлар булиб ўтди.

2011 йил 18 декабрь – Йокогама (Япония)да бўлган клублар ўртасида жаҳон чемпионати финали – «Сантос» (Бразилия) – «Барселона» (Испания) – 0:4 ўйинини Осиёнинг 2011 йилдаги энг яхши ҳаками ўзбекистонлик Равшан Эрматов бошқарди. Унга қанот ҳакамлари Абдулҳамид Расулов (Ўзбекистон) ва Баҳодир Қўчкоров (Қирғизистон) ёрдам беришиди. (Равшан Эрматов 2008 йил декабрда шундай турнирдаги «Манчестер Юнайтед» (Англия) – ЛДУ Кито (Эквадор) – 3:1 ўртасидаги финал ўйинини ҳам бошқарган эди.)

2011 йил 20 декабрь – Москва шаҳрида булиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги олий органларининг сессияларидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов катнашди.

2011 йил 30 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёzlари ва афзалликлар бериш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

2011 йил 30 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонунлари қабул қилинди.

2011 йил – Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи ишга туширилди.

2012 йил – «Мустаҳкам оила иили» деб эълон қилинди.

2012 йил 3 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонуни қабул қилинди.

2012 йил 4 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонуни қабул қилинди.

2012 йил 5 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2012 йил 5 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартаришлар киритиш ҳақида» Қонуни қабул қилинди.

2012 йил 7 январь – Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» Қонуни қабул қилинди.

2012 йил 10 январь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэу Оқсаройда ўзаро учрашди.

2012 йил 19 январь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш якунлариға ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалариға багишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боскичга кутаридиган йил бўлади» мавзууда маъруза қилди.

2012 йил 27 январь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тутатилди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид дарсликлар ва ўкув қўлланмаларни яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Мувофиқлаштирувчи услубий марказ ташкил қилинди.

2012 йил 7 февраль – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш ва структурасини янада оптималлаштириш чоралари тұғрисида» қарори чиқди. Қарорга кўра, Ўзбекистон ФА таркибидаги 10 та илмий муассаса (Иссиклик физикаси бўлими; Фалсафа ва ҳуқуқ институти; Биохимия институти; Физиология ва биофизика институти; Андижон – Наманган илмий маркази; Бухоро илмий маркази; Жанубий минтақавий илмий марказ; Фарғона илмий маркази; ФАнинг Самарқанд минтақавий бўлими; «Алгоритм-инжиниеринг» илмий тадқиқот институти) бутунлай тутатилди ва 12 та илмий муассаса (институт) ўрнига 4 та институт ташкил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон ФА таркибидаги Математика ва информацион технологиялар институти Ўзбекистон миллий университети хузуридаги Математика институтига айлантирилди ҳамда Сув муаммолари институти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги САНИИРИ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан қўшилди ва унинг асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти хузурида Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти ташкил қилинди.

2012 йил 17 февраль – Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шарти» мавзуида ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 48 та давлатидан келган таълим тизими раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Осиё тараққиёт банки президенти Харуҳико Хурода қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

2012 йил 27 февраль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури түғрисида Қарори қабул қилинди.

2012 йил 17–18 март – Ўзбекистонда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

2012 йил 22 март – Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврӯз байрамига бағишлиланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва табрик сўзи қилди.

2012 йил 27–29 март – Тошкент шаҳридаги «Кўргазма савдо маркази»да ҳалқаро саноат форуми ўтказилди.

2012 йил 17–19 апрель – Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ»да 8-ҳалқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтди.

2012 йил 5–6 май – «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида «Асрлар садоси – 2012» анъянавий маданият фестивали ўтказилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. *Каримов И.* Асарлар. 1–19-т. – Т.: «Узбекистон», 1996–2011.
2. *Каримов И.* Узбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: «Узбекистон», 1995.
3. *Каримов И.* Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Узбекистон», 1997.
4. *Каримов И.* Узбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Узбекистон», 1998.
5. *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998.
6. *Каримов И.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
7. *Каримов И.* Узбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Узбекистон», 2011.
8. Алимова Д., Каримов Р., Оқилов К., Ражабов К., Алимов И., Маврулов А. Узбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 10-синф ўкувчилари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 2000–2002.
9. Алимова Д., Каримов Р., Ақилов К., Раджабов К., Алимов И., Маврулов А. История Узбекистана (1917–1991 гг.). Учебник для учащихся 10 классов. – Т.: «Шарқ», 2002–2005.
10. Alimova D.A., Karimov R.H., Oqilov K.O., Rajabov Q.K., Alimov I.A., Mavrulov A.A. O'zbekiston tarixi (1917–1991-yillar). 10-sinf o'quvchilari uchun darslik. 5-nashri. – Т.: «Sharq», 2006.
11. Алкин И. Средняя Азия. Экономико-географический очерк Каракалпакстана, Киргизстана, Таджикистана, Туркменистана и Узбекистана. Часть I. (Выпуск VIII). – М.: Издание научно-исследовательской ассоциации по изучению национальных и колониальных проблем, 1931.
12. Архипов Н.Б. Среднеазиатские республики. Москва-Ленинград: Госиздат, 1930.

13. Ахмедов Б. Ватан тарихидан ҳикоялар. 5-синф ўкувчилари учун дарслер. – Т.: «Чўлпон», 2002.
14. Бобобеков X., Каримов Ш., Содиқов М., Усмонов К., Холбоев С., Шамсутдинов Р. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. – Т.: «Шарқ», 2000.
15. Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хоз. год. Ташкент: Издание Среднеазиатского отделения Российской Восточной торговой палаты, 1926.
16. Второй съезд Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов Узбекской Советской Социалистической Республики. Стенографический отчет. Самарканд: Издание ЦИК Советов УзССР, 1927.
17. Доклад Центрального Комитета Коммунистической партии (б) Узбекистана. Ко второму Всеузбекскому съезду КП(б) Узбекистана (Ноябрь 1926). Самарканд, 1926.
18. Жаҳон мамлакатлари. Қисқа маълумотнома. Тузувчилар: Ш.Эргашев, Т. Бобоматов ва б. – Т.: «Шарқ», 2006.
19. История Узбекистана (Учебное пособие для студентов неисторических специальностей). – Т.: «Университет», 2002.
20. История государственности Узбекистана. В трёх томах. Т. I. Вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III век нашей эры. Ответственные редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова. – Т.: «Узбекистан», 2009.
21. Ксенофонтов Ф. Узбекистан и Туркменистан. – Москва-Ленинград: Госиздат, 1925.
22. Материалы по районированию Туркестана. Выпуск I-ый. Сборник статей по районированию Туркестана. Под редакцией Председателя Комиссии районирования при Госплане ТЭС Д.П. Красновского. – Т.: Издание ТЭС, 1922.
23. Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-й. Проект административно-хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии районирования Д.П. Красновского. – Т.: Издание ТЭС, 1924.
24. Материалы статистико-экономического обследования сельского хозяйства Зерафшанской области 1926 г. Групповые итоги (по волостям). Старая Бухара, 1926.
25. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск 1. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Издание ЦКР Уз., 1926.

26. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Список населенных пунктов. Книга I. Самарканд: Издание ЦКР Уз, 1926.
27. Материалы по районированию Ташкентского округа УзССР. Выпуск 1. Список населенных пунктов. Ташкент: Издание ТОКР, 1926.
28. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть I. Бухара. Ташкент: Издание Комиссии по районированию Средней Азии, 1926.
29. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 2. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2. Хорезм. Ташкент: Издание Комиссии по районированию Средней Азии, 1926.
30. Материалы и документы I съезда Компартии Туркестана. Под ред. Алексеенкова П. Ташкент: Средазпартиздат, 1934.
31. Муртазаева Р., Эшов Б., Жолдасов Б., Тожиева М., Ҳайдаров М., Полвонов Н., Ражабов Қ., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. Маърузалар матни. – Т.: 2000.
32. Muhammadjonov A. O'zbekiston tarixi (IV–XVI asrning boshlari). 7-sinf uchun darslik. – Т.: «Sharq», 2009.
33. Очерки по истории государственности Узбекистана. Ответственные редакторы: Д. Алимова, Э. Ртвеладзе. – Т.: «Шарқ», 2001.
34. Первый Всеузбекский съезд Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов Узбекской Советской Социалистической Республики. Стенографический отчет. Февраль 1925 года. – Т.: Узбекгосиздат, 1925.
35. Предварительные итоги переписи населения 1926 г. По Ферганскому округу УзССР. Коканд: Издание Ферокргорисполкома, 1927.
36. I съезд интеллигенции Узбекистана. 11–13 октября 1956 года. Стенографический отчет. – Т.: Госиздат Узбекской ССР, 1957.
37. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). Университетлар ва педагогика институтлари учун ўкув қўлланма. – Т.: «Университет», 2002.
38. Ражабов Қ., Ҳасанов Ф., Шоймардонов И., Тожибосев Б. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги

даврлардан бугунги кунгача). 3-нашри. – Т.: «O'zbekiston», 2010.

39. Ражабов К., Қандов Б., Шоймардонов И., Норматов О. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: «O'zbekiston», 2011.

40. Районы УзССР в цифрах. Самарканд, 1930.

41. Сагдулаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норқулов Н. Узбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-кисм. – Т.: «Академия», 2000.

42. Сагдулаев А., Мавлонов У. Узбекистонда давлат бошқаруви тарихи (Уқув қўлланма). – Т.: «Академия», 2006.

43. Sagdullaev A., Kostetskiy V. Qadimgi dunyo tarixi. 6-sinf uchun darslik. 3-nashri. – Т.: «Yangiyo'l poligrafiya servis», 2009.

44. Средняя Азия в цифрах. – Т.: Издание Средазгосплана, 1931.

45. Среднеазиатский экономический район. Очерки по экономике Средней Азии. Под редакцией Ю.И. Пославского и Г.Н. Черданцева. Ташкент: Издание ТЭС, 1922.

46. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск I. Таджикистан. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.

47. Список населенных мест Узбекской ССР. Выпуск II. Самаркандская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.

48. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской ССР. Выпуск III. Ферганская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.

49. Список населенных мест Узбекской ССР. Выпуск IV. Ташкентская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1926.

50. Список населенных мест Узбекской ССР. Выпуск V. Кашкадарьинская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1926.

51. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск VI. Зерафшанская область и отдельный Канимехский район. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.

52. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск VII. Сурхандарьинская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.

53. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск VIII. Хорезмская область. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1925.
54. Список населенных пунктов Узбекской ССР 1928 года. Часть IV. Округ Самарканд. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1929.
55. Список населенных пунктов Узбекской ССР 1928 года. Часть V. Округ Ташкент. Самарканд: Издание ЦСУ УзССР, 1929.
56. Статистический справочник по Самаркандской области. Под редакцией К.И. Игнатьева. Самарканд: Издание Самаркандского областного исполнительного комитета, 1924.
57. Тарихий манбашунослик. Бакалаврлар учун ўкув кўлланма. – Т.: «Фан», 2006.
58. *Tillaboyev S., Zamonov A.* O‘zbekiston tarixi (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari). 9-sinf uchun darslik. – Т.: «Sharq», 2010.
59. *Тиллабоев С., Замонов А.* История Узбекистана (вторая половина XIX – начало XX вв.). Учебник для 9-класса. – Т.: «Sharq», 2010.
60. *Тюриков В., Шогуломов Р.* Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Унтилмас воқеалар ва саналар (1991–1996). – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
61. *Тюриков В., Шогуломов Р.* Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Унтилмас воқеалар ва саналар. Иккинчи китоб. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
62. *Тюриков В., Шагулямов Р.* По пути независимости Республики Узбекистан (1991–2000). – Т.: «Издательство имени Гафура Гулямова», 2000.
63. Стенографический отчет Заседаний 4-Пленума Туркестанского Центрального Исполнительного Комитета Советов. Ташкент: Типография ГПУ Туркеспублики, 1922.
64. *Усмонов К., Содиқов М.* Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Касб-хунар колледжлари 1-курс ўкувчилари учун дарслік. – Т.: «Шарқ», 2002.
65. *Usmonov Q., Sodiqov M.* O‘zbekiston tarixi (1917–1991-yillar). Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari 1-bosqich o‘quvchilari uchun darslik. 3-nashri. – Т.: «Sharq», 2006.

66. *Usmonov Q., Jo'rayev U., Norqulov N.* O'zbekiston tarixi (XVI – XIX asrning birinchi yarmi). 8-sinf uchun o'quv qo'llanma. 2-nashri. – T.: «O'qituvchi», 2010.
67. *Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев У.* Ватан тарихи (XVI – XX asr boishlari). Иккинчи китоб. – T.: «Шарқ», 2003.
68. *Шамсутдинов Р., Каримов Ш.* Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). Тарабалар учун ўқув-методик кўлланма. Андижон: «Андижон» нашриёти, 2004.
69. *Шамсутдинов Р., Муминов Х.* Ўзбекистон тарихи (Университетнинг нотарих факультетлари 1-bosqich bakalavrniyat va bitiruvchilari учун Ўзбекистон тарихидан ўқув-методик, ёрдамчи материал). Андижон: «Andijon nashriyot-matbaa», 2011.
70. *Shamsutdinov R., Karimov Sh.* Vatan tarixi. 1-kitob. 2-nashri (Talabalar uchun o'quv qo'llanma). – T.: «Sharq», 2010.
71. *Shamsutdinov R., Karimov Sh., Ubaydullayev O'.* Vatan tarixi (XVI – XX asr boshlari). 2-kitob. 2-nashri (Talabalar uchun o'quv qo'llanma). – T.: «Sharq», 2010.
72. *Shamsutdinov R., Karimov Sh.* Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). 3-kitob. 2-nashri (Talabalar uchun o'quv qo'llanma). – T.: «Sharq», 2010.
73. *Хидоятов Г.А., Костецкий В.А.* История Узбекистана (вторая половина XIX – начало XX в.). Учебное пособие для 9-класса. – T.: «Узинкомцентр», 2003.
74. *Xolmatov N.O', Bodirov A.J., Sultonov E.M.* Qadimgi dunyo va O'zbekiston tarixidan yangi darsliklar asosida mavzulashtirilgan testlar to'plami (Uslubiy qo'llanma). Samarqand, 2011.
75. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул мухаррирлар: Д. Алимова, Э. Ртвеладзе. – T.: «Шарқ», 2001.
76. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1–12-т. – T.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000–2006.
77. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. – T.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
78. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-

нинг 11-сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган). – Т.: «O'zbekiston», 2009.

79. Ўзбекистон Республикасининг мустакиллик солномаси (1991–2011). Тузувчилар: К. Ражабов, Ф. Ҳасанов, Б. Қандов. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011.

80. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши (1996 йил 1 январь кунигача бўлган маълумотлар). – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

81. Ўзбекистон тарихи (олий ўкув юртларининг номутахассислик факультетлари талабалари учун дарслик). Р. Муртазаева таҳрири остида. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.

82. O'zbekiston tarixi (Oliy o'quv yurtlarining nomutaxassislik fakultetlari talabalari uchun darslik). R.H. Murtazayeva taҳriri ostida. Toshkent, 2005.

83. Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тузувчилар: К. Ражабов, Ф. Ҳасанов, И. Шоймардонов, И. Меликулова, Г. Хўжаева, Ҳ. Алимуҳамедова, И. Каримов. – Т.: «Шарқ», 2006.

84. O'zbekiston tarixi solnomasi. Tuzuvchi mualliflar: Q. Rajabov, F. Hasanov. – Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2007.

85. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: «Шарқ», 2000.

86. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Т.: «Шарқ», 2000.

87. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 2000.

88. Қорақалпоғистоннинг янги тарихи. Қорақалпоғистон XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI асрга қадар (қорақалпок тилида). Нукус: «Қарақалпақстан», 2003.

89. Hidoyatov G.A., Kostetskiy V.A. O'zbekiston tarixi (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari). 9-sinf uchun darslik. – Т.: «O'zinkomsentr», 2002.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ибтидоий жамоа тузуми	9
Ўзбекистон ҳудуди тош даврида.....	14
Бронза (жез) даври	17
Темир даври	20
Турондаги дастлабки давлатлар.....	22
Туркестон илк ўрта асрлар даврида(V–VIII асрлар).....	44
Мовароуннахр ривожланган ўрта асрлар даврида (IX–XV асрлар).....	58
Ўзбек хонликлари даври (XVI–XIX асрлар)	105
Туркестон Россия империяси таркибида (1867–1917 йиллар).....	130
Ўзбекистон ССР совет ҳокимияти даврида (1917–1991 йиллар).....	145
Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида (1991–2012 йиллар).....	275
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	440

Илмий-оммабоп нашр

*Қаҳрамон РАЖАБОВ, Баҳодир ҚАНДОВ,
Ибодулла ШОЙМАРДОНОВ*

**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИННИГ
МУҲИМ САНАЛАРИ**

(ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА)

Тўлдирилган ва қайта ишиланган бешинчи нашр

Мухаррир	<i>A. Зиядов</i>
Бадиий мухаррир	<i>K. Зокирова</i>
Техник мухаррир	<i>T. Харитонова</i>
Матн терувчи	<i>C. Ражабова</i>
Мусаххих	<i>C. Салоҳутдинова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>K. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.09.
Босишига руҳсат этилди 03.04.2012. Бичими $84 \times 108^{1/32}$.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли б. т. 23,52. Нашр т. 21,10.
Нусхаси 5000. Буюртма № 11-94.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-551-7

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-01-551-7.

9 789943 015517